

ISSN 2181-8738

# ВОДИЙНОМА

ИЮЛЬ-СЕНТЯБРЬ  
2018 ЙИЛ  
№3 (10)



## МУНДАРИЖА

### «ВОДИЙНОМА»

(Тарихий мерос)

Ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабop журнал  
2018 йил №3 (10)

**Муассис:** «Мерос» халқаро илмий-амалий  
экспедиция жамоат фонди

**Хамкорларимиз:** Андижон вилоят ҳоқимлиги,  
Андижон давлат университети

**Бош муҳаррир:**  
Рустамбек Шамсутдинов

**Бош муҳаррир уринбосари:**  
Абдулла Шаропов

#### Таҳрир ҳайъати:

Абдулҳамид Анорбоев – т.ф.д.  
Азизбек Миркомиллов – Андижон вилояти  
ҳоқимияти котибияти мудири  
Ақромжон Юлдашев – б.ф.д., профессор  
Бахтиёр Расулов – т.ф.д.  
Бахтиёр Ҳасанов – т.ф.д., профессор  
Геннадий Богданович – катта ўқитувчи  
Жамшид Журазода – т.ф.д., профессор  
Мамбет Койгелдиев – т.ф.д., академик  
Мирсодиқ Исҳоқов – т.ф.д., профессор  
Наим Каримов – ф.ф.д., академик  
Нуриддин Холиқназаров – Андижон вилояти бош  
имом-хатиби  
Ташманбет Кененсариев – т.ф.д., профессор  
Шухрат Ризаев – ф.ф.н., доцент  
Нурмонжон Гафуров – т.ф.д., профессор

#### Мусаҳҳиҳ:

Шухратбек Қаҳҳоров

#### Техник муҳаррир:

Дилшодбек Хомидов

Андижон вилояти Матбуот ва ахборот  
бошқармаси томонидан 2016 йил 18 майда  
№ 04-049 рақам билан рўйхатга олинган

**Нашр индекси:** 170112

**Нашр учун масъул:** Р.Т.Шамсутдинов

**Таҳририят манзили:** 170100, Андижон шаҳри  
Университет кучаси 129-уй.

**Телефон:** (99890) 253-26-32

**Факс:** (99874) 223-83-52.

**Почта:** vodiynoma@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> Босма тобоғи: 13.5

Офсет босма. Офсет қоғози.

Адади: 1 000 дона.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Чоп этилган мақолаларда билдирилган  
фикр-мулоҳазалар таҳририят нуқтаи назарига  
мос келмаслиги мумкин. Келтирилган факт ва  
рақамларнинг аниқ ва ҳолислиги учун муаллиф  
жавобгар ҳисобланади.

Муқова дизайни ва оригинал макет «Akademnashr  
NNM» МЧЖ томонидан тайёрланган. «Akademnashr  
NNM» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри Чилонзор тумани  
20<sup>а</sup>-мавзе 42-уй

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 27 ЙИЛЛИГИ

«Обод қишлоқ» ва «Обод маҳалла» давлат дастурларининг  
Андижондаги ижроси ..... 2

### БОШ МУҲАРРИР МИНБАРИ

Озарбайжон диёрида Чулпон меросини излаб ..... 5

### БУЮК ТАРИХИЙ ШАХСЛАР

#### Акмал Саидов, Люсьен Керен

Амир Темур ўзбек ва француз олимлари нигоҳида ..... 19

### БУЮК БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ ВА УНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ

#### Р.Р.Шамсутдинов

Ҳумоюн – тахт вориси ва Бобурийлар салтанатининг халоскори ..... 27

#### О.Олимжонов

Бобурийлар салтанати солиқ сиёсати ..... 39

### РОССИЯ ИМПЕРИЯСИ ВА СОВЕТ МУСТАМЛАКАЧИЛИГИ ДАВРИ

#### Н.Холиқназаров

Ҳаж ҳақида ..... 43

Андижонликларнинг ҳаж зиёратлари тарихидан. (Таҳририятдан) ..... 45

#### Сирожддин Аҳмад

Андижоннинг тараққийпарвар фидойиларини хотирлаб ..... 52

#### Р.Т.Шамсутдинов

Фозилбек Отабек ўғли ҳаётига чизгилар ..... 59

### 31 АВГУСТ – ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИНИ ЁД ЭТИШ КУНИ

Саъдуллаҳужа Турсунҳужаев ..... 62

Журналист, драматург Расулжон Раҳимов ..... 70

Шоир Восит Саъдулла ва унинг маслақдошлари ..... 75

### ЭСДАЛИКЛАР, РИВОЯТЛАР ВА ЁЗИШМАЛАР

#### Аҳмадхон Ҳужаонов

Ўчмас у кунлар шухрати ..... 88

### ТАНҚИД ВА ТАҚРИЗ

#### Очил Буриев

Француз темуршунослигининг яловбардори илмий мероси

ҳақида мумтоз битик ..... 92

#### Поён Равшанов

Иккинчи жаҳон уруши даври ўзбек ҳарбий матбуоти ..... 96

### АБДУЛҲАМИД ЧЎЛПОН ТАВАЛЛУДИНИНГ 120 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

#### Б.В.Ҳасанов

Буюк аждодимизга муносиб эҳтиром ..... 105

# «ОБОД ҚИШЛОҚ» ВА «ОБОД МАҲАЛЛА»

## ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИНИНГ АНДИЖОНДАГИ ИЖРОСИ

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистонимиз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёнлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақилликнинг кадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр биз учун ғоят муҳим бир ҳақиқатни такрор ва такрор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутаяди.

«Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қароридан.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2018 йил 19 – 20 май кунлари Андижон вилоятига ташрифи бу қадимий ва ҳамиша навқирон юрт ҳаётида унутилмас воқеа бўлди. «Обод қишлоқ» лойиҳаси Манасдан бошлангани бежиз эмаслигини таъкидлаб, бу ерда олижаноб халқ яшайди, жуда катта меҳнаткаш халқ бор деб айтди Президент. «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларига жуда катта тайёргарлик, инфра-тузилма кераклигини, мана шу бир йил ичида «Обод қишлоқ» дастури бўйича 4,5 триллион, «Обод маҳалла» дастури бўйича 3 триллион топиш зарурлигини, бу эса жуда огир масала эканлигини қайд қилди. Бу масалани чуқур, пухта ўрганиб, пулларни топиб, одамларнинг

дунёқарашини ўзгартириш орқали аниқ натижаларга эришиш мумкинлигини алоҳида таъкидлади. Қарс икки қўлдан чиқади, одамларимиз ҳам мана шу ўзгаришларга муносиб бўлишга ҳаракат қилиб яшашлари керак, ана шунда биз натижага эришамиз деган фикри ҳам бутун республика халқи каби андижонликларни ҳам беҳад илҳомлантириб юборди. Юртбошимизнинг «**Меҳнат қилмаган жойда барака бўлмайди**» деган пурмаъно фикрлари ҳам буюк бунёдкорлик ишларининг юзага келишида қудратли туртки бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг ёрқин мисоли сифатида қисқа вақт мобайнида Андижон диёрида «Обод маҳалла», «Обод қишлоқ» дастурлари жуда кўтаринки руҳда бажарилаётганини кўрсатиш мумкин.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов муҳтарам Президентимиз «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» деган алоҳида дастурлар қабул қилиб, халқимизни бугунги кунда қийнаётган муаммоларини ҳал этиб, ҳаётдан рози бўлиб яшаши учун нимаики муаммоси бўлса, ечиб берасан деган вазифани олдимизга қўйгани уч миллиондан ортиқ халқимизни беҳад руҳлантириб, бунёдкорлик ишларида мислсиз ютуқларни қўлга киритишда буюк илҳомбахш куч бўлиб хизмат қилаётганини фахр билан тилга олди. Халққа қарата вилоят ҳокими: «Йўли, суви, гази, электри, уйи, магазини, ҳаммоми, мактаби, боғчаси, поликлиникаси ва ҳаммаси бўлса – бу обод қишлоқ бўлади», – деб таъкидлади.

Вилоят ҳокими қарорига асосан Андижон шаҳридаги Боғишамол даҳасидан ер майдони ажратилиб, қурилиш ишларига жадал киришилди. Шу кундан эътиборан Боғишамол қирларини йиллар давомида қамраган ўлик сукунат бағрини ёрган бунёдкорлик ва ободонликнинг қудратли тўлқини ҳаракатга келди. Юзлаб замонавий техникалар, муҳандис, қурувчи ва мутахассислар фаолияти улкан ҳашарга айланди. 35 кунда 82 та уй тўлиқ қурилиб, шай ҳолатга келтирилди. Тез кунларда яна 30 та ана шундай уй эгаларига топширилади. Кам таъминланган, эҳтиёжманд оилалар учун барпо этилаётган замонавий уйларга кишининг ҳаваси келади. Вилоят ҳокими калит ва эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатларни хонадон соҳибларига тантанали равишда топширди.



Андижон шаҳри Мустақиллик кўчасида қарийб 50 йил аввал қурилган, ҳозирда харобага айланган шундай хоналарда ноилж яшаётган аҳоли Андижон шаҳри Боғишамол даҳасида қурилган замонавий уйларга кўчиб ўтди.



Буюк қурилиш жараёнидан лавҳалар



Буюк қурилиш жараёнидан лавҳалар



Тадбирда сўзга чиққан вилоят ҳокими Шухратбек Абдурахмонов йиғилганларни бугунги байрам билан табриқлар экан, халқни рози қилиш сиёсатининг меваси сифатида қад ростлаган бу уйларда ҳамيشа тўйлар бўлишини тилади.



# ОЗАРБАЙЖОН ДИЁРИДА ЧЎЛПОН МЕРОСИНИ ИЗЛАБ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



«Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фондига Қозоғистон Республикаси Фанлар Миллий академияси академиги М.К.Қойкелдиев томонидан тақдим этилган Мустафо Чўқаевнинг 12 жилдлик тўлиқ асарлар тўпламида Ўрта Осиёда

Россия чоризмига, совет тузумига қарши миллий озодлик курашининг яловбардори, Туркистон Мухториятининг раиси, таниқли ижтимоий-сиёсий арбоб, тарихнавис олим, 1919 йилдан умрининг охиригача муҳожирликда яшаган, туркий халқлар манфаати, маданияти, фани, адабиёти жарчисига айланган инсоннинг улкан мероси ўз ифодасини топган. Туркистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Кавказорти, Бошқирдистон, Европа, Осиё тарихига оид ноёб ҳужжатлар, материаллар рус тилида кирилл алифбосида, туркий тилда араб имлосида, француз, немис тилларида битилган. Мустафо Чўқаев ташкил этган ва бош муҳаррири бўлган «Ёш Туркистон» журнали араб ёзувида, туркий тилда 1929 йил декабрдан 1939 йилгача Берлин ва Парижда нашр этилиб турган. Унинг саҳифаларида Туркистон тарихи, буюк кишилари ҳаёти ва фаолияти ҳақида янгидан-янги материаллар эълон қилиб борилган.

«Ёш Туркистон» журналининг 1-сонида Чўлпоннинг «Япроқлар» шеъри босилган.

## باش تورکستان

تورکستان ملی استقلال فکریکه خدمت ایتوچی آیلق جموعه در  
باش محرری: چوقای اوغلی مصطفی

1-сар 1-декабрь 1929

بو سانلار:

سیاسی بولم:

1 - بزنگ يول

2 - باشقارمادن

3 - تورکستانده پاخته اطرافنده کورمیش. چوقای اوغلی مصطفی

4 - چار مینستری قریبووشه بنک تورکستان

پاخته چیلکیکه نظری بر تورکستانلی

1 - ساویت روسیه «جنتیدن» آولاق. آلتای نویان

ادبی بولم: «تورکستان»

«یاپراقلار»

تورکستان خبرلهری:

قازاغستانده - تورکمنستانده - اوزبیکستانده

Берлинда нашр этилган «Ёш Туркистон» журналининг  
1929 йил 1-сон 1-саҳифаси

«Япроқлар»<sup>1</sup>

Куз чоги тупроқлар гезаруб қолдилар,  
Гезаруб қолдилар куз чоги тупроқлар.  
Сўнг дамда япроқлар қизаруб олдилар,  
Қизаруб олдилар сўнг дамда япроқлар.  
Қаргалар богларда қаглашиб қолдилар,  
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур.

Ёнгоқга ётишуб бир чангал солдилар,  
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур.  
Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,  
У кўпол товшингиз қирларда йўқ бўлсун.  
Эй меним богимда мевани терганлар,  
Қоп-қора бошингиз ерларга кўмилсун.

«Ёш Туркистон», Берлин, 1929. №1. – Б.32 – 33.

اوز بيك شاعري جوليان دهن

يا پراقله ر

كوز چاغى توپراقله ر گيزاروب قالديله ر

گيزاروب قالديله ر كوز چاغى توپراقله ر

صوڭ نمده يا پراقله ر قزاروب الديله ر

قزاروب الديله ر صوڭ نمده يا پراقله ر

قارغاله ر باغله رده قاغلاشب قالديله ر

بلمه دم كمله رنك قسمنى اوزولور

ياڭغاقعه ياشوب بر چىنگىل سالديله ر

بلمه دم كمله رنك اميدى يوق بولور

اى ساووق ابلله رده ن موز كييب كىلگه نله ر

او قوپال تاوشىز قرله رده يوق بولسون

اى مينم باغمده ميوه نى تيرگه نله ر

قاپ قارا باشىز بيرله رگه كومسون

«ياش توركىستان»، به رلىن، 1929، №1، 32-33 ب.

Чўлпоннинг «Япроқлар» шеъри

– Бу ҳам Мустафо Чўқаевнинг Чўлпонга муносабати, унга бўлган ҳурмат ва эҳтиромидан далолатдир. Ахир Мустафо Чўқаев Туркистон-далигида, Андижонга келган кезларда Чўлпон билан кўришган, Туркистон Мухториятини ташкил этишда ҳамкорлик қилган ва Туркистон Мухториятини шеъриятда мадҳ этган Чўлпонни қалбан ҳурмат қилган.

«Ёш Туркистон» журнали 1929 – 1939 йиллар мобайнида аввал Берлинда, сўнгра Парижда туркий тилда, араб имлосида нашр этилиб турган. Журнал ўз саҳифаларида Қўқон хонлигида 1875 – 1876 йиллардаги миллий озодлик кураши, Туркистондаги 1916 йилги қўзғолон, 1917 йил февраль инқилоби даврида юз берган тарихий жараёнлар каби мавзуларда мақолалар бериб борган. Журнал ўз даврида ватандан бош олиб чиқиб кетган юртдошларимизнинг ҳаётидаги энг нуфузли, ўқимишли, долзарб масалаларни саҳифаларида кўтариб чиққан нашр ҳисобланган. Буни журналнинг тарқалган географиясидан яққол билиш мумкин. Журнал Америкага 5 нусха, Англияга 5 нусха, Арабистонга 25 нусха, Афғонистонга 25 нусха, Болгарияга 10 нусха, Венгрияга 5 нусха, Германияга 75 нусха, Мисрга 10 нусха, Ҳиндистонга 25 нусха, Ироққа 5 нусха, Хитойга 25 нусха, Эронга 75 нусха, Польшага 30 нусха, Руминияга 25 нусха, Сурияга 10 нусха, Туркияга 250 нусха, Финляндияга 20 нусха, Чехословакияга 5 нусха, Швейцарияга 5 нусха, Россияга 15 нусха, Тифлисга 2 нусха, Бокуга 3 нусха, Туркистонга 150 нусха етиб борган, тарқатилганларнинг ҳаммаси 885 нусхани ташкил этган. Журналнинг бошқа сонларида ҳам Чўлпон ижодидан кўплаб намуналар келтирилган.

Тўпламда Мустафо Чўқаевнинг «БЕЛЫЙ-КРАСНЫЙ» номли машинкада босилган мақоласи келтирилган. Бу мақола «Ёш Туркистон» журналининг 1931 йил 15-сонида эълон қилинган.

Мустафо Чўқаев ўз мақоласида Тошкентдаги газеталарда берилган иккита кичик фактни келтириб, уларни шарҳлаган.

Биринчи факт: Фаргона фабрикасида икки рус ишчиси ўзбек тилини ўқитишга

<sup>1</sup>Чўлпон Абдулҳамид Сулаймон ўғли. Асарлар. IV жилдлик. I жилдида бу шеър «Хазон» номи билан 1923 йили ёзилганлиги қайд этилган.



қарши чиққан, чунки «икки-уч йил ўтиб ҳеч қандай ўзбек тили бу ерда – Туркистонда бўлмайди».

Иккинчи факт: Тошкентдаги ишчилар политехникуми комсомол ячейкаси аъзоларидан Юсуф ўгли пахта кампанияси тўғрисидаги мунозарада: «Бизнинг пахта билан шугулланишимизга ҳожат йўқ. Ҳозирча Туркистонга руслар келмоқда экан, ҳеч қандай социализмни қуриб бўлмайди», – деган.

Мустафо Чўқаев бу рус ишчиси ва туркистонлик комсомол аъзосининг эътиқоди совет миллий сиёсатини асосламоқчи бўлганини айтиб, «Ҳар қандай миллий сиёсатнинг асосини миллий тил ташкил этади, эски Россия тилимизнинг ривожланишига имкон бермади, миллий матбуотга эга бўлмадик, Тошкент ўқитувчилар семинариядан ташқари рус-тузем мактабларида бизнинг тилимиз ўрганилмади, семинария мусулмон оламининг душмани миссионер Остроумов раҳбарлигида эди. Мамлакатнинг бутун бошқаруви ярим саводли таржимонларга асосланган. Оқибатда ярим юз йиллик даврда бизда ҳеч қандай маданий прогресс бўлгани йўқ. Аксинча, давр талабидан қаралса, бизнинг мамлакатимиз ҳатто орқага қайтди», – дейди.

Большевиклар Туркистонни эгаллашнинг янги даврини бошлаб беришди. Улар аввал Туркистон ҳуқуқи тўғрисида, Россиядан ажралиш тўғрисида гапиришган.

Мустафо Чўқаев ҳар икки империя даврида Туркистондаги миллий масала ҳал этилмаганлигини асослаб шундай дейди:

«Советларнинг «шаклан миллий, мазмунан пролетар» маданияти московча тушунишга тўғри келмай қолган. Бизнинг Аҳмад Бойтурсун ва Чўлпон, мисол учун, миллий адабиётимизнинг энг яхши вакиллари ҳисобланади. Уларнинг асарларида биз бой ва кўркемлиликни, ботиний Россия зулми остида яширинча тилимизнинг ўлиб бораётганини кўраемиз. Эндиликда Аҳмад ва Чўлпонлар қани? Нега улар сукутликка маҳкум этилди? Нима учун Пушкин, Тургенев ва Толстойларсиз большевиклар рус адабиёти ва маданияти

бўйича совет мактабларига дарсликлар чиқармаяптилар?»<sup>2</sup>

Нима учун бизнинг халқ ўзларининг Аҳмад ва Чўлпонларини ўқиш имконига эга эмас? Чунки буни Москва социализми талаб этмоқда. Чунки буни совет интернационализи хоҳламоқда.

Пушкин ва Тургенев гарчанд дворян ва «капиталистлар» бўлсалар-да, рус пролетариати учун «муқаддас» ҳисобланади, чунки улар руслардир. Мана, Чўлпон ва Аҳмадларни туркистонликларнинг душмани қилиб кўрсатмоқдалар. Чунки Чўлпон ва Аҳмад туркистонликдир.

Мана шуни совет мактабларидаги ёш туркистонлик ўқувчилар тушуниб етмоқда».<sup>3</sup>

«Ёш Туркистон»нинг 1931 йил 20-сонида Чўқай ўгли Мустафо имзоси билан «Туркистон миллий адабиёти ҳақида француз мажмуаси нима дейди?» номли мақола эълон қилинган. Мақола араб ёзувида бўлганлиги туфайли уни ҳозирги имлода келтираемиз:

«Янги ва Париснинг (Париж) энг буюк мажмуалари қаторинда ўзига атоқли бир ўрун қозонган «Муо» (Le Mois) мажмуаси 1 июнда чиққан 5-нчи номерунда «Туркистон адабиётинда шеър» ҳақида яхшигина ёзилган бир мақола чиқарди.

Биз оврупалиларнинг мамлакатимиз ила ёқимли муомаласига анча ўрганган эмасмиз. Оврупа матбуотинда Туркистон ҳақида ёзилган мақолаларни кўпгина учратиш мумкин-дир. Бу мақолалар мамлакатимиздаги сиёсий курашларга тейишлидирлар ва нақадар муҳим бўлб кўрунсалар-да, доимий суратда мароқни мужиб бўла олмайди. Бугун мароқли бўлган бир сиёсий кураш ажнабийлар учун эртага аҳамиятдан туша оладир ва ёхуд бутунлай унутила билди. Иккинчи ёқдан, Россия больше-

<sup>2</sup> 1927 – 1930 йилларда советларнинг куч ишлатиш органлари Чўлпон ва бошқа таниқли зиёли шоир ва ёзувчиларни бадном қилиш. уларни пантуркчи, миллатчи, совет тузумининг душмани каби айбловлар билан таъкиб остига олаётганлигидан Чўлпоннинг баракали ижоди учун ҳам кўплаб тўсиқлар юзага келган эди. Ҳатто касбдошларининг айримлари ҳам Чўлпонни танқид қилганлар. Фақат 27 ёшли Ойбек Чўлпонга садоқатли бўлган, уни ўзбек шеъринининг Ўзбекистондаги «Пушкин»и деб баҳолаган.

<sup>3</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жынағы. V том. – Алматы: Дайк-Пресс. 2017. – Б.128.



визмининг ва оврупачилигининг ҳозирги муқовамати (қарама-қаршилиги – Р.Ш.) шароити остинда Туркистонда (ва ё совет ҳокимияти остиндаги ўлкаларнинг бошқа бир еринда) бўлуб турган воқеалар учинчи бир давлатнинг манфаатлари нуқтаи назаринда текширила билир ва қисман-да текширилмақдадир.

Туркистондаги сиёсий мужодала биз учун мароқлидир. Биз у сиёсий курашда миллий қуртулушимизнинг раҳинини кўраимиз. Биз халқимизнинг гаддор душманларига қаршу юрутмақда бўлган сўнмаз мужодаласи натижасинда юртимизнинг ҳуррият ва истиқлолиятини урушуб олишга инонамаз.

Ҳирс (қаттиқ, кучли, фидокорона қизиқиш – Р.Ш.) масаласи эса бутунлай бошқачадир: ҳирс ўлмайдирган ва ўзини илал-абад эслата турган бир нарсадир. Бир миллат ўз ҳирси ила душманини ўлдиролмас ҳам, бу ҳирси соясинда душманга бир қўрқув бера оладир ва ўзига бошқа халқларнинг ҳурматларини жалб этадир.

Халқимизнинг қуруқ бир инсон тузиндан иборат эмас-да, ҳирси бир жамият эканлигини ва у халқимизнинг қилмоқда бўлган мужодаласи ёлғиз «қуёш остинда бир жуғрофий ўрун» олмоқ учунгина эмас, айни замонда, ўзининг ҳирси яшайиши учун эканлигини бутун оламга ва, билхосса, Оврупага кўрсатмақ – мана бу бизнинг энг муҳим сиёсий вазифаларимиздан биридир.

Шу нуқтаи назардан, «Туркистон адабиётинда шеър» мақоласининг Парис (Париж) буюк мажмуалариндан бириси бетларинда юзага чиқиши биз учун ортиқ даражада қувонарлиқ бир ҳодисадир. Парис дунёнинг ҳирс пойтахти саналадир. Бу ҳол мазкур мақоланинг аҳамиятини яна бир топқир орттирадир. Эмди мақоланинг ўзига келайлик.

Мақола Туркистон классик адабиётининг 18 нчи асрда заволга учраганини эслатмақ ила бошлайдир. Унга кўра, Туркистонда адабиётнинг гулланмаси 19 нчи асрнинг иккинчи яриминдангина бошланадир. Туркистон халқининг маосир (замонавий – Р.Ш.) маданиятини қабули йўлинда чолишадирган огимнинг бошинда турувчи шоирлар етушадирлар. Ма-

қола бу огимнинг шоирлари қаторида «Ҳожа Сиддиқий»ни ва бунинг шоғирди «Ҳакимзода»ни атайдир. Локин Ҳакимзода сўнградан миллий йўлдан бурулуб кетадир ва Русия большевиклари томонидан тузулган «худосизлар жамияти»нинг бошига қўнуб оладир. Туркистон турклари бу эл шоирининг миллий ишларга қилган хиёнатини сингдира олмайдириллар, уни ўлдирадирлар.

Инқилоб ила баробар Туркистон учун янги уфқлар очиладир. Адабиёт ортигроқ гулланмақка бошлайдир: тиётрулар, мактаблар ва матбуот вужудга келади. Халқда уянган миллий тушунча коммунистликнинг ёйилишига тўсуқ бўлади. Янги шоирлар соғлом ҳирсли миллий руҳ ила тўлган янги шеърнинг биносини қурадириллар. Бу янги шоирларнинг энг атоқлилари, мақолага кўра, Абдурауф Фитрат, Боту, Элбек ва Чўлпондир. Энг қобилиятли (таланти) ва янги наслда энг кўп таъсир қолдирган шоир деб, билхосса, Фитрат ила Чўлпон олга сурулмақдадир.

Чўлпон ҳақинда, азжумла, шундай ёзилган: «...Чўлпон ёлғиз турк оламинда эмас, Оврупада ҳам машҳур бир шоирдир. Унинг шеърлари ва тили Туркистон туркларининг классик адабиётини эслатадир. Чўлпоннинг бутун шеър ва шарқилари (қўшиқлари – Р.Ш.) ўлкада бутун халқ тарафиндан сўйланадир. Унинг пьеслари (тиётру парчалари) турк тиётрусининг қаршусига янги уфқлар очадирлар».

Мақола тубанда кўчурилган сатрлар билан батадир:

«... Туркистон шеърининг гулланмаси миллий туйғунинг уйғониши ила боғланган. Большевиклар бу ҳаракатни сўндурмақка тиришадирлар. Локин халқнинг яшамоқ қобилияти борган сари маҳкамланмақдадир. Туркистон ёлғиз миллий истиқлоли учунгина эмас, айни замонда, ўзининг ҳирсча янгилашмаси учунда курашмақдадир».

Биз бугун Москва большевизмининг бутун огули ўқларига ҳадаф бўлган Туркистон адабиёти ҳақинда мароқли бир мақоланинг Оврупа матбуотинда юзага чиқуви факти ва Париснинг атоқли бир мажмуаси томонидан миллий мужодаламизга тўғри бир қиймат бе-



рилуви юзундан қувонишимизни билдирмай тура олмаймиз.

Тўғри, Туркистон анжақ (фақат – Р.Ш.) ўз сиёсий истиқлоли учунгина эмас, айнаи замонда, ўз миллий турк ҳирси учун-да курашмақдир.

Чўқай ўгли Мустафо

«Ёш Туркистон». Берлин, 1931. №20. – Б.23 – 26».<sup>4</sup>

Она Туркистоннинг мустақил республика бўлиши учун курашган жадидлардан бири Обиджон Маҳмудов эди. У 1917 йил февраль инқилобидан сўнг Қўқон шаҳар Думасига ўтказилган сайловда Думага сайлангач, унинг раис ўринбосари бўлган. 1917 йил ноябрда ташкил этилган Туркистон мухтор ҳукуматида озиқ-овқат вазири лавозимида фаолият кўрсатган, мухторият қонга белангач, Москвага бориб РСФСР Миллатлар ишлари халқ комиссарлиги қошидаги Туркистон ваколатхонасида матбуот бўлимини бошқарган. 1921 йили Тошкентга қайтиб, дастлаб Туркистон МИҚда ишлаган, кейин Фаргона водийсида «Миллий иттиҳод» ташкилотининг бўлимини тузган ва советларга қарши кураш олиб борган. 1920 йил сентябрда Бокуда бўлиб ўтган Шарқ халқлари 1-съездида фаол қатнашган. Съезд делегатлари рўйхатида 116-рақам билан қайд этилган Обиджон Маҳмудовнинг анкета маълумотлари келтирилган. Туркистон Мухторияти ҳукумати таркибида озиқ-овқат вазири сифатида бу ҳукуматнинг раиси Мустафо Чўқайев билан яхши муносабатда бўлган. 49 ёшдаги Обиджон Маҳмудов эндигина 22 ёшни қоралаган Абдулҳамид Чўлпон билан ҳам яхши муносабатда эди. Съезд кунлари улар бир қанча суҳбатлар қуришган. Съезд кинохроникасида уларнинг биргаликдаги сиймолари акс эттирилган. Мустафо Чўқай эса Тифлисида туриб Бокудаги съездни кузатган ва съезд ҳақида, съездга борган вакиллар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этиб борган.

Истиқлол курашчиси, муҳожирлик машаққатларига қарамай, Ватани, ватандошлари ҳақида тинимсиз ахборот олиб, юртига ман-

фаатли ахборот ва хабарларни мунтазам юбориб турган. Бу ўринда Туркистоннинг таниқли жадид арбобларидан бири Обиджон Маҳмудовнинг 1936 йил 21 ноябрда оғир хасталиқдан вафот этганлиги муносабати билан ёзган таъзиясини айнан келтирамиз:

## АБИДЖАН МАХМУД

Нам сообщают о смерти в Ташкенте **Абиджана Махмуда**. Глубокой болью отзовется весть эта в сердце каждого туркестанца, знавшего Абиджана. А знали его почти все. Кокандец Абиджан был известен всему Туркестану и популярность его особенно выросла после революции 1917 года.

Лично я с ним познакомился близко во время I съезда Общественных революционных организаций Туркестана в начале апреля 1917 года. Он приехал как делегат из Коканда. Чрезвычайно удачные выступления и активность в работах комиссий выдвинули Абиджана в первые ряды наших деятелей. И с тех пор Абиджана стали выбирать во все наши областные (в Фергане) и краевые съезды. Его хорошо знали и высоко ценили в деловых кругах Коканда. Не надо забывать, что Коканд был столицей туркестанского хлопководства и считался самым богатым и торговым городом во всей Средней Азии. Крупнейшие русские торгово-промышленные фирмы и банки имели в Коканде свои отделения. Поэтому уважение деловых кругов здесь не давалось так легко и просто. К тому же Абиджан вовсе не был оратором. Его ценили, главным образом, за его большую практичность, деловитость, умение находить быстро решение. Чрезвычайно высоко ценили и уважали Абиджана наши кокандцы. Данное ему прозвище «чатак» («запутывающий, усложняющий») вовсе не соответствовало его характеру. Он не только не был «чатак», а как раз наоборот – всегда стремился распутывать все недоразумения. Но несколько хрипловатый, сдавленный, горловой голос его производил впечатление спора, когда он горячо беседовал с кем-нибудь. Вот почему его и прозвали «чатак».

<sup>4</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларынын толық жынағы. V том. – Алматы: Дайк-Пресс. 2017. – Б.320.



Абиджан был избран председателем Кокандской городской думы, и здесь его деятельность была наиболее плодотворна. Он вел борьбу за уравнивание Старого Коканда с Новым во всем, что касается улучшения города. Помню его беседу, в моем присутствии, с кокандским городским головой Гурвичем (соц[иал]-революционер). Они были издавна близки между собой. Речь зашла о мощении нескольких улиц и уличном освещении в новом Коканде. Абиджан остановил городского голову и сказал, что вопрос надо поставить о Коканде вообще и что, ввиду чрезвычайно малого количества уличных фонарей и мощеных улиц в старой части города, надо прежде всего позаботиться о Старом Городе. «Мы с Вами старые друзья, – говорил Абиджан Гурвичу, – но если мы начнем спорить о подобных вещах, станем противниками, и притом серьезными противниками. Всякого рода улучшения должны начаться теперь со Старого города...»

Гурвич знал упорство Абиджана. «Ведь он недаром прозван «чатак», – смеясь, говорил мне Гурвич, – спорить с ним трудно, ибо сбить его с раз занятой позиции нет никакой возможности».

Таков именно был на самом деле Абиджан.

Его не любили в кругах русских рабочих и в особенности солдат, и понятно, ибо Абиджан стоял поперек на их пути к безраздельному господству над нашим народом.

Особенную активность проявил Абиджан в дни после захвата большевиками власти. Он был одним из инициаторов немедленного созыва краевого национального съезда с целью «всем народом решить вопрос о нашем отношении к новой революции». Все наши собрания в Коканде происходили у него дома. Мы там дневали и ночевали. Сам он принимал всегда самое горячее участие в наших беседах и давал чрезвычайно ценные советы. Он был в президиуме Национального Съезда, провозгласившего Автономию Туркестана. Был потом избран во Временный Национальный Совет и в Правительство в качестве министра продовольствия.

В дни вооруженной борьбы с большевиками Абиджана не было в Коканде: командированный Правительством Автономного Туркестана на Северный Кавказ для закупки пшеницы, Абиджан застрял в Бухаре. Там он сидел не зря. Абиджан вел переговоры с бухарцами насчет координации наших общих действий, но встретил с их стороны совершенное непонимание создавшегося положения. Эмир Мир-Алим-Хан и его сановники осуждали нашу попытку вести самостоятельную от России туркестанскую политику, и сами они никак не хотели расстаться с Россией и ее покровительством.

С тех пор, с отъезда Абиджана на Северный Кавказ, то есть с начала января 1918 года, я уже не виделся с ним. Издали я следил за его деятельностью. Многократно его арестовывали. Но был момент – 1921 – 1923 годы – когда большевики вынуждены были прекратить преследование оставшихся в стране наших деятелей. Абиджан вновь начал проявлять кипучую деятельность. Это он, в числе немногих туркестанцев, говорил открыто Туркестанской Комиссии ЦИК о большевистских безобразиях и указывал на необходимость коренного изменения всей советской политики в нашей стране. Он, как и Мунаввар-Кары, мог легко уехать из Туркестана, но предпочел остаться там...


Он, как и немногие оставшиеся еще в живых, как муфти Садреддин, а также, как мы надеемся, еще здравствующий Насыр-хан тюркя, горячо и свято верил в успех нашего национального дела. И они, эти люди, не только верили, но и распространяли веру эту вокруг себя, зажигая огнем подлинного туркестанского патриотизма всех тех, кто имел и имеет удовольствие близко соприкоснуться с ними.

Теперь нет в живых этого прекрасного человека, туркестанца в самом полном смысле этого слова. Преклоним головы перед его памятью. Пусть будет легка ему земля. Имя его не забудется в памяти туркестанских патриотов.

Машинопись с правкой автора.

INALCO. L'Archives de Moustafa Chokay Bey.  
Carton 6. Dossier 2a. – P.71 – 73.<sup>5</sup>

<sup>5</sup> Мустафа Шоқай. Шығармаларын толық жинағы. Он эки томдық. IX



Чўлпоннинг 1916 йил 6 декабрда Ҳамзага ёзган хати

– Шу йил 24 майда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейида «Чўлпон адабий меросининг ёш авлодни ватанпарварлик, миллий тараққиёт ва фидойилик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти» мавзuida республика илмий-амалий анжумани юқори савияда ўтказилди. Академик Наим Каримовнинг «Назир Тўрақулов ва Чўлпон», профессор Ҳамидулла Болтабоевнинг «Чўлпон «Бухоро ахбори» газетаси муҳаррири сифатида», филология фанлари доктори Нурбой Жабборовнинг «Чўлпон шеъриятида тимсоллар олами», профессор Р.Шамсутдиновнинг «Чўлпон Мустафо Чўқай нигоҳида», филология фанлари доктори Улугбек Ҳамдамнинг «Чўлпон: роман ва муаммо», санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмаднинг

«Чўлпоннинг бир шеъри», филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоевнинг «Чўлпоннинг икки қўлёмаси» мавзuidaги илмий чиқишлари диққатга сазовор бўлди. Бу қўлёмма маърузани Отабек Жўрабоев илтимосимизга мувофиқ электрон вариантда бизга тақдим қилди. Унинг мазмунидан Абдулҳамид Чўлпон 1916 йил охирларида Андижоннинг Николаев кўчасида жойлашган «Туркестанский голос» газетаси таҳририяти билан яқиндан алоқада бўлгани, ўзбек тилида янги газета чиқариш ҳаракатига Чўлпон ҳам тортилгани, ҳатто газетанинг дастлабки сонини чиқариш тараддудида Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан ёзишмалар олиб борганини билиш мумкин. Бу ёзишмаларнинг араб имлосидаги нусхаларини ва ҳозирги ўзбек ёзувидаги вариантини келтираимиз.

*Муҳтарам Ҳамза афанди!*

Илтимос қиламан, ушбу хатни олув билан тезлик ила «Садойи Туркистон»нинг биринчи ададига бир яхши шеър, газета хусусида ёзуб юборинг.

Адрис бу:

Андижанъ.

Редакция газеты «Туркестанский голос».

«Садойи Туркистон» учун эҳтиром билан идора номина (имзо) – Абдулҳамид. 6 декабр 1916 йил.

*Жавоб 15-нчи декабргача келмоқ лозим. Иложи бўлса. 10-нчи ёки 12-нчида менда бўлсун.*

Чўлпоннинг Ҳамзага ёзган навбатдаги мактуби:

*Муҳтарам Ҳамза афанди!*


*Шеърингиз олинди, дарж этилур (нашр қилинади – маъносида).*

*Шеърингизда: «Қўрқув йўқди, мажозий кўмгандан, ишончлар кўп эрди (угон)дан ...»*

*Яна бироз настда:*

*«Мовари гайрдан бурар пистон...» деб ёзилган нарсалар бор. Шулардан юқоридаги (угон) деган сўзни кейинги бир сатрни ҳаммасини бизга очиқ қилиб ёзиб юборинг. Бўлмаса, бирор нарса чиқариб бўлмайдур. ... Яна: «Тушма! (тури...)га ...» дебсиз, «тўр»дан мақсад нима?*

*Тарих учун «Генж ўзбей «Садойи Туркистон» дебсиз. Мунда «ўзбей» бир турли ажойиброқ*



Чулпоннинг 1916 йил 12 декабрда Ҳамзага ёзган хати

туюлди. Шеър яхши, газета саҳифасини зийнатлар, яна ёзингиз; аммо бу сўралганларга жавоб ёзингиз. Адриси идора «Туркестанский голос».

Эҳтиром ила идора номина /имзо/ – Абдулҳамид 12.12.1916 йил (Кўпнуқталар, қўштирноқ ва қавслар муаллиф Чулпонники).

Жадидчи Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқиннинг «Турмуш урунишлари» (Тошкент: Mumtoz so'z, 2015. – Б.260 – 263) номли китобида Андижонда «Садойи Туркистон» газетасининг нашрини йўлга қўйиш хусусидаги саъй-ҳаракатлар ҳақида қуйида келтирилган тарихий маълумотлар гувоҳлик беради.

«Сўнгра Туркистоннинг ҳар ерида рабобийга жўнатиш комитетлари тузилди. Шул комитетларнинг бошлиғи Тошкентда Убайдуллоҳжў ва унинг муовини Мунавварқори бўл-

ган эди. Шул Убайдуллоҳжў 1914 йилда ётиб қолган «Садойи Туркистон» газетасини яна тирилтириш учун мени Андижондаги «Чайкин» деган бир ўриснинг олдиға юборди. Бу ўрис катта ёзувчилардан Убайдуллоҳжўнинг қалин ошналаридан бўлиб, ўрисча бир газета чиқариб турмоқда экан. Мен унинг маслак ва мақсади қандай эканлигин билмасам ҳам, ерлик халққа яхши кўз билан қараганлигин анча англаган эдим. Энди мен Андижоннинг бир неча ёшларидан Абдулҳамид Сулаймоннинг меҳмонхонасида ётиб тура бошладим. Чайкин Фарғона губернатори – Ивановга бир неча дапқир мурожаат қилиб, ўз газети ёнида «Садойи Туркистон»ни қайтадан чиқаришга сўраган эди. Ул рухсат бермади. Чорасиз қолиб, Убайдуллоҳжў билан кенгаш қилиб, менинг отимға «Интибоҳи Туркистон» деган газет чиқармоқ бўлиб ҳукуматга 1917 йил 24 январда қуйидағича ариза бердим:

«Ул баланд даражалик Фарғона вилоятининг военный губернатори жанобларига:

Андижон шаҳарида Искубулф кучасида тургучи Мўминжон Муҳаммаджон ўғлидан

**Ариза**

Сензур ҳам матбуот тўғрисидаги 114-уставга қўшма қилинган 15-модда бўйинча биз бу юқори даражаликка билдираманки, мен Андижон шаҳрида сарт тилида «Интибоҳи Туркистон» исмида бир газет чиқармоқчи бўлдим. Ул газетанинг пирўвграми ушбу тартибда бўлур:

- 1-бош мақола, 2-рус ҳам мусулмон матбуоти (газет, журналлари)дан мулоҳаза ва фикрлар,
- 3-уруш хабарлари, 4-агенство ҳам ўз мухбирларимизнинг телеграммалари, 5-фельетон, 6-шмий, фельетон, 7-Андижон ҳам теварак хабарлари, 8-вилоятнинг ҳар томонидан мактублар, 9-ерли халқ тирикчилигидан, 10-уруш майдони ҳам уруш тўғрисида, 11-ҳар турли тилдан таржималари, 12-усули таълим, тарбия тўғрисида, 13-пахта ҳам бошқа экин аҳволлари, 14-билдиришлар қисми.

Газетнинг баҳоси: бир йиллик 7 сўм, ярим йиллик 4 сўм, 3 ойга 2 сўм 50 тийин бўлиб, бо-силадирган ери: Андижонда, Николаевский



кўчада, И.Я.Иванов босмахонасида. Мазкур газетнинг муҳаррирлигини мен ўз бўйнимга олиб билдираманки, юқорида кўрсатилган зақун моддалари бўйича бўладирган ҳар турли масъулиятларга ўзим жавобгарман. Ўзим Русия табаъаси, ёшим 25 дан ошқан бўлиб, ҳеч бир тўғрида ҳукуматга айблик бўлган эмасман. Шу ҳолни эътиборга олиб сиз жаноб ҳурматлидан ўтинаманки, юқорида кўрсатилган газетга рухсат берсангиз эди деб,

Имзо: Мўминжон Муҳаммаджон ўғли.

(Бу аризанинг асли русча бўлиб, Абдулҳамид Сулаймоний ўзбекчага таржима қилиб берган эди.)

1917 йил 24 январда шул аризани Андижон нотариуси Исобинкўфга элтиб, тасдиқ қилдирдим. Тошкентдан бориб Андижонда дўкон очиб савдо қилувчи бир неча ёш фикрлилар бор эди. Улар шулар эди: Саъдуллоҳхўжа Турсинхўжа ўғли, Отахон, Муҳиддин қори, Шамсиддин қори (ўшал чоқда миллий шоир тахаллуси Хоиб, ўзгаришдан кейин Хуршид), яна бир нечалар (ўшал чоқда Отахоннинг укаси Сайид Аҳмад Назиров ёшгина бир бола бўлиб, оғаси томонидан очиб берилган кичкина бир дўконда фикр очувчи янги чиққан китоблар сотар эди). Андижоннинг ўз ёшлари: Абдулҳамид Сулаймон («Садои Туркистон»да узун бир ҳикояси бор, ўзгаришдан кейин тахаллуси «Чўлпон»), Зиё махдум Абдулмўмин, Абдулмуталлиб, Санжар Фозил (асли ўшлик бўлиб, Андижонда русча ўқиб юрар эди), Ҳасанхон махдум, Ҳусайнхон махдум Ниёзийлар, Абдуллоҳхон саҳҳоф, Абдураҳмон афанди (бу киши Истанбулда ўқиган бўлиб, яхши рассом, бироқ Фаргонанинг қайси шаҳридан эканлигин билмайман, китоблари ҳукумат томонидан олиб қўйилган, полисеийларнинг ҳар вақт таъқибига учраган бир киши эди), яна бир неча кишилар (Усмонхон Эшонхўжаев русча ўқиб юрувчи бир шогирд эди). Бу Тошкент ва Андижон ёшларининг бир қанчалари муфтий Маҳмудхўжанинг «Падаркуш» театрусини ўйнаб, шу ернинг мусулмонлари томонидан «Падаркуш»лар деб от кўтарган эканлар. Бу падаркушларга мутаассиб халқ ҳам, ҳукумат ҳам ёмон кўз билан

қарар эди (Хоиб билан Абдулҳамид Сулаймон орасида маслак жиҳатидан келишмаслик бор бўлган сабабли бир-бирлари билан анчагина тескари эдилар. Абдулҳамид Сулаймон сўлроқ, Хоиб ўнроқ).

Мен «Интибоҳи Туркистон» газетига рухсат олиш тўғрисида ҳукумат томонидан анча қийноқларга учрадим. Андижоннинг Зухриддин деган мингбошиси олдида 20 февралдан 28 февралгача тергов қилиндим ҳам унга ўрисча шаҳодатнома (паспўртим)дан бир копия олиб топширдим. «Падаркуш»лар, яъни Андижон ва Тошкентнинг шу ерда турган ёшлари ҳукумат томонидан 2-3 куннинг орасида қамалар эмиш!» деган гап халқ орасига тарқалди. Биз шундай қўрқинч ҳолда турган эдикки, 1917 йил феврал охирида Николай золим султонлик тахтидан тахтаи тобутга тортилиб, унинг кўмакчиларини ҳам бир-бир оёғи осмондан келди ҳам Керенский замони бўлиб, ҳар ерда ҳуррият байроғлари пилпиллай бошлади. Барчада хурсандлик, кўчалар намоийишчилар билан тўлган эди. Керенский ҳукуматини маҳкамламанг, миллий озодлик олмоқ йўлида ёшлар, айниқса, Сайдуллоҳхўжа, Убайдуллоҳхўжа отахонлар газета чиқарувчи Чайкин билан кеча-кундуз тинмасдан ишлашиб юрдилар. Бироқ булардан Убайдуллоҳхўжа Тошкент ёшлари томонидан чиқарилган сабабли кўб турмасдан Тошкентга қараб равона бўлди. Уламолар, фуқаҳолар, катта ёшлар, кичик ёшлар, мардикорлар, яна оила, маҳалла жамиятлар юзага чиқти. Андижоннинг баъзи мулла ва ёшлари, Миркомил ва баъзи мулла ва ёшлари Аҳмадбек ҳожи деган бойларнинг ҳимоясида жамиятлар очиб, бир-бирлари билан мартаба талаша бошладилар. Мен 3-4 намоийишларни ўтқизганимдан кейин Жалолободга Тожи Ризо Бадалий деган кишига муаллим бўлиб кетдим».<sup>6</sup>

Сирожиддин Аҳмад Чўлпоннинг 1923 йили битилган «Рақамли севги» номли мана бу шеърини ҳам келтирган:

<sup>6</sup> Мўминжон Муҳаммаджонов Тошқин. Турмуш урунишлари. – Тошкент: Mumtoz so'z. 2015. – Б.260 – 263.



**РАҚАМЛИК СЕВГИ**  
(«Найларам» куйига)

Бир ва икки, уч ва тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн –  
Сийналарни йўлларингда ёстаб ўтсак, сен бутун.

Янги-янги сийналар турса қатор эзмак учун;  
Шунда ҳам бўлмасми бир шафқат, тараххум, қизғониш?

Холи богда, кучли бода, хуш шаббода бир кеча,  
Тўлгон ойнинг нурлари ўпса сочингдан тонггача.

Сўнгра оппоқ бир булут бошингда юрса шомгача,  
Шунда ҳам кўнглингда сезмассанми озроқ уйғониш?

Юзларинг бир, кўзларинг ўн, сўзларинг минг алдади,  
Борлигинг-да алдамоқда бошқа нарса қолмади.

Кўкрагингда қизғонишнинг еллари кўзгалмади;  
Шул сабабдандурки кўнглумда умрлик ўртаниш...

Ўйна, кул, гулдек эгил ёвлар учун, ёвлар учун...  
Биз ётайлиқ йўлларингда... ётса, тупроқ қил бутун.

Бир ва икки, уч ва тўрт, беш, олти, етти, саккиз, ўн –  
Сийналарнинг ҳаққи ёлгуз йўлларингда ёстаниш...

**«Фаргона», 1923 йил 20 декабрь.**

Бу шеърдаги рақамларнинг ҳар бири аниқ шахсларни эслатиши ҳақидаги фикр биринчи бор 20-йилларнинг охирида Андижон театри бош режиссёри бўлиб хизмат қилган Музаффар ота Муҳаммедов томонидан айтилган. Санъатшунос олим Сирожиддин Аҳмад ана шу 10 рақамдаги шахсларни тадқиқот натижасида аниқлаган. Мана уларнинг исми-шарифи:

1. Орзикул Тўракул ўгли.
2. Сайфи Камолий.
3. Фаттоҳ Азимий.
4. Олимжон Саркоров.
5. Маҳмуд Ғофурий.
6. Ёқубжон Қорабоев.
7. Қутби Нажмий.
8. Дадажон Муҳаммаджонов.
9. Асқар Қаюмий.
10. Нусрат Зокирий.

Чўлпон 1923 йили Андижондаги «Дархон» газетасида фаолият кўрсатганини юқорида таъкидлаган эдик. Шу газетада 8-рақамда кўр-

сатилган Абдуллажон Муҳаммаджонов (бизнингча, Дадажон ва Абдуллажон айни шахс) «Дархон»нинг 3 июлдаги 3-сони 1-саҳифасида «М.А.» имзоси билан «Сўнгни бурчимиз» номли мақола берган. Уни айнан келтирамиз:

«Биз Фаргона йигитлари, ёшлари ва онгли ўспурунларининг ҳозирги вақтда сўнг вазифамиз босмачилиқ офати билан қатъий равишда курашишдир. Дуруст, биз илгарилари ҳам босмачилар билан курашиб келдик. Биз ўзимизнинг маориф майдонимизда унларга қаттиғ зарбалар бериб келдик. Ул майдонда қанча муаллим, ўкуғучи, миялик, умидлик ёшларимизни қурбон қилдик.

Локин бизнинг ул курашларимиз бир неча сиёсий ва иқтисодий сабаблар орқасида кўбда муваффақиятлик чиқмади ва босмачилиқ мана шу кунгача биткани йўқ. Энди бўлса ул сабабларнинг бир кўпи орада йўқ. Энди жумҳуриятимизнинг марказий ҳукумати – сиёсий ва ҳарбий кучларини юборуб, босмачиларни



битириш ишида бизга кўмак бермақдадир. Бизлар ҳозир шул кучнинг атрофига тўплануб, улар билан биргалашиб ўз доирамизда ўзимиз курашишга тегишамиз.

Биттамиз яроғ олиб, биттамиз таргибот-ташвиқотни олиб бориб, биттамиз сиёсий ва иқтисодий идораларга кириб ишламак билан курашнинг тез тугашига ёрдамлашайлик.

Маориф ишидаги ўртоқларимиздан қурбон бўлганлари ҳали ҳам кўб: мундан сўнг ҳам уларни босмачига қурбон қила бермайлик. Ҳаммамиз бир бўлуб ёпишайлик-да, юртни тинчлатайлик, сўнг эркинлик билан мактабларимизга ёпишармиз.

М.А.»

Шунингдек, «Дархон» газетасининг 1923 йил 1 август 11-сонидан унинг «Қишлоқларда» рукни остида «Фаҳмлата олиш керак» номли мақоласи босилган:

«Мен ҳам мусулмон сиёсий ишчиларидан бири. Андижон уезидаги Яккатол, Миробод, Дўнқайма, Сув юлдуз, Орс қишлоқларида бўлдим. Ҳар ерда ҳам катта-кичик йигинлар ясаб ўтказдик. Халқ яхши келди, яхши йигилди, яхши тинглади. Фақат халқ биздек «нотиқлар»ни жуда кўп кўрган бўлса ҳам, ҳақиқатни яхшилаб тушунтира билгувчиларга йўлуқмаган экан. Бу сафар мумкин қадар тушунтуруш йўлини қараднқ.

Тушундилар. Тушунгандан сўнг раҳмат айтдилар.

– Гап мундай бўладир! – дедилар.

«Кўшчи» союзларига халқнинг рағбати кўтарилди. Союзга ёзилгувчилар кўп, ҳатто оилалари билан ёзиладирлар.

Муҳаммад ўгли».

Абдуллажон Муҳаммаджоновнинг кейинги тақдири ҳақида мана бу маълумотлар аниқланган: Муҳаммаджонов Абдуллажон – 1899 йилда тугилган, Андижон шаҳридан, савдогар оиласидан, хизматчи, босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти йўқ. Совет ҳокимияти тадбирларига ва колхоз тузумига қарши аксилинқилобий таргибот олиб борганликда айбланган. ЎзССР НКВД ҳузуридаги Учлик томонидан Андижон сектори тақдим

этанг 10918-иш бўйича 1937 йил 21 ноябрда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддат 1937 йил 17 ноябрдан ҳисобланган.<sup>7</sup>

«Дархон» газетасининг 1923 йил 21 июль 10-сонидан 5-рақамли Маҳмудхон Ғофуровнинг «Ғ» имзоси билан «Маҳкамаларимизда» номли мақоласи босилган:

«Эски шаҳарнинг баъзи маҳкамаларида ишлагувчи ишчилар хизматларига жуда совуқ қарайдилар. Эрта билан маҳкамага келар чоқда хайли-хайли кечикиб келиб, кундузи маҳкамдан кетар чоқда бир минут ҳам кечикмайдилар. Айниқса, бир нечта оврупалик хоним-қизлар. Айниқса, шулар ишга кечикиб келалар. Хизмат вақти соат 8, улар соат 10 ларда келалар.

Бу нима учун? Меним фикримча, ул «олифталар» эрта билан соат 8-9 ларгача ясан-тусан қилиб, иннан кейин секин-секин имиллашиб маҳкамага тушалар.

Бунинг, албатта, ишга кўп зарари бор. Айниқса, анави қишлоқлардан келган деҳқон бечоралар кўп судраладурлар. Бир хил бечора деҳқонлар бўлмагур, арзимас бир иш билан ҳам неча кунлар қолиб кетиб, иш кучларидан қоладирлар. Мунга бир чора қилмоқ керак. Тегишлик жойлар диққат қилсинлар эди.

Ғ.»

Маҳмудхон Ғофуровнинг кейинги тақдири қуйидагича бўлган: Ғофуров Маҳмудхон – 1899 йилда тугилган, Андижон шаҳридан, руҳоний оиладан, хизматчи, босмачи тўданинг фаол иштирокчиси, «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, ҳибсга олинган вақтда Квартком котиби. Аксилинқилобий миллатчилик таргиботи олиб борганликда, фашист мамлакатларидаги ҳаётни мақтаганликда, миллатчилар йигилишларида иштирок этганликда, мактабдаги дарсларни аксилинқилобий мақсадларда бузганликда айбланган. ЎзССР НКВД ҳузуридаги Учлик томонидан Андижон сектори тақдим этган 10918-иш бўйича 1937 йил 21 ноябрда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган, муддат 1937 йил 16 ноябрдан ҳисобланган.<sup>8</sup>

<sup>7</sup>Репрессия. 1937 – 1938 гг. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь-декабрь / Составители Р.Т.Шамсутдинов и др. – Ташкент: Шарк, 2007. – С.423.

<sup>8</sup>Репрессия. 1937 – 1938 гг. Жертвы Большого террора из Узбекистана. 1937 год, ноябрь-декабрь / Составители Р.Т.Шамсутдинов и др. –



Шеърда 6-рақам билан қайд этилган Ёқубжон Қорабоев «Дархон» газетасининг 1923 йил 4 август 12-сонида «Қорабой» имзоси билан «Қочатурган жойлари йўқ» номли мақола берган:

«Ишчи-деҳқонлар ўрдуси ўзининг дадил ва шерларча ҳаракатлари билан босмачи тўдаларини бир-бир кетин тугатиб бормоқдадир. Меҳнаткаш тинч деҳқон, Фарғонада бўлганидек, Бухорода ҳам тинчиб ўз меҳнатига эга бўлуб келмақдадир. Босмачиларнинг қайси бир катта тўдаси қачон бир оғирроқ калтак еса дарров тоғлар орасига кириб кетиб, дам олиб ўзини ўнгламакка бошлар. Бироз орқа-олдини ростлаб олгандан сўнг тоғлар орасидан яна келиб чиқиб, яна эски қилигини қила бошлар эди.

Шарқий Бухоро босмачиларининг бошлиқлари бўлган Анвар Пошшо ўлдирилгандан кейин унинг ўрнига Салим Пошшо дегани келган эди. Бу киши бизнинг қизил қўшинлар томонидан узул-кесил ҳаракат бошлангандан сўнг машҳур қўрбошилардан Очилбекка Матчога бориб, дам олиб туришқа буюрган экан. Матчога борган босмачиларнинг умидлари катта эди. Бу ерларга ҳеч ким кела олмайди деганлар эди. Локин бизнинг қизил қўшунларимиз уларнинг бу умидларини синдириб ташлади. Яъни кўп қийин йўлларни ўтиб бўлса ҳам Очилбекнинг адабини берди. Матчо эли Шўроларники бўлди.

Салим Пошшо тўдаларининг бошқа бир бўлаги бизнинг қўшунлар томонидан сиқилгандан сўнг Афғонистонга қараб қочқан эди. Шу тўда бориб-бориб Матчодан ҳам ёмон, одам чиқиб бўлмайтурган жойни Қоратегиндан топиб, ул ерда жойлашқан экан. Албатта, тоғнинг энг ёмон, одам қўли тегмаган ерларига чиқиб олгандан сўнг улар: «Энди роҳат дам оламиз», – деб ўйладилар. Локин уларнинг бу умидлари ҳам бекор кетди. Ишчи-деҳқонларнинг қизил қўшуни дадил юрак билан Коратегинга босиб кириб, қочиб ётқан босмачиларнинг маркази бўлган Ғорим шаҳрини олди. Босмачилар тумтарақай бўлуб дарвозага қараб қочдилар. Уларнинг тоғма-тоғ юруб бориб Олойда беркинмак исташлари ҳам беҳуда гапдир. Олойда уларни қизгангувчи бўлмас. Олойнинг эркесвар қир-

гизлари уларнинг адабларини берар. Олой қиргизларига бу хусусда Туркистон ҳукумати ва қўшун бош идоралари томонидан ёрдам берилур.

Қизил қўшуннинг сиқишидан қочиб борган Қосим Понсотни Олой қиргизлари ўртага олиб, яроғ-аслаҳасини тортиб олганлар. 10 та йигити қиргизлар қўлига асир тушган. Халқ босмачилардан олинган яроғларни ҳукуматга топширмоқчи бўлуб турган вақтда бу ёқдан Тўхтамаст Понсот деган қўрбоши бориб, ҳалиги яроғларни тортиб олмақчи бўлган. Халқ унинг ҳам адабини беришга яраган.

Демак, халқ ўзи босмачилиқни тамом қилиш учун тиришадир. Бу тўғрида бизга халқнинг ўзи ёрдам берадир. Бойистон қўрбошининг йигитлари бўлса тарқалиб борадир.

27 июлда бирдан 10 йигит 15 милтиқ билан бизга ўтди. Улар ўз қўрбошлари бўлган Ҳотамтойни боғлаб бердилар. Аҳмад полвон тоғ томонга сиқилиб бормоқда. Қозоқ бўлса Қорадарё бўйидаги қамишзорлар орасида тентиракланиб юрубдур.

Иш йўлида уруш бизнинг фойдамизга давом этмакда. Элнинг буткул тинчланиш куни яқин.

Қорабой».

Унинг кейинги тақдири ҳозирда изланмоқда. «Дархон» газетаси 1923 йил 1 август 11-сон 3-бетида 10-рақамли Нусрат Зокирийнинг «3.Нусрат» имзоси билан «Шикоят қутиси» рукни остида «Чаканалар тўғрисида» номли мана бу мақоласи эълон қилинган:

«Беш йиллик босмачилиқ даврида кўп жонлар қурбон бўлиб, бутун халқ хўжалиги вайрон бўлди. Кўп оилалар жуда ёмон қаттиқ эҳтиёж орасида қолдилар. Ётишқа кўрпа-тўшаги, чой қайнатишқа чой идиши бўлмаган кишилар Фаргонанинг шаҳар ва қишлоқларида кўпдир.

Бу ёмон фожия ҳолларга биринчи сабаб босмачилар бўлса, иккинчи ва улардан қолишмайтурган сабаб ҳам чакана ўғрилардир. Бутун халқ босмачидан қанча безиган бўлса, чакана ўғридан ҳам шунча безигандир. Нимагаким халқнинг молини ўзлари талаган ва босмачиларга хабар бериб талатадурган шу чакана ўғрилари бўлди. Булардан ҳатто ўраларга кўмилган нарсалар ҳам эмин қолмади. Бунлар



кўп вақтда қуруқ «ёғоч милтиқлар» билан ҳам халқни талаб юрдилар.

21 июлда Андижоннинг Эшонбой маҳалласида бир-икки жойга чакана ўғрилари кириб, қанча дод-фарёдга сабаб бўлганлар эди. Мелисанинг гайрати билан ул талон ҳам йўқ қилинди.

Демак, босмачиларга қарши ҳукуратимиз шу қадар қаттиқ кураш қилиб турган бир вақтда ҳам бу чакана босмачилар ўз ҳунарларини ташламайдилар. Ҳукуратимиз Фаргонанинг рўзгорини тузатмак учун босмачини барҳам берганидек, чакана ўғрини ҳам буткул қурутмоғи керак.

### 3. Нусрат».

Унинг кейинги тақдири қуйидагича бўлган: Нусратов Зокиржон унинг ўзи Нусратий Зокир – 1897 йилда тугилган, Андижон шаҳридан, савдогар оиласидан, собиқ савдогар, «Миллий Иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг аъзоси, Маҳкам қўрбоши босмачи гуруҳининг фаол иштирокчиси, 1927 йилда аксилинқилобий фаолияти учун 3 йил қамоққа ҳукм қилинган. Ҳибсга олинган вақтда колхозда ҳисобчи бўлган. Жазо муддатини ўтаганидан сўнг аксилинқилобий миллатчи фаолиятини қайта бошлаганида, «Миллий Иттиҳод» миллатчи аксилинқилобий ташкилотининг аъзолари билан боғланиб, Совет ҳукуратининг тадбирларига норозилик билдирганида, мағлубиятчилик руҳидаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганида, халқ душманларининг ҳибсга олинганидан афсусланганида айбланган. ЎзССР НКВД ҳузуридаги Учлик томонидан Андижон сектори тақдим этган 10740-иш бўйича 1937 йил 17 ноябрда отувга ва мол-мулкни мусодара қилишга ҳукм қилинган<sup>9</sup>. Нусрат Зокирий билан бирга шеърда 2-рақам номини олган Салоҳ Сайфи – Сайфи Камолий, 3-рақам номини олган Фаттоҳ Азимий – Паттоҳ Азизов ва Ҳусанхон Ниёзов, Бурҳон Машрабий, Абдужалил Ҳайдаров, Бурҳон Машрабий, Абдужалил Ҳайдаров, Абдуму-

<sup>9</sup> Бу маълумотлар НКВД Андижон сектори ходимлари томонидан тайёрланган айблов ҳулосаси эканлигини унутмаслик керак. Терговчилар қатагон режасини бажариш учун маҳбуслар ҳақида турли айбларни уйлаб топиб, маҳбус шахсий ишига тиркаб қўйганлар. Зокиржон Нусратий ҳақида Р.Шамсутдиновнинг “Бир шахснинг қисмати” номли ҳужжатли мақоласида (“Тарихнинг ҳасратли саҳифалари”. Тошкент. “Шарқ” нашриёти. 2006. 195-209- бетлар) ҳаёти ва фаолияти берилган.

таллиб Қорамандиев, Домуллажон Фахриддинов, Самандар Мўминбоев, Маҳмудбек Қозиев отувга ҳукм қилинганлар.

Тарихдан маълумки, XX аср бошига келиб Усмонли империясининг таназзули натижа-сида ҳозирги турк юрти чет эл интервентларининг босқинига дучор бўлди. Асрлардан буён фурсат кутиб ётган қўшни юнонлар ҳам катта давлатларнинг қаторида ўз луқмасига эга чиқиш учун Онадўлига ҳужум қиладилар. Шу боис 1919 – 1922 йиллар Туркия тарихида озодлик кураши саҳифаси бошланган. 1921 йилнинг бошида юнонлар Инўну шаҳарчаси яқинида Мустафо Камол Отатурк бошлиқ турк қўшини билан тўқнашиб, қаттиқ жанглар бўлиб ўтган. Анқара шаҳри томон ҳаракатланаётган юнон қўшини чекинишга мажбур бўлган. Ўша йилнинг август ойига келиб юнонлар бошқа бир йўналиш бўйича Анқара шаҳрига ҳужум қиладилар. Жанг Сақаря дарёси яқинида рўй беради. Турк аскарларининг матонатли мудофааси натижасида юнонлар Сақаря дарёсининг ортига чекинадилар. 1921 йил 23 августдан 13 сентябргача давом этган Сақаря муҳорабаси шундай яқун топган. Бу воқеа Туркия мустақиллиги саҳифаларидан бири эди. Шу боис бу тарихий галабадан кенг жаҳон жамоатчилиги воқиф бўлган. Чўлпон бу вақтда Тошкентда ўзбек тилида чиқаётган «Қизил байроқ», «Туркистон» газеталари таҳрир ҳайъати аъзоси ва «Инқилоб» журналининг адабий ходими лавозимида ишлаётган эди. 24 ёшли Чўлпон қардош турк халқининг Инўну ва Сақарядаги бу тарихий галабасидан руҳланиб, шодланиб «Тўфон» номли шеърини «Туркистон» газетасининг 1922 йил 13 сентябрь сонидан эълон қилган. Орадан 96 йил ўтиб Туркия Республикаси Президенти Ражаб Тойиб Эрдоган 2018 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари билан учрашувдаги нутқида ўзбек тилида «Тўфон» шеърини ёддан айтгани бутун зални завқ-шавққа тўлдирди. У ёддан ўзбекча айтган «Тўфон» шеъри Ўзбекистон телевидениеси орқали узатилгани бутун ўзбек халқини беҳад фахрлантириб юборди. Мана ўша шеър:



Эй Инъуну, эй Сақаря – эй истиқлол эрлари,  
Миллий мисоқ олинғунча тўхтамасдан илғари!

Биламизким, жаннат каби тупрогингиз ёвларнинг  
Гўдакларнинг ястагувчи оёқлари остида,  
Биламизким, довшингиз ҳақсиз чиққан довларнинг,  
Инсофсизча шовқинларнинг, хурушларнинг пастиди.

Биламизким, «маданият» бешигида ўлтурган  
Жаллодларнинг бутун таъма ва ҳирслари сизларда,  
Биламизким, «озодлик» деб шовқун қилган, бақирган  
Бўриларнинг оч кўзлари олтун тўла ерларда.

Биламизким, унлар сизни яшамоққа қўймайлар,  
Биламизким, қонингизни томчи-томчи ичалар.  
Биламизким, унлар сира ювош халқни севмайлар,  
Биламизким, тупроқ учун инсонлиқдан кечалар.

Биламизким, сиз йўқсуллар сўнг чоқда  
Шундай ёмон душманларнинг қўлида  
Мангу асир, мангу тутқун бўлишни  
Истамасдан қўлга қурол олдингиз.

Биламизким, қатор-қатор қишлоқлар  
Сийнасига нон тўлдирган тупроқлар  
Ўт ичинда, шунинг учун ўлишни  
Ортиқ кўриб жонни ўтга солдингиз.

Жонни қонга – ўққа, ўтга солдингиз,  
Фақат бу кун тотли бир ўч олдингиз,  
Яна бир қур тарихларда қолдингиз!

Эй истиқлол – эй Сақаря, эй Инъуну эрлари,  
Юр, мазлумлар тўфонининг ўч олгучи селлари!





Акмал Саидов ва Люсен Кереннинг «Амир Темур ва Франция» китобидан

# АМИР ТЕМУР – ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ ОЛИМЛАРИ НИГОҲИДА

(Давоми. Боши журналнинг 2017 йил 4-, 5- ва 2018 йил 1-сонларида)

**Л.КЕРЕН:** У душманлариникига қараганда анча кам сонли қўшини билан ўз юртидан анча узоқларда жанг қилганида ҳам донги чиққан армияларни енгган, кучли мудофаага эга бўлган истеҳкомларни забт этган, ўз одамлари устидан маънавий ҳукмрон Амир Темур беқиёс ҳарбий саркарда бўлганки, у Искандар Зулқарнайн ва Наполеон билан бемалол тенглаша олади. У ўз рақибининг нияти ва имкониятларини башорат қила олиш қобилиятига эга бўлган. Яна шуни қўшимча қилиш жоизки, Амир Темур ҳозирги кунда қўлланилаётган руҳий қуролни, яъни рақибига даҳшат сола билишдек ҳарбий омилларни қўллаган.

Амир Темур ўта омилкор бўлиб, барча ҳарбий усулларни ўз ўрни ва вақтида эпчиллик билан ишга сола билган. У серқирра истеъдод эгаси эди. Ўз аскарлари орасида бўлиб, мушкулларидан хабар оларкан, уларга доим далда бериб турган, шахсий намуна кўрсатиб, лашкарни жангга, галабага чорлаган.

**А.САИДОВ:** Музаффар саркарда Амир Темур ҳарб санъатининг даҳоси бўлган. Маълумки, у шаҳарларни вайрон қилмасдан, иложи борича кам талафот бериб олишни афзал кўрган. Бу борада, сиз таъкидлаганингиздек, Амир Темур ҳарбий ҳийла турларидан – буюк ваъдадан тортиб самимий насиҳатгача бўлган шакллардан моҳирона фойдаланган. Бунга бир неча мисол келтирмоқчиман.

1401 йилнинг июнида узоқ давом этган Бағдод қамали палласида Амир Темур қамалдагиларга «агар бефойда қаршилик кўрсатишни ўжарлик билан давом эттираверсангиз,



навкарларим қаҳр-газабини жиловлаб тура олишга кафолат бермайман» деб таҳдид солган.

1381 йилнинг апрелида эса Ҳиротга ҳужум қилиш олдидан у икки минг бандини озод этган ва шаҳарда кимки уйдан ташқарига чиқмаса, унинг ўзи ҳам, бола-чақаси ҳам омон қолади деб овоза қилдирган. Пухта ўйланган бу ҳийла кутилган натижани берган. Бозор ва маҳалларда сафарбарликка қанчалик ундасинлар, аҳоли қўлига қурол олишдан ва қалъа девор-



лари устига чиқиб, шаҳарни ҳимоя қилишдан бош тортган.

Соҳибқирон шаҳарларни тинч йўл билан олишнинг асосий воситаси сифатида музокаралардан кенг фойдаланган. Қамал қилинган шаҳарлар аҳолиси амалдорлар ва уламоларни Амир Темурнинг қароргоҳига вакил қилиб жўнатганлар. Музокаралар чоғида мағлублар томонидан тўланадиган «моли омон», яъни тоvon пулининг миқдори келишиб олинган. Агар таслим бўлиш шартларини бажармасалар ёки исён кўтарсалар, шаҳарлар аҳолиси қаттиқ жазога тортилган. Шу билан бирга, Ж.Обен тўғри қайд этганидек, Амир Темурнинг «феъл-атвориға хос бўлган вазминлик ҳар қандай шароитда ҳам унинг қаҳр-газаби аланга олиб кетишига йўл қўймаган».

**Л.КЕРЕН:** Аммо Темурбек вафотидан кейин давлат тўзиди ва у тузган ажойиб армия ўзга юртлардаги армияларга ўхшаб пароканда бир аҳволга тушиб қолди. Меросхўрлар ўз шавкатли боболари ишларини тиклай олмадилар, унинг ҳарбий зукколиги ва донолиги уларга мерос бўлиб ўтмаган экан-да.

**А.САИДОВ:** Амир Темур ўз давлатини ҳар қандай кутилмаган воқеалардан сақлашни, ҳимоя қилишни билган. Давлатини кучли ва мустақкам, халқини бахтли ва фаровон қилишни уddалай олган. У ўз олдига қўйган мақсадларига қатъият билан эришган. Шунинг учун ҳам у ўша даврда дунёдаги энг кучли салтанатга эга эди. Табиий бир савол туғилади: Соҳибқироннинг давлат фаолиятидаги ютуқларининг сиру моҳияти нимада экан?

**Л.КЕРЕН:** Энг аввало, Темурбекда инсон омили доимо олдинги ўринда бўлганини назарда тутиш керак. Бу омил унинг ҳарбий ташкилотчилигида ва давлатга бошчилик қилишида ҳамиша йўлдош бўлган. Амир Темур ўз атрофига одам танлашда уларнинг қобилиятларини ҳисобга олган, лекин насли, табақаси, ирқи, дини ва мансабига қарамаган. Ҳозирги давр тили билан айтганда, ўз атрофига муносиб кишиларни тўплай олган.

Темурбек ўзи забт этган юртлардаги мансабдорларга тегмаган, одамларнинг ҳаёт тарзига аралашмаган. Жойлардаги амалдорларга ўзи-

нинг қатъий фармойишларини берган ва ижро учун боши билан жавоб беришларини уқтирган, на ўзи, на яқинлари уларни бевосита идора қилмаган.

Темурбек бутун умри бўйи одил бўлган, гуноҳ қилган кишини, сарой мулозимларига алоқадорлиги, мансаби ва бойлигига қарамай, қаттиққўллик билан жазолаган.

**А.САИДОВ:** Амир Темур мансабини суистеъмол қилган, давлат ва халқ ҳақида хиёнат қилган вазирларга шафқатсиз бўлган. 1404 йили Самарқандда бўлган Руи Гонсалес де Клавихо ўз мансабини суистеъмол қилган вазир Муҳаммад Довудни Амир Темур халқ кўзи олдига жазолагани ҳақида гувоҳлик беради. Соҳибқирон яхши вазирларни «қилич ва қалам соҳиби» деб аташни таклиф этган.

Амир Темур аркони давлатда ҳалол, сидқидилдан хизмат қилганларни тақдирлаб, мартабаларини юксалтирган, игвогар, зулмкорларнинг қаттиқ жазосини берган. Унинг феъл-атворида иккиланиш, огмачилик, бутун бир сўзни айтиб, эртаси куни унга қарама-қарши сўз айтиш бўлмаган. У қатъиятли, бир сўзли, чўрткесар бўлган.

«Зафарнома»да келтирилишича, Соҳибқирон шундай деган: «Менинг мақсадим давлат ишларида адолат ва тартибни, қонунчиликни тиклашдир. Фуқаролар тинч-тотув яшасинлар дейман. Мен шариат ва қонунчиликни ўрнатай. Эндиликда менинг мақсадим мамлакатларни забт этиш эмас, қўлга киритилган давлатларни идора қилишдан иборатдир».

**Л.КЕРЕН:** Темурбек ўзининг бепоён салтанатини бошқаришда қаерда нима кечаётганидан хабардор бўлиб турган ва ўз буйруқларини зудлик билан етказа олган. Бунинг учун у жуда самарали алоқа тизимини барпо қилган, йўл ёқаларига масофани билдирувчи белгилар қўйдирган, отлар билан таъминланган дам олиш манзилларини қурдирган ва фақат ўзига бўйсунадиган назоратчилар тайинлаган.

Амир Темур ички ва ташқи савдо йўллари-ни ташкил қилган ва уларнинг ҳимоясини таъминлаган. Қароқчи ва талончилардан ҳимояси қафолатланган савдо карвонлари тинчлик ва



осойишталик ҳукм сурган салтанатга тинимсиз келиб турган. Ҳамманинг кўз ўнгида, Самарқанднинг Кўксаройида сақланадиган катта хазиначи бўлган. Савдо қарвонлари давлатга маълум бож тўлаб савдо равнақига ва юрт фаровонлигига улкан ҳисса қўшган.

**А.САИДОВ:** Ҳазрати Соҳибқирон: «Мен истардимки, бир гўзал париваш бошида тилла солинган патнис билан йўлда ҳеч қандай зиён-заҳмат кўрмай Кобулдан Дамашққача етиб келсин», – деган. У савдо-сотикнинг ривож раиятнинг фаровонлиги ва мамлакатнинг ободонлигига хизмат қилади деб таъкидлаган.

**Л.КЕРЕН:** Темурбек ўз измидаги йирик шаҳарлардан тушган солиқларнинг бир қисмини қурилишга, ёдгорликлар, боғлар, сугориш иншоотлари барпо этишга, шаҳар ва қишлоқларни обод қилишга сарфлаган. Бу улкан режалар одамларни иш билан таъминлаш ва ишлаб чиқаришни жадаллаштиришга олиб келган.

Қисқа қилиб айтганда, Амир Темур ва темурийлар давлатни холисона ва омилкорлик билан бошқаришда тўрт асосий қоидага амал қилганлар:

**биринчидан**, одил маъмурий ва юридик хизматларни ўрнига қўйиш;

**иккинчидан**, тезкор алоқа тизимини ўрнатиш ва ушлаб туриш;

**учинчидан**, ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизимини барпо қилиш ва ривожлантириш, маҳаллий ва ташқаридан келтирилган қўл кучидан фойдаланиб улкан қурилишларни давом эттириш;

**тўртинчидан**, ички ва ташқи савдо (ипак ва ноз-неъматлар савдоси) йўллари кенгайтириш ва қўриқлаш.

**А.САИДОВ:** Америкалик олим Корнел Х.Флейшар туркий давлатлар бошқарувида учта ўзаро боғлиқ тамойил – шариат, қонун ва амир муҳим бўлиб, улар, ўз навбатида, дин, давлат ҳамда бошқарувнинг туркий йўли билан боғлиқдир деб ёзган.

**Л.КЕРЕН:** Темурбек ўз салтанатидаги барча дин пешволари ва олимларнинг ҳурматини жойига қўйган.

**А.САИДОВ:** Соҳибқирон ўзини «Аллоҳнинг иродасини бажарувчи» деб билган ва худди

шу ишонч ҳамда исломга эътиқод унинг давлат, бунёдкорлик ва саркардалик салоҳияти билан уйғунлашиб, бекиёс қудрат ва шижоаткорликка айланган. Шу омил туфайли бўлса керак, француз шарқшунослари Амир Темур ва темурийларнинг ислом дини ва дин пешволарига муносабати мавзусига алоҳида эътибор берадилар. Бу борада иқтидорли ёш олим Т.Зарконнинг қатор мақолалари диққатга сазовордир.

Ҳазрати Амир Темур чин тақводор мусулмон бўлган, авлиё ва пирларини, шайху уламоларни ниҳоятда ҳурмат қилган. Шунинг учун Соҳибқирон Амир Қулолнинг башоратларини Аллоҳнинг иродаси деб билган, ҳеч иккиланмай уларни амалга оширишга интилган.

Тасаввуф илмининг турли олимлари, айниқса, нақшбандия тариқати шайхлари темурийлар сулоласи вакиллари, масалан, Шоҳрух Мирзога, умуман, XV асрда Мовароуннаҳрдаги ижтимоий-сиёсий ва мафкуравий муҳитга катта таъсир ўтказганлар.

Минг афсуслар бўлсинки, «қизил империя» даврида Амир Темур тўғрисида бирор-бир ижобий сўз айтмоқ жиноят ҳисобланди. Унинг фаолияти ва шахси фақат «қора кўзойнак» орқали ўрганилди, талқин қилинди. Мустақилликка эришилгандан сўнг бу борада қатор хайрли ишлар бошланди. Бобокалонимиз номлари ҳақли равишда ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинмоқда.

**Л.КЕРЕН:** Совет тузуми даврида Темурбек шахсини ерга уришга, унга фақат босқинчи сифатида қарашга уриниб, бошқа фазилатлари четлаб ўтилган. 1961 йили Ўзбекистонда бўлганимда менинг Амир Темур ҳақидаги, унинг давлат арбоби бўлганига ва фазилатларига доир саволларимга жавоб беришдан бош тортганлари ҳануз эсимда. Аммо темурийларнинг ёдгорликларини инкор этиб бўлмаслиги, Улуғбекка, умуман, темурийлар маданиятига ҳурмат сезилиб турарди.

Эҳтимол, совет ҳукумати Амир Темурни, тарихда устунлик қилган, жаҳонга машғала бўлган маданият ва сулолани барпо эта олган инсонни ўзбек халқи танишидан қўрққандир! Аслида, шўролар ўзбекларнинг бу тарихий эъ-



озли ўтмиши билан гурурланиши советчасига шахсга сигинишдан устун бўлиб кетишидан чўчигандир.

**А.САИДОВ:** Аммо хорижда битилган баъзи асарларда ҳам Амир Темур тарихини ўта бир ёқлама ёритиш ҳоллари учрайди.

**Л.КЕРЕН:** Ҳа, Европадаги баъзи матбуот нашрларида Амир Темурга нисбатан босқинчи, қиргинбаротчи тамгалари босилганидан ташқари Марказий Осиё тарихини тан олмайдиган сурия, турк ва форс манбалари ҳам Амир Темур ҳақида салбий тимсол, ўзларига ганим ва босқинчи тимсолини яратишган. Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Амир Темурдан ўч олиш маъносида ёзилган китоблар ҳамда шундай асарларнинг таржималари, Амир Темурни фақатгина ёвуз ва қонхўр сифатида талқин қилувчи, ота-боболаримизни даҳшатга солган европаликлар ва мугуллардан мерос қолган адабиётларгина бизгача етиб келган. Ҳаддан

ташқари бузилган бу манзара ҳозирга келиб ўзгармоқда.

**А.САИДОВ:** Жуда тўғри. Шу муносабат билан Ж.Обен «воқеалар содир бўлган жойларни ва саналарни чалкаштириб юборадиган» айрим йилномачиларга, шунингдек, Амир Темурнинг шаънига «игво қилишни ҳамда бўҳтон ёғдиришни ёқтирадиган битиклар»га танқидий кўз билан ёндашиш зарурлигини алоҳида таъкидлайди. У Соҳибқиронни билиб-билмай қоралайвериш оқибатда мураккаб шахсият соҳиби бўлган ул зот фаолиятининг кўп қирралари ҳамда шахсий фазилатлари унутилиб кетишига сабаб бўлганини афсус билан қайд этади.

Менинг фикримча, Амир Темур ва темурийлар даври умумбашарият тарихи нуқтаи назаридан тадқиқ қилинмоғи лозим. Фақат шундагина бу улуг зотнинг инсоният тарихида тутган муносиб ўрнини кўрсатиб бериш мумкин бўлади.





**Л.КЕРЕН:** Ўзбекистонда Амир Темур ва унинг фаолиятига берилаётган эътиборни қутлаш керак. У ҳақда ёзганда, Сиз айтганингиздек, тарихий усулни тарк этиб бўлмайди. Собиқ совет ҳукумати ва Амир Темур ҳақида яхши тасаввурга эга бўлган европалик муаллифлар Амир Темурни зўр саркарда этиб тасвирлаган бўлсалар-да, кўпроқ вайронкор босқинчи сифатида талқин қилганлар.

Ҳасадгўйлар унинг тинчлик тарафдори, санъат ҳомийси ва эзгу ишлар бошчиси бўлганини кўролмайдилар. Унутиш керак эмаски, Амир Темур шафқатли фотиҳ бўлган, ўз юришларини маънавият қоидаларини бузмаган ҳолда амалга оширган.

Амир Темурнинг ўз рақибига даҳшат солувчи ва уни енгиш учун барча имкониятлардан фойдаланувчи ижодкор, одил, шафқатсиз, айёр давлат арбоби ва саркарда сифатидаги жиҳатларини билмоқ керак.

Темурбек жаҳон тарихида энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. У ўз давридаги жамиятни янгилаган ва унга янги йўналиш багишлаган. Ўрта асрни якунлаб, Уйғониш даврини бошлаб берган ҳали заиф Европани турк истилосидан халос қилган. Олтин Ўрда қудратини парчалаб, Русь озодлигини таъминлаган, фаровонлик келтирган савдо йўлларига равақ берган, Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ халқлари маданиятининг юксалиши учун барча зарур шароитларни яратган, ўз ўгиллари ва набираларига илгор маълумот берганки, буларнинг ҳаммаси санъат ва фан равақини таъминлаган. У ўз салтанати пойтахтида тинчлик ва хавфсизликни барқарор қилган, олим ва санъаткорларни олдинги сафга олиб чиққан. Ҳар томонлама гўзалликка ва Худога ишончни ифодалаб, кўкка интилган ёдгорликлар бунёд қилдирган.

Темурбек инсоният тарихидаги буюк шахслардан биридир, лекин халқлар тасаввурида даҳшатли из ҳам қолдирган: гуллаб-яшнаган ва тинчлиги таъминланган салтанат барпо қилиш учун ўжар халқ ва шаҳарларни забт этган. Темурийлар маданияти асосчисининг шу жиҳатини бўрттириб кўрсатиш авж олиб кетган. Амир Темурнинг шу иккинчи томонини аниқ

таққослашнинг урдасидан чиқилишига умид қилиш ва шунга интилиш керак.

**А.САИДОВ:** Бир қатор ўзбек тарихчилари (И.Мўминов, А.Муҳаммаджонов, Ш.Каримов, Р.Шамсутдинов) Амир Темурнинг давлат фаолияти ва юришларини икки даврга бўладилар. Бу муаллифларнинг фикрича, биринчи давр 1370 – 1386 йилларни ўз ичига олади. Уша даврда Амир Темур асосан марказлашган йирик давлат тузиш учун курашган. Иккинчи давр эса 1386 – 1405 йиллар бўлиб, бу даврда Соҳибқирон салтанати ҳудудларини кенгайтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

**Л.КЕРЕН:** Менимча, Амир Темур юришларини аниқ икки даврга ажратиб бўлмайди. Авваламбор, Амир Темур асосан музаффар, доимо олга босган, забт этган, ҳукмронлик қилган ёки вазиятга қараб вайрон ҳам қилган. Бу вазиятлар ўзгарган ва унинг донишмандлиги яратувчиликка олиб келган. Унинг галаба саналари олдиндан белгилаб олинган режага тушмайди, балки ҳужумдан кейин тайин бўлади. Баъзи юришлари тасодифий галаённи бостириш учун зудлик билан бошланган (Масалан, Гуржистонни забт этиш, аслида, унинг режасида бўлмаган).

Менимча, Амир Темурнинг нияти Самарқанд теварагида равақ топган ва яхши идора қилинадиган, ташқи ҳужумдан ҳимояланган бир подшолик барпо этишдан иборат бўлган. У шундай қилган ҳам: 6 мамлакат тахминан қадимдаги Мовароуннаҳр деб аталмиш Суғдиёна минтақасига тўғри келган.

Амир Темур бевосита шу салтанат пойтахтини идора қилган. У манфаати уйғун (маданияти, дини умумий) қўшни давлатларни қўшиб олган. Эрон, Хуросон, Бадахшон, Фарғона шулар жумласига кирган ва уларни идора қилишни ўз қариндошларига ёки содиқ кишиларига ишониб топширган. Яна бошқа ерларни куч билан ёки дипломатия йўли билан қарам қилиб олган ва улар Амир Темурга бож тўлаб турган, бу ерлар салтанат пойтахти ва хорижий подшоликлар ўртасида оралик мамлакатларни ташкил қилган. Итоаткорлик, тўланган солиқ ва бож эвазига Амир Темур уларга ёрдам ва ҳарбий муҳофаза ваъда



қилиб, ўз ҳолларига қўйиб берган. Усмонли турклар қўшниси Тахартан, Туркман амирлиги, Гуржистон, Қашгар, Ҳинд шимолидаги Сеистон, Константинополь ва Боязидга қарши уруш давридаги Тарабзун бунга яққол мисол бўла олади.

Бу қарам ёки иттифоқдош мамлакатлар атрофида Русь ерлари, Олтин Ўрда, Туркия, Сурия, Бағдод султонлиги, Деҳли султонлиги ва Хитой каби қудратли ташқи подшоликлар турган. Шу подшоликлар унга ганимлик қилганларида ва хавф солганларида Амир Темур улар устига аёвсиз ҳарбий юришлар қилган, шаҳар ва қўргонларини босиб олган, хазиналаридан кўплаб бойлик олиб қайтган.

Шундай қилиб, Амир Темур ўз юрти атрофида бепоён мудофаа қўргонини сақлаб турган. Марказий Осиёни мўғуллардан озод этиш учун қилган юришлари 1386 йилдан кейинги турли даврларга тўғри келади.

Амир Темур 1389 йили шимоли-шарқдан Самарқандга ва Ипак йўлига хавф солиб турган мўғул кўчманчи қабилаларини тарқатиб юборган.

1391 йили Тўхтамишни таъқиб қилиш ва енгилш учун то Уралгача борган. 1395 йили у Русни енгган ва Олтин Ўрда армиясини тор-мор келтирган.

Мен бу ерда унинг барча юришлари ҳақида гапириб ўтирмайман, лекин шуни таъкидламоқчиманки, Амир Темурнинг ҳарбий ҳаракатларини аниқ икки даврга бўлишнинг иложи йўқ ва унинг Марказий Осиё мўғуллари билан тўқнашувлари 1386 йилдан кейин ҳам давом этган.

**А.САИДОВ:** Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аждодларимиз мероси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини зўр мамнуният билан таъкидлайди. Бу борада, айниқса, Амир Темур ҳақидаги излашларни алоҳида кўрсатиш мумкин. Темуршунослик француз шарқшунослик мактабининг мустақил бир йўналиши деса бўлади. Шу боис Амир Темур шахсига бўлган бундай қизиқишни нима билан изоҳлаш мумкини?

**Л.КЕРЕН:** Ҳа, XIX асрда Францияда Марказий Осиёни, жумладан, Ўзбекистонни ўрганишга қизиқиш кучайган, 1822 йили Сильвестр де Саси Амир Темур ва Франция қироли ўртасидаги ёзишмаларни ўрганиб, мақола чоп эттирган ва 1894 йили А.Моранвилле уни Амир Темурнинг Париждаги Давлат архивида сақланаётган хатини олиб келган архиепископ Иоанн хотиралари билан тўлдирган.

Темурийлар тарихини ўрганиш ана шундан бошланди, сўнгра темурийлар даврининг миниатюра санъатига бағишланган мақола, шу кунгача бўлган даврнинг турли босқичларида чоп этилган «Амир Темур мамлакатига саёҳат» ҳикоялар туркуми пайдо бўлди.

**А.САИДОВ:** Мен Францияда Амир Темурга бўлган қизиқиш XVII асрдан, яъни Соҳибқирон тўғрисидаги Шарқ тарихий манбаларини таржима қилишдан бошланган деб ўйлайман. Сиз тилга олган муаллифлар Францияда сақланиб қолган муҳим тарихий ҳужжатлар ҳақида ёзганлар. Албатта, бу жуда муҳим.

Сизга маълумки, Францияда Амир Темур номи билан боглиқ яна бир қатор ашёлар мавжуд. Масалан, Парижнинг дунёдаги энг катта Лувр музейида Соҳибқирон Аҳмад Яссавий мақбараси учун ясалган олтиша шамдондан бири, темурийлар ва бобурийлар даврининг сопол идиш-товоқлари, мрамор қабртошлардаги битиклар, гиламлар, аскарларнинг совутлари ва қурол-аслаҳалари сақланмоқда. Айтишларича, Парижда Амир Темур ҳайкали бўлиб, унинг пойига «Европадан Халоскорига» деган сўзлар ёзилган экан.

**Л.КЕРЕН:** Бу катта ҳайкал эмас, олтиндан ясалган мўъжаз ҳайкалча бўлгани ҳақида маълумот бор. Мен унинг расмини топдим, лекин асл нусхасини қидиришим зое кетди. XIX асрга дахлдор бу ашё, Амир Темурга қизиқишнинг далили ҳисобланмиш бу асар ўз даврининг катта мукофотини олган бўлса ажаб эмас.

Францияда Амир Темур ва унинг сулоласи тарихига қизиқиш кундан-кун кучайиб бормоқда. Шу муносабат билан европалик шарқшунослар ва тарихчилар ўрта аср охирида амалга оширган ишлар салмоғи ҳам ортиб борапти.



Ҳеч иккиланмасдан айтиш мумкинки, Темурбек Боязидни енгиб Европани халос қилган.

Амир Темур ва европаликлар ўртасидаги алоқаларнинг излари сақланиб қолган. Темуррийлар миниатюраларини завқ-шавқ билан томоша қилиш бахтига сазовормиз. Ўзбекистонда темуррийлардан қолган ёдгорликларни бориб кўриш, расмга тушириш мумкин. Темурбек шахсининг аслида ҳам буюклиги, Шарқ ва Европа тарихчилари эса уни бузиб таҳлил қилганликлари борган сари кўпроқ равшан бўляпти.

Амир Темурнинг фалакиётчиликда буюк элчи сифатида танилган набираси Мирзо Улуғбекнинг илмий даҳоси оламни лол қолдирмоқда. Буларнинг ҳаммаси французлар эътиборини тортади ва уларни янада кўпроқ тадқиқотларга ундайди. Шуни таъкидлаш жоизки, кимдан сўраманг, Самарқанд ва Амир Темур деган иккита ном бир-бирига сингишиб кетганини эътироф этишига гувоҳ бўласиз. Темурбек айна шуни орзу қилган эди.

**А.САИДОВ:** Ҳақиқатан ҳам, Соҳибқироннинг Самарқанд тарихи ва тақдиридаги ўрни беқиёсдир. Амир Темур Самарқандни ўз салтанатининг пойтахтига, Ер юзининг энг гуллаган ва гўзал шаҳарларидан бирига айлантириш йўлида жуда кўп ишлар қилган. Улуғ бобомиз бу муборак қадамжо довругини бутун оламга ёйган, уни рўйи замин сайқалига айлантирган.

Ҳозирги кунда ҳазрати Амир Темур номи билан боглиқ маҳобатли обидаларни тиклаш, асраб-авайлашга катта эътибор берилмоқда. Самарқандда 28 та шундай иншоотда таъмирлаш, қайта тиклаш ва жиҳозлаш ишлари олиб борилмоқда.<sup>1</sup>

Бу ишлардан мақсад Соҳибқироннинг номи, обрў-эътибори ўз юртида нақадар эъзоз топганини жаҳон аҳлига яна бир бор намоён этишдир. Амир Темурнинг Европа мамлакатлари билан алоқаларига қайтадиган бўлсак, унинг Франция қироли Шарль VI билан дипломатик ёзишмаларини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак.

<sup>1</sup> Кейинги йилларда бу борадаги таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари янада кенгайган ва юртимизнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларини ҳам қамраб олгани таҳсинга лойиқдир (А.С.).

**Л.КЕРЕН:** Темурбек билан европаликлар ўртасидаги ёзишмалар ўша даврда анча илгариллаб кетган. Товар айирбошлаш, айниқса, савдогарлар борди-келдиси, ирқ, дин ва масофадан қатъи назар, яхши дўстона алоқалар ўрнатиш имкониятлари кўриб чиқилган. Ўзаро яхшироқ танишиш истаклари билдирилган.

Биринчи бўлиб Темурбек ташаббус кўрсатиб Генуя де Перага, Тарабзун ва Константинополь императорликларига элчилар юборган. Уларни Боязиднинг иттифоқида бўлиш тўғрисидаги таклифини қабул қилмасликка чақирган, бунинг эвазига турклар қўлидаги барча насроний тутқунларни озод қилиш ва ҳимоялашга ваъда берган.

Амир Темур ўз сўзининг устидан чиққан. Анқара галабасидан кейин дарҳол у Кастилия қироли олдига элчи Муҳаммад Кешийни жўнатган ва унга совгалар юборган.

**А.САИДОВ:** Бу элчининг исми-шарифи турли асарларда ҳар хил ёзилади: айрим манбаларда «Муҳаммад ал-Қози», бошқаларида «Муҳаммад ал-Ҳожи». Г. ле Странж «Ҳожи Муҳаммад» деб ёзган. Клавихо «Кундаликлар»ининг ҳар икки русча таржимасида элчининг оти ҳеч бир асосиз «Магомет Алкаги» деб берилган. Шу каби хатолар бошқа манбаларда ҳам учрайди.

**Л.КЕРЕН:** Менинг фикримча, «Муҳаммад ал-Кеший», яъни кешлик Муҳаммад дейиш тўғридир. Чунки бу Шарқда қабул қилинган исм қўйиш қоидаларига мос келади.

**А.САИДОВ:** Соҳибқирон элчиси бир неча тилни билган, дунё кўрган, ҳатто Маккани тавоф этиб ҳожи бўлган. Клавихо Амир Темур Кастилия қиролига элчи Муҳаммад Кеший орқали махсус хат ва совгалар юборгани ҳамда Соҳибқирон элчисининг Европада яхши кутиб олингани ҳақида хабар берса-да, бироқ бу хат мазмунини баён қилмайди.

Арготе де Молина Амир Темурнинг Ҳенрих III га элчи Муҳаммад Кеший орқали юборган хатининг тўла испанча матнини эълон қилган. Бу хат Клавихо хотираларининг 1782 йили Мадридда Антонио де Санча томонидан чиқарилган нашрига илова қилинган Арготе де Молинанинг «Қисқача кириш сўзи»да келти-



рилган. Хатнинг асл нусхаси Испания архивларида сақланмоқда.<sup>2</sup>

**Л.КЕРЕН:** Ҳақиқатда Амир Темур Франция, Англия, Генуя ва Венеция подшолари олдида фавқуллодда элчи қилиб, шунингдек, насроний тақводори, Султония архиепископини юборган. Амир Темур юксак ҳурмат-эҳтиром билан Константинополь ва Кастилия элчиларини қабул қилган.

Афсуски, бу алоқалар Амир Темур вафотидан кейин барҳам топган. Менимча, Амир Темурнинг мақсади Буюк ипак йўли деб аталмиш савдо йўлини бутун Европага чўзишдан иборат бўлган. Ўз зафарлари билан Амир Темур шу шарафли йўлнинг ташкилотчиси ва соҳиби бўлган.

**А.САИДОВ:** Мустақил Ўзбекистонда Соҳибқирон орзу-умидлари ушалмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси асосида тарих билан ҳисоблашган ҳолда Буюк ипак йўли тинчлик ва мулоқот йўли сифатида ўз анъаналарини давом эттириши учун амалий қадамлар қўйилмоқда.

«Тарихнинг ўзи Ўзбекистонга Евросийнинг Ғарбни Шарқ билан, Жанубни Шимол билан боғлайдиган асосий йўллари чорраҳасидан жой тайин қилган. Республикамиз товарлар,

капитал ва хизмат кўрсатишнинг халқаро йўлида ўзига хос марказ бўлиши учун барча имкониятлар мавжуд».<sup>3</sup>

ЮНЕСКО ва Халқаро сайёҳлик ташкилоти билан яқин ҳамкорликда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тараққиёт дастури яратилмоқда.

Яна бевосита мулоқотимиз мавзусига қайтасак. Баъзи рус ва Ғарб тарихчилари Соҳибқиронни «Тамерлан» деб аташади. Сиз ҳам ўз китобларингиз сарлавҳасида шу номни қўллагансиз. Умуман, бу номнинг келиб чиқиши хусусида нима дейсиз?

**Л.КЕРЕН:** Европада қўлланилган «Тамерлан» сўзи Европадаги баъзи манбаларда учрайди. Шунинг учун уни тузатишнинг ҳожати бўлмас керак деб ўйлайман. Менимча, бу ном XVII асрдан бери қўлланилиб келган.

Ҳозирги кунда тарихий изланишларда Темурбек ёки Амир Темур деб ёзган маъқул, шуниси ҳақиқатга яқин.

**А.САИДОВ:** Фикрингизга қўшиламан. Одамларнинг жисмоний камчилигини юзига солиш ёки исмига қўшиб айтиш барча халқларда ҳам одобсизлик саналади.

*(Давоми келгуси сонларда)*

<sup>2</sup> Исмаилов Х. Амир Темур ва хорижий дунё // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1995 й. 22 сентябрь.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – Б.39 – 40.



# ҲУМОЮН –

## ТАХТ ВОРИСИ ВА БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИНИНГ ХАЛОСКОРИ

Р.Р.Шамситдинов, т.ф.н.

*(Давоми, боши журналнинг 2018 йил 1-сониди)*

Ҳумоюннинг пойтахтнинг жануби-шарқидagi Баҳодиршоҳ билан олишиб юрганидан унумли фойдаланган Шерхон Бехорда туриб ўзининг ҳарбий ва иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш билан шугулланди. У ўзининг асл ниятларини Ҳумоюндан сир тутар, иложи борича ўзини подшоҳга (Ҳумоюнга – Р.Р.Ш.) хайрихоҳ қилиб кўрсатишга интиларди. Лекин мақсадлари йўлида вақтни бой бермаган ҳолда босқичма-босқич ўз режасини амалга оширишни бошлаган эди. Шу аснода Шерхоннинг ўгли Қутбхон ҳам Ҳумоюннинг рухсати билан унинг қўшинидан чиқиб отасига қўшилади. Қунор қалъаси ҳам ихтиёрида бўлган Шерхон Бенгалга ҳужум қилади ва ношуд Муҳаммадшоҳдан ўн уч лак диноҳ товоҳ ундиради.

Ҳумоюн унинг бу ишларига эътибор бермайди, фақат Ҳиндубекни Жонпур қалъасига ҳоким этиб тайинлаб, унга Шерхондан кўз-қулоқ бўлиб туришни буюради. Ҳиндубек эса Шерхоннинг қимматбаҳо совгаларига сотилиб, унинг бобурийларга гаразли нияти йўқ деган мазмундаги хабарларни пойтахтга юбориб туради.<sup>1</sup> Қутбхоннинг кетиб қолишини, Шерхоннинг Бенгалга ҳужумини тўғри баҳолай олмаганлиги ва вазиятни таҳлил қилолмаганлиги хотиржам Ҳумоюннинг катта хатоси эди. Бундан Шерхон унумли фойдаланди ва яна Бенгалияга ҳужум бошлади. Фақат ана шундагина Ҳумоюн Шерхоннинг асл ниятини тушуниб, унга қарши курашиш зарурлигини кеч бўлса-да сезди ва катта лашкар

билан шарққа, Бенгалияга қараб юриш бошлади. Юришга икки укаси Аскарый, Ҳиндол ва ҳарамнинг катта қисмини ҳам олган эди.<sup>2</sup> Шунда ҳам тактик хатога йўл қўйди, яъни тўғри Бенгал пойтахти Гаурни ҳимоя қилишга юриш ўрнига Чунор қалъасини қамал қилишга киришди. Ганг дарёси бўйида жойлашган баланд ва мустаҳкам қалъани Ҳумоюн олти ой қамал қилади. Чунорни Қутбхон бошқарар ва отасининг буйругига биноан иложи борича Ҳумоюнни узоқроқ ушлаб туриш вазифасини бажарарди. Бу пайтда португалияликларнинг Бенгалга ёрдами фақат бир йилдан сўнг бўлишидан хабар топган Шерхон Гаурни босиб олади ва катта бойликларга эга бўлади. Бенгал султони Маҳмудшоҳ қочиб Ҳумоюннинг ёнидан паноҳ топади. Шу даврда Ҳумоюн ҳам Чунор қалъасини забт этади. Лекин унинг бу галабаси Шерхоннинг Гаурни олишчилик аҳамиятли эмас эди.<sup>3</sup>

Ҳумоюн Шерхоннинг сулҳ тўғрисидаги таклифига қўнмай Гаурга қараб юради. Бундан хабар топган Шерхон ўгли Жалолхонни Ҳумоюннинг йўлини тўсиб туришга қўйиб, ўзи барча бойликларини олиб лашкарлари билан Гаурни тарк этади. Жалолхон эса Бенгалдаги ишларини битириб, Бехорга қайтиб кетади. Натижада Ҳумоюн 1538 йилнинг июнь ойида ҳеч қандай қаршиликсиз Гаурни олиб, уни Жаннатобод деб атади.<sup>4</sup> Бироқ яна тез ҳаракатланиш ўрнига

<sup>2</sup> Gascoigne B. The Great Moghuls. – New Delhi: TBI. 1971. – P. 49.

<sup>3</sup> Шамсутдинов Р., Абдуллаев Ф., Абдуллаев М. Буюк бобурийлар салтанати. – Андижон: Мерос. 1995. – Б. 56.

<sup>4</sup> Ўша жойда.

<sup>1</sup> Шарма Л.П. Бобурийлар салтанати. – Тошкент: Маънавият. 1998. – Б. 41.



Хумоюн Мирзонинг Ҳамидхонга қарши юриши

ҳар қандай ишлардан ўзини хориж қилиб, ҳарамидан чиқмай маишатга берилади ва шу ерда тўққиз ойга қолиб кетади.<sup>5</sup>

Шерхон эса Гаурдан кетса-да, Хумоюннинг орқа томонида ўзининг кучларини тўплаб, позициясини мустақамлади. Қолаверса, Хумоюн орқа томонини ҳимоя қилиш учун қолдириб кетган укаси Ҳиндол турган жойини ташлаб Аграга юрди ва ўз номига хутба ўқитиб, ўзини подшоҳ деб эълон қилди. Бундан хабар топган Хумоюн Ҳиндолни йўлга солиш учун шайх Бахлулни Аграга юборди, лекин Ҳиндол Хумоюннинг пири бўлган бу оқсоқолни ўлдирди. Шу шароитда «Хумоюн подшоҳ Бангалани (Бенгалия – Р.Р.Ш.) мўгул Иброҳим бекчининг ўгли Жаҳонгирқулига топшириб, уни беш минг кишилик лашкар билан қолдириб, ўзи Аграга жўнади».<sup>6</sup> Хумоюн бу йўлда Човса ва Моинга

етганида Шерхон унинг йўлини тўсиб чиқади. Шерхон, агар Хумоюн унга қарши ҳаракат бошласа, келган йўлидан Гуарга қайтишни, бундай бўлмаган ҳолда эса унинг ўзини таъқиб этиб қутилмаган зарба беришни режалаштирган эди.<sup>7</sup> Шундай ҳам бўлди. Хумоюн Тархут деган жойга келганида Шерхон душман лашкари оз сонли ва лагерида тартиб йўқлигини хуфялар орқали билганидан сўнг бобурийларга қарши ҳужум қилишга қарор қилиб, катта ва яхши қуролланган қўшин билан келди. Буни эшитган Хумоюн газабланиди ва йўлини душман томонга бурди. Натижада Қармнаса дарёси бўйидаги Бихия деган қишлоқда икки қўшин тўқнашди.<sup>8</sup> Бу қарама-қаршилик 3 ойгача (1539 йилнинг апрель – июнь) чўзилиб кетди, орада самарасиз музокаралар олиб борилди.<sup>9</sup> Шерхон айёрона иш тутиб, сулҳ тўгрисида ўз таклифларини обрўли одамлар орқали Хумоюнга юбориб турди. Шерхон ёмгирлар мавсумини кутарди, чунки бобурийлар қўшини Ганга ва Қармнаса дарёлари оралигидаги пастқамликда жойлашган эди.<sup>10</sup> Ҳайдарнинг ёзишича, бир неча марта подшоҳдан (Хумоюндан – Р.Р.Ш.) укаларига чопарлар келиб, Ҳиндистондаги гавголар бошида Шерхон тургани, унинг ҳозир Хумоюн подшоҳга қарши урушаётгани, укалари тезроқ бориб уни тор-мор қилишлари лозимлигини айтишади. Аммо укалар ўзаро душманлик билан банд, ганим эса ўз ишини қилиб ётарди.<sup>11</sup> Яъни бир ёқадан бош чиқариб акаси Хумоюннинг талабига биноан умумий душман бўлган Шерхонга қарши курашиш ўрнига Ҳиндол Аградан Деҳлига қараб юради, Комрон ҳам акасига ёрдам бериш учун Човсага эмас, балки укасига қарши Деҳлига қараб 12 минг қуролланган отлиқ аскар<sup>12</sup> билан юриш қилади. Ҳиндистон музофотларида Хумоюннинг амирлари Ҳиндолга бўйсунмаган бўлса-да, аммо Комрон Мирзо Деҳлига келганида уни қарши олишга чиқишди, бу билан Комрон Мирзога бепарқ эмаслигини кўрса-

2010. – Б.666.

<sup>7</sup> Абул Фазл Аллами. Акбарнаме. – Самара: Агни, 2011. – С.225.

<sup>8</sup> Қурсатилган асар. – Б.226 – 227. Қурсатилган асар. – Б.226 – 227.

<sup>9</sup> Шарма Л.П. Қурсатилган асар. – Б.42.

<sup>10</sup> Ўша жойда.

<sup>11</sup> Ҳайдар Мирзо. Қурсатилган асар. – Б.667.

<sup>12</sup> Гулбаданбегим. Хумоюннома. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б.49.



тишди. Баъзи бир тажрибали аёнлар Човсага бориб подшоҳга мадад бериш ҳақида қанча куйиб-пишишмасин, айрим калтабинлар бунинг аксини маслаҳат беришди.<sup>13</sup> Айтиш жоизки, бу масалада Комрон Мирзонинг тахтга бўлган ҳирсини ҳам инобатга олиш керак, чунки айнан шу боис у Ҳумоюннинг подшоҳ сифатидаги амрига ҳам, ака сифатидаги илтимосига ҳам қарамай (бўйсунмай), Шерхонга қарши юришни ҳар хил баҳоналар билан пайсалга солиб Човсага бормади. Гулбаданбегимнинг хабар беришича, Комрон Мирзо Мир Фақир Алининг таклифи билан унинг ўзи ва Мирзо Ёдгор Носирни Деҳлида қолдириб, Ҳиндолни ўзи билан олиб Аграга кетди.<sup>14</sup>

Шу тарзда Ҳумоюн Аскарый билан бирга оз сонли, ҳоргин, яхши қуролланмаган ва тартибсиз лашкар билан пухта тайёргарлик кўрган кучли Шерхоннинг қўшини қаршисида қолди. Бунинг устига, у Шерхоннинг айёрона қилган макрига ишониб алданиб қолди. Б.Госкойнининг таъкидлашича, Ҳумоюннинг элчиси мулла Муҳаммад Азиз Шерхоннинг қароргоҳида норасмий тарзда учрашади ва маълум келишувга эришилади. Унга кўра, Шерхон Ҳумоюнни император сифатида тан олгани ҳолда Бангала ва Бихорнинг ўзида қолишига рухсат берилиши керак эди. Шерхон бу битимни қабул қилгандай бўлиб қўшинини орқага қайтариб кетаётгандек кўрсатиш учун ҳаракатга келтиради ва бир неча мил узоқлашади. Унга ишонган Ҳумоюн ҳам мудофаага қулай жойини ташлаб Агра томонга силжийди.<sup>15</sup> Бироқ Шерхон лашкарини даранинг узоқларидан олиб ўтиб тунда тўсатдан уйқудаги бобурийларга уч томондан ҳужум қилади. Гафлатда қолган Ҳумоюн қўшини саросимага тушиб ҳеч нарсага улгурмай аянчли мағлубиятга учрайди. 8 минг кишидан ажралган Ҳумоюн қолган лашкари билан бутун нарсаларини ташлаб қочишга тушади.<sup>16</sup> Қириб ташланган қўшиндан омон қолганлари ҳиндлар кўрқадиган Карманаса дарёсига гарқ бўлишади. Подшоҳнинг ўзи атрофидаги озчилик аскарлар билан душманга

қаршилиқ кўрсатиб, ўнг елкасидан яраланиб кўприкка етишганда унинг бузиб ташланганини кўради. Шунда Ҳумоюн оти билан дарёга ўзини ташлайди, оти билан бироз сузади, аммо тез орада отидан ажраб шиширилган мешга ёпишиб сузаётган Низом мешкобчи ёрдами туфайли қиргоққа чиқиб олади. Жонини сақлаб қолгани учун жуда миннатдор бўлган Ҳумоюн Низомга худо хоҳласа тахтга эсон-омон ўтирса ярим кун<sup>17</sup> подшоҳлик қилишини ваъда қилади. Бу мудҳиш воқеа Ганга бўйидаги Човса кечувида 1539 йилнинг 7 июнида бўлиб ўтган эди.<sup>18</sup> Муҳаммад Замон Мирзо, мавлонолар – Муҳаммад Паргали, Қосим Али Садр, Таттилик Жалол, кўплаб лашкарбошилар ва илм одамлари чўкиб кетишди.<sup>19</sup> Ҳумоюннинг юзини ерга қаратадиган ҳолатлардан яна бири унинг ҳарамидаги аёлларнинг йўқолгани бўлди, уларни чўкиб кетган деб тахмин қилишди. Чунки тирик қолганлари билан Шерхон жуда яхши муносабатда бўлади ва Аграга Ҳумоюнга қайтариб юборади.<sup>20</sup>

Подшоҳ ҳазратлари Аскарый Мирзо ва омон қолган бир қанча одамлари билан бирга Аграга келади. «Яраланган Ҳумоюннинг бетоблиги қирқ кунга чўзилди, шундан сўнг сиҳат топдилар», – деб ёзади Гулбаданбегим. Ҳумоюн тахтга ўтирганидан бери биринчи бор Бобурнинг тўртала фарзанди 1539 йил 27 июлда Аграда йигилади. Ҳумоюн Ҳиндол Мирзони Алвардан чақиртириб, унинг исёнкорлик ишларини Оромбогда, оталарининг қабри олдида муҳокама қилишади. Ҳиндол Шайх Бахлулни Шерхонга сотилганликда айбланганига ишонгани учун қатл этганини айтади (баъзи маълумотларга кўра, Шайх Бахлул Шайхислом Саид Халил уюштирган фитна қурбони бўлган). «Тақдири илоҳий не буюрган бўлса шу бўлди. Ҳозир менда Ҳиндолга нисбатан заррача губор йўқ!» – деб уни кечиради. Отасининг васиятига биноан Ҳумоюн Комрон ва Ҳиндол Мирзоларни кечиради, улар ҳам подшоҳга таъзим бажо келтиришади.<sup>21</sup> Энди энг асосий ма-

<sup>13</sup> Ҳайдар Мирзо. Кўрсатилган манба. – Б.667.

<sup>14</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.50.

<sup>15</sup> Gascoigne В. Кўрсатилган асар. – Б.50.

<sup>16</sup> Шамсутдинов Р., Абдуллаев Ф., Абдуллаев М. Буюк бобурийлар салтанати ... – Б.58.

<sup>17</sup> Ярим кун – бу тўғрида адабиётларда турлича маълумотлар бор. Низом ярим кун, 1 – 2 кун, ҳатто 1 – 1.5 ой тахтда ўтирган деганлар ҳам бор. Бизнингча, Абул Фазл айтганидек, ярим кун бўлса керак.

<sup>18</sup> Човсадаги жанг воқеалари Гулбаданбегим, Ҳайдар, Абул Фазлнинг келтирилган асарларида баён қилинган.

<sup>19</sup> Абул Фазл Алламий. Акбарнаме... – С.128.

<sup>20</sup> Gascoigne В. Кўрсатилган асар. – Б.51.

<sup>21</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.51.

сала, яъни салтанатга жиддий хавф солаётган Шерхонга қарши курашиш муаммоси турарди. Шунинг учун «ога-инилар... бу воқеалар устида кенгашишди. Кенгаш узоқ давом этди»<sup>22</sup>, лекин самарасиз бўлди. Шерхонга қарши жанг муқаррар бўлиб турган бир пайтда акасиغا Човсада ёрдам бермагани етмагандек, Комрон Мирзо бу жангда ҳам қатнашмаслик илинжида кетмоқчи бўлиб кўплаб вазирларни кўрсатади. Аммо подшоҳ уларнинг биронтасини ҳам қабул қилмади. Шу алфозда етти ой ўтади, бу орада улар вақтни бой беришади ва Шерхон жанг қилиш мақсадида Ганг дарёси соҳилига келади.<sup>23</sup> Човсадаги галабадан руҳланган ва императорлик даъвосини қилишни бошлаган Шерхон ўзини «Ас-султонул Одил Шершоҳ» деб эълон қилади.

Бу орада Ҳумоюн ўз ваъдасига биноан халоскори Низомни маълум муддатга<sup>24</sup> тахтга ўтқазди. Бундан Комрон Мирзо норози бўлади.<sup>25</sup> Ўша тортишувлар, қайтиб кетиш ҳақидаги илтимослар асносида Комрон Мирзо бетоб бўлиб қолади<sup>26</sup>, уни ошқозон-ичак касали безовта қилади, аммо унда «Подшоҳ ҳазратларининг маслаҳати билан оналар (Ҳумоюн ёки Ҳиндолнинг оналари назарда тутилган бўлиши мумкин – Р.Р.Ш.) унга заҳар беришган» деган гумон пайдо бўлади.<sup>27</sup> Ҳумоюн бу ишга алоқаси йўқлигини айтиб қасам ичишига қарамай, Комрон Мирзонинг гумони тарқамайди ва бу ҳолат унинг подшоҳга бўлган ишончсизлиги ортишига олиб келади. Комрон Мирзонинг кетиши Шершоҳга омад олиб келса, чигатой авлодларига бахтсизлик келтиради<sup>28</sup>, унинг кетиб қолиши Ҳумоюн учун катта йўқотиш эди. У Комрон Мирзодан лашкарбошилари-нинг ва лашкарининг бир қисмини мадад учун қолдиришни қанчалар сўрамасин, Искандар султон бошчилигида фақат минг кишини қолдириб, Аградаги қолган барча одамларини ўзи билан бирга олиб кетишга ҳаракат қилади. Улар орасида Хожа Калон ва Ҳайдар Мирзо ҳам бор эди. Лекин Ҳумоюн Ҳайдар Мирзога «бутун Ҳин-

дистон аҳволи ва Бобур подшоҳ авлоди тақдири мана шу жангга боглиқлигини, бу иш қанчалик муҳим эканлигини» тушунтирганидан сўнг, Комрон Мирзо астойдил зўрлашига қарамай, подшоҳ билан қолади.<sup>29</sup>

Шуни ҳам айтиш керакки, Комрон Мирзо шахсан ўзига бўйсунган қўшини билан Шершоҳга қарши курашишни хоҳларди, лекин бутун бобурийларга унинг ўзи бош бўлиб ҳаракат қилишни истарди. Шунинг учун ўзининг мавқеига хавф сезган Ҳумоюн қисман гурурга берилиб, қисман хавфсираб Комрон Мирзонинг зудлик билан Шершоҳга қарши ҳаракат қилиш керак деган режасини рад этади, ўзининг раҳбарлиги остида катта қўшин тўплашга ёрдам беришга укасини ундайди.<sup>30</sup> Шу тариқа ойлаб давом этган совуқ муносабатлар Комрон Мирзонинг қўшинини олиб Лохурга кетиб қолиши билан якунланади.

Ҳумоюннинг мағлубияти Шимолий Ҳиндистонда афгонларнинг тўла ҳукмронлиги ўрнатилишига олиб келди деб бўлмайди. Чунки мамлакатнинг кўп ерларида Ҳумоюнни қўллайдиган, афгонларга душманлик кўзи билан қарайдиганлар ҳам бор эди. Лекин уларнинг бобурийларга хайрихоҳлиги Ҳумоюннинг эндиги ҳаракатларига ва Шершоҳ билан бўлиши кутилаётган жангга боглиқ эди.

Афгонлар Ҳумоюнни батамом тор-мор келтириш ва уни мамлакатдан қувиб чиқаришга қарор қилгандилар. Шу мақсадда афгонларнинг бир қисми Канаважда бўлган бобурийлар истехкомларига ҳамла қилиб у ерни эгаллашади.<sup>31</sup> Бу орада Шершоҳ Бангалани қўлга киритиб, лашкари билан Ганг дарёси бўйига келади. Унинг кичик ўгли Қутбхон эса Атава ва Калпидаги жангда Ёдгор Носир, Қосим Ҳусайн ва Искандар султондан мағлубиятга учрайди, ўзи эса ҳалок бўлади. Бу бобурийлар руҳини бироз кўтаради. Ҳумоюн ҳам Аградан чиқиб, Ганг дарёси соҳилига Шершоҳ қўшини томонга боради. Бу ерда ҳар иккала қўшин Канауж ёнида, дарёнинг икки қиргоғида бир ойга яқин бир-бирига юзма-юз бўлиб туради.

<sup>22</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.50.

<sup>23</sup> Ҳайдар Мирзо. Кўрсатилган асар. – Б.668.

<sup>24</sup> Қодиров П. Ҳумоюн ва Акбар. – Тошкент: Sharq, 1997. – Б.93.

<sup>25</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.52.

<sup>26</sup> Кўрсатилган асар. – Б.53.

<sup>27</sup> Ҳайдар Мирзо. Кўрсатилган асар. – Б.669.

<sup>28</sup> Ўша жойда.

<sup>29</sup> Кўрсатилган асар. – Б.671.

<sup>30</sup> Gascoigne B. Кўрсатилган асар. – Б.51.

<sup>31</sup> Ҳидинов Р., Абдуллаев Ф., Абдуллаев М. Буюк бобурийлар салтанати ... – Б.58.



Бу воқеаларда шахсан ўзи қатнашган, Ҳумоюн билан бирга Шершоҳга қарши жанг қилган Мирзо Ҳайдарнинг фикрича, Шершоҳнинг лашкари 15 мингдан кам эмас эди, Ҳумоюннинг лашкари эса тахминан 40 минг киши бўлиб, ҳаммалари чопқир отларни минишган эди.<sup>32</sup> Аммо бир томонда Шершоҳнинг охирги галабалари ва бой берилган ҳукмдорликни қайта тиклаш мақсади руҳини кўтарган ва жон-жаҳди билан курашга тайёр аскарларни кўрсак, иккинчи томонда Човсадаги маглубият, ака-укаларнинг ноаҳиллиги, Ҳумоюнга укаларининг итоатсизлиги, сарой аъёнларининг фитналари, Комрон Мирзонинг жангда қатнашмай кетиб қолиши ва подшоҳнинг бу ишларга чек қўйиб қатъий ҳаракатлар қилмаётганини кўриб-билиб турган бобурийлар қўшинидаги руҳий-маънавий ҳолат жуда паст эди. Бу эса жанг натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатган омиллардан бўлган деб ўйлаймиз.

Чунки жанг бошланмасиданоқ темурий мирзолардан Муҳаммад Султон Мирзо, унинг ўгли Улуғ Мирзо ва Шоҳ Мирзо қанча гуноҳларини кечирган Ҳумоюнни ташлаб, Шершоҳ билан келишиб, унинг тарафига қочиб кетишади. Бу эса бошқаларга ҳам йўл очиб, лашкар ичидаги ҳар бир кишининг ўз ҳолича қочишига олиб келади. Комрон Мирзо мадад учун қолдирган лашкарнинг ҳам кўпчилиги Лохурга кетиб қолади.

Шу аҳволда Ҳумоюн аъёнлари билан маслаҳатлашиб, дарёнинг нариги қиргогига ўтишга қарор қилади. Бу тадбирдан мақсад, биринчидан, жанг қилишга киришмоқ бўлса, иккинчидан, жангчилар қочишининг олдини олиш эди. Натижада бобурийлар қўшинининг ортида яна дарё тўсиқ бўлиб қолади. Хандақлар қазилиб, тайёргарлик ишлари кетаётганида қаттиқ жала қўйиб, лашкар чодирларини сув босади. Кўпни кўрган одамларнинг фикрича, яна бир марта шундай ёмғир ёгса, сел бутун лашкарни йўққа чиқаришини инobatга олиб бошқа жойга кўчишга қарор қилинади. Мирзо Ҳайдар дурустгина жой топиб кўчиш режасини<sup>33</sup> тузади. Барча унинг маслаҳатига рози бўлиб, у айтгандек бутун қўшин билан худди жанг бошламоқчи

бўлгандек сафланиб туради. Буни кўрган Шершоҳ лашкари ҳам хандақдан чиқади. Бу воқеа 1540 йилнинг 17 майида Ганг дарёсининг бўйидаги Каужада бўлади. Режага биноан Ҳумоюн аравалар, тўп-замбаракларни марказга қўйиб, Муҳаммадхон Румий ва Ҳасан халифа милтиқ ва тўп-замбаракларга сардор қилинади. Қўшиннинг марказида Ҳумоюннинг ўзи, олдида Ҳиндол Мирзо, ўнг қанотда Аскарый ва чап қанотда Ёдгор Носир Мирзо жойлашади. Ҳайдар Мирзо подшоҳнинг чап томонига қўйилади. Шершоҳ лашкари эса беш тўдага бўлиниб, уларга Жалолхон, Сарматхон, Мубаразхон, Баҳодирхон, Рай Ҳусайн Жалваний бош бўлади.

Ҳиндол Мирзо бошқарган лашкарлар душманга қаттиқ зарба беради ва уларни бироз марказга қисади. Шершоҳ катта куч билан ўзи ҳужумга ўтади, буни кўрган бобурийлар чекинишни бошлашади. Ҳайдар Мирзонинг ёзишича, «ҳали душман ўқ узиб улгурмасидан булар (Ҳумоюн қўшинидагилар – Р.Ш.) сомон шамолда тўзгигандек ҳар тарафга қочишарди... лашкар парокандаликка учраб, аралашиб кетди. Бу куни Каужада жанг десанг жанг дегулик жангнинг ўзи бўлмади, биронта тўпдан ўқ отилмади, бирорта замбаракдан ўт очилмади, аравалар ҳам жойидан силжимади».<sup>34</sup>

Шу тариқа Шершоҳ жуда осон галабага эришади, Ҳумоюн қўшини маглубиятга учрайди. Жангсиз душман таъқибидан қочишга тушган лашкарнинг барча амир ва баҳодирлари бирор жойлари лат емай, соппа-соғ дарё қиргогига етиб келади ва иложсиз огир устки кийимлари билан ўзларини дарёга ташлашади ва кенг дарёда кўплаб одамлар гарқ бўлиб кетади.

Ҳумоюн Човсада от билан дарёга сакраб аранг ўлимдан омон қолган бўлса, бу сафар филга миниб дарёдан осонликча ўтиб олади. Қиргоқ баланд бўлганидан филдан тушиб олган Ҳумоюн қандай чиқишни билмай турган бир пайтда газналик Шамсиддин Муҳаммад деган Комрон Мирзонинг хизматчиси ёрдам бериб тепага чиқариб олади.<sup>35</sup> Ҳайдар Мирзо бу ҳолатни шундай таърифлайди: «... туш пайтида саройида ўн етти минг шогирд (ишчи) хизмат қиладиган Ҳумоюн

<sup>32</sup> Ҳайдар Мирзо. Курсатилган асар. – Б.674.

<sup>33</sup> Бу режа Ҳумоюн қўшини худди жангга сафлангандек туриб, орқасидан қўшин кўчишни босқичма-босқич амалга ошириш эди. Бу эҳтиёткорлик чораси эди.

<sup>34</sup> Ҳайдар Мирзо. Курсатилган асар. – Б.675.

<sup>35</sup> Абул Фазл Аллами. Курсатилган китоб. 1-жилд. – Б.236.



подшоҳ сувдан ялангоёқ, ялангбош ҳолда отлик чиқиб келди, уни отга Турдибек деган бир киши миндирган эди».<sup>36</sup> Бу воқеадан сўнг Ҳумоюн қўшинининг талафотини «Фақир банданинг (Ҳайдар Мирзо – Р.Ш.) ихтиёримда мингта мулозимим бор эди, шулардан олтмиштаси дарёдан соғ-саломат ўтиб олди, қолган ҳаммаси йўқлик гирдобида маҳв бўлди...»<sup>37</sup> деган сўзлардан ҳам билса бўлади.

Шершоҳ эса Ҳумоюнни таъқиб этишни давом эттириб, Бармазид Гурийни Аграга, Назирхонни Самбхалга жўнатади, ўзи қолган кучлари билан пойтахт Деҳлига қараб юради. Шу сабаб Ҳумоюн Аграга келади. Бу ерда парокандалик ва баъзи исёнкорлар бош кўтариб қолишган эди. Шунинг учун эртасига сафавий сайидларидан бўлган Рафи маслаҳатига кўра Панжобга кетишга қарор қилади. Шу мақсадда яхши ниятлар билан Лохурга жўнайди. Аскаррий Мирзо Самхалга, Ҳиндол Мирзо эса Алварга кетади. Ҳумоюнга 1540 йилнинг 26 майида Деҳли ёнида Қосимхон Ҳусайн султон ўз одамлари билан қўшилади, 30 майда Рохтаке деган жойда Ҳиндол Мирзо ва Ҳайдар Мирзо қўшилишади. Бу ерда подшоҳ тўхтайдди, аммо истехком (гарнизон) шаҳар дарвозасини очмайди. Ҳумоюн жанг қилиб шаҳарга киради ва гарнизонни жазолайди. Шу ерда бироз дам олиб, 27 июнь куни Лохурга етиб келишади, уларни Давлатхон саройи олдида Комрон Мирзо кутиб олади ва таъзим бажо келтиради. Шу кунлари Самбхалдан Аскаррий ҳам етиб келади, натижада Ҳумоюн учала укаси билан Лохурда жам бўлади.

Бу орада бобурийларнинг Лохурга чекинганидан хабар топган афгонлар июнь ойининг ўрталарида Деҳлини осонлик билан эгаллашади ва Шершоҳ ўзининг қабиласи номига қўйилган Сур давлатига асос солади.

Энди Ҳумоюн барчани бирлаштириб, куч тўплаб бой берилган Бобурийлар салтанатини қайтариб олиш тўғрисида ўйлаши керак эди. Шу мақсадда 1540 йилнинг 6 июлидан бошлаб Лохурда кўплаб йигилишлар бўлиб ўтади. Уларда тўртала ака-ука, амирлар, обрўли кишилар, бошқа давлат одамлари ва машҳур уламолардан

хожа Хованд Маҳмуд, Хожа Абдухолик ҳамда Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) авлодидан бўлган Мир Абдулбақо ҳам қатнашади. Йигилишлардан бирида бундан буён бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилиш ҳақида келишилади ва бу йўлдаги мажбуриятларини ёзма равишда тузиб, унинг ҳошиясига ҳазрат Хожа Хованд Маҳмуд бошлиқ барча пиру устозларнинг исм ва имзолари қайд этилади. Шундан сўнг асосий мақсад борасида кенгашишади, аммо шундай огир ва аянчли вазиятда бирон-бир маъноли тактик ёки стратегик режа ё қарор қабул қила олишмайди. Ҳиндол Мирзо билан Ёдгор Носир Мирзо Бхалкар ва Гужаротни олишни, Комрон Мирзо эса Кобулга кетишни режалаштиради.

Ҳайдар Мирзо то Шершоҳ Лохурга етиб келгунча тўрт ой ўтишини ҳисобга олиб ҳимоясини султонларнинг ўз бўйнига қўйиб Ҳиндистон тоғ этакларидаги ерларни уларга бўлиб бериши, ўзи (Ҳайдар Мирзо – Р.Ш.) эса Кашмирни забт этиши, амирларнинг оила аъзоларини ва уларнинг кўч-кўронларини у ерга жўнатиб, ўзлари тоғларда бекиниши ва тоғ этакларини Сирхинд тоғидан то Саранг тоғигача мустаҳкамлаб олиши мумкинлигини айтади.

Ҳумоюннинг қаттиққўллик ва қатъийлик билан укаларини ўзига садоқат ила итоатда ушлашга ожизлиги, аниқ бир ҳаракат режасига эга эмаслиги вазиятни янада мураккаблаштиради. Ундан-да мудҳишроқ нарса Комрон Мирзонинг махфий хат билан Қози Абдуллоҳни Шершоҳ ҳузурига юбориши бўлди. Бу хатда Панжоб эвазига унга (Шершоҳга – Р.Ш.) ёрдам бериши мумкинлиги тўғрисида ёзилган эди. Омад келиб галабага эришганини идрок этган Шершоҳ Деҳлидан нарига ўтмай турган эди. Қолаверса, Лохурдаги йигилишлар унга қарши иттифоқ билан тугашидан қўрқаётганди. Аммо Комрон Мирзонинг таклифи Сур давлатининг подшоҳини дадиллаштирди, чунки бобурийларнинг ички зиддиятларидан воқиф бўлганидан сўнг қўрқмай ҳаракат қилиш мумкинлигини сезган эди. Бунда унга Мирзонинг ёрдами ҳам керак эмасди, шунинг учун Шершоҳ ўз акасига ва давлатига хиёнат қилган одамга рад жавобини беради. Ҳумоюн тарафдорлари Комрон Мирзонинг қилган хоинлиги жазоси ўлим дейди, лекин Ҳумоюн уларга

<sup>36</sup> Ҳайдар Мирзо. Курсатилган асар. – Б.675.

<sup>37</sup> Курсатилган асар. – Б.676.



отасининг васиятини эслатиб, уни авф этади.<sup>38</sup> Гулбаданбегимнинг гувоҳлик беришича, бу орада ҳар куни Шершоҳнинг Лохурга яқинлашаётгани ҳақида хабарлар келиб турарди. Шершоҳ Сирхиндга етиб келганида Ҳумоюн унга элчи юбориб, «Мен сенга Ҳиндистонни қолдирдим, Лохурни менга қолдир ва Сирхинд иккимиз ўртамиздаги чегара бўлиб қолсин», – дейди. Бироқ Шершоҳ: «... мен сенга Қобулни қолдирганман, ўша ёққа кет»<sup>39</sup>, – деб жавоб беради.

Юзага келган бундай вазиятда Ҳумоюн укаси Ҳиндол Мирзо, Ёдгор Носир Мирзо ва Қосим Хусайн султон билан (уларнинг қаттиқ даъватига кўра – Р.Ш.) 1540 йилнинг ноябрь ойи бошларида Ҳинд дарёси бўйига, Синдга қараб кетишга мажбур бўлади. Комрон Мирзо эса Аскарый Мирзо ва бошқа ўзига қарашли аъёнлар билан бирга Қобулга жўнайди. Шундай қилиб, ака-укалар ва кучлар иккига бўлиниб кетади.

Ҳумоюн Синд вилоятида куч тўплаб, Ҳиндолнинг режасига кўра Гужаротни эгаллаш, шундан сўнг Шершоҳга қарши курашишни кўзлаган эди. Аммо 1541 йилнинг 26 январида Бхаккар<sup>40</sup> атрофидаги Лухри (Рухри) қишлоғида тўхтаган Ҳумоюн қўшинини Бхаккарга ҳам, Синдга ҳам ҳар хил важлар билан киритишмайди. Ҳумоюн шу ерда ўн саккиз ой қолиб кетади.<sup>41</sup> Бу ерда бўлган хайрли ишлардан бири Ҳумоюннинг Ҳамидабонубегимга уйланиши бўлди. Ҳамидабонубегим Ҳиндолнинг муаллими ва маслаҳатчиси бўлган фақиҳ (қонуншунос) Мирбобо Дўстнинг қизи бўлиб, ҳуснига яраша ақли ҳам етук, вужудидан куч ёгилиб турарди. Ҳумоюннинг ички ва ташқи зиддиятларга тўла машаққатли ҳаётига, балки, шу қизнинг бардоши етар, балки, улар орзу қилган ўгилни шу қиз туғиб берар деган хаёл билан уни Хонзодабегим тавсия қилиб, уларни яқинлаштирган эди.<sup>42</sup> Ҳамидабону аввалига Ҳумоюннинг таклифини қабул қилмайди. Уни кўндиришда Ҳиндолнинг онаси Дилдор бегимнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Гулбаданбегимнинг хабар беришича, 1541 йилнинг сентябрь ойи душанба куни пешинда Потр манзилида



Ҳумоюннинг кутубхона ва расадхонаси

подшоҳ билан Ҳамидабонубегимнинг никоҳини Мир Абул Бақо ўқийди. Уч кун ўша ерда бўлиб, сўнг кўчиб, кемада Бакхарга жўнайдилар.<sup>43</sup> Бу никоҳга Ҳиндол Мирзо қарши эди. Шу боисми ёки бошқа сабабми, Ҳиндол Мирзо подшоҳнинг «рухсатини олиб» Қандаҳорга кетиб қолади.

Шундай қилиб, Хусайн Мирзо Самандар (Синд ҳукмдори – Р.Ш.) Ҳумоюнни Синд вилоятига сигдирмагани етмагандай, унинг макрига учган Мирзо Ёдгор Носир ҳам Ҳумоюнни Бакхарга киритмайди. Бундан ранжиган Ҳумоюн 1542 йилнинг май ойида Синд вилоятини ташлаб шарқ томонга – Рожистоннинг султонларидан бўлган Марв (ҳозирги Жодхпур – Р.Ш.) рожасининг таклифига биноан Малдеога қараб юради. Бироқ рожанинг Шершоҳга сотилганини билгач Марвга эмас, Умаркутта (Амаркот) қараб йўл олади. Гулбаданбегимнинг ҳикоя қилишича, ҳомиладор Ҳамидабонуга мингани от ҳам бўлмайди, Турдибек от бермайди. Шунда Ҳумоюн ўзининг отини завжасига бериб, ўзи туяга минади. Буни эшитган Надимбек онасини туяга мин-

<sup>38</sup> Gascoigne В. Кўрсатилган асар. – Б.52.

<sup>39</sup> Ўша жойда.

<sup>40</sup> Абул Фазл Аллами. Кўрсатилган асар. 1-жилд. – Б.243.

<sup>41</sup> Gascoigne В. Кўрсатилган асар. – Б.52.

<sup>42</sup> Қодиров П. Ҳумоюн ва Акбар... – Б.14.

<sup>43</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.63.

дириб, онасининг отини подшоҳ ҳазратларига тортиқ қилади.<sup>44</sup> Ҳаво ниҳоятда иссиқ, от ва чорва оёқлари тиззагача қумга ботган, оч-таш-на ҳолда йўл босишади. Аксар эркак ва аёллар пиёда эди.<sup>45</sup> Ҳумоюн одамлари билан таъқиб қилиб келаётган Малдив лашкарларига зарба бериб уларни қайтишга мажбур қилади. Ниҳоят, Ҳумоюн 1542 йилнинг август ойида минг азоблар билан етти суворий ҳамроҳлигида Амаркотга кириб боради, қолганлар уларнинг ортидан етиб келишади.

Амаркот рожасининг отасини Ҳусайн ўлдирган эди, шунинг учун у Ҳумоюнни қабул қилади ва у билан иттифоқ тузади. Рожа берган сарбозларга ҳақ тўлаш учун маблағи бўлмаган Ҳумоюн иложсизликдан ўз ҳамроҳларининг хуржунларини тинтиб, уларнинг бойликларини ўз ҳузурига олиб келишга мажбур қилади. Бу пулларнинг ярмини ўз эгаларига қайтариб, ярмини ёлланган сарбозларга маош сифатида тақсимлаб беради.<sup>46</sup> Абул Фазл Алламийнинг айтишига кўра, Ҳумоюн рожа ёрдамида Синд вилоятини олиш учун кетган пайтда 1542 йилнинг 15 октябрида (949 ҳижрий йил ражаб ойининг 5-куни)<sup>47</sup> Амаркотда қолган 15 ёшли Ҳамадабонубегим ўғил фарзанд кўради. Бу хабар келганда Ҳумоюн Синддан 30 милча масофадаги улкан қўл ёқасидаги қароргоҳида эди. Масъулият туйғуси юқори ва бировнинг ҳақидан ҳазар қиладиган бу инсон биринчи имкон бўлиши биланоқ қўл остидаги амир ва беклардан олган қарзларини эгаларига қайтариб, фақат белбоғидаги мушқдони билангина қолган пайт эди. Бир чинни ликопча чиқартириб, мушқдондаги мушқни унга тўкиб, атрофида давра қуриб ўтирган бек ва амирларга бир чимдимдан узата туриб: «Ўғлим туғилиши муносабати билан сизларга берадиган суюнчим мана шу, холос. Мушқнинг ҳиди ҳозир уйни тўлғазиб турганидек, Худо хоҳласа, ўғлимнинг шуҳрати ҳам бутун оламга ёйилади», – деган эди Ҳумоюншоҳ ўшанда.<sup>48</sup> Дарҳақиқат, йиллар ўтиб Яратганнинг инояти ила унинг башорати рўёбга



Ҳумоюн қулаб тушган кутубхона зинаси

чиқиб ўғли Жалололдинга ҳиндлар томонидан Буюк Акбар номи берилган. Акбар ўз замонасининг буюк ислоҳотчиси бўлиб, Бобурийлар салтанати равнақини таъминлаган одил подшоҳ сифатида жаҳонга танилади.

Ҳумоюн рожанинг кучлари билан Ҳусайнга қарши курашда бироз устунликка эришади, лекин Ҳумоюнни Синдга юришидан ғазабланаётган Ҳусайн унинг озиқ-овқат ва 300 та туя эвазига Синдни тарк этишини сўрайди. 1543 йилнинг 11 июнида Ҳумоюн Ҳинд дарёсини кечиб ўтиб, шимоли-ғарбга, Қандаҳор томонга юзланади. Шу тариқа Ҳумоюн Ҳиндистонни тарк этади.

Бобурийлар Ҳиндистондан чиқиб кетганидан сўнг Шершоҳ Панжобда геккер қабиласига қарши жанглар олиб боради. 1542 йилнинг баҳорида Гвалиор қалъаси, Малва ўлкаси ва Рантомбар қалъаси Шершоҳ қўл остига ўтади. 1544 йил бошларида Шершоҳ 80 мингга яқин қўшин билан Шимолий Ҳиндистондаги Ражпут ҳукмдорларидан бўлган Малдивга қарши юриш бошлайди. Ҳийла билан душманнинг асосий қисми-

<sup>44</sup> Gascoigne В. Кўрсатилган асар. – Б.54.

<sup>45</sup> Гулбаданбегим. Кўрсатилган асар. – Б.67.

<sup>46</sup> Берк С.М. Акбаршоҳ – бобурийларнинг энг буюги / Ф.Сатимов таржимаси. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2009. – Б.28 – 29.

<sup>47</sup> Абул Фазл Аллами. Кўрсатилган асар. 1-жилд. – Б.255.

<sup>48</sup> Берк С.М. Кўрсатилган асар. – Б.31.



ни мағлуб этиб, шу йилнинг баҳор-ёз ойларида Жадпур давлатининг катта қисмини қўлга киритади. Бунинг оқибатида Рожистондаги Ражпур давлати ва бекликларнинг кўпи Сур давлатини тан олишга мажбур бўлади.

Шершоҳ истеъдодли давлат арбоби ва тажрибали саркарда эди. Унинг даврида бир қатор иқтисодий ва маъмурий ислохотлар ўтказилди. Ҳумоюн бошлаган бир қатор қурилишлар, масалан, Динпаноҳ қурилиши ишлари давом эттирилди, Ҳумоюн тарҳини чиздирган кутубхона қурилди ва кўплаб яхши ишлар билан афгонларнинг ҳурмат-эътиборини қозонди.

Аммо 1545 йилнинг 22 май куни Қаланжар қалъасининг қамали пайтида ёнида турган замбаракнинг портлаши натижасида чиққан оловда ёниб кетади ва унинг ўрнига ўғли Жалолхон султон деб эълон қилинади.

Бу пайтда Қандаҳорда Комроннинг буйругига биноан Аскарый ҳокимлик қилар эди. Ҳумоюннинг ҳамроҳлари ҳозирги Куетта шаҳри яқинидаги Мастанг деган жойда тин олиб турганларида Аскарый уларни ҳибсга олиш ниятида шошиб келаётганидан хабар топадилар. Омади юришмаган подшоҳ Ҳумоюн ўз жонини сақлаш учун бу жойни ҳам тарк этишга мажбур бўлади.

«Ака-укаларнинг ўзаро келишмовчилиги ва амирларнинг орасида ҳамжиҳатлик йўқлигидан чорасиз қолиб, шундай маслаҳатга келишдики (Ҳумоюнни Эронга боришга кўпроқ Байрамхон<sup>49</sup> ундаган эди – Р.Ш.), барча мавжудотларнинг сабабчиси ҳазратларига таваккал қилиб Хуросонга кетишга азму жазм қилишди».<sup>50</sup>

1544 йилнинг январь ойида Ҳумоюншоҳ ўз ҳамроҳлари билан Эрон шоҳининг мададига кўз тикиб боради. Синд вилояти ва Ражпутана ўлкалари бўйлаб саргузаштлари давомида Ҳумоюн ва ёш қайлиги Ҳамидабону кўз кўриб, қулоқ эшитмаган огир кунларни бошдан кечиришади. Кўпинча ҳамроҳлари йўл азобига чидамай уларни ташлаб кетардилар. Жавҳар Офтобачининг<sup>51</sup> гувоҳлик

беришича, тунларнинг бирида ҳамроҳларининг қочиб кетишидан чўчиб Ҳумоюн тонггача миужжа қоқмай уларни қўриқлаб чиққан экан. Кунларнинг бирида очликдан силласи қуриган етти ойлик ҳомиладор Ҳамидабону ва Ҳумоюннинг ҳамроҳлари дарахтларнинг меваларини ва уларнинг ичидаги уруғларини, шунингдек, маймунжонларни еб жон сақлашларига тўғри келган.

Амаркотга кетаверишда қақраган чўлу биёбонда Ҳумоюн ва унинг ҳамроҳлари сувсизликдан тинкаси қуриб, уч кун давомида беҳуда сув қидиришлардан сўнг бир жойда қудуқ устидан чиқиб қолишади ва ундан сув тортиб олингач, одамлар ур-йиқит билан ўзларини челақларга отишади. Кўпчилик ташналик туфайли ҳаётдан кўз юмади.

– Эронга олиб борадиган йўл баланд тоғ тизмалари орқали ўтиб, унинг ўзига яраша машаққатлари бор эди. Қаттиқ совуқ, озиқ-овқатнинг етишмаслиги, олов ёққани ўтин йўқлиги сафарни янада қийинлаштиради. Чорасизликдан отларни сўйиб, пиширгани қозон йўқлигидан гўштни дубулгаларида пишириб ейишга мажбур бўлишади.

Эронда ўша пайтда сафавийлар сулоласи асосчиси, 1524 йили дунёдан кўз юмган Шоҳ Исмоилнинг валиаҳди 27 ёшли Шоҳ Тахмасп ҳукмдорлик қилар эди. У жуда такаббур шоҳ бўлиб, шиа мазҳаби удумларига отасидан ҳам берилган эди. Унинг отаси билан Бобуршоҳ бир пайтлар алоқа ўрнатган эди. Ҳиндистон подшоҳини ўз мазҳабини қабул қилишга мажбур этиш учун Тахмасп барча ҳийлаю найрангларни ишга солди. Бу найранглар Ҳумоюнни кўз қамашадиган даражада тантанавор кутиб олиш, қабул маросимларидаги меҳмондўстликдан тортиб то асосий меҳмон ва унинг ҳамроҳларини шармандали ўлимга маҳкум этиш ҳақидаги пўписаларгача – ҳаммасини ўз ичига оларди.<sup>52</sup>

Тахмасп саройида Ҳумоюннинг ёнини оладиган уч киши бор эди. Улар шоҳнинг синглиси Султон бегим, шоҳнинг укаси Баҳром Мирзо ва бош вазир Қози Жаҳон эди. Ҳумоюншоҳнинг вазият ночор экани, шиаликни қабул қилгани ҳақидаги ҳужжатларни имзолашдан бошқа иложи йўқлигига ишонтирган ҳам шу бош вазир бўлган.

Ҳумоюн хизматида бўлиб, унинг бошидан кечган воқеаларни ўз кузи билан кўрган ва уларда иштирок этган беғараз киши.

<sup>49</sup> Ота-боболари Эрон ва Бадахшондан келиб чиққан Байрамхон шиа мазҳабига мансуб эди. Отаси Бобуршоҳ лашкарига қўшилиб бу ерга келиб қолган. Узи эса ун олти ёшидан бери Ҳумоюн хизматида бўлган. Унинг Эронда кечган кунларида энг яқин ҳамроҳи ва маслаҳатчиси. кейинчалик Акбаршоҳга бекоталик қилган бобурийларга содиқ инсон бўлган.

<sup>50</sup> Гулбаданбегим. Курсатилган асар. – Б.82.

<sup>51</sup> Ҳумоюннинг шахсий мулозими. Ҳумоюншоҳ ҳаёти тарихига бағишланган «Тазкират ул-воқеот» асари муаллифи. Умрининг охиригача

<sup>52</sup> Берк С.М. Курсатилган асар. – Б.33.

Шоҳнинг кўнглини олиш ниятида Ҳумоюншоҳ унга катта олмосни ва икки юз элликта ёқут доналарини марварид қопланган қутига жойлаб тортиқ қилади.<sup>53</sup> Абулфазлнинг ҳисоблашича, берилган совгаларнинг қиммати Ҳумоюншоҳ ва унинг ҳамроҳларига кўрсатилган меҳмондорчилик харажатларидан тўрт баравар ортиқ бўлган.

Ниҳоят, Эрон шоҳи ҳали вояга етмаган ўгли Мирзо Мурод қўмондонлиги остида ўн икки минг лашкарни Ҳумоюншоҳ ихтиёрига беришга рози бўлади (аслида, эроний валиаҳд ўн тўрт минглик қўшини билан Ҳумоюнга қўшилади). Бироқ бу қўшинга ҳақиқий лашкарбоши этиб шаҳзода Мирзо Муроднинг қўриқчиси Будачхон тайинланган эди. Бунга жавобан Ҳумоюн эроний аскарлар ёрдамида Қандаҳорни олганидан сўнг (1537 йили Тахмасп Қандаҳорни Комрон тайинлаган ҳокимдан тортиб олган, у ердан жўнаб кетиши билан Комрон қалъани яна қайтариб олган эди – Р.Ш.) уни Эрон шоҳига беришга ваъда қилади.

1545 йили март ойида Ҳумоюншоҳ ўзининг эроний қўшини билан Қандаҳорни қамал қилади ва сентябрь ойида Аскарини енгиб шаҳарни эгаллайди. Ҳумоюн шаҳзода укасини кечиради, бироқ уй қамогида сақлаш ва назорат остига олишни буюради.

Ваъдага биноан даставвал Ҳумоюн Қандаҳорни эронийларга топширади. Бироқ Эрон шаҳзодаси Мирзо Муроднинг тўсатдан вафот этишидан фойдаланиб муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган Қандаҳорни яна ўз тасарруфига олади ва Байрамхонни «Эрон шоҳига тобе ҳоким» мақоми билан бу шаҳарга ҳоким этиб тайинлайди. Аммо бу ерда Ҳумоюншоҳ ўгли Акбарни учратмади, чунки Комрон Мирзо уни гаров сифатида ушлаб туриш мақсадида Кобулга келтиртирган эди.

Ҳумоюншоҳнинг Кобул томон юришини эшитган Комрон Мирзо Кобулни ташлаб Синд воҳасига қараб чекиниши туфайли 1545 йилнинг ноябрь ойида Ҳумоюншоҳ Кобулни жангсиз эгаллайди.<sup>54</sup>

Икки йиллик айрилиқдан сўнг Ҳумоюншоҳ ўгли Акбарнинг дийдорига етишади, зудлик билан Кобулга келтирилган Ҳамидабону ҳам орзи-

қиб кутган нуридийдасини бағрига босади, ниҳоят, оила жам бўлади. Баҳорга чиқиб Акбарга суннат тўйи қилинади, тантаналар катта дабдабалар билан 17 кун давом этади.

Ҳумоюншоҳ тахтни бой бериб дарбадарликда Бобурийлар салтанати тақдири ташвишлари билан юрганида пайтдан фойдаланган Сулаймон Мирзо Бадахшонда ўзини мустақил шоҳ деб эълон қилиб, ўз номига хутба ўқитган эди. Бу ҳолдан газабланган Ҳумоюншоҳ Бадахшонга келиб Сулаймон Мирзони тавбасига таянтиради, аммо ўзи бетоб бўлиб қолади. Акасининг Кобулда йўқлигидан фойдаланган Комрон Мирзо яна маккорона ҳужум қилиб Кобулни эгаллаб олади. Умуман, Ҳумоюншоҳнинг укалари отаси Бобуршоҳнинг васиятига содиқ қолмадилар, нафақат акасига, балки турли тоифадаги душманлар билан тил бириктириб Бобурийлар салтанатига қарши чиқдилар. Бунинг оқибатида нафақат салтанатга, балки қон-қардошлик ришталарига ҳам жуда катта путур етди. Масалан, Ҳумоюншоҳ Кобулни қамал қилаётганида Комрон Мирзо гўдак Акбарни бешафқатлик билан қалъа девори устига ўтқазиб қўяди. Яхшиямки, тўпчилар сардори болани таниб қолади ва Ҳумоюншоҳ ўқ узишни тўхтатишни буюради. Беш ой қамалдан сўнг Кобул яна Ҳумоюншоҳга қайтади ва Акбар ҳам эсон-омон яна йўқотган отасини топади. Бу воқеаларни жуда эҳтиросли тарзда тасвирлаган Абулфазлнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: «Ҳазрати Ёқуб пайгамбарнинг кўзларига гўзал Юсуфнинг жилваларидан нур ато этилса, бундан-да ортиқроқ неъмат бўладими?»<sup>55</sup> Комрон Мирзонинг бошқа бир найранги эса фожиали якун топади. 1551 йил 20 ноябрида афгон тўдалари билан тил бириктирган Комрон тўсатдан сарой аҳли жойлашган қароргоҳга ҳужум қилади. Ҳар сафаргидек бу ҳужум ҳам қайтарилади, аммо учи заҳарланган камон ўқи Ҳиндол Мирзога келиб тегади ва уни нобуд қилади. Ака-укалар ўртасидаги гаразгўйлик ва бошбошдоқлик мана шундай фожиаларга олиб келади. Ҳиндолнинг ҳалокатини эшитган Комрон укасининг бошига етганини айтиб ҳўнграб йиглаб юборади. Охирги пайтларда доим акаси билан юрган, Ҳумоюншоҳнинг онаси Моҳимбегим тарбиясида бўлган

<sup>53</sup> Кўрсатилган асар. – Б.35.

<sup>54</sup> The Akbarnama. V.1. – P.514.

<sup>55</sup> Ўша жойда.



ва унинг учун ҳам суюкли Ҳиндолнинг ўлими Ҳумоюнни жуда қаттиқ изтиробга солади.

Ҳумоюншоҳ эса доимо падари бузруквори Бобуршоҳнинг васиятларига содиқ фарзанд сифатида иш юритади. Укаларининг унга қилган беадаблигию хоинона қилмишларини кечириб келади. Масалан, Комрон Мирзо бобурийларга ашаддий ганим бўлган иттифоқчилари ташлаб кетганида акаси олдига шафқат сўраб келганида ҳам уни кечиради. Асирга тушган Комрон саройга кираверишда таслим бўлганлиги рамзи сифатида бўйнига оқ рўмол боглаб олади. Буни кўрган Ҳумоюншоҳ: «Эй укажоним, бунга ҳечам ҳожат йўқ. Бўйнингдаги рўмолни ечиб ташла. Кел, энди бир ака-укалардай кўришайлик», – деб хитоб қилади ва укасини бағрига босиб йиглаб юборади.<sup>56</sup>

Бу сафар Ҳумоюншоҳ укаларини жамлаб, энди биродаркушликка, гаразғўйликка чек қўйиш ва душманларга қарши курашда биргаликда ҳаракат қилиш шарти билан Комрон ва Аскарини авф этади, ўз тасарруфидаги худудларни улар ўртасида тақсимлаб беради. Минг афсуски, Комрон Мирзо ўзига берилган улушдан яна қониқмади ва Аскарини билан бирга гаразғўйлигини қўймай, акасига қарши ҳаракатларини тўхтатмади. Ачинарли ҳолатлардан яна бири шуки, Комрон Мирзо бобурийлар сулоласининг ашаддий душмани, акасидан Ҳиндистон тахтини тортиб олган Шерхоннинг ўгли Исломшоҳ билан ҳам тил бириктирмоқчи бўлади. Унинг бундай гайриинсоний ҳаракатларидан нафратланиб Исломшоҳ унга жирканиш билан муомала қилади. Узининг бундай бузук ниятига шерик бўлмаслигини сезган Комрон Мирзо Исломшоҳ қароргоҳидан аранг қочиб қутулади.

Аммо Аскарини ҳам, Комрон Мирзо ҳам Ҳумоюншоҳдан қочиб қутула олмайди. Ҳар сафар Ҳумоюншоҳ уларни кечиради, охири марта уларнинг тақдири ҳал этилаётганида сарой мулозимлари қаттиқ туриб ўлим жазоси беришни талаб қилганларида ҳам Ҳумоюншоҳ ноилож Аскарини ҳаж сафарига жўнатишга, Комроннинг кўзига мил тортишга фармон беради. Аскарини бир муддат саройда юради ва кейинчалик Маккаи мукаррамага ҳаж сафарига жўнатилади,

афсуски, ҳаж амалини бажара олмай йўлда, Дамашқ атрофида вафот этади.

Шаҳзодалар ичида ўзининг шафқатсизлиги билан ажралиб турган Комрон устидан чиқарилган фармоннинг ижросида қатнашган Жавоҳирнинг гувоҳлик беришича, ҳукм 1553 йил декабрь ойида адо этилади. Ута юмшоққўнгил ва отаси васият қилганидек жигарғўшаларига меҳрибон бўлган Ҳумоюншоҳ Комрон Мирзонинг ҳажга кетиши олдидан бундай ҳукм чиқаришга мажбур бўлганини айтиб, унинг болаларидан доимо хабар олиб туришга ваъда бериб қучоқлашиб хайрлашади. Аскариндан фарқли ўлароқ, кўзига мил тортилган Комрон Мирзо ҳаж фарзини адо этиб, 1557 йили Арабистонда оламдан ўтади.

Ички зиддиятлардан фориғ бўлган Ҳумоюншоҳ ўзининг асл нияти, яъни отасидан мерос қолган Бобурийлар салтанатини тиклашдек олий мақсадни рўёбга чиқариш йўлида дадил ҳаракатларни бошлайди. Бу даврга келиб Ҳиндистондаги вазият ҳам Ҳумоюншоҳга қўл келади. Чунки 1553 йили Исломшоҳ вафот этгач, Сур давлатида бошбошдоқлик ва парокандалик ҳукм сурар, тахтга сурлар сулоласидан 3 нафари даъвогарлик қиларди. Бундай ҳолатдан фойдаланган Ҳумоюншоҳ ҳеч қандай қаршиликсиз 1555 йилнинг 24 феврилида Лохурга кириб келади. Бу эса афгон бекларини унга қарши курашга қўзғатади. Бўлиб ўтган бир неча жангларда бобурийлар бирин-кетин галабаларга эриша бошлайди. Ҳал қилувчи жанг Сарҳиндда энг хафвли душман Искандаршоҳнинг саксон минглик лашкари билан бўлиб ўтади. Шиддатли кечган бу жангда Ҳумоюншоҳнинг Байрамхон, Абул Маолий сингари қўмондонлари қаторида 12 ёшли Акбар ҳам катта бир қисмга раҳбарлик қилади ва жанг майдонида тугма истеъдод эгаси эканлигини кўрсатади.

Машҳур тарихнавис Муҳаммад Қосим Фариштаннинг ёзишича, шаҳзода Акбарнинг бу урушда катта шахсий жасорати, шиддатидан илҳомланган бобурий сарбозлар ўзларининг ўлимга тик қараб кетаётганликларини унутиб қўйишган. Шу боис саркардалар ютуқни расман Ҳумоюншоҳ номи билан эълон қилишни таклиф этишганида шоҳнинг ҳукми ила 1555 йилнинг 22 июнида бу галаба Акбарга бағишланади. Бу эса тарих майдонига бобоси Бобуршоҳ сингари жа-

<sup>56</sup> Берк С.М. Курсатилган асар. – Б. 39.



сур шахс чиқаётганининг нишонаси эди десак муболага бўлмайди. Чунки кўп ўтмай Акбаршоҳ ҳақиқатда бобурийлар сулоласининг буюк вакиллари билан бири бўлиб етишади, нафақат Ҳиндистон тарихида, балки жаҳон тарихида ҳам ўчмас из қолдиради.

Сур давлатини қулатган Ҳумоюншоҳ 1555 йилнинг 23 июлида Деҳлига тантанавор тарзда кириб келади ва Ҳиндистон тахтига ўтириб, Бобурийлар салтанатини тиклаб, ҳукмдорлигининг иккинчи даврини бошлайди.

Энди Ҳумоюншоҳ ўзининг илк ҳукмдорлик даври мобайнида давлатни бошқаришдаги «хаёлий тажрибалари»дан холи бўлган, ҳаётий, сиёсий, ҳарбий тажрибасини анча оширган, айниқса, Яратганга тақвоси ортган етук давлат арбобига айланган эди. Аввал унга давлат бошқарувида укаларининг тахт учун курашлари, ишончли саркардаларининг камлиги ёки йўқлиги ва ўзининг ўта кўнгилчанлиги, узоқни кўра билмаслиги, маишатга берилганлиги панд берган. Эндиликда у вафодор ва содиқ саркардалар, мулозимларга эга эди, қолаверса, ўзи ҳам кечмишларидан сабоқ олиб давлат ишларига ўзгача назар билан қарайдиган бўлганди.

Шу боис Ҳумоюншоҳ давлат бошқарувида болари бўлмиш темурийларга хос анъаналар ва ўзга давлатлар, ҳатто душмани бўлган Шершоҳ тажрибасидан ҳам фойдаланиб отаси Бобуршоҳ асос солган салтанатни мустаҳкамлаш мақсадида Ҳиндистонда ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий соҳаларда ислохотлар бошлайди.

Минг афсуслар бўлсинки, Ҳумоюншоҳнинг бу ниятлари унга орзу бўлиб қолади, чунки орадан кўп ўтмай, 1556 йилнинг 27 январь душанба куни у тўсатдан фоний дунёдан дорулбақога рихлат қилади. Бу воқеа қуйидагича юз беради. Аввал таъкидлаганимиздек, Ҳумоюншоҳ астрономияга жуда қизиққан, шунинг учун ўзи тарҳини чиздирган, кейинчалик Шершоҳ куриб битказган Шер Мандал кутубхонасининг том қисмига обсерватория қурдирган эди. Ҳумоюншоҳ яқинда ҳаж сафаридан қайтганларнинг баъзилари Маккаи мукаррамада Зухро юлдузи чиқишининг аниқ вақти ҳақида эшитганлари ва бу ҳақда унинг астрологлари билан суҳбатлашганларини билгач уларни 24 январь жума кунига расадхонага учрашувга чорлайди. Ўша куни шоҳ эртароқ келиб

Зухро юлдузининг чиқишини кутубхонанинг том қисми бўлган обсерваторияда кутиб ўтирган бир пайтда қулогига пастдан кимларнингдир овози чалинади. Учрашувга келганлар бўлса керак деган ўй билан ўрнидан туриб пастга томон юради. Тор зинанинг иккинчи поғонасига чап оёгини қўйган пайт яқин орадаги масжиддан азон овози янграб қолади. Шунда азонни ўтириб эшитган ва дуо қилишга одатланган Ҳумоюншоҳ ўтирмоқчи бўлиб бурилаётганида оёги чопони этагига ўралашиб, тош зинадан пастга қараб қулайди, боши билан тошнинг учли қисмига урилади, оқибатда ўнг чакка суяги қаттиқ лат ейди ва ўнг қулогидан қон келади. Табиблар қанчалик уринишмасин, орадан уч кун ўтиб у вафот этади.

Аллоҳга ва унинг Расули Муҳаммад (с.а.в.)га эҳтиром ва эътиқоди чексиз бўлган Ҳумоюн кўз ўнгимизда, энг аввало, иймони бут инсон сифатида гавдаланади. У фақат чуқур мулоҳазалардан сўнггина уларнинг номларини эҳтиёткорлик билан зикр этарди. Ҳар доим қадамини ўнг оёги билан бошлар ва ҳузурига биронтаси чап оёги билан кириб келса, қайтадан ўнг оёқ билан киришини буюрарди.

Баъзи бир камчиликларига қарамай, Ҳумоюн кўплаб ижобий фазилатлар соҳиби эди. У ёшлигидан китобга алоҳида меҳр қўйган, шунинг учун отасидан қолган ва ўзи тўплаган кўплаб китобларни ҳаттоки дарбадарлик йиллари ҳам бирга олиб юрган. Ҳатто ўша оғир кунларда ҳам бошқа мулозимлари қатори бир кутубхоначи ва унинг ёрдамчиси доимо унга ҳамроҳлик қилган. Шоиртабиат Ҳумоюннинг мафтункор газаллар девони бўлган. Шу билан бирга, у табиатга, тасвирий санъатга қизиққан, математика ва илми нужумда яхшигина билими ҳам бўлган. Мухтасар қилиб айтганда, Ҳумоюн темурийларга хос илмга чанқоқ маърифатпарвар инсон эди.

Бизнингча, Ҳумоюншоҳ отаси Бобуршоҳдек тахтни бой бериб не алам, не ситамларни бошдан кечирган бўлса-да, юксак сабр ва матонат билан курашиб темурийлар сулоласини давом эттирган ва Бобурийлар салтанатининг халоскори сифатида тарихда из қолдирган. Чунки айнан Ҳумоюншоҳнинг қатъият билан олиб борган курашлари натижасида Ҳиндистонда тикланган ва асрлар давомида ҳукм сурган Бобурийлар салтанати жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди.



# БОБУРИЙЛАР САЛТАНАТИ СОЛИҚ СИЁСАТИ

Одил Олимжонов

Озгина қўшин билан жуда катта юртни босиб олиб, унда бир неча аср давомида ҳукмронлик қилиш ҳолатлари инсоният тарихида кам учрайди. Чунки маҳаллий халқ киндик қони томган заминни ўзгалар фатҳ этишига узоқ чидай олмайди ва аксарият ҳолларда келгиндиларни ўз юртидан ҳайдаб чиқаради. Лекин тарихда ўз ҳукмрон табақаларидан босқинчиларни афзал кўрган халқлар ҳам бор. Негаки четдан келган подшолар маҳаллий ҳокимларга нисбатан адолатли бўлганлар. Гап буюк Бобур ва Бобурийлар салтанати ҳақида кетяпти. Мазкур сулола Ҳиндистон заминида ўта узоқ муддат, яъни 332 йил (1526 – 1858 йиллар) ҳукмронлик қилди. Ҳиндлар боболаримиздан ҳокимиятни қайтиб олишолмади. Ҳиндистонни бобурийлардан бошқа бир давлат, яъни Англия тортиб олди. Лекин, ўзбеклардан фарқли ўлароқ, инглизларнинг бу заминдаги ҳукмронлиги бир асрга ҳам етмади, ҳиндлар уларнинг зулмига чидай олмай юртларини босқинчилардан озод қилишди...

Тан олиш керакки, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодларига нисбатан ҳам маҳаллий халқлар кўп қаршилик қилишди, кўз-голлар, исёнлар уюштиришди. Урушларда ҳиндистонликлар устун келган ва ҳокимиятни қўлга киритган вақтлар ҳам бўлди. Лекин буларнинг ҳаммаси вақтинча бўлиб, охир-оқибат давлат яна бобурийлар қўлига ўтаверди. Бунинг сабаблари кўп. Бобурийлар томонидан ерли халқнинг динини, тилини, қадриятларини, маданиятини, урф-одатларини ҳурмат қилиш, уларга ўзлари асрлар давомида яшаган тарзда яшашга имкон бериш, мамлакат ҳудудида истиқомат қилувчи барча халқларнинг, миллати, этниқодидан қатъи назар, тенг мақомга эга бўлишини таъминлаш, халқ

учун ўз рожаларига қараганда адолатлироқ иқтисодий шароит яратиш ерли халқнинг манфаатларига мос келган. Шунинг учун ҳиндистонликлар бу сулоладан ҳокимиятни қайтиб олишга кўп уринишган бўлса-да, лекин, менинг назаримда, бунинг учун жонларини фидо қилишни унчалик ишташмаган. Агар ҳиндлар ҳақиқатдан ҳам шунини хоҳлашганида, уларга сони ўзларидан бир неча юз баравар кам бўлган келгиндиларни ҳайдаб чиқариш унчалик қийинчилик тугдирмаган бўларди деб ўйлайман.

Мазкур мақолада Бобур ва бобурийлар салтанатининг Ҳиндистонда узоқ ҳукмронлик қилишига ўта муҳим ҳисса қўшган солиқлар ҳақида фикр юритилади. Ҳамма замонларда, айниқса,



ўрта асрларда инсон ҳаётида солиқларнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Иқтисодийнинг ўта муҳим бўлаги ҳисобланмиш солиқлар у даврларда ҳаммининг, ҳукмдорнинг ҳам, солиқ тўловчи бой-камбагалнинг ҳам бошини қотирган. Аҳоли учун солиқ ҳаёт-мамонт масаласи ҳисобланган. Негаки у замонларда солиқ миқдори баланд бўлса, аҳоли оч қолиб ўлиши ҳам мумкин эди.

Шу боис Бобур ва унинг авлодлари Ҳиндистонда адолатли солиқ сиёсати олиб бориш зарурлигини тўғри тушунишган ва бу борада жуда катта ислохотлар ўтказишган. Бунинг учун Бобур, энг аввало, солиқ сиёсатининг назарий масалаларини ишлаб чиққан. Чунки Бобур Ҳиндистонни қўлга кирита бошлаган пайтдаёқ тушунганки, бу юртда солиқ сиёсатини бошқарадиган аниқ бир тартибнинг ўзи бўлмаган. Бу ҳар бир рожанинг ўз иши бўлган. Ана шундай шароитда Бобур солиқ сиёсати ва солиқни йиғиб олишнинг адолатли тартиботини яратишга ҳаракат қилган.

Буюк бобомизнинг солиқ соҳасидаги фикрлари унинг «Бобурнома»<sup>1</sup>, «Мубаййин»<sup>2</sup> ва «Закоат тўғрисидаги катта китоб»<sup>3</sup> асарларида батафсил баён этилган. У солиқларнинг моҳиятини, уларнинг давлат ва жамият ҳаётига ўта кучли таъсир ўтказишини яхши билган. Шунинг учун ҳам унинг солиқ сиёсати адолатли ва кенг халқ оммаси учун мўътадил бўлган.

Жаҳон маданиятининг нодир дурдоналаридан бўлмиш «Бобурнома» энциклопедик характерга эга кенг қамровли асардир. Унда муаллиф давлатни бошқариш, давлат хазинасини ташкил этиш, солиқлар, олинаётган солиқларни даромадлар миқдорига боғлаш, халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда хорижий савдогарларга солиқлар соҳасида имтиёзлар бериш каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратган.

<sup>1</sup> З.М.Бобур. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 368 б.

<sup>2</sup> З.М.Бобур. «Мубаййин» ва насрий баёни. «Рисолаи Волидийя» асари назмий таржимаси ва шарҳи / Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А.Мансур. – Тошкент: Sharq, 2014. – Б.213 – 238.

<sup>3</sup> Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.166.

Бобурнинг «Мубаййин» асари иймон-эътиқод, намоз, закот, рўза ва ҳаж китобларини ўз ичига олган 5 қисмдан иборат. Закот китобида закот шартлари, закот бериладиган моллар, нақдина, чорва ва тижорат молларининг закоти, закот фарзлари, закот бериладиган шахслар, закот бериш дуруст бўлмаган кишилар, ушр ва хирожга доир барча масалалар бўйича аниқ тавсиялар келтирилган.<sup>4</sup>

Бобурнинг молия ва солиқ соҳасидаги хизматлари бу борадаги назарий масалаларни тадқиқ этиш билан чекланиб қолмаган. У молия ва солиқ бўйича ишлаб чиққан тавсияларини салтанатида ўзи амалиётга жорий ҳам этган.

Бобур давлати барпо этилгунга қадар Ҳиндистон ҳудудида ҳукм сурган ўнлаб катта-кичик давлатларнинг хазинани ташкил этиш, унинг даромадларидан фойдаланиш, солиқ сиёсати, солиқ тизими, солиқлар турлари ва уларни аҳолидан йиғиб олиш тартиботи бир-бирдан кескин фарқ қилган. Ҳар бир рожаликнинг ўз солиқ сиёсати бўлган. Солиқларнинг турлари кўплиги, уларни йиғиб олишнинг тартиби қатъий эмаслиги ва солиқ миқдори жуда катта эканлигидан аҳоли қаттиқ азият чеккан.<sup>5</sup>

Бобур Ҳиндистонда давлат хазинасини адолат тамойиллари асосида ташкил этиш мақсадида кенг қамровли солиқ ислоҳоти ўтказган, бутун давлат миқёсида ягона солиқ тизимини яратиш, солиқлар миқдорини сезиларли даражада камайтирган. Авваллари ҳар бир рожанинг ўз қоидалари бўйича йиғиладиган солиқ ва йигимлар Бобур даврида ягона исломий қоида ва тартибот асосида олинадиган бўлган. Яъни Бобур ўз давлати ҳудудида ягона солиқ тизими ва бир хил солиққа тортиш тартибини жорий этган, солиққа тортишнинг муҳим манбаи бўлган экин ери майдонини ўлчаш тизимини такомиллаштирган ва аниқлаштирган.

<sup>4</sup> З.М.Бобур. «Мубаййин» ва насрий баёни. «Рисолаи Волидийя» асари назмий таржимаси ва шарҳи / Насрий баён ва шарҳлар муаллифи М.Кенжабек; масъул муҳаррир А.Мансур. – Тошкент: Sharq, 2014. – Б.213 – 238.

<sup>5</sup> Раззоқов А. Иқтисодий тафаккур сарчашмалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2011. – Б.164 – 171.



Бобур салтанатида қуйидаги солиқ ва йигимлар мавжуд бўлган – ер солиги, савдо (тамга) солиги, закот (мусулмонлар учун), жизъя (мусулмон бўлмаган аҳоли учун), ўлпон тўловлари, туз солиги, урушлардан олинадиган ўлжаларнинг бешдан бир қисми, танга зарб қилиш, мусодара қилинган эгасиз мол-мулк ва совгалар.<sup>6</sup>

Бундан ташқари, маҳаллий эҳтиёжлар учун ишлатиладиган солиқлар ҳам мавжуд бўлиб, уларни маҳаллий ҳокимият йигиб олган (мазкур солиқлар «аҳбоб» деб аталган).<sup>7</sup>

Бобур камбагал аҳолига солиқлар бўйича катта имтиёзлар берган. Бунинг учун солиқлар миқдори енгиллаштирилган ҳамда солиқларнинг маълум қисмини бой-бадавлат кишилар давлатга эмас, бева-бечораларга, муҳтож оилаларга беришган. Бобур мусулмонлардан олинадиган «тамга» солигини бекор қилган.

Бобурнинг қатор фармон ва ҳукмлари Ҳиндистон иқтисодиётини ривожлантириш ва молиявий ҳамда ҳарбий аҳволини яхшилашга катта ҳисса қўшган. Бобур халқаро иқтисодий алоқаларни ривожлантириш давлатнинг иқтисодий қудратини оширишнинг муҳим омили эканлигини яхши тушунган. Шу боис савдогарларга катта енгиллик ва имтиёзлар берилган. Савдо аҳлидан олинадиган солиқ ва йигимлар миқдори мўътадил, адолатли ва ошкора бўлган. Сотиладиган маҳсулотлар миқдорининг ошиши солиқлар ҳиссасининг камайишига олиб келган ва савдо ривожига катта ижобий таъсир кўрсатган.

Хорижий савдогарларга бир қатор енгилликлар берилган. Агар савдогарлар ислом давлатларидан келган бўлсалар даромадларининг 5 фоизи миқдорида солиқ тўлаганлар. Номусулмон давлатлардан келган савдогарлар эса ўз юртларида мусулмон савдогарлардан олинадиган миқдорда солиқ тўлаганлар.

Бобурнинг солиқ соҳасида бошлаган ислохотларини унинг невараси буюк Акбар

(1556 – 1605 йиллар) охирига етказган. У салтанатнинг барча халқларига нисбатан бир хил ва адолатли солиқ сиёсатини яратган. Акбар амалга оширган солиқ ислоҳоти натижасида ягона солиқ идоралари тизими ҳамда солиқларни тўғри ҳисоблаш мақсадида бир хил огирлик ва миқдор ўлчови жорий этилган. У мусулмон бўлмаган аҳоли тўлайдиган «жизъя» солиги ва жон солигини бекор қилган. Аввал натура шаклида олинган ва миқдори ҳосилнинг учдан бир қисмига тенг бўлган ер солигини пул шаклида олишни жорий этган. Бу тадбирнинг аҳамияти жуда катта бўлган. Негаки эндиликда солиқ тўлаш учун деҳқон маҳсулотини бозорда сотиши шарт эди. Бу эса, ўз навбатида, Ҳиндистонда товар-пул муносабатларининг кескин ривожланишига ва иқтисодий ўсиш суръатларининг ошишига замин яратган.

Вазифалари аниқ белгилаб қўйилган ягона солиқ идоралари тизимининг барпо этилиши, солиқларни пул шаклида йигишнинг жорий этилиши, солиқ йигимлари миқдорининг аниқлиги, ҳисоб-китобларнинг пухталиги солиқчиларнинг бошбошдоқлигига чек қўйган. Бу тадбирлар солиқ йигувчилар солиқларни ўғирлашига монелик қиладиган тизим яратишга асос бўлиб хизмат қилган. Аҳоли учун бу тадбирларнинг аҳамияти беқиёс эди. Негаки авваллари, яъни юртларида ўз рожалари ҳукронлик қилган даврларда солиқ йигувчиларнинг тартибсизликлари, солиқни белгиланган миқдордан кўп олиш, бир қисмини ўғирлаб қолиш ҳолатлари кўп юз берар ва бундан халқ қаттиқ азият чекарди.

У даврларда дунёнинг аксарият давлатлари иқтисодиётида деҳқончиликнинг ўрни жуда катта бўлган. Ҳиндистонда ҳам зироатчилик аҳолини боқадиган асосий манба эди. Лекин деҳқончилик жуда нозик ва олинажак ҳосил миқдори об-ҳавога боглиқ бўлганлиги учун Ҳиндистонда ҳосил баъзан етарли, айрим ҳолларда эса эҳтиёждан анча кам бўлиши оддий ҳол эди. Шу боис буюк Акбар ҳосил яхши бўлмаган ва очарчилик даврида солиқ олмасликни

<sup>6</sup> Заҳириддин Муҳаммад Бобур энциклопедияси (қайта ишланган иккинчи нашр) / Таҳрир ҳайъати: А.Қаюмов ва бошқ. – Тошкент: Sharq, 2017. – Б.120.

<sup>7</sup> Уша жойда.



буюрган, муҳтож аҳолига зарур ҳолларда пул ва галла билан қарз бериш тартибини амалиётга киритган.

Ҳиндистон иқтисодиётини юксалтириш соҳасидаги кенг қамровли тадбирлар, айниқса, адолатли солиқ сиёсатини юргизиш туфайли бобурийлар Ҳиндистон тарихида энг қудратли ва энг буюк салтанат барпо этишган, йирик ва обод шаҳарлар қуришган. Уларнинг аксарияти шу кунга қадар Ҳиндистоннинг энг гўзал ва кўркем шаҳарлари қаторида турибди. Буюк сулола вакиллари барпо этган гўзалликда тенги йўқ саройлар, мачитлар, турли иншоот ва бинолар жаҳондан миллионлаб туристларни Ҳиндистонга жалб этмоқда, улардан бири «Тож Маҳал» эса дунё мўъжизаларидан бири саналади. Бобурийлар маданият, фан ва санъатни шу даражада ривожлантиришганки, натижада Ҳиндистон жаҳон цивилизациясининг энг йирик марказларидан бирига айланган.

Ҳинд халқининг буюк вакилларида бири Жавоҳарлаъл Неру таъбири билан айтганда, «Бобур Ҳиндистонга келганидан кейин катта силжишлар юз берди ва янги рағбатлантиришлар ҳаётга, санъатга, архитектурага тоза ҳаво бахш этди, маданиятнинг бошқа соҳалари эса

бир-бирига тутшиб кетди. ... Бобурнинг ҳинд халқига қилган энг катта хизмати шуки, у халқимизнинг руҳий-маънавий оламини кенгайтириб, уларни ўз кулбаларидан ташқарига қарашга, дунёнинг нақадар катта эканини англашга мажбур қилди...»<sup>8</sup>

Ўз даврининг энг ривожланган ва қудратли иқтисодиётларидан бирини яратиш, жаҳон тамаддунининг фахрига айланган гўзал шаҳар ва иншоотларни барпо этиш, фан, санъат, адабиёт ва маданиятни энг илгор даражага олиб чиқиш жуда катта миқдорда пул маблағлари бўлишини тақозо этарди. Талаб қилинган ҳажмдаги молиявий ресурсларни йиғишда бобурийлар яратган адолатли солиқ сиёсати жуда катта роль ўйнаган. Улар ҳиндлардан йиққан солиқларни бошқа жойга ташиб кетишмаган, шу юрт ободончилиги учун сарфлашган. Буюк сулола тарқоқ, катта-кичик ўнлаб рожаликларни марказлашган ягона салтанатга бирлаштириб, мамлакат учун яхлит ва адолатли солиқ тизимини яратганликларининг яна битта ўта муҳим аҳамияти бўлган. Яъни бундай солиқ тизими бобурийлар сулоласининг Ҳиндистондай катта давлатни 332 йил мобайнида бошқаришларида иқтисодий таянч бўлиб хизмат қилган.

<sup>8</sup> Жавоҳарлаъл Неру. «Дунё тарихига назар» асаридан / Рус тилидан Исажон Султон таржимаси // Шарқ юлдузи. 1990. №10.



# ҲАЖ ҲАҚИДА

Нуриддин Холиқназаров



**Юртимизга истиқлол неъматини инъом этилгач, халқимиз ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгаришлар юз берди. Давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунлариданоқ халқнинг маърифати ва маънавиятини юксалтириш, иймон-этиқодли қилишга катта эътибор қаратилди.**

Мустақилликдан олдин улкан масжидларни тўлдириб ёшу қари эмин-эркин ибодатларини адо этишлари, минглаб муҳташам масжидлар, ўнлаб диний ўқув юртлари, неча ўн минглаб нусхада чоп этилаётган диний адабиётлар, ҳар йили ҳаж ва умра ибодатига минглаб юртдошларимизнинг бориши қаёқда эди? Динимиз қадриятларга бой ва буюк маънавиятимиз асоси эканини эътироф этиб марҳум Юртбошимиз шундай деганлар: «Биз ўз миллатимизни мана шу муқаддас диндан айри ҳолда асло тасаввур қила олмаймиз, диний қадриятлар, исломий тушунчалар ҳаёти-мизга шу қадар сингиб кетганки, уларсиз биз ўзлимизни йўқотамиз».

Юртимиз йилдан-йилга обод бўлиб, халқимиз фаровонлиги йил сайин ортиб бормоқда. Бунга жавобан кечаю кундуз бу неъматларнинг шукронасини адо этиб бориш, Аллоҳга ҳамду

сано айтиш биз бандалар учун ҳам ибодат, ҳам Аллоҳнинг бизга берган катта мукофотидир.

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, тинчлик ва осойишталик неъматини соясида ҳаёти-миз осуда давом этмоқда. Бу неъматдан оқилона фойдаланган ҳолда вилоятимизда ҳам бунёдкорлик ишлари жадал суръатларда олиб борилиши натижасида шаҳримиз қаторида масжидларимиз ҳам кун сайин чирой очмоқда. Йилдан-йилга қанчадан-қанча мўмин-мусулмонлар муқаддас ибодатни, яъни ҳаж ибодатларини эмин-эркин адо этиб келмоқдалар.

Мустақилликимизнинг илк йилларида мўмин-мусулмонлар учун энг улуг кун саналган Рамазон ва Қурбон ҳайити кунлари ҳукумати-миз томонидан дам олиш кунлари деб эълон қилиниши ва уларнинг байрам тарзида нишонланиши айни муддао бўлди. Илгарилари расмий фаолият олиб борган 80 та масжиднинг сони ҳозирги кунга келиб икки мингдан ошиб кетди. Ҳар йили ҳукуратимиз томонидан юртимиздан минглаб кишилар, аниқроғи, етти мингдан ортиқ юртдошларимиз муборак ҳаж зиёратини адо этиб, соғ-саломат қайтишлари учун тегишли кўмак берилмоқда. Биргина мисол, 1969 йил... Маълум синовлар ва танловлар асосида не қийинчиликлар билан Совет ҳукумати бўйича атиги 25 киши муборак ҳаж сафарига бориш учун Москвадан самолётда Қоҳира ёки Хартумга бориб тушган. У ердан турли воситалар орқали Жиддага борган. Маккада эса ҳожилар учун тураржой, озиқ-овқат у ёқда турсин, ичимлик суви жиддий муаммо бўлган. Истиқлол шарофати билан муборак ҳаж сафарига борувчи ҳожилар учун катта қулайликлар яратилди. Уларнинг ҳеч қандай қийинчиликсиз ибодатларини адо этиб, соғ-саломат уйларига қайтишлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Дунё мўмин-мусулмонлари қатори юртимиздан бор-



ган ватандошларимиз ҳам Байтуллоҳни зиёрат қилиб келмоқдалар.

Буларнинг барчаси, албатта, мустақиллик берган имкониятлар ва эркинликлардир. Мўмин-мусулмонларимиз Аллоҳ таоло ато этган мустақиллик неъматига, ибодатларни эмин-эркин адо қилиш неъматига доимий шукроналар айтишлари лозим.

Абу Ҳурайра (р.а.)дан ривоят қилинган ҳадисда пайгамбаримиз (с.а.в.): «Ким инсонларга (улардан кўрган яхшиликлари эвазига) шукр қилмаган экан, демак, Аллоҳга шукр қилмади», – деганлар.

Демак, биз, мусулмонлар, динимиз ривожини учун ҳукуратимиз томонидан кўрсатилаётган гамхўрликни Аллоҳнинг марҳамати деб қабул қилишимиз ва унинг шукронасини адо этишимиз даркор.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 июндаги «Ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳаж ва умра зиёратларини юқори савияда ташкил қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳукурат қарори билан ҳаж зиёратини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ бир қатор муҳим вазифаларни ўз ичига олган низом қабул қилинган бўлиб, унга кўра, Андижон вилоятида ҳам бу йилги муборак ҳаж мавсумига пухта тайёргарлик кўрилди.

Вилоят ҳокимлиги ҳузурида ҳаж ва умра тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳайъат тузилиб, вазифалар белгилаб олинди. Андижон вилоятининг барча шаҳар ва туманларидаги ҳокимликлар қошида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Андижон вилояти бўлими, вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими бошқармалари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, жамоат ташкилотлари вакилларидан иборат ахлоқ комиссиялари фаолияти йўлга қўйилди.

Улар муборак ҳаж мавсумида ҳажга бориш истагини билдирган фуқаролар рўйхатини очиқлик, шаффофлик, холислик тамойиллари

асосида шакллантириб, ҳажга бориш ниятидаги фуқароларнинг оилавий шароитини, маънавий-ахлоқий фазилатларини, ҳаж сафарига боғлиқ билимлари даражасини атрофлича ўрганиб чиқдилар.

Бу жараёнда номзодларнинг ҳаж зиёратини адо этиш учун моддий ва жисмонан қодирлиги, амалларни тўлиқ бажариш учун етарли билими мавжудлиги, маҳалладаги хайрли ишлари, ёшларни тўғри йўналтириш борасидаги тарбиявий ишларига алоҳида эътибор қаратилгани ҳам айтиш мумкин бўлди.

Шунингдек, одоб-ахлоқи, маҳалладаги обрў-эътибори, оиласидаги маънавий муҳит барқарорлиги, адашган инсонларни соғлом турмуш тарзига қайтаришга кўмаклашишдаги ўрни каби масалалар ҳам алоҳида ўрганилди.

Дарҳақиқат, ҳаж – улуг ибодат. Ҳар бир мўмин-мусулмон дунёга келар экан, Аллоҳ таолонинг уйини, яъни Байтуллоҳни зиёрат қилиш, Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равази мутоҳҳараларида бўлишни орзу қилади ва бунга интилиб яшайди. Аллоҳ қодир қилганида, ҳажга боришлик шартлари унда мавжуд бўлганидагина ҳажга боради ҳамда бу билан ўзининг зиммасидаги яна битта фарз амалини бажаради.

Аллоҳ таоло Ўзининг каломида: **«Одамлардан йўлини таниганларга Аллоҳ таоло учун ҳаж қилмоқ бурчдур, кимки куфр келтирса, Аллоҳ таоло оламлардан беҳожатдур»**, – деб марҳамат қилади (Оли Имрон, 97-оят).

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам: «Ҳаж қилинлар, чунки ҳаж ибодати, сув кирни ювганидек, гуноҳларни ювади», – деб айтадилар (Табароний ривояти).

Аллоҳ таоло юртимизни тинч, осмонимизни янада мусаффо айлосин. Муборак ҳаж сафарига отланган юртдошларимизни эса эсон-омон ҳажга бориб келишликка, ибодатларни мукамал адо этишликка муваффақ айлосин. Юртимизнинг тинчлиги ва осойишталиги, халқимизнинг яна ҳам фаровон ҳаёт кечиришини Яратганнинг Ўзи насиб айлосин. Омин!



# АНДИЖОНЛИКЛАРНИНГ ҲАЖ ЗИЁРАТЛАРИ ТАРИХИДАН

Мустамлакачилик, маҳаллий аҳолига қарши миллатчилик, геноцид сиёсати авж олган бир пайтда Россиянинг ўзида рус-япон урушидаги мағлубият туфайли халқ оммасининг норозилик ҳаракатлари кучайган ва 1905 йил рус инқилоби рўй берган эди. Бу инқилоб миллий ўлкаларга, жумладан, Туркистонга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Айни шу вақтда Туркистонда, Бухорода, Хоразмда зулм ва истибдодга қарши озодлик кураши яна вужудга келаётган эди. Ўрта Осиё аҳолисининг маърифатпарварлари, дину диёнат пешволари, миллий зиёлилар руҳониятда миллий зулмга қарши кураш бошлашган эди. Янги ҳаёт, янги турмуш, эркин-обод ҳаёт кечириш, асрий қолоқликдан қутулиш, жаҳон тамаддунидан муносиб жой олиш учун миллий ҳаракат, янгилик тарафдорлари бўлган тараққийпарварлар ҳаракати – жадидчилик шаклланган эди. Рус мустамлакачилигига қарши кураш миллий маданият, қадриятларни сақлаб қолиш, ўзликни англашга эришиш, миллат ва унинг келажаги, тақдирига, дардига дармон бўлишдек эзгу амаллар жадидларнинг дастуридан муносиб ўрин олган. Мана шу омиллар сабабли Чор ҳукумати ижтимоий соҳаларда, жумладан, диний соҳада ён беришга мажбур бўлганди. Туркистондаги жадидларнинг кураши давомида Чор ҳукумати олдида ўлка мусул-

монларининг беш фарздан бири – ҳажни адо этиш масаласи ҳам қўйилган. Натижада империянинг мусулмон аҳолисига ҳажга боришга изн берилади. Жадидлар ва илгор рус инқилобий демократларининг ҳамкорликдаги кураши натижасида Туркистон мусулмонларининг ҳаж амалларини бажариш ҳуқуқи ва амалиёти тикланади. Натижада 1911 йил июль – август мавсумида Туркистондаги мусулмон аҳолига ҳам ҳаж амалларини адо этишга рухсат берилади. Ана шу ҳаж мавсумида мустамлака Туркистоннинг Фарғона вилояти Андижон уезди бўйича 600 нафардан ортиқ юртдошларимиз ҳажга бориш имкониятига эга бўлдилар. У пайтлар ҳажга бориб келиш 6 ойни талаб қилган. Ўша ҳаж амалларини адо этиб келганларнинг рўйхатини журнал таҳририяти қисман эълон қилмоқда. Бу рўйхат ЎзР МДАда 19-фонд, 1-рўйхат, 18247-иш рақами остида сақланмоқда. Ушбу ҳужжат Андижондаги «Мерос» халқаро илмий-амалий экспедиция жамоат фонди ва унинг раиси профессор Р.Т.Шамсутдинов раҳбарлигида 2009 йили нашр этилган «История Андижана в документах и материалах (1876 – 1917) (том первый)» китобига киритилган. Рус тилидаги ҳужжатлар асосида ўзбек тилида берилмоқда.

«Водийнома» таҳририяти

| № | Ҳаж зиёратчиларининг исми-шарифи      | Яшаш жойи – волость, қишлоқ, уезд ва шаҳар                  | Пул тўлагани ҳақида газна квитанциялари рақами |
|---|---------------------------------------|---|--|
| 1 | Санам биби Ҳолмуҳаммадбоева<br>293    | Андижон ш. Соё қисми  | 8 июль 1911 йил №5045                          |
| 2 | Тиллабой Абдулқайюмов 294             | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                     | 8 июль 1911 йил №5045                          |
| 3 | Тошмуҳаммадбой Ҳайитбойқулов<br>295   | Андижон ш. Қирлиқсоё қисми                                  | 8 июль 1911 йил №5045                          |
| 4 | Уста бобо Боймуҳаммад<br>Юсуфбоев 296 | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 8 июль 1911 йил №5045                          |
| 5 | Мулла Мирза Қосим<br>Худойназаров 297 | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                    | 7 июль 1911 йил №5025                          |



|    |   |   |                       |
|----|---|---|-----------------------|
| 6  | Тошмуҳаммадбой Қобул Сўфиев<br>298  | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                    | 7 июль 1911 йил №5025 |
| 7  | Муҳаммад Иброҳим Муҳаммад<br>Мусаев 299                                   | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                    | 7 июль 1911 йил №5025 |
| 8  | Хонбиби Уста Муҳаммадраҳимова<br>300                                      | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                    | 7 июль 1911 йил №5025 |
| 9  | Сотиболди Сайдарбеков 301   | Андижон уезд Қўқонқишлоқ<br>волости Санравот қишлоғи        | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 10 | Усмонхўжа Маҳмудхўжаев 302  | Андижон уезд Бозоркўрғон<br>волости                         | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 11 | Йўлдошбой Султонбоев ва хотини<br>Гавҳарбиби 303                          | Андижон уезд Бозоркўрғон<br>волости                         | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 12 | Йўлдошхўжа Зокирхўжаев ва<br>хотини Тожинисо биби 304                     | Андижон уезд Жалолобот<br>волости                           | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 13 | Уста Абдулла Исмоилбоев ва ўгли<br>Аҳмадали 305                           | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                     | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 14 | Абдуллоҳиқ Ёқуббоев ва ўгли<br>Баҳромжон 8 ёш 306                         | Андижон ш. Соғ қисми  | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 15 | Муҳаммад Тўхтаўжа Муҳаммад<br>Аминбоев 307                                | Андижон уезд Ёрбоши волости                                 | 6 июль 1911 йил №4993 |
| 16 | Умарали Маҳмудали Сўфиев ва<br>хотини Тўти биби 43 ёш 308                 | Андижон ш. Соғ қисми  | 4 июль 1911 йил №4929 |
| 17 | Мулла Ҳолмуҳаммадхўжа<br>Ҳасанхўжаев ва ўгли Ражабали 8<br>ёш 309         | Андижон уезд Хакан волости                                  | 4 июль 1911 йил №4929 |
| 18 | Заҳириддин Муҳаммад Расулов<br>310  | Андижон ш. Уйлуқ қисми                                      | 4 июль 1911 йил №4927 |
| 19 | Мулла Ҳамроқул Мулла<br>Абдуллахўжаев ва онаси<br>Зиёдабиби 44 ёш 311     | Андижон ш. Соғ қисми  | 6 июль 1911 йил №4987 |
| 20 | Абдусатторбой Уста Норбўтаев 312  | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                     | 9 июль 1911 йил №5068 |
| 21 | Шарифахон биби Муллажонбоева<br>313                                       | Андижон уезд Избоскан волости<br>Избоскан қишлоғи           | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 22 | Жўрабой Раҳматуллабоев<br>ва онаси Тожибиби<br>Абдуллажонбоева 314        | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 23 | Тошмуҳаммадхўжи Муллажонбоев<br>ва хотини Тиллабиби Ўроқчибоева<br>315    | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 24 | Бадалбой Муҳаммад<br>Азимбоев ва хотини Абдубиби<br>Муллаабдуқодирова 316 | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 25 | Мулла Чўлпонбой<br>Тошмуҳаммадхўжиев 317                                  | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 26 | Отажонбой Муҳаммадалибоев 318   | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |
| 27 | Муҳаммадалибой Тўланбоев<br>319   | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | 9 июль 1911 йил №5067 |



|    |  |  |                       |
|----|--|--|-----------------------|
| 28 | Нишонбой Йўлдошбоев ва ўғли Каримбой 11 ёш 253   | Андижон уезд Норин волости                               | 25 июнь 1911 й. №4775 |
| 29 | Самаразим Зокир Эшонов ва онаси Биби Хожар 75 ёш, ўғли Азизхон 10 ёш 254   | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 27 июнь 1911 й. №4778 |
| 30 | Руҳиддин Зухриддинов 255   | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 27 июнь 1911 й. №4797 |
| 31 | Муҳаммадюсуф Нурбоев   | Андижон уезд Майгир волости                              | 24 июнь 1911 й. №4724 |
| 32 | Ойим Чинбиби Нурбоева  | Андижон уезд Майгир волости                              | 24 июнь 1911 й. №4724 |
| 33 | Абдулқаям Абдулқодирхожиев 435   | Андижон уезд Олтинқул волости                            | 11 июль 1911 й. №5155 |
| 34 | Имомберди ҳожи Муллаҳолматов ва хотини Ризвонбиби Муллажонбоева 436  | Андижон уезд Избоскан бўлими Норин волости Қайқи қишлоғи | 11 июль 1911 й. №5155 |
| 35 | Мулла Муҳаммадсобир мулла Қутлуқов ва онаси Шарифахонбиби 40 ёш, сингиллари Ражаббиби 20 ёш, Хайринисо 15 ёш, ўғли Муҳиддин 4 ёш 437 | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                  | 11 июль 1911 й. №5155 |
| 36 | Тўхташбой ҳожи Муллаохундов 438  | Андижон уезд Жалақудуқ волости                           | 11 июль 1911 й. №5155 |
| 37 | Мирзараҳим уста Худойназаров ва хотини Тожибиби 30 ёш, ўғли Собиржон 6 ёш 288  | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 20 июнь 1911 й. №4614 |
| 38 | Собирхўжа Турдиоҳунов ва онаси Руқиябиби 53 ёш 289   | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 16 июнь 1911 й. №4462 |
| 39 | Тошбиби Бойматова 50 ёш ва ўғли Отахон 28 ёш 290   | Андижон ш. Уйлуқ қисми                                   | 22 июнь 1911 й. №4674 |
| 40 | Шомилиддинбой Ирисмуҳаммадбоев 61 ёш 291   | Андижон уезд Ойим волости                                | 22 июнь 1911 й. №4683 |
| 41 | Муҳаммадтурдибой Муҳаммадқурбонов 60 ёш 292  | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 22 июнь 1911 й. №4675 |
| 42 | Ҳолмирзабой Ҳолмуҳаммедов ва хотини Бибиҳон, фарзандлари: ўғли Ўғилжон 3 ёш, қизлари Нисо 6 ёш, Чиннибиби 8 ёш 145                   | Андижон ш. Соғ қисми                                     | 24 май 1911 й. №3877  |
| 43 | Ҳасанбойхўжа Ҳусанбоев 146   | Андижон ш. Хиломлик                                      | 2 июн 1911 й. №4139   |
| 44 | Ширинбиби Ҳолматҳожиева ва ўғли Хўжамқул Рустамов 5 ёш 147   | Андижон ш. Хиломлик                                      | 2 июн 1911 й. №4139   |
| 45 | Тўрахонтўра Бузрукхонтўраев 69 ёш ва хотини Ойимхонпошша Тўрахўжа Эшонова 50 ёш, ўғиллари Аъзамхон 20 ёш, Акбархон 10 ёш 148         | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                  | 2 июн 1911 й. №4139   |
| 46 | Фозилмахзум Мулла Абдуллаев 50 ёш 149  | Андижон ш. Қирлиқ қисми                                  | 2 июн 1911 й. №4139   |



|    |  |   |                       |
|----|--|---|-----------------------|
| 47 | Абдулқодирхожи Солихбоев ва онаси Ҳайитбиби Саримсоқбоева, хотини Таҳябиби Болтабоева, қизлари Сурхонбиби 13 ёш, Нурхонбиби 11 ёш, Икромхонбиби 2 ёш, ўғли Абдуғани 8 ёш | Андижон шаҳри                                   | 17 май 1911 й. №3767  |
| 48 | Меҳмонбиби Мулла Шамсиддин Охунова 957   | Андижон ш. Уйлуқ қисми                          | 25 июль 1911 й. №5598 |
| 49 | Хужа Раҳмат Усмонхожиев ва хотини Бобошонбиби 17 ёш 957  | –   | –                     |
| 50 | Фахриддинхўжа Шодмонхўжаев ва ўғли Йўлдошхон 18 ёш 958   | Андижон уезд Ёрбоши волости                     | –                     |
| 51 | Тўхтажонбиби Қурбонхўжаева 959   | –   | –                     |
| 52 | Йўлдошбой Мулла Кенжабоев 960  | Андижон уезд Жалақудуқ волости                  | –                     |
| 53 | Хужамберди Йўлдошбоев 961  | –   | –                     |
| 54 | Мирзажонбой Мулла Мирзабадалов 962   | Андижон уезд Ҳаққулбод волости Учқўрғон қишлоғи | –                     |
| 55 | Мирсойиб Мираҳмадхожиев 963  | Андижон уезд Ҳаққулбод волости Учқўрғон қишлоғи | –                     |
| 56 | Расулбой Исабойхожиев 964  | –   | –                     |
| 57 | Исмоил Нишонбоев 965   | Андижон уезд Ёрбоши волости                     | –                     |
| 58 | Давлатхўжа Турдихўжаев ва ўғли Муҳаммад Солиҳ 12 ёш 966  | –   | –                     |
| 59 | Бобохўжа Муҳаммадхўжаев 967  | Андижон ш. Олойлиқ қисми                        | 6 июль 1911 й. №5640  |
| 60 | Тошмуҳаммад Нурмуҳаммедов 968  | Андижон ш. Қирлиқ қисми                         | –                     |
| 61 | Эсонбой Муҳаммад Исабоев 969   | Андижон уезд Ҳаққулбод волости Учқўрғон қишлоғи | –                     |
| 62 | Мирзакаримбой Комилбоев ва хотини Момачабиби Муҳаммадқайюмбоева 970  | –   | –                     |
| 63 | Уста Абдулвоҳид уста Умаров 971  | Андижон ш. Қирлиқ қисми                         | 26 июль 1911 й. №5633 |
| 64 | Усонали Мулла Турдибоев 972  | Андижон уезд Хакан волости                      | –                     |
| 65 | Дадабойхожи Кенжахожиев 973  | Андижон уезд Хакан волости                      | –                     |
| 66 | Муҳаммадёрхўжа Ашурхўжаев ва онаси Давлатбиби 974  | –   | –                     |
| 67 | Давлатбой Муҳаммад Иброҳимов 975   | –   | –                     |
| 68 | Турдибой Муҳаммад Сўфиев 976   | Андижон ш. Сой қисми                            | 26 июль 1911 й. №5631 |
| 69 | Абдулхолиқ Абдукаримов 977   | Андижон уезд Қорасув волости                    | –                     |
| 70 | Қурбонбекхўжа Чўтхўжаев 978  | –   | –                     |
| 71 | Пратбой Нурматов 979   | –   | –                     |
| 72 | Абдулла Пратбоев 980   | –   | –                     |
| 73 | Мулла Ҳамдам Тўрақулов 981   | –   | –                     |
| 74 | Қозоқбой Нурматбоев 982  | –   | –                     |



|     |  |  |                       |
|-----|--|--|-----------------------|
| 75  | Каримберди Муҳаммад Расулов<br>983   | –  | –                     |
| 76  | Тиллабиби Иброҳимбоева 984   | –  | –                     |
| 77  | Қосим Ҳайитбоев 985  | –  | –                     |
| 78  | Мўминжон Абдукаримов 986   | –  | –                     |
| 79  | Ёдгорбой Эгамбердиев 987   | –  | –                     |
| 80  | Ражаббиби Қирғизбоева 988  | –  | –                     |
| 81  | Хайринисобиби Азимбоева 989  | –  | –                     |
| 82  | Меҳрибонбиби Нурматова 990   | –  | –                     |
| 83  | Муҳаммад Иброҳим<br>Муҳаммадбоев 991   | Андижон уезд Олтинқул волости<br>Арсқишлоқ       | 26 июль 1911 й. №5632 |
| 84  | Муҳаммадалибой Мулла Ниёзов<br>ва ўғли Саидали 14 ёш 992   | Андижон уезд Қўрғонтепа<br>волости               | –                     |
| 85  | Йўлдошбой Муҳаммад Расулов<br>993  | Андижон уезд Ёрбоши волости                      | –                     |
| 86  | Дарвишбой Қутлуқбоев ва хотини<br>Донобиби Аюббоева 994  | Андижон уезд Султонобод<br>жамоа Қорасув волости | –                     |
| 87  | Мирзаали Норқулов 995  | Андижон уезд Қорасув волости                     | –                     |
| 88  | Юсуфбой Исломбоев 996  | Андижон уезд Султонобод<br>жамоа Қорасув волости | –                     |
| 89  | Каримберди Раҳмонбердиев 997   | –  | –                     |
| 90  | Нурматбой Турсунқулбоев 998  | –  | –                     |
| 91  | Ражаббиби Назарбоева 999   | –  | –                     |
| 92  | Тўхтабиби Исмоилова ва қизи<br>Майрамхон 8 ёш 1000   | –  | –                     |
| 93  | Норматбой Турсунқулов 1001   | –  | –                     |
| 94  | Зоирбой Ёқуббоев 1002  | –  | –                     |
| 95  | Исҳоқбой Ашрафбоев 1003  | –  | –                     |
| 96  | Холдорбиби Мулла<br>Нурмухаммедова 40 ёш ва ўғли<br>Мардонбек Муҳаммад Иброҳимов<br>8 ёш 1004              | Андижон ш. Уйлуқ қисми                           | –                     |
| 97  | Уста Солиҳ уста Муҳаммад<br>Ёқубов 1005  | Андижон уезд Ёрбоши волости                      | –                     |
| 98  | Муҳаммадрасулбой<br>Абдураҳмонбоев ва хотини<br>Меҳмонбиби Имонқулбоева 46<br>ёш, қизи Робиябиби 9 ёш 1006 | Андижон ш. Олойлиқ қисми                         | –                     |
| 99  | Мулла Раҳмонберди Эгамбердиев<br>1007  | Андижон уезд Ёрбоши волости                      | –                     |
| 100 | Уста Ортиқхўжа Аҳмадхўжаев<br>1053   | Андижон ш. Сой қисми                             | 20 июль 1911 й. №5441 |
| 101 | Мулла Аҳмаджонқори Муҳаммад<br>Сиддиқхўжаев 1054   | –  | –                     |
| 102 | Мулла Нишонбой Исҳоқхўжаев<br>1055   | Андижон ш. Қирлиқ қисми                          | –                     |



|     |  |  |                       |
|-----|--|--|-----------------------|
| 103 | Мулла Саидохунд Мулла Абдуррасулохундов 1056   | –  | –                     |
| 104 | Мулла Хайриддинбой Мулла Абдуллабоев ва ўгли Муҳаммад Амин 1057  | –  | –                     |
| 105 | Ҳасанбойҳожии уста Муҳаммад Собиров ва хотини Тожихон 18 ёш 1058   | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | –                     |
| 106 | Мулла Саидахмадҳожии Абдуллабоев 1059  | –  | –                     |
| 107 | Ҳайдарали Расулов ва хотини Хонбиби 30 ёш 1060   | Андижон ш. Уйлуқ қисми                                   | 20 июль 1911 й. №5450 |
| 108 | Ҳайитхонбиби Собирхўжаева ва қизи Шарофатхонбиби 1061  | Андижон ш. Соғ қисми                                     | 20 июль 1911 й. №5480 |
| 109 | Мулла Зайнилобидинхўжа Мулла Абдуллахўжаев ва хотини Лайлибиби 29 ёш, фарзандлари Хадичахонбиби 6 ёш, Маҳирхонбиби 4 ёш, Хўжа Муҳаммадхўжа 1 ёш 1062 | –  | –                     |
| 110 | Исомиддин Саид Акрамбоев 1063  | Андижон ш. Олойлиқ қисми                                 | 21 июль 1911 й. №5494 |
| 111 | Уста Усмонбой Абдурасулов 1064   | –  | –                     |
| 112 | Мулла Фиёсбой Саид Акрамов ва ўгли Маҳрум Фиёсбоев 1065  | –  | –                     |
| 113 | Мирза Раҳимбой Мироқимбоев 1066  | –  | –                     |
| 114 | Зайдабиби Муҳаммад Шарифбоева 1067   | Андижон уезд Избоскан бўлими Норин волости Қайқи қишлоғи | –                     |
| 115 | Жамилабиби Муҳаммад Шарифбоева 1068  | –  | –                     |
| 116 | Казбекбой Муҳаммад Иброҳимов 1069  | Андижон уезд Избоскан бўлими Норин волости Қайқи қишлоғи | –                     |
| 117 | Мирза Ойҳожии Мулла Муҳаммад Содиқов 1070  | –  | –                     |
| 118 | Асқарҳожии Ашур Муҳаммадҳожиев ва онаси Хадичабиби 1071  | Андижон ш. Соғ қисми                                     | 23 июль 1911 й. №5534 |
| 119 | Улуғбиби Ҳасанбоева 1072   | –  | –                     |
| 120 | Ҳайдарбой Отабоев 1073   | Андижон уезд Жалолобод волости                           | –                     |
| 121 | Ойимбиби Эрназарова ва ўгли Толиббой 1074  | Андижон уезд Балиқчи волости                             | –                     |
| 122 | Муҳаммад Юсуфхўжа Ўрмонбоев 1075   | –  | –                     |
| 123 | Авазбиби Нор Мадгарбоева 1076  | Андижон уезд Бозорқўрғон қишлоғи                         | –                     |
| 124 | Сатимбой Мирза Алимов 1077   | –  | –                     |
| 125 | Қувватбой Мулла Юсупов 1078  | –  | –                     |



|     |  |   |                       |
|-----|--|---|-----------------------|
| 126 | Турдихўжа Ниёзхўжаев 1079  | Андижон уезд Избоскан бўлими<br>Норин волости Қайқи қишлоғи | –                     |
| 127 | Муҳаммад Каримхўжи Муҳаммад<br>Назарбоев 1080                          | –   | –                     |
| 128 | Азиз Алибой Бобожонбоев 1081   | –   | –                     |
| 129 | Азизабиби Қосимхўжаева 1082  | –   | –                     |
| 130 | Тошболта Қосимхўжаев 1083  | Андижон уезд Бозорқўрғон<br>қишлоғи                         | 23 июль 1911 й. №5535 |
| 131 | Фармонбой Абдуллахўжаев 1084   | –   | –                     |
| 132 | Ҳамидхўжа Сайфуддинхўжаев ва<br>хотини Ойимчабиби Абдулазизова<br>1085 | Андижон уезд Олтинқўл волости                               | –                     |
| 133 | Абдурахмон Латифхўжи ва хотини<br>Иззатбиби Ҳожиой 1086                | Андижон уезд Олтинқўл волости<br>Қўштепа қишлоғи            | –                     |
| 134 | Абдулқодир Раҳимбоев 1087  | Андижон ш. Соё қисми  | 23 июль 1911 й. №5541 |
| 135 | Ҳамробиби Муҳаммад Азиз<br>Сўфиева 1088                                | Андижон ш. Соё қисми  | –                     |
| 136 | Бакирбой Олимбоев 1089   | Андижон уезд Қўрғонтепа<br>қишлоғи                          | –                     |
| 137 | Мирзажон Буроқбоев 1090  | –   | –                     |
| 138 | Орзубиби Ҳожи Эшонова 1091   | Андижон ш. Соё қисми  | –                     |
| 139 | Қашқабой Холиққулов 1092   | Андижон уезд Қўрғонтепа<br>қишлоғи                          | –                     |
| 140 | Соҳиббой Ражаббоев 1093  | –   | –                     |
| 141 | Муҳаммадрасул Саримсоқбоев<br>1094                                     | –   | –                     |
| 142 | Худойназар Ҳайдарбоев 1095   | –   | –                     |
| 143 | Мулла Муҳаммадрасул Мулла<br>Муҳаммадраҳимов ва онаси<br>Ойшабиби 1096 | Андижон уезд Ёрбоши волости                                 | –                     |
| 144 | Уста Қосим Муҳаммад Мусаев ва<br>хотини Фотимабиби 1097                | –   | –                     |
| 145 | Ўрунбой Тошмуҳаммедов 1098   | Андижон уезд Майгир волости                                 | –                     |
| 146 | Абдурахмон Иброҳимбоев 1099  | Андижон уезд Қўқон қишлоғи                                  | –                     |
| 147 | Муҳаммадпошша Хўжа<br>Бобомуҳаммадбоев 1100                            | –   | –                     |



# АНДИЖОННИНГ ТАРАҚҚИЙПАРВАР ФИДОЙИЛАРИНИ ХОТИРЛАБ

*Қози Муҳаммад Отабек ва унинг фарзанди Фозилбек мактублари хусусида*

Сирожиддин Аҳмад

**Яқинда «Туркистон вилоятининг газети» муаллифи Н.П.Остроумов фаолиятини ўрганиш баҳонасида Андижон шаҳрининг 1900 – 1905 йиллардаги қозиси Муҳаммад Отабек ва у кишининг фарзанди аржуманди, машҳур селекционер олим ва тарихчи, «Дукчи эшон воқеаси» китобининг муаллифи Фозилбек Отабек ўғлининг «газет муаллифи»га ёзган мактублари ва олган сурати қўлимизга тушди. Мактубдор хат ҳошиясига одати бўйича қора қаламда 1904 йил август ва 1905 йил 15 август санасини қўйган.**

Ниҳоятда гўзал настаълиқда ёзилган бу мактуб мазмуни ва эгасининг олижаноблиги, муомала маданиятининг мужиблиги билан эътиборимизни тортди. Мактуб, бир томондан, қандай гўзал фазилатли зиёлиларимиз бўлганидан фахр туйғусини уйғотса, бошқа томондан, узоқ муддат ажойиб маънавий-руҳий оламимиздан айро яшаганимиз кўнглимизни безовта қилди.

Хўш, фахр ва безовталик сабабчиси бўлган бу зотнинг ўзи ким?

Фозилбек Отабекнинг тўлиқ исми Муҳаммад Фозилбек Қози Муҳаммад Отабек шаҳид Убайдуллабек ўғли (1879 – 1936) бўлиб, Андижон шаҳрида тугилган.<sup>1</sup>

Отаси – Ҳожи ҳофиз Отабек Убайдуллабек ўғли зиёли, мадраса кўрган ва қозилик дара-

жасига эришган инсон бўлиб, унинг Аҳмадбек, Фозилбек, Хизрбек, Тожибек, Маҳмудбек исми беш ўғли бўлган. Барча болаларини рус-тузем мактабида ўқитган. Ҳожи Отабек Андижон қозиси сифатида Туркистон, хусусан, Андижон шаҳридаги маориф-маданият соҳасидаги ўзгаришларни қувватлаган. Шаҳарнинг рус маъмурлари, хоссатан, «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н.Остроумов билан яқин алоқа ўрнатган. Қози 1903 – 1904 йилларда Остроумов билан учрашади (1904 йил август битиги шунга ишора). Аммо кейинги учрашув унга насиб этмайди, ўз ҳовлисида қасддан ўлдириб кетилади. Остроумов қадрдони бошига тушган мусибатни бефарқ қолдирмайди. Газетада унинг ўлими ҳақида хабар ва таъзиянома эълон қилади.

«Туркистон вилоятининг газети» 1905 йил 30 апрель 17-сонида машъум воқеа ҳақида қуйидагича хабар берилади: «23 апрелда Андижон шаҳрининг мусулмония даҳасидаги машҳур ва маълум Отабек қозининг уйига кечаси йигирма ададга яқин қароқчилар тўфангча ва қилич илан кириб, мазкур Отабек қозини сўюб ва бир ўглини бошини ярадор қилиб ва хотунини уруб қаттиг ярадор қилубдур. Тўфангчани овозини эшитиб халойиқ йигилиб келгон вақтда мазкур қароқчилар қочиб кетибдур. Мазкур ҳодисани шаҳар пристави Домбровский тўра эшитиб, дарҳол тафтиш ва таҳқиқ айлаб, мазкур тўра ўтрилардин ўн икки ададини Сегоза ва Асака бўлостларидин ушлабдур. Таҳқиқ ва тафтишдин шул тариқа маълум бўлар эмишким, мазкур қароқчилар пул ва мол учун кирмай, бошқа хусумат учун киргандур деб. Мазкур қозини ёнида юз сўмдин зиёда ақчаси йўқ экан».

<sup>1</sup> Укаси Маҳмудбекнинг тергов материалларига қараганда, туғилган йил санасида фарқ борга ухшайди, фамилия ҳам шевада «Убайдуллабек» деб ёзилган.



Хабарда қози хусуматдан, яъни қасддан ўлдирилгани пристав томонидан тасдиқланяпти...

Қози Отабекнинг зиёли инсон эканлиги фақатгина ватандошлари орасида эмас, хорижлик мутахассисларга ҳам маълум бўлган. Фикримизни тарихчи С.Жалиловнинг Истанбулда чиқадиган «Дари саодат»<sup>2</sup> газетаси муҳаррири қозига мактуб йўллаб «Олиму донишманд» деб мурожаат этган» деган сатрлари ҳам тасдиқлайди.

«Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н.П.Остроумов Отабек қозининг билимидан хабар топгач, у билан учрашиш нияти тугилади. 1903 йили Андижонга сафарга борганида Отабек қози икки ўғлини юбориб, тўрани меҳмонга таклиф қилади. Фозилбек мактубида ёзишича, уларнинг ҳовлисида ажойиб илмий суҳбат қурадилар ва биргаликда суратга ҳам тушадилар.

Фозилбек Отабек ўғлининг шу кунгача эълон қилинмаган ушбу мактуби мазмунига қараганда, Қози Отабек ниҳоятда билимдон, замон воқеаларини пухта таҳлил қила оладиган, ижтимоий-маданий янгиликларни қувватловчи киши бўлган, ҳаж зиёрати баҳонасида Истанбулда бўлиб, бир неча муддат у ерда яшаб, маҳаллий шарт-шароит билан танишган. Буни Остроумов ҳам тасдиқлайди. У Петербургга, империя ҳудудида яшовчи мусулмонлар масаласини кўрувчи комиссия ишига кетишдан олдин, фожиали воқеадан 15 кун ўтмай газетада таъзиянома эълон қилади. У таъзияномада Қози Муҳаммад Отабекнинг сиймосини қуйидача таърифлайди: «Камина муҳаррир газет ул мутавафвий қози хусусида кўп афсус ва надоматлик айлаб ёзаманким, мазкур Отабек қози кўб йиллардин бери Андижон шаҳрига қозилик лавозиматида туруб ҳукомларга ва фуқароларга ниҳоятда мақбул ва мўътабар бўлгон эди ва мундин бир неча йил муқаддам ҳажга бориб, адои фаройизи ҳаж қилиб, Истанбулда ҳам бир неча вақт туруб, ўшал тарафларнинг расм-қоидаларига омил ва моҳир бўлгон экон. Камина муҳаррир ўтгон йилларда саёҳат қилиб Андижон шаҳрига борганимда ул мутаваф-



Отабек қози, унинг ўғли Фозилбек ва Николай Остроумов

вий қози маним Андижон боргонимни эшитуб, қўшхонамга икки ўғулларини юборубдур мени ўз уйларига таклиф айлаб. Ул кун и узр бўлуб бора олмадим. Эртаси қозини ўзлари келиб таклиф айлаб уйларига олиб бордилар» («Туркистон вилоятининг газети». 1905 йил 6 май. №18).

Остроумов суҳбат чоғида Отабек қозининг ниҳоятда билимдон, зиёли ва қаламли одам эканлигига ишонч ҳосил қилади. Сабаби, қози уни ўз кутубхонасига таклиф этади. Бу даврга келиб «действительный статский советник» унвонига сазовор бўлган Остроумов ўзига хос синчковлик билан кутубхона билан танишади ва қуйидагиларни баён қилади: «Хусусан, камина шунга хурсанд бўлдимким, Истанбул ва Эрон ва Ҳиндистондин ҳар хил мусулмонча газет озор эконлар. Ушал газет муаллифларидин юборилган ҳар хил китобларни ҳам жамъ қилгон эконлар ва беш ўғуллари бор экон... лекин ҳама ўғуллори Русия хати ва забониға ниҳоятда олим ва моҳир экон... охир умурларида шаҳид бўлуб, худованди карим шаҳидлик даражаси-

<sup>2</sup> «Дари саодат» – «Дорул саодат» бўлса керак, чунки XIX – XX аср манбаларида Истанбул шаҳри «Дорул саодат Исломбул» деб ёзилган. Бинобарин, хат муаллифи газетани эмас, балки шаҳарнинг номини тилга олган.



мазлумона, яъни жабр йўли билан ёвуз армани томонидан ўлдирилганини таъкидлайди:

«Хукон армани хўйи каргон одами рўй,

Ҳам кеши шумар малъуни манхус бадрак шум».

Ҳар икки шоир марсияда Отабек қозининг ниҳоятда пок, адолатли, донишманд, маърифатли инсон эканлигини таъкидлашиб, унинг шаҳид бўлганидан афсусда қолганликларини билдиришган ва оиласига сабри жамил тилашган.

Қози Муҳаммад Отабекнинг ўлими кўп жиҳатдан сирли. Бизнинг фикри ожизимизча, бу буюртма қотиллик тагида сиёсат борга ўхшайди, чунки 1890 – 1916 йилларда Туркистон вилояти, Бухоро амирлиги, Хоразм хонлигининг хорижий мамлакатларга борган ва чет эл нашрларини оладиган барча газетхон ва китобхонлари чор оҳангаси – махфий хизматининг рўйхатида турган. Чор маъмурияти маҳаллий аҳолининг зиёли, тараққийпарвар қисмининг хориж билан алоқа қилиши у ёқда турсин, ҳатто хориж матбуоти ва адабиёти таъсирида ижтимоий-сиёсий тафаккури уйғонишига тиш-тирноги билан қарши турган. Шу боис Қози Муҳаммад Отабекнинг ўлимига унинг хорижий нашрлар муаллифлари билан алоқаси сабаб

бўлиши мумкин. Негаки қози улар билан хат орқали алоқа қилиб турган. Остроумовнинг «Истанбул ва Эрон ва Ҳиндистондин ҳар хил мусулмонча газет озор эконлар. Ушал газет муаллифларидин юборилган ҳар хил китобларни ҳам жамъ қилгон эконлар» деган сўзи фикримизга далил. Мактубларнинг манзили эса почта маъмурулари орқали тегишли идо-

«...»

78

Handwritten text in Arabic script, likely a letter or document related to the subject of the article. The text is dense and contains names and dates, such as "1903" and "1288".

Фозилбек Отабек ўғлининг Н.Остроумовга ёзган мактуби

раларга маълум қилинган. Чунки 20 адад босқинчининг қозининг уйига тўппонча ва қилич билан бостириб кириб, бир одамни ўлдириб, икки кишини огир ярадор қилиб, сариқ чақа олмай чиқиб кетиши гайритабиий ҳолат. Бинобарин, қари мусулмон қозининг босқинчи армани билан бирон нарса талашмоғига сабабнинг ўзи йўқ. Шу боис пристав Домбровс-





ларини етиштириш билан шугулланади. Бироқ давр босимиданми ёки укаси Маҳмудбекнинг қатагон қилиниши туфайли олиб борилган текшир-текширданми, хуллас, 1936 йили тўсатдан вафот этади.

Фозилбек тиниб-тинчимас, кўп нарсага қизиқувчан киши бўлгани боис отаси бошлаган ишни давом эттиришга аҳд қилади. Отасининг дафн маросимини ўтказиб, оиласида тинчлик қарор топгач, қўлёзмани қайта ўрганиб чиқади. Мирхондининг «Равзат ус-сафо» асарини топиб ўрганиш билан кифояланмай, рус тилида ёзилган Ўрта Осиё тарихига оид манбаларни ҳам тадқиқ қилади ва шундай ёзади: «Ва филжумла ороми хоса бўлгонимиздан сўнгра «Таворихи Туркистон»дек муфид китоб нотаом қолгонига афсус айлаб, чунончи, «Бобирнома», «Равзат ус-сафо» ва Русийё тарих китобларин топиб, ниҳоят, саъйни ҳадди балуғ бирла эътимомига еткурдим».

Натижада Фозилбек Отабекнинг 382 саҳифалик «Муфассал таворихи Туркистон» китоби майдонга келади (Бу асар Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда). Тарих фани нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этган «Қўқон хонлиги тарихидан» тадқиқотининг муаллифи, машҳур тадқиқотчи олим, тарих фанлари доктори Рашид Набиев бу асар билан таниш бўлган. «Қози Отабекнинг «Муфассал тарихи Туркистон» асари компелятив асар, аммо ўзига хос янги маълумотлар билан тўлдирилган», – деб ёзади у.

Мактуб мазмунига қайтсак: Муҳаммад Фозилбек исми жисмига мос фозил инсон эканлиги маълум бўлади. У Остроумовга отаси бошлаган китобни ниҳоясига етказганини айтиб, нашр этишга ёрдам беришини сўраб экан, шахсан ўзи нашрга тайёрлаган асл ва таржима асарлари ҳақида ҳам маълумот бериб ўтади.

Ажойиб олим ҳақиқатни яширмай рўйирос ёзади. У андижонлик фотоҳаваскор ва ўзбеклар орасида биринчи бўлиб фотография ҳақида 253 саҳифадан иборат расмни «Илми фотография» китобини (иккинчи бўлиб тошкентлик педагог Рўзи Хусанов ёзган ва 1930 йилда лотин алифбосида чоп этиргани маълум – С.А.), русча «Сборник задач» тўпламини таржима қилиб,

381 саҳифалик «Илми ҳисоб» – мисол ва масалалар тўпламини тайёрлайди, тасвирли ҳикоя ва турли ҳикоялардан иборат расмларга бой бир тўплам-мунтаҳаб таржимани амалга оширади ва ўзи расмлар билан безайди, Даниел Дефонинг «Робинзон Крузо» саргузаштини ихчам баёний таржима қилиб, 48 саҳифалик «Рўбинзон ҳикояси»ни 12 сурат билан безаб, 1911 йилда Тошкентдаги Ғулом Ҳасан Орифжонов босмаҳонасида чоп этиради. Олим ва таржимон юқоридаги ишлар билан кифояланган эмас. Селекция соҳасида ҳам самарали ишлаган. Тарихчи Сайфиддин Жалиловнинг ёзишича, «Янги усул парникларда аъло навли ипак тўсли пахтани кўклатиш» (асар), «Андижонда ипакчилик» (мақола), бундан ташқари, гўза селекцияси ҳақида, асаричилик тўғрисида ҳам асар ёзганини таъкидлар экан, «Арабча-ўзбекча изоҳли лугат» тузгани ва муаллифда сақланишини маълум қилади. Хат мазмунига кўра, Фозилбек «Тарихи умм» («Умумий тарих») номли китоб ёзишни ният қилган. Лекин ушбу асарнинг тақдири ҳанузгача номаълум. Фозилбек Отабек ўгли ниҳоятда маданиятли ва истеъдодли инсон бўлгани учун хаттотлик ва мусиқа соҳасига ҳам алоҳида меҳр қўйган. Шу боис танбурда миллий куйларни маромига етказиб чалгани маълум. Унинг фарзанди Санжарбек ҳам танбур чертишга ниҳоятда маҳоратли бўлиб, чамаси 1923 йили ўтказилган бир тадбирда биринчи ўринни олган ва олтин ноҳин билан тақдирланган.

Тиниб-тинчимас олим Фозилбек Отабек ўгли тарих соҳасидаги изланишларини давом эттириб, болалигида ўзи гувоҳ бўлган 1898 йил қўзғолони воқеаларини маҳаллий халқ вакиллари қўлига тушмаган ва ёпиқ эшиклар ортида ўтказилган суд жараёни материаллари, харита ва чизмаларни ўрганиб «Дукчи эшон воқеаси» китобига илова қилади. Рус журналистларидан А.Сальков, Н.Ситняковский, А.Романович каби кўпгина қаламкашларнинг шовинистик чиқишларини, рус матбуоти ва архив материалларини пухта ўрганади. Ҳозир китобда келтирилган айрим ҳужжатларни архивлардан топиб бўлмайди. Муаллиф шундай ёзади: «Ундан яримгина аср муқаддам Русиянинг қаҳрлик



истибдоди ва чор ҳукуматининг панжайи зулмига ўтуб, ўшандан бери улар кўзларимизни очирмай ҳамма вақт бошимизга муштлаб келди. Ҳаммани саводсизлик балосига мубтало қилиб, қора кунларда асорат занжири билан қўл-оёқларимизни чирмаб олмоқ фикрида зolim тўралари ва хоин губернаторларини тепамизга бир соҳибхитёр ва қаҳрамон қотил қилиб кўрсатиб идора қилиб келди. Ўз истибдоди сармосини қувватлантирмоқ учун ҳам биз Туркистон халқини доимо асиру залил ва қул қилиб, ишлатиб келмак мақсади билан кўзимизнинг очишига қарши турди».

Китобни 1927 йили 10 дан ортиқ оригинал ва кўчирма расмлар, тарҳлар билан безаб, кичик кириш сўз билан Тошкент-Самарқандда чоп этиради. Ўзбек тарихчилари орасида, профессор Ҳамид Зиёевни истисно қилганда, бирон киши бу асарга ўзининг ҳолисона муносабатини билдиргани йўқ. Ҳолбуки, муаллиф воқеанинг жонли гувоҳи. Дор атрофидаги ҳодисаларни ўз кўзи билан кўрган ва тасвирлаган. Воқеага чуқур таассуф ва гамгинлик ҳамда андак танқидий ёндашган. Собиқ совет ҳокимияти Туркистон халқининг миллий озодлик ва эрк учун кураши, унинг намоёндалари фаолиятини салбий баҳолай бошлаган бир даврда Фозилбек Отабекнинг тарихий ҳодисага ҳолисона баҳо бера олгани ва китоб ҳолида нашр этиргани эътиборга лойиқ. Ушбу асар мустақиллик шарофати билан (С.Аҳмад, У.Долимов, Ш.Ризаев томонидан) қайта нашр қилинди ва Муҳаммадали халфа Собир ўғлининг терма байтлари тарих фанлари доктори Маҳмуд Ҳасаний қалами билан табдил этилиб, китобга илова қилинди.

Юқорида айтилганидек, Фозилбек фотография билан ҳам шугулланган ва ўзининг кичик студиясига эга бўлган. У Остроумовга отасининг мактуби билан бирга ўзи, отаси ва тўра бирга тушган суратни ҳам қўшиб жўнатган. Суратнинг орқа томонига ўша давр одадига хос тарзда босма ҳарфда «Фотография Ф.Атабекова. 1904 г.» деб ёзилган. Бинобарин, қўлимиздаги сурат Н.Остроумов уларнинг ҳовлисида 1904 йили қисқа муддат бўлиб, шошилиб келиб кетган пайтда олинган. Остроумовнинг ўзи таъзияномада «ўтган йилларда» сўзини ишлатганига қараганда, Андижонда 1904 йил тахминан август ойида бўлган (Суратда Н.Остроумов (стулда ўтирган ҳолда), унинг орқасида Ф.Отабек ва отаси Қози Отабек муҳрланган).

Остроумов ушбу хатни эҳтиётлаб сақлаган (унга жавоб ёзганми, буни аниқлай олмадик, хат нусхаси сақланмаган), аммо конверт йўқолган. Суратни архивга олиш жараёнида ёки кейин унинг кўпгина жойларига мовий ва зангори сиёҳ сачраган. Шунингдек, ота-боланинг мактублари ва сурат бошқа-бошқа йигмажилдлардан ўрин олган.

Қози Муҳаммад Отабек шаҳид Убайдуллабек ўғли ва фарзанди Фозилбекнинг илк бор эълон қилинаётган мактублари фақат тарихий жиҳатдан эмас, балки миллий зиёлиларимиз ҳамда маданиятимиз тарихини, ўзбек ва рус зиёлиларининг ўзаро алоқаларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Илм-маърифат миллат танламаслигини ва турли ақидалардан устун туришини кўрсатувчи далил деб ўйлаймиз.



# ФОЗИЛБЕК ОТАБЕК ЎҒЛИ ҲАЁТИГА ЧИЗГИЛАР

Р.Т.Шамсутдинов



Фозилбек Отабек ўғли

Отабек қози шариат қозилари қурултойларига раислик қилган, юртнинг анча обрўли, ўқимишли, маърифатли кишиси эди. Андижонда жаидлар томонидан очилган жаид мактабларига ҳомийлик қилган, яқиндан ёрдам бериб турган. «Туркистон вилояти газети» 1900 йил 27 май сонидан шу йили Андижонда Азим Қодиров мактабидаги имтиҳон Отабек қози иштирокида бўлиб ўтди деб хабар берилган. У бир қанча таноаб ер, бог-роққа эгалик қилган. Ундан Аҳмадбек, Фозилбек, Маҳмудбек, Ҳомидбек, Хизрбек исмли ўғиллар қолган. Фарзандларининг барчаси қорихонада, мадрасада, рус-тузем мактабларида таҳсил олган. Ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни эгаллашган, замонасининг ўқимишли зиёлилари бўлиб етишишган. Катта ўғли Аҳмадбек отаси вафотидан сўнг 1922 йилгача Андижонда қози бўлган.

Фозилбек Отабек ўғли инқилоб йилларида ўзбеклардан етишиб чиққан дастлабки публицистлардан эди. «Дукчи эшон воқеаси»нинг тили, услуби ҳам фикримизни исботлайди.

Андижон вилоят давлат архивида 312-сон («Туркистон Россия телеграф агентлиги»нинг Андижон уезд шуъбаси) фонди мавжудки, унинг саҳифаларида Фозилбек Отабек ўғлининг фаолияти оз бўлса-да ёритилган.

Унинг меҳнат фаолияти тўғрисида вақт ўтиб саргайган ва ўз қўли билан ёзган хизмат вазифалари акс эттирилган мана бу меҳнат дафтарчаси сақланиб қолган.

«Роста» ходимларининг сўроқ варақаларида унинг 1886 йили туғилгани, истиқомат қилдиган жойи Андижоннинг «Девонабой» даҳаси эканлиги, 1921 йил 15 январдан «Роста»да ишлагани, партиясизлиги, русча ва мусулмонча маълумотга эгалиги, араб, форс тилларини билиши, журналист сифатида яхши танилганлиги, айниқса, миллий тил, удумларни аъло даражада билганлиги кўрсатилган.

Фозилбек Отабек ўғли қарамоғида 5 жон (рафиқаси Саодат, ўғиллари Ҳабибулла, Ҳамидулло, Ҳамроқул, қизи Нодира) бўлган. Сўроқ варақасининг «Инқилобгача ва инқилоб даврида қандай нашрларда ишлагансиз?» деган саволига Фозилбек Отабек ўғли: «Инқилобга қадар инқилобчи бўлганман, инқилобий гояларни тарғиб этганман», – деб жавоб берган. 1920 йил 15 сентябрдаги ҳужжатга қараганда, Фозилбек Отабеков «Турк Роста»нинг Андижон уезди бўйича редакция шуъбаси мудири эканлиги, мусулмонча плакатлар чиқаришда фаол қатнашгани кўрсатилган.

Фаргона «Роста» мудири Иноземцевнинг 1920 йил 22 июлда Туркистон «Роста» мудири Цивилинг номига йўллаган телеграммасида шундай сатрлар бор: «Юнусовни янги Бухорога хизмат учун юбориб, уч ҳафта танаффусдан

Лист № 2

ВТОРОЙ РАЗДЕЛ  
ДАННЫЕ О ПРОХОЖДЕНИИ СЛУЖБЫ

В архивной копии ответственности указывается: фамилия, имя, отчество, наименование, награждения, назначения и увольнения, освобождения от службы, увольнения в запас, увольнения в отставку, увольнения в запас, увольнения в отставку, увольнения в запас, увольнения в отставку.

| № п/п | ДАТА |       |       | ФА И Т  | ОСНОВАНИЕ                 | ПРИМЕЧАНИЯ  |
|-------|------|-------|-------|---|---------------------------|---|
|       | Год  | Мес.  | Числ. |   |                           |   |
| 1     | 1918 | Сент. | 1     | Инженерский Отдел Народного Выхода  |                           |   |
| 2     | 1922 | Фев.  | 25    | Народный Комиссариат Юстиции<br>Канцелярия на должности старшего канцеляриста | № 6. Пашинин              | 1918 году назначен на должность старшего канцеляриста в канцелярии Народного Выхода, в 1922 году... |
| 3     | 1923 | Авг.  | 1     | Уполномоченный по советам и делам   | Света. 2. Инженер         |   |
| 4     | 1925 | Март  |       | Канцелярия по народному Выходу<br>Ташкент Узбекского Выхода                   |                           |   |
| 5     |      |       |       | Назначен Уполномоченным в Народный Выход                                      |                           |   |
| 6     | 1927 | Фев.  |       | По поручению Уполномоченного в Народный Выход                                 |                           |   |
| 7     | 1928 | Авг.  | 1     | По поручению Выхода   |                           |   |
| 8     | 1928 | Авг.  | 30    | Служба на должности старшего канцеляриста                                     | Кантора Узбекского Выхода |   |

Фозилбек Отабек углеининг меҳнат дафтарчасидан лавҳа (2-варақ)

Лист № 3

ВТОРОЙ РАЗДЕЛ  
ДАННЫЕ О ПРОХОЖДЕНИИ СЛУЖБЫ

В архивной копии ответственности указывается: фамилия, имя, отчество, наименование, награждения, назначения и увольнения, освобождения от службы, увольнения в запас, увольнения в отставку, увольнения в запас, увольнения в отставку, увольнения в запас, увольнения в отставку.

| № п/п | ДАТА |          |       | ФА И Т              | ОСНОВАНИЕ                  | ПРИМЕЧАНИЯ |
|-------|------|----------|-------|---------------------|----------------------------|------------|
|       | Год  | Мес.     | Числ. |                     |                            |            |
| 9     | 1926 | Июль     | 16    | по поручению Выхода | Служба 1926 г. № 12152     |            |
| 10    |      | Июль     | 16    | по поручению Выхода | Служба № 3587 от 14/07/26  |            |
| 11    | 1927 | Сентябрь | 1     | по поручению Выхода | Служба № 1987 от 2/09/27   |            |
| 12    |      | Авг.     | 14    | по поручению Выхода | Служба № 258 от 14/08/27   |            |
| 13    |      | Авг.     | 1     | по поручению Выхода | Служба № 888 от 27/08/27   |            |
| 14    |      |          | 23    | по поручению Выхода | Служба № 11051 от 23/08/27 |            |
| 15    |      |          | 29    | по поручению Выхода | Служба № 11151 от 29/08/27 |            |

Зав. Канц. Узбекского Выхода

Фозилбек Отабек углеининг меҳнат дафтарчасидан лавҳа (3-варақ)



Фозилбек Отабек ўғлининг рафиқаси Саодатхон ая



Фозилбек Отабек ўғли тажриба-синов майдонида

сўнг, 22 августда 30 нухса миқдорида мусулмонча плакат чиқаришни қайтадан тикладик. Улуғ меҳнат билан тарқаб кетган эски шаҳар шуъбасини ташкил этдик. Мудирликка эски газета ходими, партияга хайрихоҳ Отабековни таклиф қилдик. Плакатлар менинг назоратим остида чиқиб турибди...» Унга берилган шаҳодатномаларнинг бирида шундай дейилган: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Отабеков Фозилбек Туркистон «Роста»си Фарғона шуъбаси Андижон ёрдамчи шуъбаси Андижон эски шаҳар шуъбасининг мудиридир.

Унга Андижон эски шаҳарида ахборот тармоқларини ташкил этиш, материаллар тўплаш ҳамда Тошкент, Фарғона шуъбалари, Андижон ёрдамчи шуъбаси билан ёзишмалар олиб бориш, маҳаллий матбуот органларини ахборот материаллари билан таъминлаш, марказ ахбороти бўйича мусулмонлар орасида тарғибот ишларини олиб боришни ташкил этиш ва раҳбарлик қилиш топширилган.

Ўртоқ Отабеков пулсиз ва навбатдан ташқари Андижон шаҳридан Фарғона «Роста», Тошкент, «Турк-Роста» манзилларига телеграмма йўллаш ҳуқуқига эгадир.

Туркистон Марказий Ижроия Қўмитасининг 1919 йил 1 ноябрдаги 95-сон буйруғига асосан барча шахслар, муассасалар ва жамоат ташкилотлари ўртоқ Отабековга ҳар жиҳатдан ёрдамқўмак кўрсатишлари шарт».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> АВДА. 312-фонд, 1-руйхат, 3-иш, 360-варақ.



Фозилбек Отабек ўғли (унгдан биринчи) тажриба-синов майдонида

Jəni ʊsʊl pARNĪKLƏRDƏ  
 A'LO NƏVLI JĪRƏKTYSLI  
 PAXTANĪŇ  
 KƏKLƏTIŞ  
 ВСПОМОГАТЕЛЬНЫЙ МЕТОД В  
 СЕЛЕКЦИОННОЙ И НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОЙ  
 РАБОТЕ  
**ЖЛОПЧАТНИКОМ** —  
 НОВОГО МИРА  
 И НОВАЯ МЕТОДИКА ПЕРЕСА-  
 ДОЧНОГО КУЛЬТУРА.  
 1934 года.

Ф. А. КАЗИЕВ.

Фозилбек Отабек ўғли томонидан ёзилган қўлланма

## САЪДУЛЛАХЎЖА ТУРСУНХЎЖАЕВ



Саъдуллахўжа Турсунхўжаев

**Турсунхўжаев Саъдуллахўжа** – Ўрта Осиёда танилган давлат ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири. 1891 йили Тошкент шаҳрида деҳқон оиласида туғилган, ўзбек. Унинг отаси Турсунхўжа Муҳаммадхўжаев ёлланма ишчи жалб этмай деҳқончилик билан ҳаёт кечирган, онаси Оишабиби Содикхўжаевнинг қизи бўлган, Турсунхўжа 82 ёшда, Оишабиби 50 ёшда бўлган. Улар катта ўғиллари қарамоғида

яшашган. Саъдуллахўжа 6 ёшидан рус-тузем билим юртига ўқишга кирган. 3-синфни тамомлаб, 11 ёшида Оренбургда тоғаси билан иш юритувчи бўлиб ишлаган. 1912 йили акалари савдо фирмасини очадилар, унда Саъдуллахўжа маошсиз ишлайди.

С.Турсунхўжаев ўз таржимаи ҳолида: «Биз, тараққийпарварлар, Туркистонда, Фарғона областининг Қўқон, Андижон, Ўш шаҳарларида инқилобий тўғараклар ташкил этганмиз, газеталар чиқарганмиз, нашриётлар ташкил этганмиз», – деб ёзган эди.

У ўз билимини ошириш устида мунтазам иш олиб борган, кўплаб адабиётлар ўқиган. 1923 йили Ўрта Осиё билим юрти Ижтимоий фанлар факультетига ўқишга кирган, аммо хизмат туфайли уни битира олмаган. Унинг ўзи тўлғизган шахсий варақасида меҳнат фаолияти акс эттирилган. С.Турсунхўжаев подшо Россияси ва совет режимига қарши сиёсий фаолияти учун бир неча бор тазйиқ, таъқибга учраган. 1916 йилги қўзғолондаги иштироки учун Қўқонда қамоққа олинган, бироқ жамоатчилик талаби билан қамоқдан бўшатирилган, 1918 йили у эсерлар партиясига кирган. 1919 йилдан большевиклар партияси сафида бўлган.

1917 – 1918 йилларда у Туркистон ўлкаси Озиқовқат халқ комиссарлигининг Москвадаги вакили, 1918 йили Тошкент Эски шаҳар ижроия комитети



Андижон тараққийпарварлари. Ўтирганлардан 1-қатор унгдан биринчи С.Турсунхўжаев, пастдан унга А.Ўразалиев, утирганлардан 2-қатор унгдан тўртинчи «Туркестанский голос» газетаси муҳаррири А.А.Чайкин.



раиси ўринбосари, 1918 – 1919 йиллардан Туркистон АССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари, миллий ишлар халқ комиссари, ташқи ишлар халқ комиссари, Туркистон Компартияси Марказий Комитети секретари, айна пайтда, Бухоро Компартияси Марказий Комитети секретари (1920 – 1921), Туркистон АССР Марказий халқ хўжалиги кенгаши раиси ўринбосари (1921 – 1922), Помир революцион комитети раиси (1922 – 1923), БХСР савдо ва саноат халқ ноизири, ХХСР ижтимоий таъминот савдо-саноат ноизири (1923 – 1924), ХХСР нозирлар шўраси ўринбосари, Давлат режа комиссияси раиси, ХХСР Марказий Ижроия Комитети раиси (1924), Хоразм вилояти инқилобий қўмита раиси (1924) бўлиб ишлаган.

Ўрта Осиёда миллий-худудий чегараланиш ўтказилгач, С.Турсунхўжаев СССР Мудофа кенгашининг Ўзбекистон ССР бўйича вакили (1925 – 1926), Ўрта Осиё сув хўжалиги қурилиши ташкилоти бошлиги (1927), СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё бўйича вакили (1928 – 1934), Қозогистон ССР сув хўжалиги бош бошқармасининг бошлиги (1935 – 1937) лавозимларида самарали фаолият олиб борган. «Катта қиргин» даврида 1937 йил 27 апрелда Олмаота шахрида қамоққа олинган. СССР Олий суди Ҳарбий коллегияси сайёр сессиясининг 1938 йил 4 октябрь йигилишида Саъдуллахўжа Турсунхўжаев отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро қилинган.<sup>1</sup> Ҳозирда оқланган.

**(Шамсутдинов Р. Ўзбекистонда советларнинг қатагон сиёсати ва унинг оқибатлари. – Тошкент: Sharq, 2012. – Б.95 – 96).**

### В центральную комиссию по очистке партии коммунистов КПТ

*От члена партии Сайдулла Турсунходжаева. Партийн. билет №41560.*

Краткая моя биография. Родился я в 1891 году в гор. Ташкенте. Сын трудового дехканина, учился в русско-туземном училище – не окончив которого был отдан на службу в качестве мальчика своему дяде имеющему торговые дела в России, тогда мне было 11 лет, прослужил у дяде до 1911 года. В революционно-общественной деятельности начал работать с 1908 г. в кружке молодежи прогрессистов, был преследуем охранным отделением и был арестован Жандармским отделением в гор. Коканде.

Был одним из руководителей восстания 1916 г., вел серьезную и открытую кампанию 1914 – 1915 и 18 гг. – печатно и устно против царского режима и против туземной администрации, баев и улема. Руководил и организовал всенародные митинги, открыто выступал в присутствии царских охранников, когда приехал Уполномоченный от Государственной думы для проверки восстания, тогда член Думы Керенский и Тевкелев. В конце 1916 г. было серьезно начато Охранным отделением расследование, которое продолжалось до дня Февральского переворота. Расследованием руководил лично начальник Охранного отделения, который приезжал 4 раза. Это дело очень громкое и работникам гор. Андижана всем известно. Туземными баями и чиновниками – объединившимися с русской администрацией в 1916 году был устроен заговор, чтобы убить меня товарищем работавшим со мной целую неделю, приходилось ночью нести охрану.

Принимал активное участие во всех тогда проходящих общественных работах, а также в издании газет туземных и русских.

В дни Февральского переворота я был в Андижане, так как мы первыми получили известие о перевороте в Петрограде, в редакции сейчас-же приступили к организации революционных аппаратов, арестовал русских и туземных чинов администрации и организовав Совет Раб. и Солд. Депутатов. Первое время нам приходилось в силу необходимости руководить из Андижана почти всей работой революционной Ферганской области, так как в Ташкенте генерал Куропаткин задержал на 18 ч. известие о перевороте в Ташкенте. Он дал такое-же распоряжение по всем областям губернаторам, но мы не смотря на угрозы губернаторов начали энергично действовать, немедленно напечатали телеграмму и нарочными товарищами разослали в Ферганские и Самаркандские власти и в гор. Ташкент, мастерским, заводам и гарнизонам войск. Описывать все работы в каких я принимал участие, займет много внимания Комиссии, поэтому теперь я изложу работы за период со дня Февральской революции, на какие посты был избран и работал до настоящего времени.

В первые дни революции в Андижане был товарищем Председателя Революционного Комитета и членом Совета.

Был избран на Краевой съезд делегатом в Ташкент, где я первый внес предложение о конструк-

<sup>1</sup> РФ ФХХМА. 7-фонд. 1-руйхат. 10-иш. 531-варақ.



ции власти, чтобы передать власть в руки только Советам Солдатских и Рабочих Депутатов, за которое на съезде голосовало только 11 делегатов, среди голосовавших был тов. Козаков – последний остался работать в Ташкенте, работал по выбору в разных местах, вскоре нам пришлось готовиться на предстоящие выборы в Городскую Думу где и приходилось вести борьбу отчаянно и серьезно с улемами объединяющимися и руководимыми Представителями русской интеллигенции и правыми партиями. Был избран властями Город. Думы. В выборах улемы и европейские правые партии нас победили и нам пришлось только заниматься обструкцией и каждый раз срывать заседание со скандалом, доходившим иногда даже до рукопашни.

В начале октября 17 года я был послан Уполномоченным по закупки первой необходимости, вернулся в Туркестан в марте 1918 года. По приезде я сейчас же стал работать по организации Профессиональных союзов ст. города. Был членом Совета и Исполкома 5, 6, 7 и 8 сессии. Был делегатом съезда и избран Членом Турцика 5, 6, 7 и 8 съездом Советов Туркеспублики и 5-м съездом был избран Комиссаром Здравоохранения. 6-м съездом Зам. Комиссара Юстиции и Обществен. обвинителем Верховного Ревтрибунала. 7-м съездом Комиссаром по нац. делам и был послан Турциком – членом Чрезвычайной Комиссии по Ферганской области – для усмирения Ферганы, и для разоружения бандитов Дашняков. 8-м съездом был избран Комиссаром по Иностраннным делам, по приезде первой Туркомиссии, был послан Полномочным Представителем РСФСР в Бухару. Был членом Зам. Председателя Краевого Бюро Коммунистов мусульман. 5-й Краевой конференцией партии был избран членом Крайкома и Ответ. Секретарем Партии. Был послан Полномочным Представителем РСФСР в Хорезмскую Республику. Уезжая в Хиву по дороге в Самарканде застал Бухарскую революцию и пришлось мне с моим политодом устроить в Самарканде митинги и набирать партийных добровольцев и тронуться в помощь Бухарским революционерам в поход. Дальше я был временно оставлен в Политоде Бухары по распоряжению Коминтерна, мне было поручено сейчас-же после событий созвать Всебухарский съезд, который был созван 1-го октября. Потом под моим представительством была

образована Следствен. Комиссия для проверки действий ... частей. Окончив все эти дела я собирался ехать в Хиву, опять же по просьбе Бухправительства и тов. Куйбышева я и мой Политод окончательно были оставлены в распоряжении Бухправительства для работы в Бухаре.

Получив назначение от Бухправительства Чрезвычайным Уполномоченным Восточной частью бегства, где я получил назначение от Коминтерна членом Цека Бухпартии. Там же я получил назначение телеграфно от Туркфронта. Военным Комиссаром Гисарской экспедиции, пробыл там 2 1/2 месяца, вернулся в Бухару, получил назначение от Коминтерна Председателя Бухцека партии. На 6-м партийном съезде в Бухаре был избран членом Цека партии и Ответ. Секретарем. Получил назначение Назиром экономических дел. В настоящее время по болезни в отпуску.

В дни Январских событий 1919 года был Председателем Военно-Революционного Совета старого города Ташкента.

Ходжаев.

Верно: (подпись)

СОВЕТСКАЯ РАБОТА

1918 г. Наркомздрав и Член Турцика.

1918 г. Член Колл. Верх. Рев. Трибунала.

1918 г. Член Коллег. НК Юстиции.

1918 г. Член и Тов. Председателя Таш. Исполкома.

1918 г. Организатор туземных профсоюзов.

1919 г. Нарком Нац.

1919 г. Наркоминдел.

1919 г. Полномочн. Пред. Российск. делегац. в Бухаре.

1919 г. Член Чрез. Ком. по Фергане. Пред. Военно-Рев Совета.

1920 г. Председатель ЦККПТ.

1921 г. Полномочн. Пред. Российск. Фед. в Хиве.

1920 г. Чрезвыч. Уполн. Бух. Правит. в Вост. Бухаре.

1920 г. Пред. Бух. След. Комиссии по расслед. дейст. Кр. Армии.

1921 г. Нарком Промышлен. в Бухаре.

1921 г. Зам. Пред. ЦСНХ Турк. Республики.

1922 г. Пред. Промыслов. союза.

Верно: (подпись)

РГАСПИ, ф-62, оп-4, д-696, лл-284-288.



فورمه نومر ۱.  
بوتون دونيا ميخهتكمشلهرى برامشخرا

Форма № 1.

*Пролетарии всех стран, соединяйтесь!*

ЦК КПУ. ن. ك. پ. م. ك.

Учетно-распределительный Отдел. حساب-تعميمات شوعيهسى.

Бд. парт. билет № 415460. بىلىك پارتيا بىلىت نومرى.

**Личный листок №** شەخسى وەرەقە نومر

- Губерния Сыр-Дар. область уезд Ташкент  
 Населенный пункт г. Ташкент  
 Партийная организация (город, район, уезд) Ташкентской  
 1) Фамилия Турсун-Ходжаев  
 2) Имя, отчество Сейдулла Ходжа  
 3) Год рождения 1891  
 4) Национальность узбек  
 5) Родной язык узбекский  
 6) На каких языках еще свободно а) говорят, б) пишет русский, 2 русский, тюркский,  
киргизский татарский.  
 7) Какие местности РСФСР хорошо знает Туркестан, Вск Россию.

8) Социальное положение (прежнее сословие, звание, состояние и т. п.) бнв. приказчик.

9) Основное занятие (дающее средства к существованию): приказчик  
 а) до войны 1914 г. в торгово-пром. пред. -приказчиком

б) во время войны (до Окт. рев.) Служил приказчиком в гор. Ташкенте

10) Профессия приказчик

11) Семейное положение (сколько членов семьи при себе; из них нетрудоспособных на иждивении опрашиваемого) ..... **8 чел. на иждивении.**

عائلموى احوالاتى (اوزى ايلىه نېچە، زەھەر عائلەسى، شولاردەن قانچىسى اشگە ياراميدىر ۋە سورالغانى باق مېنە، ۱۱)

12) Образование (точно указать: где учился, окончил-ли курс, если не окончил, сколько классов, курсов и т. п. прошел) ..... **Средне-русское и мусульманское**

معلوماتى (آچق كورسانسون، فايدە او قودى، فورستى بتردىمى، ئەگەزە بترماگان بولسە، نېچە كلاس، ۱۱) سدا، كورس ۋە شۇنىگە اوخشاگانلارنى بتردى

**Ваше служение**

13) Служил-ли в армии (указать когда, род оружия, последний чин, звание, должность и т. п.) ..... **не служил**

عەسكەرلىككە خىزمەت قىلدىمى (ۋە قىلمىدى) كور، سانورگە، ئەسلىھە نەوعى، كېيىنكى عەمەلى اسملانگىنى (۱۳) خىزمەتنى ۋە باشقىلار.

**не служил**

14) Участвовал-ли в военных действиях, в какой войне (в качестве кого) ..... **В Кр. Армии в Бухара: Командир ударн. политотряда. Комиссар Гиссарской экспедиции**

اوروشلاردا اشتراك ايندىمى، قايسى اوروشدا (كىم نى اورۇنغا) (۱۴)

**В Кр. Армии в Бухара: Командир ударн. политотряда. Комиссар Гиссарской экспедиции**

15) Когда демобилизован ..... **21 году Январе месяце.**

قايسى ۋەقەتتە آزاد بولغان (۱۵)

16) Был-ли за границей (где, когда, как долго, цель поездки или пребывания, чем занимался) ..... **не был**

خارجى ماملەكەتتە بولغانى (فايدە قاچان، اوزاقى ۋە قىمى، كېتىۋاكى باروو مەقسەدى، نېمە ايرلە مەشغول بولدى) (۱۶) **не был**

**не был**

17) Какой партийной организацией принят в члены РКП (больш.) ..... **Ташкент**

ر. ك. ب نىڭ قايسى پارتىيە تەشكىلاتى اغزالقىغە قەبۇل قىلغان (۱۷)

**Ташкент**

18) Когда принят (год и месяц) ..... **1919 г. / вое время слияния лев. эсер.**

قايسى ۋەقەتتە قەبۇل قىلىۋالغان (يىل ۋە آي) (۱۸)

19) Состоял-ли в других партиях (каких, когда, как долго, где, какую работу выполнял) ..... **Лев. эсер. с 18 по 19 г.**

باشقى پارتىيەلەردە اغزا بولغانى (قانداق، قانچە ۋەقەت، فايدا، قانداق اشنى ئەدا ايتكان) (۱۹)

**Лев. эсер. с 18 по 19 г.**

20) Если участвовал в революционной работе до 1917 г., то где, в какой области работы, как долго ..... **19-12 по 1917 г. в Туркестане Нац. рев. работа.**

اگرده ۱۹۱۷ نچى يىلغە قەدەر انقلابىي اشلىمە اشتراك ايندىن بولسا، فايدا، قايسى اۆلكەستدا اشلىمە، قانچە ۋەقەت (۲۰)

**19-12 по 1917 г. в Туркестане Нац. рев. работа.**

21) Подвергался-ли репрессиям за рев. деятельность до Окт. рев. (за что, когда, каким) ..... **1912г. Жандарм. отд. за революц. работу. Охр. отдел**

اۆكتابر انقلابىي قەدەر، انقلابىي خىزمەت كەنى اوچون جەاغىز تارتولغانى (نېمە اوچون، قايسى ۋەقەت، قانداق) (۲۱)

**1912г. Жандарм. отд. за революц. работу. Охр. отдел**

22) Привлекался-ли к судебной ответственности перед судом РСФСР (за что, когда, приговор) ..... **нет**

ر. ا. ف. ش. ج. نىڭ سودىغە جاۋابكارلىككە تارتولغانى (نېمە اوچون، قايسى ۋەقەت، حكىمى) (۲۲)

**нет**

23) Привлекался-ли к наряду (за что, когда, приговор) ..... **нет**

ھەلق سودىغە جاۋابكارلىككە تارتولغانى (نېمە اوچون، قايسى ۋەقەت، حكىمى) (۲۲)

**нет**



24) Физические недостатки. Невростеник

جسمنى كەمچىللىكى (۲۴)

25) Теоретическая подготовка (марксистская) Самообразование

نەزەرى ئاپارلانو (ماركىستىكا) (۲۵)

26) Партийная работа с 1917 г. (указать только определенную, длительную, не менее 3 мес., работу):

۲۶) پارتىيە ئىشلىرى ۱۹۱۷ ئىچى بىلەن باشلان (مەھەتت بىياگىلى سېنى كورسە تورگە، موددە تېغى ئاۋچ ايدان كەم بولماقلىقى ئىشى)

| Когда.<br>قايسى ۋە قىتدە | Г д е.<br>قايدە | В каком учреждении.<br>قايسى مؤسسەدە | Должность (род работы).<br>حزمتى (ئىش نەۋىسى) |
|--------------------------|-----------------|--------------------------------------|---|
| 17 года                  | Ташкент         | Комитет Об. безоп.                   | Тов. Председателя                             |
| "                        | "               | Член С. Раб. Депут.                  | Член -руководитель.                           |
| "                        | "               | с"езд комитета                       | Член.   |
| "                        | "               | Общ. безопасность.                   | ئىشلى.  |
| "                        | "               | Гор. Думе                            | Гласный                                       |
| "                        | "               | и все другие рев.                    | общ. работы                                   |
| 18 году                  | "               | 1-й Наркомздрав                      | После 5-го с"езда.                            |

Кроме того, парт. раб. (указать главнейшую работу, не связанную с исполнением той или иной должности, или, кроме работы по должности, например, лектор (по вопросам, агитатор, пропагандист (по вопросам), газетная, журнальная работа и т. д.)

شوندان باشقە پارتىيە ئىشلىرى (ئىش-موھىم ئىشلىرىنى كورسە تورگە، بىرار حزمتىنى ئادا قىلۇدە باغلى بولماغان ياكى حزمت قىلىپ تورغان اورنىدىن باشقە، مەسەلەن: لىكتارلىك (سوئاللىرىگە) نەشۋىياتى، نەزغىياتى (سوئاللىرىگە) گەزىتە، ژورنال ۋە باشقە ئىشلەردە.

Агит-организатор / общ./

27) Партийная работа с 1917 г. (указать только определенную, длительную, не менее 3 месяцев, работу):

۲۷) پارتىيە ئىشلىرىدىن باشقە قالغان ئىشلەر ۱۹۱۷ ئىچى بىلەن باشلان (ئىش ۋە موھىم ئىشلىرىنى كورسە تورگە، ئاۋچ ايدان كەم بولماغان. ئىشلىرىنى كورسە تورگە).

| Когда.<br>قايسى ۋە قىتدە | Г д е.<br>قايدە | В каком учреждении.<br>قايسى مؤسسەدە | Должность (род работы).<br>حزمتى (ئىش نەۋىسى) |
|--------------------------|-----------------|--------------------------------------|---|
| с 1919 г.                | Ташкент         | Кр. Мур. Бюро                        | Тов. Председателя.                            |
| 1920 г.                  | "               | Кр. Парт. Ком.                       | Председатель.                                 |
| 1921                     | "               | Бух. Компарт.                        | Член Ц.К.                                     |
| 1922г                    | "               | "                                    | и Ответ. Секретарь ЦК                         |

Кроме того (указать главнейшую работу, не связанную с исполнением той или иной должности или, кроме работы по должности, например, специальные поручения, участие в комиссиях обследованиях и т. п.)

شۇنداق باشقى، (باش وە مۇھىم ئىشلەرنى كۆرسەتۈرگە، بىرەر خىزمەتنى ئەدا قىلۇدە باغلى بولمىغان، ياكى خىزمەت قىلۇپ تۇرغان ايرىتىدان باشقى، مەسەلەن: خوسوسى يۈكلەنگان اش، كامىيەدە اشتراك اېتۇ، تەغزىشى قىلۇ وە باشقىلەر.

Член с"езда Советов 5,6,7,8.

Все время член Турцика.

Дополнительные замечания

قوشۇمچە تەئبىيە

Подпись

Турсун Ходжаев

ئىمزا

Характеристика

تەئرىفى

Секретарь

سەركاتىب

мес. 102 г.

آيىدە ۱۹۲۲نجى يىلدم

верно:

*Handwritten signature*

39

283

Форма № 8  
Учреждение Ц.К.Р.К.П. (5-04)

Пролетарии всех стран, соединяйтесь!

Российская Коммунистическая Партия (Большевиков).

*Handwritten: 10-140*

К ЛИЧНОМУ ЛИСТУ № \_\_\_\_\_

|                |          |          |
|----------------|----------|----------|
| Турсун-Ходжаев | Саъдулла | Ходжа    |
| Фамилия        | Имя      | Отчество |

№ сд. парт. билета 307244 выданной селекцией организацией Р.К.П. куб.

I. Выполняемая работа

| Кем сданы на работу. | Место и дата поступления на работу. | Название учреждения.   | Отдел, цех, часть, завод, предприятие и т.п. | Должность (род работы). | Время оставления работы. | Кем снят с работы и по какой причине.                  |
|----------------------|-------------------------------------|------------------------|--|-------------------------|--------------------------|--|
| Ц.К.Р.К.П.           | Х.К.П.                              | Х.К.П.К.П.             |  | Зампред                 |                          |  |
|                      | Х.К.П. I/XII                        | Х.К.П.С.С.П.           |  | И.д. директора          |                          | <i>в 1925 откоманд. в С.С.С.Р. в 1927 в Ц.К.Р.К.П.</i> |
| <i>Ц.К.Р.К.П.</i>    | <i>Машхат</i>                       | <i>Уч. Ст. Со. Аб.</i> | <i>Эксп. Зона</i>                            | <i>Директор</i>         |                          |  |
|                      | <i>С.Х. 252</i>                     | <i>Узбек</i>           | <i>Трав.</i>                                 | <i>Член</i>             |                          |  |
|                      | <i>Самарканд</i>                    | <i>Узбек</i>           | <i>Трав.</i>                                 | <i>Член</i>             |                          |  |
|                      | <i>III-261</i>                      | <i>Узбек</i>           | <i>Трав.</i>                                 | <i>Член</i>             |                          |  |

Саъдуллахужа Турсунхужаевга оид хужжат – Шахсий варақа (5 бет)

## ЖУРНАЛИСТ, ДРАМАТУРГ РАСУЛЖОН РАҲИМОВ



Расулжон Раҳимов

Мудҳиш 30 – 40-йилларда минглаб, миллионлаб айбсиз кишилар игво ва тухмат, мунофиқлик ва разиллик қурбони бўдилар. Тергов ва суд жараёнлари давом этаётган бир пайтда газета, журналлар саҳифалари «Қутурган итларга ўлим!», «Қабиҳ ниятлар фош этилди», «Манфур айгоқчиларга лаънат», «Шонли НКВД ишларига тасанно» сингари ҳиссиз ва баландпарвоз мақолалар билан тўлдирилганди. Ҳатто «Қириб ташлансин» қабилидаги шеърлар пайдо бўлди.

Андижондаги «Пахта fronti» газетаси ҳам ана шундай йўл тутган, албатта. Газетанинг 1937 йил сентябрь сонларида «Душманлар марҳаматсиз фош қилинсин», «Иккиюзламачи мунофиқларга большевик матбуотида ўрин йўқ», «Миллатчи ва маиший бузуқлар тўдаси» мақолаларини эълон қилиб, Андижондаги зиёлилар, мафкура ходимлари орасидаги «халқ душманлари», «миллатчилар»ни фош этишга уринишди.

Газетанинг шу йил 16 сентябрдаги «Андижон театрининг актив йигилишида» мақола-сида шундай сатрларни ўқиймиз: «Ўртоқ Охунбобоев номидаги Андижон театрида бўлаётган актив мажлисининг сўнгги (4 сентябрь) кунги ўтиришида халқ душманлари Исоққори Қаримов, Расулжон Раҳимий ва пантуркист Салоҳ Сайфийларнинг қилмишлари яна ҳам фош қилинди. Уларни ҳозир эсон-омон театрда ушлаб турган шерикларининг ниқоблари йиртилди».

«Пахта fronti» газетаси саҳифасидаги мақолада «миллатчи», «халқ душмани» деб айюҳаннос солинган Раҳимийнинг ўзи ким?

Истеъдодли журналист ва ёзувчи Расулжон Раҳимий илҳом булоғи эндигина қайнаб тошаётган бир пайтда ҳибсга олинди. 1937 йил 13 ноябрда 10 йиллик муддатга қамоқ жазосига ҳукм этилди. У ўзининг бегуноҳ эканлигига чин дилдан ишонса-да, тош қалбли одамлар олдида гуноҳкор эди. Умид билан яшаган Р.Раҳимий 1943 йил январидан Узоқ Шарқда вафот этди.

Расулжон Раҳимийнинг «Онтариш», «Хоин» драмалари 30-йилларда Андижон ва Ўш театрларида муваффақият билан қўйилган, томошабинлар олқишига сазовор бўлган. «Онтариш» драмаси 1933 йили Ўзбекистон давлат нашриёти томонидан чоп этилганди.

Расулжон Раҳимийнинг садоқатли рафиқаси Раҳбархон ая 30-йилларда Москва медицина тех-



Р.Раҳимовнинг рафиқаси Раҳбархон ва қизи Фаридохон, 1953 йил, Андижон.

Отт 5/к. Раҳимова Расулжон, 1903.  
 Осиёда М.р. НКВД. Узр. Сер по ст. 66 а 1?  
 67 сороки на 10.

Жалоба

Я невинно - осужденный. Обращаюсь к Вам, как к  
 высшему органу, безучастному, революционного за-  
 конности и соблюдающему Суду Социалистическую  
 Справедливости - прошу Вас обратить внимание Ва-  
 шием Мосл Жалоба. Мы уверены, что Ваша Справедливость  
 вернет меня в свободное об-во. Активно Строяют Ком-  
 мунизм.

Я сын Кр-на Батраго, родился в 1903г. в. Южанде.  
 В 1911г. Ушел мот отцу и я в 1919г. воспитывался в  
 детприютии. С 1919г. - чл. ВЛКСМ. С 1920 по 1922 Служил  
 добровольцем в 58 эскадроне бойск РКК при АФРК в  
 Овд РК, там же принимал активное участие по  
 ликвидации банды басмачество.

С 1922 по 1924г. тоже ликвидация басмачества работал  
 на ряде руководящих адм.хоз. должности.  
 В 1924г. ЦК РКК Узбекистана был командирован  
 в редакцию Республиканской Газеты "Кызыл Узбеки-  
 стан" зав. с/х массов. Очередная газета.

Расулжон Рахимовнинг шикоят хати

никумини битириб, халқ саломатлигини сақлаш  
 йўлида қатта заҳмат чекканлардан. 1937 йил 21  
 августда турмуш ўртоғини ҳибсга олган пайтни  
 ая шундай хотирлаган: «Уша мудҳиш 21 август  
 куни бизнинг яқин қариндошлардан 6 киши қа-  
 моққа олинди. Амаким Усмонхон Эшонхўжаевни  
 Москвада, турмуш ўртоғим Расулжон Раҳимовни  
 Андижонда ўз уйимизда, тоғам Шохрух Холботи-  
 ровни Самарқандда, тоғам Султонмахмуд Холбо-  
 тиров, амаким Маматхон Эшонхўжаевни Анди-  
 жонда НКВД ходимлари ҳибсга олдилар». Ушан-  
 да Р.Раҳимов 34 ёшга тўлганди. Расулжон Раҳи-  
 мов юқори органларга она юртидан олисда ёзган  
 шикоят ва аризаларида унга қўйилган асосиз  
 «айб»ларни қатъий далиллар билан инкор этади.

Тергов жараёнини маҳбус Р.Раҳимов шун-  
 дай тасвирлаганди: «17 сутка мени (тик турган  
 ҳолда) терговда узлуксиз сўроқ қилишди. Ка-  
 римов ва бошқа душманларимнинг ҳақиқий  
 ёлгон ва ашаддий бўҳтонларини имзолашга  
 мажбур қилишди. Мен ақлдан озган одам ҳо-  
 латига, хушдан кетиш ҳолатига келтирилдим,  
 носоглом фикрловчи кишига (мен мавжудот  
 деб айтардим) аллақачон айлангандим. Мен  
 энди қалтақлашга қарши кураша олмасдим,  
 қаршилиқ кўрсатиш учун мендаги бутун иро-  
 дам руҳан тушиб кетганди, менда ана шу 4 де-  
 ворли аблаҳ тергов хонасидан чиқиб кетишдан  
 иборат бирдан-бир фикргина бор эди. Шундай  
 шиддатли, хаяжонли фикрлаш чоғида тергов-

город Ташкент, Фрунзенский район, ул. Богдана-Хмельницкого  
дом № 9

РАХИМОВОЙ Ф.

Сообщаю, что Ваше заявление в отношении РАХИМОВА Расульджа  
на направлено для непосредственного исполнения в Управление  
Внутренних Дел Амурского Облсполкома г. Благовещенск при  
№ 7/1-Р-14 от "28" февраля 1957 года.

ЗАМ НАЧАЛЬНИКА ОТДЕЛА МВД УЗБЕКСКОЙ ССР

/МОЧАЛОВ/

"28" февраля 1957 года  
г. Ташкент  
№ 7/1-Р-14

Р.Рахимовнинг қизи Фаридахон Рахимованинг отаси ҳақида берган аризасига Ички  
ишлардан келган жавоб хати. 1957 й.

чи Войлошников мендан имзо олди. Шундай  
килиб, ҳақиқий душманлар Каримов, Султонов  
ва бошқалар билан бир купеда қолдим. Тергов-  
чи Войлошников мени ҳам уддалай олди.

Нима учун ва нима сабабдан шундай золи-  
мона адолатсизлик юз берди? Мен сизга чин-  
дан айтаманки, Ватаним ва партия олдида ва  
бирор кимса олдида ҳеч қандай гуноҳим йўқ.

Ёрқин, қувончли ҳаётга мен, Раҳимов, Со-  
вет ҳокимияти ва партиянинг мен тўғримидаги  
гамхўрлиги туфайли эришдим ва мен ўзимнинг  
бутун кучимни, интеллектуал фикримни пар-  
тияга хизмат қилиш ишига сафарбар қилдим.  
Мана, энди-чи, халқ душманлари сунъий тарз-  
да мени халқ душмани қилишди. Менинг ўзим  
органик равишда нафратланган контрреволю-  
ционер деган аблаҳ номни менга осиб қўйдилар.  
Мен яна бир бор сўрайман, нима учун? Ахир  
қаерда қолди ҳаққоний социалистик адлия?

Социалистик адлия терговчи Войлошников  
типидаги кишиларда ифодаланиши мумкин  
эмас-ку, ахир. Қўриб турибсиз-ку, менга қўйилган  
3 айбдан биронтаси ҳам Ватан ва партия олдидаги  
менинг жиноятимни асосли исботлай олмайди.

Мана, тўртинчи йилдирки шафқатсиз қий-  
ноқ, маънавий азоб давом этмоқда ва мен ҳеч  
қачон чин адолатни топа олмаётиман. Мен  
аллақачон НКВД халқ комиссарлигига ва СССР  
прокурори номига, шунингдек, СССР Олий  
Совети Президиумига шикоятлар ёзиб юбор-

ганман. Шундан бери орадан бир йилча ўтди.  
Шикоятлар қайта кўриб чиқиш учун сизда ту-  
рибди, Сиз, гражданин прокурор, 1939 йилнинг  
декабрь ойида менга жавоб қилиб, менинг ши-  
коятларим сиздалиги, жавобни кутишимни  
ёзган эдингиз, аммо мен ҳозирга қадар Сиздан  
ҳеч қандай жавоб олганимча йўқ.

Менинг шикоятимга муносиб эътибор бер-  
сангиз, ҳукм этилганлигим фактидан иборат бу  
шафқатсиз адолатсизликни ҳал этишингизни  
ўтиниб сўрайман. Бизнинг воқелигимизда ти-  
рик мурда бўлгандан кўра ўлган яхшироқдир.

Маҳбус: Расулжон Раҳимов, имзо».

Маҳбус Расулжон Раҳимов Комсомол-Амур-  
даги лагердан шундай хат ёзади: «Қимматли  
рафиқам! Сизга соғинчли саломларни қўнди-  
риш сўнгида айрилиқ азоби орқада қолиб, се-  
винчли кунларнинг тез етувини ва дийдор қў-  
ришувни тилайман.

Мени ёнингиздан олиб кетган вақти эрталиб  
бўлиб, устингизда қизил қўйлак бор эди, катта  
кўча устида туриб «қачон келасиз» деганингиз-  
да НКВД ходими соат 12 ларда келади деб айтиб  
эди. Олиб кетувчилар бутун улар айтган 12-нинг  
нечаси ўтиб кетди. 4 йилдирки Сиздан, кўзим  
нури қизимдан йироқдаман. Ахир бу кунлар  
қанча огир ва мудҳиш бўлмасин, кўз ўнгимда  
бир минут нари кетмайсизлар. Менга қараб  
«Қачон келасиз?» деган сўзингиз ҳозиргина ай-  
тилгандай қулогимга товуш бериб турар.



Раҳбар, мен маънавий жиҳатдан ўлик ва руҳий тарафдан соғлигини йўқотган, қолаверса, ҳамма нарсадан жудо бўлган, айниқса, Ўзбекистоннинг неча қизлари ичидан саралаб олганим, сизсиз зўрга яшайман. Билсангиз, бу мен учун осон бўлмас. Аммо бир нарса, у ҳам бўлса ҳукумат адолат қилар. Ишим текширилар. Бу кутаётганлар қаторида Ватанимга қайтарман. Мана шу умид мени ушлаб туради, шу умид билан яшайман. Шу тилак юракда буюк армон бўлиб ётар. Аммо сиз ортда қолган хоним эмассиз, бу нарса ўз-ўзидан бўлмас, ҳаракат керак ё шундай эмасми? Ҳозирги ҳаётингизни кўзим билан кўрмасам ҳам, яхши ҳис қиламанки, ёлғизсиз. Унинг устига, болалар ва рўзгор ташвиши, хизмат шароити ва бирмунча қулайсизликлар бор. Тўғри, аммо шулар билан бир қаторда тўлиқ имкониятлар ҳам бор. У ҳам бўлса керакли жойларга учраш ва ариза билан мурожаат қилиш ва ҳоказолардир. Мен янгидан ВКП(б) Марказқўмига ва Андреевга, СССР Олий Советига ариза юбордим. Илгари берган аризаларим ҳам Тошкент прокурорида ётар. Бу тўғрида ўзингизнинг маслаҳатингизга кўра Ойимнисога хат ёзувдим, улар ҳам ҳаракатда эмиш. Баъзи

ҳужжатларни берган экансиз, Бурҳонов уни Қўқонга юборишти. Бундан ташқари, Содиқов деган бир киши – райком секретари Москвага ариза ёзувди, қутулиб кетди. Унинг адреси (Тошкент, Сталин райони, Маданият маҳалласи, уй №27, Каримжон Содиқов). Тошкентга бориб вокзалдан 11-трамвайга ўтириб Баланд масжидда тушиб, ўн қадам илгари бориб, чап қўлга қараб бурилиб, тор кўчага юрилса, унинг уйига кирилади. У кишига ҳам Сизнинг адресингизни бердим. Салимжонга хат ёздим. У киши Тошкентга, Олий Советга менинг аризамни бериб ҳаракат қилади. Шу одамга ёрдам берасиз. 26 июлда юборган посилкангиз 5 декабрда келди. Олиб хурсанд бўлдим. Сизга ва Бурҳоновга кўп раҳмат. Шу посилка ичидан мактубингиз чиқди, ўқидим...

... Ишқилиб, мени, жоним, бало зиндонидан қутқаришга ҳаракат қилинг. Иш айланиб бориб Андижонни ўзида область прокурорида ҳал бўлажак. Буни Сизга олдиндан тушунтириб қўяй. Қўқондагиларни ҳам хат ёзиб қистаб турунг ва ўзингиз ҳар беш кунда хат ёзишни виждоний вазифангиз қилиб иш планингизга киритинг. Бурҳоновга айтинг, акасига хат ёзиб ҳалиги ад-

Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!  
Ўзбекистон Коммунистик партиясининг  
**АНДИЖОН ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ**  
ш. Андижон, Ленин кўчаси, 9.

№ 375/де

Пролетарии всех стран соединяйтесь!  
Коммунистическая партия Узбекистана  
**АНДИЖАНСКИЙ ОБЛАСТНОЙ КОМИТЕТ**  
г. Андижан, Ленина, 9.

3. октябрь 1967 г.

гор. Андижан, ул. Высоковольтная,  
второй переулок, дом № 42

Рахимовой Фариды

На Ваше заявление от 22 мая 1967 года сообщаем, что Ваш отец Рахимов Расульджан, в связи с незаконной репрессией в 1937 году по политическим мотивам, был исключен из рядов партии. В настоящее время судебными органами он полностью реабилитирован и 27 сентября 1967 года решением Андижанского обкома КП Узбекистана Рахимов Расульджан восстановлен членом КПСС с партстажем с 1928 года (посмертно).

Секретарь Андижанского  
обкома КП Узбекистана:

*[Подпись]* /Шалыгин/

Расулжон Раҳимовнинг тўла оқлангани ҳақидаги ҳужжат. 1967 й.



Расулжон Раҳимовнинг қизи Фаридаҳон ая ва кўёви Исҳоқжон ака фарзандлари ва набиралари билан

рес бўйича К.Содиқовга учраб нима иш қилаётганини суриштириб, унга керак ёрдамларни ташкил қилсин. Умуман, ўзларинг шу тўғрида фикрлашиб бир маслаҳатга келарсизлар. Бурҳонов ёки ўзингиз бир борсанглар яхшироқ бўлар эди. Борган вақтда мен айтган ҳужжатларни Андижондан олиб кетиш зарур. Бурҳонжон ва аяларимга кўп салом. Сиздан хат кутаман. Менга арзонбаҳо шим, кўйлак ва 50 сўм пул, ёг керак. Юборасизми, хоним? Ҳурмат билан Сизнинг умр йўлдошингиз».

Умр йўлдошига соф муҳаббатли, юксак эътиқодли Раҳбархон ая қатагон қурбони Расулжон Раҳимов номини халқимизга қайтариш учун қўлидан келган барча ишни қилди. Узоқ йиллар тегишли жойларга мурожаат қилди. Бу ўз самарасини берди, албатта, Андижон область суди президиуми 1959 йил 6 июнда бу ишни кўриб чиқиб, Учлик қарорини бекор этди. Расулжон Раҳимов тўла оқланди.

Андижон область партия комитети бюросининг қарори билан Р.Раҳимов вафотидан сўнг КПСС сафига тикланди. Унинг рафиқаси Раҳбархон опа Раҳимовага шахсий пенсия тайинланди. Аммо эндиликда ҳақсизлик қурбони Р.Раҳимов хотирасини абадийлаштиришдек хайрли иш турган эди.

Йиллар мобайнида йўл қараб умид билан яшаган Раҳбархон ая бу ишда ҳам бош-қош. Ая Расулжон ҳалок бўлган узоқ юртга бориб, хотира тупрогини келтириш, Андижондаги қардошлик қабристонига умр йўлдошининг рамзий қабрини тиклаш, ёдгорлик ўрнатиш ташвишлари билан банд. 1991 йили Раҳбархон ая ўз набираси Илҳомжон билан бирга Комсомольск-Амурскка бориб, Расулжон Раҳимов яшаган узоқ юртда бўлди, рамзий маънода у жойдан тупроқ олиб келди. Андижон шаҳридаги кўчалардан бирига Расулжон Раҳимов номи қўйилди.

## ШОИР ВОСИТ САЪДУЛЛА ВА УНИНГ МАСЛАҚДОШЛАРИ



Восит Саъдулла  
(1914 – 1987)

Андижон зиёлиларидан, эндигина 29 ёшни қаршилаган, адабиёт ўқитувчиси, шоир, Фарғонадаги 2-ўзбек заҳирадаги ўқчи полки сержанти Восит Саъдулла 1943 йил 18 мартда ҳибсга олинган. 13 йил қамоқ жазосини ўтаб, 1955 йил 22 декабрда жазо муддатини тугатиб озодликка чиққан.

Қаршимизда унинг 1956 йил 25 февралда Андижондан Москвага, КПСС Марказий Комитети биринчи секретари Н.С.Хрушчевга, 1956 йил 16 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети раисига, 1956 йил 19 октябрда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи секретари Н.А.Муҳиддиновга йўллаган аризалари. Аризада ўзининг қисқача таржимаи ҳолини шундай ифода этган: «Мен 1914 йили Ўзбекистон ССР Андижон шаҳрида тугилганман. Отам мусиқа асбобларини тайёрлаш бўйича ҳунарманд бўлган ва биз жуда огир моддий шароитда яшаганмиз.

Онам вафотидан сўнг, 1924 йили мен тарбиялаш учун интернатга берилганман, бу ерда 1930 йилгача, яъни 16 ёшгача бўлганман, шундан сўнг мени давлат педагогика техникумида ўқиш учун юборган, уни 1934 йили тугатганман. 1932 йилдан бошлангич мактабларда ўқи-

тувчилик қила бошлаганман. 1935 йили 2 йиллик Андижон ўқитувчилар институтига ўқишга кирганман, уни мен 1937 йили тугатганман ва ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлаб бошлаганман, Тошкент шаҳридаги пединститутда ўқишни давом эттирганман, уни 1940 йили тугатганман.

1930 йилдан менда шеърятга қизиқиш пайдо бўлди ва мен бу ишга бутун қалбим билан киришганман, 1934 йилдан эса менинг шеърларим маҳаллий ва республика газета ва журналларида чиқиб турган.

1939 йил менга буюк бахт қанот бағишлади: нашриёт менинг биринчи шеърлар тўпламинини нашр этди.

Мени катта юмуш ва эътибор қўраб олди ва Андижон область партия комитети топшириги билан мен 1942 йили ватан уруши тўғрисида «Ирода» пьесасини ёздим. Пьеса Андижон драматик театри саҳнасида катта ютуқлар билан қўйила бошланди ва томошабинлар томонидан яхши қабул қилинди. Бу ишим Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан ижобий баҳоланди.

Аввалбошда мен педагогик қилдим ва институтда ўқиган чоғларимда редакцияда ишладим. Шунингдек, ўриндошлик асосида Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида болалар адабиёти бўлимига мудирлик қилдим».

Бу аризаларда илгари сурилган масалалар тегишли органлар томонидан ўрганилган, айрим фактлар текширилган, ариза муаллифи билан учрашувлар, юзлаштиришлар, тегишли жойлардан ишга алоқадор масалалар бўйича сўровлар бўлган. Восит Саъдуллани ҳибсга олишда унга қўйилган сиёсий айблардан бири унинг бадиий асарларида, шеърларида советларга қарши аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик гоялари борлиги, бу гояларни аскарлар орасида тарғиб ва

ташвиқ қилгани, аксилинқилобчи, миллатчи Чўлпон шеър ва асарларининг фаол тарғиботчиси эканлиги эди. Юқоридаги аризаларни текшириш жараёнида Восит Саъдуллани тегишли органлар сўроқ қилган. Улардан бирини ҳавола этамиз.

Тошкентда 1957 йил 3 январда Туркистон Ҳарбий бўлим бўйича Давлат Хавфсизлик Комитети Махсус бўлим 6-сектор катта лейтенанти Лисенка гувоҳ сифатида фуқаро Восит Саъдуллаевни сўроқ қилган баённома. Унда Восит Саъдуллаев 1914 йили Андижон шаҳрида тутилгани, партиясизлиги, 1943 йили ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси II қисми бўйича айбланиб 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилгани ва 1946 йил ҳам ЎзССР ЖК 66-моддаси 1-қисми билан айбланиб 10 йил меҳнат-тузатув лагерига ҳукм этилгани қайд қилинган.

Восит Саъдулла Андижон шаҳри Қизил октябрь кўчаси 181-уйда яшаётгани, шаҳардаги 34-сонли кечки мактабда адабиёт ўқитувчиси лавозимида ишлаётгани айтилган.

**Савол:** Қайси тилда кўрсатма беришни хоҳлайсиз?

**Жавоб:** Рус тилида, мен рус тилини яхши биламан, шу боис рус тилида жавоб бераман.

**Савол:** КПСС МК секретари ўртоқ Хрушчев номига 1956 йил 25 февралда ёзган аризангизга 1956 йил 16 мартда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисига ёзган аризангизга қўшимча қилиб нималарни айта оласиз?

**Жавоб:** 1956 йил 25 февралда ва 1956 йил 16 мартда ёзган ўз аризаларимни тасдиқлайман ва яна бир марта мени нотўғри суд қилишган,

чунки мен ҳеч қандай советларга қарши фикрлар айтмаганман. Ўз аризамга қўшимча шуни айтмоқчиманки, мен билан бирга судланган Раҳимов Султон, Раҳимбоев Абдумуталиб, Ёркендиев Маъмур, Абдубеков Қамбарлар ҳам асоссиз судда жазога тортилганлар, яъни улар ҳеч қандай антисовет фаолият билан машғул бўлишмаган.

**Савол:** 24215-сонли тергов иши архивдан маълумки, сиз аввалги терговларда ўзингизнинг айбдорлигингизни тан олганингиз маълум бўлиб турибди, нима учун сиз ҳозир ҳеч қандай антисовет фаолият билан шуғулланмаганингизни изҳор этмоқдасиз?

**Жавоб:** Аввалбошидаги терговда мен ўзимни гуноҳкор деб ҳисоблаганимни тан олган эмасман. Аммо терговчи Подчуфаров менга нисбатан жисмоний зўрлик чораларини қўлагани натижасида мен ўзимга, шунингдек, Раҳимов, Ёркендиев, Раҳимбоев, Абдубековларга нисбатан ҳам ёлгон кўрсатмалар беришга мажбур бўлганман.

Кейинчалик Контрразведка бўлимининг тўрт ходими, жумладан, Гусев ва Москвадан келган вакиллар тергов қилганларида мен аввал берган кўрсатмаларимни инкор этдим.

Давлат хавфсизлиги органи томонидан Восит Саъдулла асарларида советларга қарши гоё мавжуд ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида унинг «Яшна» номли тўплами, шеърлари ҳақида маълумот олиш учун 1957 йил 25 февралда «Шарқ юлдузи» журнали таҳририятига мурожаат қилинган.

Журнал таҳририятидан мана бу жавоблар келган:

"ЯШНА" ТҶҶЛАМИ ҲАҚИДА

Восит Саъдуллонинг "Яшна" номли шеърлар тўплами билан танишиб чиқдим. Тўпламдаги шеърларнинг аъоявий-бадий қимматини тушунишда, шубҳасиз, мазкур шеърлар ёзилган даврнинг талаб ва даражаси назарга тутилди.

Ассий таассурот шундаки, тўпламдаги кўпгина шеърлар даврнинг актуал масалаларига бағишланганлиги билан кўзга ташланиб туради. "Таассурот" шеърдаги ~~"1966 йили"~~ улуғ доҳимиз Ленин ҳақида айтилган фикрлар; "Буюр Ватан!" шеърда - Совет Армияси сафига чақирилган йигитнинг орзу, хаёллари; "Гулшан" шеърда-қашқарли қизнинг Совет Ўзбекистонига ҳавас билан боқиб, ўз ўлкасини ҳам республикамиздай озод кўришни орзу қилиши; Ёзувчи Н.А.Островский хотирасига бағишланган "Ёдгор" сарлавҳали шеър фикримизга исбот бўлаолади.

Авторнинг фазилатидан яна бири - у кўп шеърларида воқияларни образли тил билан, одамларнинг характерлари, лавҳалар орқали акс этдирган. Унинг "Гулшан", "Ёдгор", "Таассурот", "Очил олпоғим" каби қатор шеърлари, айрим жузъий камчиликларидан қатъий назар, бадий жиҳатдан анча пишиқ ишланган. Бу шеърларда шоирнинг ижодий изланишлари, муваффақиятлари яққол сезилиб туради.

Тўпламда бўш, зайф шеърлар ҳам анчагина. "Қани чин жавоб?", "Чол билан сўхбат", "Она ва ўғил" каби шеърларда одамларнинг характер ва психологиясини очишда, автор, ясамаликка, сохталикка йўл қўйган. Тўпламда бир неча бағишлов шеърлар ҳам бўлиб, улар ҳозирги кунда актуал эмаслигидан ташқари, бадий жиҳатдан ҳам талабга жавоб бермайди.

Хулоса қилганда, бу тўплам Восит Саъдуллонинг ўша вақтда ўз овозига эга бўлиб келаётган шоир эканлигидан дарак беради.

Тўпламда антисовет характердаги шеър учратмадим.

*Дубон*  
25/11/51

Ж.ЖАББОРОВ.

*"Шарк толдуси" жазд.  
Наъимнинг 1-ўқими муҳри.*

2.

229

бирок бири иккинчисига мантиқий япишмайди:

Сурмахоннинг бор эди

Мушукчалари,

Миёқлаб эркаланар

Қушиқчалари /?!/

ёки:

Шу вақтда Сурмахон

Нима учундир,

Шошилганча уйига

У, кириб кетди.

яна:

Сурма илиқ офтобда

Дарсин тайёрлаб,

Фанлар қуёшидан у,

Нур ичар текин

Хуллас, Восит Саъдулланинг ҳар уччала шеъри ҳам унинг ижодининг дастлабки қадамларида ёзилган, машқ шеърлардир.

Тупламда антисовет характерда ёзилган шеърлар мутлақо йўқ.

"Шарқ юлдузи" журнали  
секретари

и. хак - 7  
/

### В.Саъдулла шеърлари ҳақида

1940 йил ЎзЛКСМ болалар ва ёшлар адабиёти нашриёти томонидан нашр этилган "Туллаш" тўпламига /тўпловчи В.Саъдулланинг "Орзу", "Эй, қуёш", "Қумрининг хашарчилари" деган учта шеъри киритилган. Ҳар уччала шеър ҳам бадиий жиҳатдан заиф. Туъри, биринчи ва иккинчи шеърларда айрим мисралар сзми-купми бадиийликка эга; қофия, вазнда камчилик йўқ. Лекин мисралар ўртасида мантикий изчиллик йўқ. Шоирнинг мақсади аниқ эмас. /"Орзу"/ шеърнинг бошланишида қиларнинг дарс тайёрлаши ҳақида гап боради. Сунг эса "Доҳининг сўзлаган нутқида ўтиб кетади. /СССР конституцияси ҳақида бўлса керак Яна орага "Донбасдаги бир талай моҳир ишчиларнинг техниканинг энг нозик сирин "очгани" ҳақидаги воқиа ҳам қистирилади, шеъри охирид эса:

Биз ўқий суръатин кўтариб кўкка, У?!/

Ҳар ёндан биз аъло баҳо оламиз.

Илм-фан бариси бизга берилган,

Ўқиймиз дунёга давруқ соламиз,

деган хулоса чиқарилади.

Бу шеър асосан зўрма-зўраки мисралар йиғиндисидан иборат холос. Бундан ташқари шеърни шахсга сиғинишнинг энг қўпол кўриниши, деб баҳолаш керак.

Иккинчи /"Эй, қуёш"/ шеърда мақсад яхши. Унда лирик қаҳрамоннинг олижаноб орзуси ифодаланган. Лекин ҳозирги кун учун эскирган Агар шоир қуш эмас, қолдузга, планеталарга мурожаат қилганда гап бошқа эди. Бу албатта шоирнинг 1936 йилги қараши билан изоҳланади

Учинчи шеър /"Қумрининг хашарчилари" шеъри/да шоир болалар ҳаётини акс этдирмоқчи бўлган. Лекин эстетикамиз принциплари доирасидан тамоман четга чиқиб кетган. Бундан ташқари авторнинг нима демоқчи эканини тушиниб бўлмайди. Бу шеърда қофия, вазн бўлса ҳам



Личная подпись

Восит Саъдулла

Булардан В.Саъдуллаев асарларида советларга қарши ҳеч қандай аксилинқилобий, миллатчилик, мағлубиятчилик гоё ва фикрлари бўлмагани ойдинлашади. Аммо қатагон жараёнида терговчиларнинг босими, қўллаган жазо чоралари, маҳбусларга берилган даҳшатли қийноқлар, азоблар, келтирилган сохта, тўқима айблар, маҳбусларнинг ёлгон кўрсатмалари инсон тақдирини ҳал қилган. Шу айблов ҳулосалари асосида жазо ҳукмлари чиқарилган. Бу жараённи фактлар асосида кўзатиш мумкин.

**Саъдуллаев Восит** – 1914 йилда Андижон шаҳрида туғилган, ҳунарманд-косибнинг ўғли, ўзбек, олий маълумотли, ёзувчи, сўққабош, Фарғона шаҳридаги алоҳида заҳирадаги ўзбек ўқчилар полкида 1942 йил августдан ҳарбий хизматчи, ҳарбий унвони сержант, 1943 йил 18 мартда ҳибсга олинган;

ЎзССР НКВД Хавфсизлик Бошқармаси махсус бўлим ходими Евтушенкога 1943 йил 25 мартда берилган 75-сонли ордер бўйича Раҳимбоев Абдумуталиб ҳибсга олинган. Расмийлаштирилган маҳбус анкетасида А.Раҳимбоев 1914 йилда Андижон шаҳрида туғилган, совет армиясининг Фарғонадаги бўлимида взвод командири, лейтенант, ўзбек, СССР фуқароси, ВКП(б) аъзолигига номзод, маълумоти қуйи, ижтимоий келиб чиқиши ишчи, отаси Юнусов Раҳимбой 1880 йили Андижонда туғилган, онаси Юнусова Шарофат 1896 йилда туғилган, рафиқаси



Личная подпись  
арестованного

Абдумуталиб Раҳимбоев

Ойимбосир 1918 йилда туғилган, қизи Озодахон 1942 йилда туғилган, укаси Абдуҳалим, синглиси Йўлдошхон деб кўрсатилган.

**Раҳимов Султон** – 1908 йили туғилган, Тошкент шаҳридан, камбагал деҳқон оиласидан, маълумоти ўрта, партиясиз, 1942 йил мартдан қизил армияда хизматда, взвод командири лавозимида, 1943 йил 25 мартда ҳибсга олинган;

**Ёркендиев Маъмур** – 1919 йилда туғилган, Андижон шаҳридан, ҳунарманд-косиб оиласидан, ўзбек, СССР фуқароси, маълумоти олий, партиясиз, сўққабош, 1941 йил июль ойидан қизил армияда, 1943 йил 12 апрелда ҳибсга олинганга қадар 2-махсус заҳирадаги ўзбек ўқчи полки 2-рота командири ўринбосари;

**Абдубеков Қамбар**, 1922 йилда туғилган, Андижон шаҳридан, ўзбек, хизматчи, партиясиз, ўрта маълумотли, 1942 йил августидан совет армиясида, сержант унвонига эга.

1943 йил 9 апрелда Жалилов билан Саъдуллаев юзлаштирилган баённомадан кичик бир парча келтирамыз:

**Савол:** Саъдуллаев тўғрисида сизга маълум бўлганлар ҳақида гапиринг.



Қамбар Абдубеков



С.Икромов ва М.Ёркендиев

**Жавоб:** 1943 йил февраль ойида казармада Ёркендиев, Раҳимбоев, Саъдуллаев ва мен (Жалилов) тўпланганмиз. Бизнинг суҳбатимиз миллатчи Чўлпон асарлари тўғрисида борди. Саъдуллаев Чўлпон асарларидан шеърлар ўқиб берди. Бу вақтда Ёркендиев: Чўлпон ўз асарларида «Чемоданингизни кўтаринг ва Ўзбекистонни бўшатиб қўйинг!» - деб айтган. Саъдуллаев Ёркендиевни қўллаб-қувватлаган ва Ёркендиев билан боғлиқ масалани тушунтириб берган. У Чўлпон ўзбекларга совет иттифоқидан ўзини ажратиб олиш истагини билдирган. Менинг «Миллатчилик акс этган адабиёт қандай қилиб босиб чиқарилган?» деган саволимга Саъдуллаев менга бунда халқ душмани бўлиб чиққан Икромовнинг ёрдами бўлган деб жавоб қилган.

**Савол:** Саъдуллаев, сиз гувоҳ Жалилов кўрсатмаларини тасдиқлайсизми?

**Жавоб:** Мен ёзувчи Чўлпоннинг асарларини яхши биламан. Бироқ мен қизил армияда Ёркендиев, Раҳимбоев ва Жалиловлар даврасида унинг шеърларини ўқиганимни эслай олмаяпман. Номлари келтирилган шахслар билан бирга казармада бир неча бор тўпланганмиз. Мен Чўлпонни Москвадан Ўзбекистонга Икромов келтирганини биламан, Чўлпоннинг йирик миллатчи эканини биламан, шу боис Ёркендиевни қўллаб-қувватлай олмас эдим ва ундан бундай чиқишларни эшитмаганман.

**Саъдуллаев:** Чўлпон асарларидан шеърлар ўқиган бўлишим мумкин, аммо Ёркендиевни қўллаб-қувватлаган эмасман ва ундан гувоҳ

Жалилов билан юзлаштиришганда ундан ҳеч нарса эшитган эмасман.<sup>1</sup>

**Жалилов:** 1943 йил февраль ойида тушликка чиққан пайтда казармада Раҳимбоев, Ёркендиев ва Саъдуллаев билан бўлган суҳбатда ёзувчи, миллатчи Чўлпон асарларини муҳокама қилишда иштирок этганман.

Бу вақтда Саъдуллаев Чўлпоннинг советларга қарши миллатчилик руҳидаги асарларини ўқиган, аммо унинг мазмунини сўзма-сўз такрорлай олмайман. Иштирок этган Ёркендиев тахминан Чўлпон шундай ёзган: «Чемоданингизни кўтаринг, Ўзбекистонни бўшатиб қўйинг» деган. Саъдуллаев Чўлпоннинг ёзувчи сифатида Ўзбекистоннинг озод этилиши учун курашчи эканини мақтаган.

Ёркендиев Чўлпоннинг асарларини ўқиган ва улардан кўчирмалар келтирган.

Гувоҳ Раҳимбоев шундай кўрсатмалар берган: «Ҳақиқатда ҳам Саъдуллаев Чўлпон асарларидан ўқиб берган ва ёддан айтган, Саъдуллаев ўқиб берган саҳифаларидан парчаларнинг мазмунини эслай олмайман. Шунингдек, Ёркендиев Чўлпон асарларидан келтирган парчалар мазмунини эслай олмайман».

НКВД Фаргона области давлат хавфсизлиги махсус бўлими бошлигининг 1943 йил 18 апрелдаги қарори билан Саъдуллаев, Раҳимов, Раҳимбоев Фаргона шаҳридаги қамоқхонадан махсус кўриқлаб, кузатиб борувчи соқчилар кузатувида Тошкентга этап қилинганлар. Бу маҳбуслар НКВД Ўрта Осиё ҳарбий округи махсус

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлиги хизмати архиви. П-27925-иш. 2-том. 69-варақ.

бўлими ихтиёрига берилган. Улар алоҳида-алоҳида ҳибсда сақланганлар.

Восит Саъдулла бир неча бор терговда жисмоний ва руҳий қийноқлар, азобларга солинган, терговчиларнинг иттиҳорона даъволарини рад этган. Аммо улар маҳбусга ёлгон айблар тўқиб, ўзига ўзи тухматдан иборат кўрсатмалар бериш ва уларни ўз қўли билан ёзишни, ҳар бир варағига имзо чекишни талаб қилишган. Бунга кўнмасликнинг ҳеч қандай иложи бўлмаган.

1943 йил 7 май санаси қўйилган «Айбланувчи Восит Саъдуллаевнинг ўз қўли билан ёзган кўрсатмаси»ни олганларидан сўнггина терговчилар қониқиш ҳосил қилганлар. Бу кўрсатма 16 саҳифадан иборат бўлган. Уни шарҳлаймиз. Маҳбус Восит Саъдулла бу кўрсатмасида Андижон шаҳридаги 10 ойлик предметник курсида адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлагани, иш давомида миллатчилик билан шуғуллангани, 1941 йили Раззоқов Ҳошимжон институтни битириб Андижонга келганидан сўнг у билан бирга бўлгани, айрим вақтларда миллий масала ҳақида совет давлатидан норозилиги ҳақида суҳбатлашгани қайд этилган.

1942 йил августида ҳарбий хизматга чақирилган. Шаҳар ҳарбий комиссариати уни Фарғонадаги ўзбек ўқчи полкига юборди, ўқув батальонида 2 ой ўқийди, унга сержант унвони берилади, пултбатальонда хизмат қила бошлайди. Шу батальонда аввалдан таниш бўлган Ёркендиев Маъмур, Раҳимбоев Абдумуталиб хизмат қиларди. Бир ойча хизмат қилгач взвод командири Раҳимов Султон, Абдубеков Қамбар, Ёркендиев, Раҳимбоев билан яқин алоқада бўлган. Улар деярли ҳар кўни кўришар, суҳбатлашар эдилар. Бу суҳбатларда миллатчилик ҳис-туйғуси кучайиб борган. «Мен, – деб ёзган В.Саъдуллаев, – юқорида номи зикр этилган кишиларнинг қайси бирига қандай сўз айтганимни аниқ эслай олмайман. Аммо қўйидаги миллатчилик ва совет тузумидан норозилик туйғуси билан суғорилган сўзларни, фикрларни ҳаммамиз сўзлашар ва муҳокама қилар эдик.

XIX асрда Чор Россияси Ўзбекистонни ўзига колония қилиб олди. Шу даврдан бошлаб мустамлакачилар Ўзбекистонда бузгунчиликлар, фоҳишахоналар, фиску фужур одатлар-

ни тарқатди. Октябрь инқилобидан кейин ҳам ўзбеклар мустақил давлатга эга бўлмади. Чор Россияси даврида қандай бўлса, бу даврда ҳам шундай бўлди. Айрим ўзгаришлар бўлса ҳам, юзаки бўлди. Ўзбекистон номига алоҳида республика қилиниб қўйилган, республика ўзича мустақил ҳаракат қила олмаган, мустамлакачи давлатга итоаткор эди. Ўзи мустақил хориж давлатлари билан турли муносабатда бўлишдан маҳрум эди. Мустамлакачилар Ўзбекистонда яхши яшайди, оврўпача уйларда ва яхши ишларда ишлайди. Юрт эгаси ўзбеклар эса, эски тос – эски ҳаммом дегандай, ўзларига ота-мерос бўлган кўримсиз, нураган уйларда қорачироқ ёқиб яшайди.

Хуллас, ҳукмрон миллат руслар бўлгани учун ўзбеклар устидан ҳукмронлик қилганлар. Улар ўзларининг тарихи, маданиятини, тарихда ўтган қўмондонларини бутун намоиш қилиб мадҳи сано қилса ҳам, ўзбеклар ўз тарихий маданиятини, тарихда ўтган улуг кишиларини тўла ўрганишдан, билишдан, ҳурматлашдан маҳрум эдилар. Масалан, Россия бутун ўтмиш ёзувчиларининг асарларини том-том қилиб босиб чиқарди. Пётр I, Суворов, Кутузов каби қўмондонларини кўкка кўтариб мақтайди. Ўзбеклар ўзининг улуг алломаларидан бўлган (Навоийдан бошқасини) Ҳусайн Бойқаро, Лутфий, Саккокий, Атоий, Умархон, Улуғбек, Фазлий, Абу Али ибн Сино, Форобий, Санжар, Торобий, шунга ўхшаган шоирларни, олимларни, қўмондонларни билмайди. Чунки уларнинг асарлари тўла ўзлигича босиб чиқаришга совет сиёсати йўл қўймайди.

Темурлангни улуг қўмондон сифатида кўтариш ва ҳурматлаш мумкин эмас. Агарда Темурлангнинг XIV – XV асрларда тузган марказий давлати XX асрга қадар давом этиб келганида ҳозир ҳам ўзбек давлати мавжуд бўлган бўлар эди. Мана шунинг учун айтилган замонда ўзбеклар мустақил давлат бўлиш қобилиятига эга эмас.

Гарчи ҳозир Ўзбекистон алоҳида республика бўлиб, ўзбек тили давлат тили ҳисобланса ҳам, амалда давлат аппаратлари рус тилида идрок қилинади. Бу ҳол шунини кўрсатадики, ўзбеклар мустақил давлат бўлиб яшамайди.

Мен кўпинча Ёркендиев билан суҳбатда бў-



лар эдим. У менга ўзининг бир тоғаси ўз халқи, миллати учун қурбон бўлганини, ўз акаси эса миллатчилик йўлида қамалганини айтиб фахрланар ва ўзи ҳам шу идея билан қамалишини ва совет ўқи билан ўлишини уқтирар эди. У ҳозир сен билан менга яшашнинг қизиғи йўқ. Ҳозир мен инсон сифатида яшашлик ҳолатида эмасман. Балки азоб чекапман... Лекин яхши асарлар ёзиш имкониятидан маҳрумсан. Давлат сени ҳурмат қилиш, имконият тугдириш ва ижодингни ривожлантириш ўрнига саводсиз кишилар орасига қўшиб, могор кийимларни кийдириб тинимсиз машқ қилдирапти. Бир ўқ билан дунёдан кетасан. Агар Туркиядай демократик давлат бўлса сен билан менга ўхшаганларни бошига кўтаради. Ҳозир Ўзбекистонда яхши, ақли кишилар яшамайди. Ақли кишилар қамоқда. Совет замонида эса хушомадгўйлар, лаганбардорлар ва умуман мустақиллигини йўқотган кишилар яшайди. Бир куни суҳбатда пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақида гап кетди. Жамиятда дин катта роль ўйнайди. Дин орқали кўп ишлар қилиш мумкин. Мамлакат бошига огир кун келганда халқни дин билан сафарбар қилиш осон. Масалан, аввалги вақтларда подишолар урушга халқни диний йўл билан сафарбар қилишар эди. Халқ етти ёшдан етмиш ёшгача дин ва ислом учун ният – газот, ўлсанг шаҳид, ўлдирсанг гозий деб уруш майдонига отилар эди. Урушда ўлганни шаҳид ва шарафли ўлим деб билар эди.

Мана ҳозир халқ, гарчи Совет ҳукумати 25 йил ташвиқот ва тарғибот қилгани билан, урушга ҳеч ихтиёри билан бормайди, балки мажбурият остида боради.

Пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.)нинг халққа жорий қилган нарсалари катта ҳарбий аҳамиятга эга. Масалан, таҳорат қилиш. Бу инсонни эрталаб туриб озодаликка, намоз ўқиш эса мусулмонларни физзарядка қилишга чақиради.

Хайри эҳсон қилиш, закот бериш, Хатми хўжа, Мавлуди шариф қилиш, қурбонлик қилиш бу инсонни сахий ва мурувватлиликка чақиради. Шунинг билан бирга, бу маросимлардан етим-есирлар, бева-бечоралар баҳра олади. Рўза тутиш эса халқни мамлакат огир аҳволда

қолганда чидамли, бардошли бўлишга чақиради. Мен унинг сўзига қўшимча қилиб шу қуйидаги сўзни айтдим: Совет ҳукумати 25 йил динга қарши пропаганда қилиб, бу кунга келганда динга эркинлик бериб юборди. Масалан, бу йил Ҳайит намозини руҳонийлар Андижонда ўтказган. Ҳатто руҳонийлар томонидан пул йигилиб мудофаа фондига топширганлар. Ҳайронман, энди Совет ҳукуматининг динга қарши қилган пропагандасининг таъсири қаёқда қолди?

Менга Раҳимов Султон билан ҳам бир неча марта суҳбатлашишга тўғри келди. У менга қуйидагиларни айтди:

Мен мустамлакачиларни виждоним билан ёмон кўраман, улар ўзбекларни эзади. Менинг ҳаётимга ҳам заҳар солган мустамлакачилар. Менинг умрим азоб билан ўтмоқда. Мана 25 йил бўлди, азобдаман. Уй-жойимдан ажралдим. Дарбадарликнинг сирли йўлига кирдим. Шунча азоб чекканим етмасдан ҳарбий хизматга келдим. Бу ерда азоблар гирдобига тушиб қолдим. Мен энди ҳарбий техникани ўрганиб, ўз душманам бўлган мустамлакачиларни ҳимоя қиламанми? Буни виждоним қабул қилмайди. Ўзбек халқининг азамат йигитлари урушда ўлиб тамом бўлди. Мен унинг айтган яна бир кунги суҳбатдаги гап Совет ҳукуматининг резервлари ҳақида кетганди. Раҳимов Султон айтди: Совет ҳукуматининг резервлари тугади дейиш мушкул. Мана, полкимизда хизмат қилаётганларнинг бариси она сути огзидан кетмаган болалар. Подъёмда йиглаб ўрнидан туради. Бу тирранчалар билан Совет ҳукумати галаба қилиб бўпти. Яна бир охири резервлари. Гап командирларга кўчиб у айтди: биз қизил командирларни нуқул картошка ва болалар таоми бўлган манний каша билан боқмоқда. Бу овқатлар фойда бериш у ёқда турсин, ичингиздаги жирни териб олади. Кеча командирларнинг мажлиси бўлди. Мажлисда Совнаркомнинг яширин укази ишлаб чиқилди. Указда кўрсатилишича, озиқ-овқатни тежаш айтилади. Шундан маълумки, Совет ҳукуматининг озиқ-овқат заҳираси ҳам тугамоқда...

... Муҳамедов Дамин ҳақида менга шулар маълум. Муҳамедов Совет давлатидан очиқдан-очиқ норози. Унда миллатчилик руҳи ҳам

кучли. У ўзининг Совет давлатига душманлик руҳини ҳар вақт безориларча баён қилар эди. Ҳаётни, кўрган кунини, ўтказган турмушини ит ҳаёт, ит турмуш деб сўкар эди. Мен Раҳимбоев Муталлиб ҳақида шуни айта оламан. Раҳимбоевда ҳам ҳозирги замондан норозилик, мустамлакачиларга нисбатан миллатчилик бор. Лекин мен у билан миллий масала, Совет давлатидан норозилик фикрлари ҳақида суҳбатлашган эмасман. У кўпроқ Ёркендиевга яқин бўлиб, у билан суҳбатлашар ва бирга юрар эди. Эҳтимол, Ёркендиев Раҳимбоевнинг душманлик иши ҳақида батафсил сўзлаб берса.

Мен Абдубеков Қамбарни 1938 йилдан бери танийман. Ўзи менинг ўқувчим. У билан ҳарбийга бирга чақирилдик ва бирга хизмат қилдик... Унда миллатчилик ҳисси кучли, мустамлакачиларни ёмон кўради. Менга у шуларни айтар эди. Мен рус ери учун курашиб рус ерида ўлишни истамайман. Фронтга юборадиган бўлса, шу ерда ўзимни ўлдираман. Менинг қоним ўз тупрогимда қолсин. Бутун ўзбеклар ўлмоқда. Немислар албатта русларга қарши уруш очган. Мен унга ўзимдаги миллатчилик ҳиссимни, совет мамлакатидан норозилик туйғумни сира айтишни истамас эдим. Чунки унинг огзи бўш, ўзини тута билмас, кўринганга валдирар эди. Ниҳоят, уни таршивой ротага киритди. Шунинг эртаси куни у ўзини осмоқчи бўлганда жангчилар тутиб олди. Сўнгра уни больницага юборди. 15 кун ётиб чиққандан сўнг унга комбат домашний отпуски берди. Абдубеков Андижонга кетар чоғи мен ўз вақтида қайтишни, келишда холамга учраб менга нон, шакарни келтиришни буюрдим. Лекин у ўз вақтида етиб келмади.

Мен январь ойининг бошида онгли равишда самоволно отлучка қилиб Андижонга бордим. Синглим билан кўришдим ва уйда уч кеча ётдим. 3 январда Раззақов Ҳошимжон билан учрашдим ва уйига бордим. Суҳбатлашдим. Суҳбатда мен Раззақовнинг сўровига мувофиқ ҳарбий хизматнинг қийинчилигини, берган овқат етарли эмаслигини айтдим. Мен унга сиз ҳарбийдан тинч турибсизми деганимда у менга шундай жавоб берди: Военкомат ҳарбий билетимни олиб қўйганига бир неча ой бўлди.

Мен ўзим бориб олиб сўрамайман. Чақирганда бораман деб юрибман. Ортиқча кўчада юрмайман. Шаҳарда юрадиганлардан билдимки, Раззақов ҳарбийдан ярим қочоқ бўлиб юрмоқда. Шундан бўлак масала устида сўзлашмадик. Мен уйга қайтиб келдим. 4 январда мен Андижон шаҳар советига бориб, раис ўртоқ Соҳибов Дадажон билан учрашдим. Бахтга қарши, обком уни чақириб қолди. Сўрайдиган нарсамни ҳам айтишга улгура олмадим. Синглимга келишда Соҳибовга хат ёзиб қолдирдим. Хатда мен Соҳибовдан синглимга имкон бўлса моддий ёрдам бериб туришни сўрадим. Мен Соҳибовни 1938 йилда «Коммунист» газетасида мухбир бўлиб ишлаган даврдан бери танийман. Чунки мен ҳам ўз шеърларим билан шу газетага қатнашиб турар эдим. Соҳибов менга 1940 йилда тўй қилмоқчи бўлганимда ёрдам сифатида давлат нархи билан эллик кило ун берган эди.

Мен Соҳибов билан ҳеч бирга юрган ва бир жойда суҳбатлашган эмасман. Шундай қилиб, мен Андижондан 4 январь кечқурун частга қайтдим. Келгандан сўнг Ёркендиевга Раззақовнинг ҳарбийдан ярим қочоқ бўлиб юрганини айтдим.

Абдубеков Қамбар больницада ётганида мен унга овқат олиб бордим. Шунда менга янги ёзган шеърини берди. Бу шеърни Ёркендиев, Раҳимбоевга ўқиб бердим. Шеърнинг мазмуни аксилинқилобий руҳда эди. Яъни у айтади: «Инсон ҳозирги замонда хор, оёқости бўлиб кетди. Инсоннинг бундай бўлиб яшаганидан ўлгани яхши. Э Худо, инсонларни бутунлай йўқ қилиб юбор!» Албатта, у инсон сўзини ўзбекларга қарата айтган эди.

Мендаги миллатчилик руҳи ва совет давлатидан норозилик туйғуси ҳарбий хизматни сидқидиллик билан бошқаришга йўл қўймади. Шунинг учун мен, очиқ айтишим керак, ҳарбий хизматни юракдан севиб қилмадим. Интизомим бўш эди. Шу сабабли мен кўп везеканий олдим. Бу ҳақда полкнинг берган характеристикаси жуда тўғри.

Юқорида мен ўзимни совет давлати олдида айбдор ҳисоблаб бутун қилмишларимни игна-сидан-ипигача айтиб ўзимни ва бошқаларни фош қилдим.



Энди мен совет давлатига қуйидаги арзимни баён қиламан.

Мен йўлдан адашдим. Боши берк бир кўчага кириб, менга яхшилик қилиб, тарбиялаган совет давлатига ёмонлик қилдим. Раҳматлар бўлсин совет разведкасигаки, мени балчиқдан тортиб олди. Энди менинг юрагимда ҳеч қандай доғ қолмади.

Мен ёшман. Ҳали дунёда ҳеч нарса кўрганим йўқ. Мен ўз гуноҳимни фронтга бориб совет давлатини ҳимоя қилаётган миллион кишилар қаторида туриб садоқат билан совет давлатини томчи қоним қолгунча ҳимоя қилиш билан ювишни ва ўзимни фронтда оқлашни истайман. Албатта, тарбия асосида тузилган совет ҳукумати менинг бу юракдан қилган хоҳишимни ерда қолдирмайди деб ўйлайман.

Айбдор: (имзо) Саъдуллаев Сана: 07.05.1943»  
1943 йил 21 сентябрда Ўрта Осиё Ҳарбий округи Ҳарбий трибунали ёпиқ суд йиғилиши Ҳарбий трибунал биносида чақирилган. Трибунал юстиция капитани Гладких раислигида, аъзолар – юстиция майори Ушаков, юстиция капитани Докучаев, котиби юстиция кичик лейтенанти Юдин иштирокида ўтказилди. Ревтрибунал суди ҳукми билан Саъдуллаев Восит, Раҳимов Султон, Ёркендиев Маъмур 10 йил муддатга, Раҳимбоев Абдумуталиб ва Абдубеков Қамбар 8 йил муддатга меҳнат-тузатув лагери қамоғига ҳукм этилди. Саъдуллаев Восит жазони Сазлагнинг Чирчиқ бўлимида ўтаган. Ёркендиев Маъмур қамоқ жазосини Грузиядаги меҳнат-тузатув лагерида ўтаган. Лагердан 1952 йил 29 июнда озод қилинган. Рустави шаҳрида



Суратда: утирганлар, ўнгдан 1-Обоқул Эгамов, «Коммунист» газетасининг муҳаррири, 2-Юлдашев, мединститут уқитувчиси, 3-Андижон область ижроия комитети раиси ўринбосари Турсуной Каримова, 4-Восит Саъдулла, 5-шоира Ҳанифахон; иккинчи қаторда тик турганлар, ўнгдан 1-Холдоржон Куронбоев, 2-Рустам Раҳмон, 3-Каримжон ака, 4-Ўзбекистон халқ артисти Қосимжон Охунов, 5-шоир Туроб Тула, 6-Андижон область партия комитетининг котиби Мирзажон Муҳиддинов, 7-Андижон давлат педагогика институти ректори Акмалжон Қосимов; учинчи қатор ортада тик турганлар, чапдан 1-С.Шокаримов, 2-шоир Барот Бойқобилов, 3-журналист Анорбой Куронбоев.

яшаб қолган. 1952 йил июндан 1956 йил августгача Рустави бош қурилиш механика заводида механик мастер бўлиб хизмат қилган. Раҳимбоев Абдумуталиб жазо муддатини Новосибирск области Венгероно қишлоғида ўтказган. 1951 йил 28 июлда Ғарбий Сибир округи давлат хавфсизлик министрлиги қўшини Ғарбий учлиги унинг ишини кўриб РСФСР Жиноят кодексининг 58-10-, 17-18- ва 17-15-моддалари бўйича айблаб 25 йил муддатга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилган. 1956 йил 10 майда Омск областидаги меҳнат-тузатув лагеридан озод қилинган. Абдубеков Қамбар 1950 йил 22 майда ЎзССР меҳнат-тузатув колонияси қамоқхонасида вафот этган. Бу ҳақда Андижон области ички ишлар бошқармаси ЗАГСга хабар қилинган.

1959 йил 10 декабрда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси Саъдуллаев ва бошқалар ишини кўриб чиқади. Гувоҳлар Собиров ва Раззоқов (КПСС аъзолари) Саъдуллаевнинг болалар уйида тарбиялангани, педагогика институтини битирганидан сўнг ўрта мактабда ўқитувчи бўлиб ишлагани ва бир вақтнинг ўзида адабий фаолият билан шуғуллангани, 1939 йил Саъдуллаевнинг биринчи шеърлар тўплами нашр этилиши, 1942 йили Ватан уруши тўғрисида ёзган «Ирода» драматик асари Андижон театрида жуда катта мувафақият билан қўйилганлигини алоҳида таъкидлашган. Восит Саъдуллаев тўлалигича реабилитация қилинган. Шу вақтдан бошлаб умрининг охиригача Андижон давлат педагогика институти (Андижон давлат университети) адабиёт кафедрасида самарали фаолият кўрсатди.

Восит Саъдулла Андижон шаҳри Тўқмоқ даҳасининг Бек гузарида 1914 йили таваллуд топди. Унинг отаси Саъдулла ака моҳир чолғу асбоблар ясаш ва таъмирлаш устаси эди. Шу би-

лан бирга, ўзи ҳам катта ҳофизлардан бўлган. Онаси Турғунон опа хушфеъл чевар аёл эди. Беш ёшлик вақтида онаси вафот этади. Унинг тарбиясини отасининг дўсти Умрзоқ ота ўз зиммасига олади. Дастлабки саводни 18-мактабда ва кейинроқ интернатда олади. Сўнгра Андижон давлат педагогика билим юртига ўқишга киради. Отасининг ўлимидан сўнг ўқишни кечки бўлимга кўчириб ишга киради. 1934 йили ўқишни тамомлайди. 1936 йили Тошкентга келиб, Низомий номидаги педагогика институтига киради ва шу йиллар ичида шеърлар ҳам ёза бошлайди. 1942 йили шоир Султон Жўра билан ҳамкорликда ёзган «Ирода» мусиқали драмаси Андижон театрида саҳналаштирилади. Восит Саъдулла «шахсга сизиниш» даврида огир қийинчиликка учрайди. У ноҳақ 1943 йили қатагон қилиниб, 1955 йилга қадар қамоқда ҳаёт кечиради. Сўнгра оқланиб яна Андижонга қайтади ва мактабда ўқитувчиликни давом эттиради. 1957 йили Андижон давлат педагогика институтига ишга таклиф қилинади. Бу билим даргоҳида ўн беш йил фаолият кўрсатиб, адабиёт ва фалсафа кафедрасида этика ва эстетика фанларидан таълим беради. 1974 йили нафақага чиқади.

Восит Саъдулла 1987 йил 7 октябрда вафот этади.

Китоблари: «Яшна» (1939), «Жўр» (1964), «Сайқал» (1970), «Хуросон юлдузи» (1972), «Юз газал» (1973), «Олам дилрабо» (1975), «Ҳамроз» (1979), «Жонажон» (1981) шеърый тўпламлари, «Ҳамроҳ» (1982), «Ҳаёт» девонлари (1986).

*Материални тайёрлаганлар:*  
**Рустамбек Шамсутдинов,**  
**Дилшодбек Ҳомидов,**  
**Шухратбек Қаҳҳоров**

## Номингла, Ватаним!

Фахр ила ёлдайман номинг, Ватаним,  
Шарафлар сенга, эй, улуг Ватаним.  
Қўксингдаги ерлар, чаманзор боғлар,  
Хардонм душманиниг кўнглини доғлар.

Бошинга тиг тортиб келган душманлар  
Тегимиз зарбидан тошлай қотдилар.  
Кенг бағрингда ўсган боғир йиғитлар  
Берлинга мардона одим отдилар.

Сен топширдинг менга дахшатли курол  
Халқим нидо қилди: «Душмандан ўч ол!»  
Номингла, дийрим, илҳом-заҳаман,  
Фашистан аёвсиз қиссе оламан!

Уч олай инграган мазлумлар учун,  
Кўрсатай душманга куролим кучин.  
Элларий «девлардан озод этаман,  
Евузлар гавдасин юнглес тизаман.

Кирдим аждаҳонинг ушғурга мени,  
Заҳарли оғзига найза қадаш-чун.  
Қайтаролмас мени ҳечқандай тўсқин,  
Сафимиз жуш урар, гўёки тўлқин.

Номингла, Ватаним, жангга кираман,  
Қотиллар галасин буткул кираман!  
Ғалаба байроғи тикиб Берлинга,  
Зафарла қайтаман, Ватаним, сенга!

Абдулла ХУЖАХОНОВ.

30000 1945.03.28

## ХАТ КЕЛДИ

Гвардиячи капитан: Белюсов бўлинма-  
сининг жангилари исмиелар турган топа-  
лиқни олиш учун штурм ясадилар. Каттик  
жашлар бошланди. Гитлерчилар бор-йўқ  
техникаларини ишга солиб, қаршилик кўр-  
сатсалар ҳам натижа чиқара олмадилар:  
кўп талафот қуриб, тепаликдан сой томон-  
га чекиндилар.

Уш позициясани мустаҳкамлаб олган



Артиллерия разведка экипировкаси майдоний сер-  
жант Н. Васильев тўқман кемаларини кўришмоқда.  
В. Гребнев фотоси.

## Жонажон Ватанимизда

### МУҚАДДАСХОННИНГ МИНАЛАРИ

Ўрток Хасановни шайдан  
қўйишга кўнглимиз кийимати. У  
билан станок ёнидаёқ сўзла-  
шандик.

— Нормани қичага этки-  
зайисиз ўрток Хасанов:

— Иш қилиб, ролларичи  
ёримга берган ваъдасини уст-  
тидан чиқаришман. 200 — 300  
процентдан кам эмас.

— Ўртоғингиздан хат-ха-  
бар борми?

— Худди беш кўр бўлди,  
хат олдим. Албаткен, икко-  
вимиз мусобақа боғлаётимиз.  
У киши файласуларини кўра-  
кўрроқ биларини менга сўзла-

Гитлерчи галадар Ватани-  
мига ховилик билан босгариб  
келганидан кейин ўрток Ха-  
санова эри Абдулажонни  
қўнлар қалъида Қизил Ар-  
мия сафига узатди. Бир 13  
январ ўғли, 9 ва 6 январ икки  
кўн бўлса ҳам уйда ўлтир-  
гуси келмади, юзлаб-миглаб  
ўзбек хотин-қизларининг  
корхоналарга кириб, ўш бош-  
лаганликларини кўрди-да  
габратага чидамади. Халқ  
бошлаган улуг курашдан чет-  
да қолганини ўзига эп кўрма-  
ди. Умрда бирси корхона-  
нинг дарвозасига қадди кўй-

## ЧЕТ ЭЛЛАРДА

### Ғарбий Европада уруш ҳаракатлари

ЛОНДОН, 27 март. (ТАСС). Иттифоқ-  
чиллар америкалийон қучлари олий қўмон-  
донлиги штабининг ахборотида айтили-  
шича, иттифоқчиларнинг қўнилари Рур-  
нинг шимолида Рейндаги кўприқолди исте-  
хкамларини қосқайтиришни давом эт-  
тирилди. Иттифоқчилар Виселнинг ши-  
молида ҳужум қилишда давом этмоқда-  
лар ва Липп ҳамда Динслаккен қандали ора-  
сидаги районда янча алгариландилар.

Ремеген районидаси кўприқолди исте-  
хамларидан ҳужум қилуви иттифоқчилар-  
нинг қўнилари 6 километрдан кўнроқ ал-  
гариландилар ва Зиг дарёсида Эйтерфинг  
чеккаларига етдилар. Шарқи жанубий то-  
монда иттифоқчиларнинг қўнилари 11  
километр алгариландилар ва Альтенкер-  
хеннинг шарқи-жанубидан 1,5 километр  
ерда бўлган пунктга етдилар.

Марказий секторда иттифоқчиларнинг  
қўнилари 35 километр алгариландилар ва  
Лимбургга етдилар. Генерал Паттон қис-  
лари Франкфурт-Майн чеккаларига кир-  
дилар. Иттифоқчилар ашшақисиниёқ ёр-  
дами билан икки герман қарин атақаси қай-  
тарилди — буниёқ бири Ханну (Майн дар-  
ёсида) нинг жанубида ва иккинчиси —  
Ашаффенбург районда.

Жалуброқда иттифоқчилар ҳамо ёки ар-  
тиллерия тайёргарлигисиз яна бир жойда  
Рейндан ўтдилар.

25 мартда иттифоқчилар 15.132 асир  
олдилар.

### ФРАНЦУЗ ҚўШИНЛАРИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

ПАРИЖ, 27 март. (ТАСС). Париж ра-  
диоси бўғу француз генерал штабининг  
расмий қоммуникацион эълон қилди. Буғда  
айтилишича, фронтда қўнчилар ўзлари

## ТАҲРИРИЯТДАН:

«Водийнома» таҳририятига Тошкент шаҳрида 1934 йил 25 февралда таваллуд топган меҳнат фах-  
рийси Аҳмадхон ҳожи Хўжахонов қўнғироқ қилиб, Ўзбекистон Республикаси «Нуроний» жамғар-  
маси кутубхонасида бўлгани, унда Рустамбек Шамсутдиновнинг 2017 йили чоп этилган 3 жилдлик  
«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» номли китоби билан танишиб, жуда катта таассурот  
олганини изҳор қилди. Бу нуроний инсон отаси Хўжахонов Абдуллахон Тожихон ўғлининг Иккинчи  
жаҳон урушида зобит бўлиб уруш майдонларида жанг қилгани, фронтда ўзбек тилида чиқиб турган  
«Қизил Армия» газетасининг 1945 йил 28 март сониди «Номинг-ла, Ватаним!» номли шеъри босил-  
ганини айтиб, шу газетанинг бошқа сонларида ҳам иштирок этган-этмаганлиги ҳақида янги маълум-  
отлар бор-йўқлиги билан қизиқди. Ихтиёримизда «Қизил Армия» газетасининг айни 1945 йил 28  
мартдаги сони йўқлиги маълум бўлди. Шу боис таҳририят Аҳмадхон ҳожи Хўжахонов 73 йил даво-  
мида отасининг шеъри босилган уша газетанинг саҳифасини асраб-авайлаб келаётганидан бағоят  
мамнун бўлди. Таҳририят Абдулла Хўжахонов ҳақида эсдаликларни ёзиб беришни илтимос қилди.  
Тез фурсатда қуйидаги эсдалик таҳририятга тақдим қилинди. Уни нашр этишни лозим кўрдик.

# ЎЧМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Аҳмадхон Хўжахонов

## ҲЕЧ КИМ ВА ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТМАЙДИ

Инсонлар борки, замон шу дея бутун умр ҳаётнинг бор инъомларидан лаззатланиб яшашни хуш кўради. Инсонлар борки, ўзгалар талаб-эҳтиёжларини ҳам қондиришга, илм олиб, куч-гайрати билан ҳаётни яхшилашга ҳаракат қилади ва шу тариқа ўзига боқийлик ато этади. Зеро, улардан қолган маънавий мерос авлодлар оша, асрлар оша кўпчиликка хизмат қилади...

Отам Абдуллахон Хўжахонов 1906 йилнинг 26 июлида Тошкент шаҳрида косиб оиласида дунёга келади.

1914 йилдан то 1925 йилгача мактабда ўқиб, уни имтиёзли битириб, Тошкентнинг Эски шаҳарида ўқитувчилик қилади. 1928 йили Самарқанддаги ўқитувчилар олийгоҳига кириб, икки йил ўқигач уй шароити тўғри келмагани туфайли Тошкентга қайтиб келади.

1930 йилдан 1942 йилгача Ўзбекистон Давлат нашриётида бир неча лавозимларда ишлайди.

1941 йил 22 июнь. Бу кун халқимиз, мамлакатимиз бошига огир мусибатларни олиб келди.

Отам Абдуллахон Хўжахонов уруш бошланди деган хабарни радио карнайи орқали эшитиши биланоқ (отамнинг айтишларича, бу дам олиш куни экан, катта ҳовлида ака-укалар билан ўтин ёриб турган эдик деб эслагандилар) эртасига эрталаб ҳарбий комиссариатга учрашади ва Ватанни ҳимоя қилишга тайёр эканлигини билдиради. Аммо унинг бу истаги бироз қийинроқ кечади.

1942 йилнинг 9 март куни энди дов-дарахтлар куртак ёзиб, барқ уриб гуллаётган вақтда армия сафига чақирилиб, олдин Эронда 1 апрелдан август ойининг охиригача ўқчи полк мактаби, ундан кейин 1942 йилнинг май ойигача Тошкентдаги Яланғоч қишлоғида жойлашган Харьков ҳарбий химия мактабининг курсанти бўлади.

– Ўқиш давридаги интизоми, тиришқоқлиги, топшириқларни ўз вақтида бажаришдаги маҳорати билан ҳарбий бўлим бошлиқларининг эътиборига тушади ва 1944 йилнинг июнида ҳарбий мактабни имтиёзли тугатиб, яна фронтга жўнайди. Унинг истеъдодига ҳам-



Абдуллахон Хўжахонов

да ҳарбий маҳоратига ишониб гоят масъулиятли вазифа топширилади ва махсус гвардия ротасининг взвод командири қилиб тайинлашади, гвардиячи лейтенант унвонини беришади. Шундан кейин у икки йил давомида жанг майдонида жон бериб, жон олаётган жангчилар сафида бўлади. Отам Абдуллахон Хўжахонов катта жанговар йўлни босиб ўтади. Бир қанча шиддатли жангларда қатнашиб ўз ҳарбий маҳоратини оширади ва чиниқади. У Белоруссиянинг куйган ўрмонларини, вайрон бўлган шаҳар ва қишлоқларини, топталган далаларини, ваҳшиёна ўлдирилган кишиларни ўз кўзи билан кўради, фашист жаллодларига қарши газаб ўти билан ёнади.

Отам Белоруссияни, Польшани ва Шарқий Пруссияни озод қилиш учун бўлган шиддатли жангларда алоҳида маҳорат ва шижоат кўрсатгани учун қўмондонлик томонидан муносиб тақдирланади. Бу ерда алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, урушнинг даҳшатли ва огир дамлари, ҳамманинг фикри-зикри фронтга қаратилган бир пайтда отам ёвуз душманга қарши аёвсиз курашиш билан бирга Ватан мудофаасига оид очерк ва шеърлар ҳам ёзади.

У хандақларда ётиб жонажон ва серкўёш республикаси Ўзбекистонни, унинг бог-роғларини,



пахтазорларини, меҳнатсевар халқини, гўзал Тошкентни, ўз фарзандларини эслаб қўлига қалам ва қоғоз олади. Галабанинг муқаррарлигига чуқур ишонган ҳолда шеърлар битади: «Номинг-ла, Ватаним!», «Кўзларига», «Ҳаётим гулига», «Ҳаётим фаҳрига», «Ширинтой жажжиларим Аҳмад ва Нури», «Сариқ дев», «Уч кунлик саргузаштим» (разведка ҳақида).

### ХАНДАҚДА ЁЗИЛГАН ХАТЛАР, ШЕЪРЛАР...

Огир жангдан сўнг дам олиш соатларида, жанглар оралигидаги кичик танаффусларда, ертўлалар ва хандақларда ёзилган туморча шаклидаги хатлар... бу орқали жангчининг она юртга, ўз элига чексиз садоқати, ўз ёрига, фарзандларига, ота-онасига меҳру муҳаббати изҳор қилиб турилган. Қуйида гвардиячи лейтенант Абдуллахон Хўжахоновнинг ўз болаларига ёзган хатлари билан танишасиз.

*1945 йил 28 февраль*

### ШИРИНТОЙ ЖАЖЖИЛАРИМ АҲМАД ВА НУРИ!

Сизлардан хат олганимга ҳафтадан ошди, лекин мен ўз вақтида ёза олмадим, жанговар ҳолат имкон бермади. Мана, энди биз немисларнинг кетма-кет икки шаҳрини эгалладик, йўл-йўлакай атрофда душманнинг тўзиб кетган қисмларини ҳам тор-мор келтирдик. Мен ўртоқларим билан фронтдан бироз нарироқда дам олиб турибман. Шу пайтдан фойдаланиб мен йигилиб қолган «Правда Востока» ва «Қизил Ўзбекистон» газеталарини кўздан кечирдим ҳам ёза бошладим.

Сизлар ўз хатларингизда мактабда аълочи бўлиб ўқиётганингизни ёзибсиз ва менинг ҳам душманга қарши курашда аълочи бўлишимга умид қилибсиз. Мен сизларнинг бу тилакларингизни бажонидил қабул қиламан. Сўнгги томчи қоним қолгунча жонажон Ватанимизни ҳимоя қилиш учун, миллион-миллион бегуноҳ болаларни озод қилиш учун курашишга ваъда бераман. Менинг кичкинтойларим! Мендан ташвишланманглар. Менинг тани жоним соғ, кайфиятим чоғ. Яқин ойлар ичида душман устидан галаба қозонажамиз. Сизларни ва ширин ўғилчам Анварни жуда соғиндим. Мен учун уни ўпиб қўйинглар. Усмонжон, Ҳожия, амаким ва бошқаларга салом айтинг-

лар. Онажон, хат ёзинг. Хайр, ёқимтой жажжиларим. Яқин орада дийдор кўришамиз.

Соат уч бўпти. Сизлар ҳозир авжи ширин уйкуда бўлсаларинг керак...

Онда-сонда пулемёт ва тўплар овози эшитилмоқда. Менинг офицер ўртоқларим ертўлаларда тунамоқдалар. Бироз миҳжа қоқиб олиш учун менга ҳам навбат келди... ҳозирча хайр!

**Салом билан отангиз. Шарқий Пруссия,  
Лоттерфельд қишлоғи**



Аҳмадхон Хўжахонов

### КЎЗЛАРИМГА

*Кайфичовлик қил, кўзим,  
Кўп ҳам, юрак, қон айлама.  
Дам-бадам эслаб мени,  
Бағрингни бирён айлама.  
Ўтмасин ёшлик чоғинг  
Кулфат – гаму андуҳ билан.  
Оҳ тортиб ҳар замон,  
Йўқлаб мени оҳ тортасан.  
Суратимга боқа-боқа  
Кўз ёшингни артасан.  
Шукр қил, бўлсак омон,  
Келгайки шодлик кунлари.  
Шунгача сабр эт, кўзим,  
Кўнглимни вайрон айлама.*

*1944 йил 3 октябрь,  
Беласток шаҳри*

### НОМИНГ-ЛА, ВАТАНИМ!

*Фахр ила ёдлайман номинг, Ватаним,  
Шарафлар сенга, эй улуг Ватаним.  
Кўксингдаги ерлар, чаманзор боғлар  
Ҳар доим душманнинг кўнглини доғлар.  
Бошингга тиг тортиб келган душманлар  
Тивимиз зарбидан тошдай қотдилар.  
Кенг бағрингда ўсган ботиқ йигитлар  
Берлинга мардона одим отдилар.  
Сен топширдинг менга даҳшатли қурол,  
Халқим нидо қилди: «Душмандан ўч ол!»  
Номинг-ла, диёрим, илҳомланаман,  
Фашистдан аёвсиз қасос оламан!*

*Уч олай инграган мазлумлар учун,  
Кўрсатай душманга қуролим кучин.  
Элларни «довлар»дан озод этаман,  
Ёвузлар гавдасин юнгдек титаман.  
Кирдим аждаҳонинг унгурига мен  
Заҳарли огзига найза қадаш-чун.  
Қайтаролмас мени ҳар қандай тўсқин,  
Сафимиз жўш ураб гўёки тўлқин.  
Номинг-ла, Ватаним, жангга қираман,  
Қотиллар галасин буткул қираман.  
Ғалаба байроги тикиб Берлинга,  
Зафар-ла қайтаман, Ватаним, сенга!*

**Абдулла Хўжахонов**  
**«Қизил армия» газетаси,**  
**1945 йил 28 март**

#### ҲАЁТИМ ГУЛИГА

*Яша, ўс, ун, ўғлим, жоним Аҳмадхон,  
Умринг бўлсин узун, яйра беармон.  
Кўз нуримсан менинг, белим қуввати,  
Кўрмагил дунёда хўрликдан нишон.*

**1942 йил 6 февраль**

#### ҲАЁТИМ ФАХРИГА

*Ҳаётим фахрисан, богим эгаси,  
Зафарлар тилайман сенга, Аҳмадхон!  
Илм олиш-чун берил кундуз-кечаси,  
Умринг, ризқу рўзинг бўлсин фаровон.*

**Шарқий Пруссия,**  
**1945 йил 23 февраль**

Отам Абдуллахон Хўжахонов 1945 йилнинг октябр ойида фронтдан кўксига «Қизил юлдуз» ордени ва 5 та жанговар медални тақиб қайтадилар.

Кези келганда шуни айтиш керакки, отамнинг илк фаолияти йигирманчи йилларда оддий ўқитувчиликдан бошланган. Ўттизинчи йилларда Ўзбекистон давлат нашриётида адабий муҳаррир, кейин 1942 йилнинг март ойигача нашриётнинг турли бўлимларида бўлим бошлиғи ва муҳаррир бўлиб ишлайдилар. Урушдан кейин яна журналистик фаолиятини давом эттириб, дастлаб нашриётда таржимон бўладилар (1945 – 1946 йиллар). Кейин қарийб беш йил давомида «Ўқитувчилар газетаси»да масъул муҳаррир (1946 – 1950 йиллар) бўладилар. Газетани қайта ташкил этишда катта ташаббус кўрсатадилар ва раҳбарлик қиладилар. Редак-

ция ходимларидан Ориф Аюпов (масъул котиб), журналист Тоҳир Зуфаров ва барча ходимлари яхши томонларини эслайдилар ва хотирлайдилар. Отам ҳақидаги илиқ ва самимий сўзлар мени беҳад қувонтиради. Ана шундай ватанпарвар, инсонпарвар, маърифатпарвар кишининг, халқ зиёлиси – моҳир журналист ва аъло даражадаги таржимоннинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

«Ўқитувчилар газетаси»даги иши даврида отам «Халқ маорифи аълочиси» деган юксак унвонга сазовор бўладилар.

Шунингдек, отам Абдуллахон Хўжахонов 1949 – 1950 йилларда «Ўқитувчилар газетаси»нинг масъул муҳаррири сифатида ҳар ердан келган газеталарнинг масъул муҳаррирлари қаторида Москвада бир йил ўқиб келдилар. Ўқиш даврида бир воқеа содир бўлибди. Ўқитувчи кириб, дарс ўтаётган вақтда ногаҳон ўтилаётган мавзу юзасидан китобдаги хато жумлага отамнинг кўзлари тушиб қолибди ва ўқитувчига қўл кўтариб, кечирасиз мана бу ерда хато кетибди деб мурожаат қилибдилар. Шунда ўқитувчи: «Не может быть», – деб келиб кўрса, ҳақиқатан хато кетган, ҳаммага қараб: «Ходжанов прав, все исправте», – дебди. Ҳамма ҳайратда қолибди. Дарс тугаганидан кейин ўқитувчи отам олдига келиб: «Сизнинг миллатингиз?» – деб сўрабди. Отам: «Мен ўзбекман, Ўзбекистондан келганман», – деб жавоб берибдилар. Шунда ўқитувчи: «Бўлиши мумкин эмас, сиз ўзбекмассиз, шу ўтирганлар ичида ажралиб турибсиз», – дебди. Хуллас, ўқишни муваффақиятли битириб, ҳамма дарслардан 5 баҳо олиб қайтган эдилар. Ҳақиқатда рус тилини мукамал билганлар ва дўстлари бунга тан берган. Ўзбекистон давлат нашриётининг бош муҳаррири ва директор ўринбосари вазифасида (1950 – 1953), Ўзбекистон Фанлар академияси А.С.Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтининг катта илмий ходими (1953 – 1964) бўлиб ишлайдилар ва жуда кўп илмий тадқиқот ишлари олиб борадилар. Ўзбекистон Фанлар академиясига қарашли Тил ва адабиёт институтининг лугат сектори олимлари билан биргаликда бир неча йиллик меҳнат маҳсули бўлган 5 томлик «Русча – ўзбекча» лугат ва 40 мингдан ортиқ сўзга эга бўлган «Ўзбекча – русча» лугат босилиб чиқишида фаол қатнашадилар.



А.Т.Ходжахонов «Арабский ключ» «Арабча очқич» ушбу «Ўзбекча – русча» лугатдан ўрин олган.

Отамнинг яна 2 томлик бо минг сўз ва сўз бирикмаларидан иборат «Ўзбек тилининг изоҳли лугати» босилиб чиқади. Шунингдек, лугат тузишдаги қийинчиликларга аталган шеърӣ ҳавола этилади.

*«Кимики зўр жазога маҳқум эрса,  
Шунинг-чун чекса қайғу-гам ҳар онда,  
Темирчи бўл дема қийнаб уни сен,  
Кўмир қаздирмаю ишлатма конда.  
Жазо берма – лугат туздиргил унга,  
Бунингдек мушкул иш йўқ ҳеч жаҳонда».*

Падари бузрукворимиз Абдуллахон Хўжахоновнинг таржимонлик фаолияти ҳам диққатга сазовордир. У бир қатор сиёсий ҳамда бадиий асарларни, жумладан, А.С.Макаренконинг «Педагогик поэма» (О.Раҳимий билан), Д.Чибизяновнинг «Қуёш қизиги остида» (Ҳиндистон ҳақидаги ҳикоялар тўплами), М.Розенфельднинг «Денгиз сирлари», И.Ликстановнинг «Кичкинтой» романи (Ваҳоб Рўзиматов билан), Ж.Свифтнинг «Гулливернинг саёҳатлари», «Гулливер лилипутлар мамлакатада», «Гулливер улканлар мамлакатада», Я.И.Перельманнинг «Жонли математика», Ф.М.Достоевскийнинг «Камбагаллар» романи ва бошқа бир қанча асарларни маҳорат билан таржима қилганлар.

1977 йили Я.И.Перельманнинг «Жонли математика» китоби ўзбек тилида «Ўқитувчи» нашриётида чоп этилади. 2010 йили «Жаҳон адабиёти» журнали (январь ва февраль) сонида Фёдор Достоевскийнинг «Камбагаллар» романи русчадан Абдуллахон Хўжахонов ва Амир Файзулла таржимаси асосида босмадан чиқди. 2011 йили Ф.М.Достоевскийнинг «Камбагаллар» романи китоб шаклида чоп этилди. 2010 йили Я.И.Перельманнинг «Жонли математика» китоби учинчи нашри масъул муҳаррир, педагогика фанлари доктори, профессор Жўрабой Икромов раҳбарлигида «Қизиқарли математика» номи остида А.Т.Хўжахонов таржимаси асосида 2010, 2012, 2014 (икки марта), 2016 йиллар давомида кўп нусхада чоп этилди.

Отам Абдуллахон Хўжахонов Распе Рудольф Эрихнинг «Мюнхаузеннинг бошидан кечирганлари» асарини 1936 йили русчадан ўзбек тилига таржима қилганлар, 7 босма табоқдан иборат. 2016 йили отамнинг «Оталар сўзи – ақлнинг кўзи» китоби «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилди.

Шу ўринда отам билан ёнма-ён ўтириб қалам тебратган, «киприклариди қудуқ қазиган» нашриётчилардан, заҳматкаш Мели Жўранинг ижодий фаолияти ҳақида тўхталишни жоиз деб билдим. Журналист Мели Жўранинг бир қанча китоблари чиққан. Мели Жўра у вақтлар «Ўздавнашр» республикада ягона нашриёт эди, мен нашриётчилик даргоҳига илк бор 1934 йилда қадам қўйдим деб эслайди.

Падари бузрукворим Абдуллахон Хўжахонов 30-йилларда иш бошлаган. Мели Жўра таъбири билан айтганда, нашриётга раҳбарлик қилиш осон эмасди, айниқса, мутахассислар кам, борлари унча тажрибага эга эмасди.

Мен илк бор таниган ноширлар Порсоҳон Шамсиев, Малик Раҳмонов, Насрулла Охундий, Собир Иброҳимов, Саҳат Раҳматий, Санжар Сиддик, Олим Усмонов, Шокиржон Раҳимий, Абдуллахон Хўжахонов, Одам Иброҳимов, Уйғун, Мирзакалон Исмоилий ва бошқалар нашриётчилик ишида ҳамкасб-қўмақдош бўлдилар деб эслайди.

Отам Абдуллахон Хўжахонов ношир-журналист сифатида саҳоватли қаламкаш дўстлари каби ўз халқига, севикли китобхонларига жаҳон адабиёти дурдоналарини тақдим қилиб, ёшларни тарбиялашдек бениҳоя хайрли ишга қўл урганлар деб ҳисоблайман. Бундан ташқари, 300 дан ортиқ мактаб дарсликлари, мақола, матал, афоризмлар ва брошюралар муаллифи бўлганлар.

Отам Абдуллахон Хўжахонов ҳозир орамизда йўқ. У киши 1964 йил 11 июль куни вафот этганлар. Аллоҳ раҳмат қилсин... Унинг ёрқин сиймоси, хотираси қалбларда абадулабад сақланади... Охиратлари обод бўлсин!

**Аҳмадхон ҳожи Хўжахонов Абдуллахон ўғли,**  
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди.  
Тошкент шаҳар, Табиатни муҳофаза қилиш  
қўмитасининг жамоат назирӣ

# ФРАНЦУЗ ТЕМУРШУНОСЛИГИНИНГ ЯЛОВБАРДОР ИЛМИЙ МЕРОСИ ҲАҚИДА МУМТОЗ БИТИК

Очил Бўриев

*«Амир Темур ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш  
менинг умрим мазмунига айланган».*

Люсьен Керен

Жаҳондаги, жумладан, Ғарбий Европадаги энг йирик давлатлардан бири – Францияда асрлар оша Туркистон тарихи, буюк аجدодларимизнинг бой маданий мероси, жумладан, «XV аср тақдирини ҳал қилган инсон» Амир Темур ва Темурийлар салтанати даври бўйича кенг қамровли, теран илмий изланишлар олиб борилаётганлиги бутун дунё аҳлига яхши маълум.

Бугунги кунда 50 дан зиёд мамлакатда темуршунос олимлар фаолият кўрсатишмоқда. Амир Темурга бағишланган асарлар сони Европа тилларида 900 дан зиёд, Шарқ тилларида эса 1000 дан ортди. Кейинги йилларда яна 400 дан ортиқ тадқиқотлар аниқланди. Соҳибқиронга бағишланган асарлар сони тобора ортиб, тўлиқ темуршунослик библиографияси тузиш тақозо этилмоқда (Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркало мировой истории. – Ташкент, 1996; Саидов А.Х. Европа шарқшунослиги ҳамда Амир Темур ва темурийлар тарихи // Темурийлар даврида илм-фан ва маданият. Халқаро конф. тезислари. 2017 йил 13 – 14 сентябрь. – Тошкент: Akademnashr, 2017. – Б.15 – 19).

Европа, хусусан, француз шарқшунослигида темуршунослик йўналишига тамал тоши Амир Темур ҳаёт вақтидаёқ қўйилган эди. Соҳибқирон даври тарихи бўйича асарлар ўша даврдан нашр қилина бошлаган. Бу йўналишда француз темуршунослари «кашшофлик» қилишиб, самарали натижаларга эришишди. Айниқса, кейинги юз йил ичида кўплаб муваффақиятлар қўлга киритилди. Француз олимлари: Э.М.Лангле, А.Массе, Х.Моранвилле, Р.Морга, Э.Блоше, Ж.Капю, Х.Мозер, Е.Блон, Л.Каун, Ж. де Риал, Л.Бува, Э.Берл, Р.Фруссе, В.Жерар, Ж.Обен, Л.Керен, Ж.П.Ру, В.Фурние,



(Саидов А.Х. Люсьен Керен – темуршунос олим.  
– Тошкент: Чулпон, 2018. – 300 б.)

Ж.Л.Баке, А.Малуф, М.Нокович, П.Амарже, Р.Лаффо, Ф.Брессанд кабилар иштирокида темуршунослик мактаби шаклланди ва тобора тараққий этиб бормоқда (Саидов А. Амир Темур ва Оврупо шарқшунослиги // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Тошкент, 1996. №7 – 10. – Б.165 – 172).

Зеро, машҳур француз темуршуноси Люсьен Керен таъкидлаганидек, «Улут Соҳибқироннинг



тарихда қолдирган изи ҳали кўп асрлар давомида ўрганилиб, кейинги авлодлар учун намуна бўлиб хизмат қилади» (Саидов А.Х. Люсьен Керен – темуршунос олим. – Тошкент: Чўлпон, 2018. – Б.29).

Шу ўринда таниқли француз сиёсий арбобларидан бирининг **«Давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар учун Амир Темур олдида қарздормиз»** деган сўзларини келтириш ўринлидир.

Францияда Амир Темур ва темурийлар даври тарихи йўналишига ярим асрдан зиёд қарвонбошилиқ қилиб, самарали илмий натижаларга эришган фидойи темуршунос олим профессор Люсьен Керен (1920 – 2013) ҳисобланади. Олим 1996 йил баҳорида Парижда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов билан илк бора учрашган эди. Давлатимиз раҳбарининг фармонида кўра у «Шухрат» медали билан тақдирланди. Юртбошимиз кейинчалик ҳам олим фаолиятига юксак баҳо берган: **«Амир Темур бобомиз ҳақида ... асарлар бугунги кунда ҳам кўплаб пайдо бўлмоқда. Франциялик таниқли олим Люсьен Керен томонидан 2006 йили халқаро миқёсда кенг нишонланган Соҳибқироннинг 670 йиллик таваллуд тўйи арафасида Парижда француз тилида нашр қилинган «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» номли фундаментал тадқиқоти бу фикрнинг яққол тасдиғидир».**

Дарҳақиқат, Л.Керен Биринчи Президентимиз И.А.Каримов эҳтиромига сазовор бўлган атоқли темуршунос олим сифатида тарих саҳифаларига абадий муҳрланди. Орадан кўп ўтмай олим Франция Президенти Жак Ширакнинг қарорига кўра «Эҳтиром легиони» орденига сазовор бўлган эди.

Соҳибқирон Амир Темур ҳаётини чуқур ихлос ва садоқат билан ўрганган машҳур француз олимнинг илмий меросини Марказий Осиё, Ўзбекистонда тарғиб қилишда, айрим асарларини ўзбек китобхоналарига етказишда ҳамда унинг порлоқ хотирасини абадийлаштиришда юртимизнинг ардоқли фарзанди, таниқли давлат ва жамоат арбоби, фидойи ҳуқуқшунос ва темуршунос олим академик Акмал Холматович Саидов ниҳоятда хайрли ва эзгу ишларни олиб бораётганлиги таҳсинга лойиқдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг хориждаги – Франциядаги қалдирғоч элчиси А.Саидов таниқли француз темуршуноси Л.Керен билан 1995 йил баҳорида Парижда илк бор танишиб, кейинчалик Францияда Амир Темур ва ворислари сулоласи та-

рихини ўрганиш бўйича яқиндан илмий ҳамкорликда бир қанча салмоқли тадқиқотларни амалга оширди, бир қатор китоб ва мақолалар нашр эттирди, кўплаб илмий анжуманлар уюштирди.

У киши ўтган 20 йилдан зиёд вақт ичида Л.Керен билан ўзаро ҳамкорлик қилган ҳолда унинг бой илмий мероси ҳақида барча маълумотларни тўплаб, салмоқли китоб тарзида нашр эттирганлиги жамоатчилик эътирофига сазовор бўлди.

А.Саидов 1995 йил баҳоридан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг Франциядаги фавқулодда ва мухтор элчиси ҳамда давлатимизнинг ЮНЕСКОдаги вакили сифатида фаолият юритди, хорижда ва юртимизда Амир Темур ва темурийлар даври тарихини ўрганиш, тарғиб ва ташвиқ қилишда ниҳоятда жонбозлик кўрсатди.

Биринчи Президентимиз И.А.Каримов тавсиясига кўра ва элчи А.Саидовнинг бевосита саъй-ҳаракатлари туфайли ЮНЕСКО Бош Ассамблеясининг 1995 йил октябрь-ноябрь ойларидаги 28-сессиясида Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини 1996 йилда ўтказиш тўғрисида тарихий қарор қабул қилинганлигини кўпчилиқ билмас керак, албатта.

А.Саидов давлат ва жамоат ишлари билан ниҳоятда банд бўлишига қарамай, темуршунослик йўналишида ҳам самарали ишлар олиб борди ҳамда буюк аждодимиз бой меросини тарғиб қилишда фаол қатнашди. У киши темуршунослик йўналиши бўйича 30 дан ортиқ монография, рисола ва мақолалар нашр эттирди. Айни пайтда ҳам бу соҳада самарали илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Яқинда нашрдан чиққан «Люсьен Керен – темуршунос олим» китоби олти қисмдан иборат бўлиб, илова тарзида «Люсьен Керен Амир Темур ҳақида», «Люсьен Керен ҳаёти ва ижодининг муҳим саналари», «Люсьен Кереннинг темуршуносликка оид асарлари» каби фасллар берилган.

«Люсьен Керен ҳаёти ва ижодига чизгилар» бобида муаллифнинг атоқли француз олими билан танишуви ва ижодий ҳамкорлиги, у томонидан «Темурийлар» уюшмасининг ташкил этилиши, алломанинг таржимаи ҳолидаги айрим қайдлар, Л.Кереннинг Самарқандга илк сафари, ўз касби – биокимё соҳасидан темуршуносликка ўтиши, Амир Темурнинг олтин ҳайкалчаси ҳақида, унинг М.Герасимов чизган расмга муносабати, Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти билан учрашув таассуротлари, Темурбек озод этган нас-

роний маликалар ҳақидаги фикрлар ҳамда бўлажак темуршуносларга ўғитлар ўрин олган.

«Француз шарқшунослик мактаби» бобида Л.Кереннинг атоқли темуршунос олимлиги, Францияда «Темурийлар» уюшмаси тузилиб, «Темурийлар» («La Temuridi») бюллетени темурийларга бағишланган қалдирғоч даврий нашр эканлиги баён этилган.

«Люсьен Керен илмий ижодий фаолиятдан намуналар» бобида олимнинг «Амир Темурнинг Париждаги элчиси», «Архиепископ Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар», «Темур хоқон салтанати», «Амир Темур, Боязид ва насроний қироллар», «Амир Темур ва Ибн Халдун», «Темурийлар давлатининг асосчиси ва ҳукмдори Темурбек элчи Клавихо нигоҳида», «Улугбек ва Самарқанд астрономия мактаби (XV аср)» каби бўлимлар ўрин олган.

«Люсьен Кереннинг Амир Темурга бағишланган сахна асари» бобида алломанинг олти бўлимдан иборат «Буюк Темур» пьесаси (2006) ҳам ўрин олган (таржимонлар Ш.Миноваров, Д.Бобожонов, Д.Махсудов).

«Люсьен Керен француз ва ўзбек замондошлари нигоҳида» бобида «Люсьен Кереннинг «Амир Темур салтанати» китобига сўзбоши» (Луи Базен), «Темурийлар яратган боғлар» (Фредерик Бресанд), «Давлатларимиз ўртасидаги азалий дўстона муносабатлар учун Амир Темур олдида қарздоримиз» (Франсуа Готье), «Амир Темур номи Францияда» (Жан Клод Ришар), «Амир Темур – илм-фан ва санъат ҳомийси, ўзидан бой маданий мерос қолдирган тарихий шахс» (Жак Анри Эльс), «Амир Темур ҳаётини чуқур ихлос ва садоқат билан ўрганган олим» (Б.Аъламов), «Амир Темур ва темурийлар тарихининг катта билимдони ва ҳассос тарғиботчиси» (А.Бердимуродов), «Люсьен Керендан ўзбек халқига чексиз муҳаббат, улкан илмий мерос қолди» (А.Мелибоев), «Биринчи Президентимиз Ислон Каримов эҳтиромини қозонган атоқли француз олими» (Ш.Миноваров), «Французларнинг ўзбеклар қалбидан мангу жой олган зиёли фарзанди» (Р.Шамсутдинов) каби хотиралари берилганлиги асарнинг қийматини янада оширган.

Китобда Л.Кереннинг Амир Темур ва темурийлар тарихи холис тадқиқ этилган бир қанча китоблари ва мақолалари моҳирона таҳлил қилинган. Жумладан, унинг «Амир Темур салтанати» (1978) китоби Франция ва Швейцарияда бир неча бор нашр этилиб, Соҳибқирон таржимаи ҳоли ва

салтанати тарихи тўла қамраб олинган. Айниқса, буюк бобокалонимизга нисбатан Европада қўлланиб келинган «Тамерлан» сўзи ўрнига «Амир Темур» ёки «Темурбек» ибораси ишлатилганлиги диққатга сазовордир.

Профессор Л.Кереннинг иккинчи китоби «Самарқандга, Амир Темур даврига саёҳат» деб номланиб, 1990 йили 3 минг нусхада чоп этилади ва 1999 йили япон тилида ҳам босилиб чиқади. ЮНЕСКОнинг «Ипак йўли – мулоқот йўли» дастурига мувофиқ ёзилган ва нашрга тайёрланган ушбу асар 2002 йили қайта нашр қилинди. 2006 йили эса 3-нашри китоб-альбом шаклида Парижда босилиб чиқди.

Темурийлар тарихининг зукко билимдони ва ҳассос тарғиботчиси Л.Керен А.Саидов билан ҳамкорликда «Амир Темур ва Франция» номли рисола тайёрлади. Ушбу рисола тўлдирилган ҳолда 2016 йили Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги ва Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишланиб қайта нашр этилди. Ушбу асарда Соҳибқирон илм-фан, санъат ҳомийси, ўзидан бой мерос қолдирган тарихий шахс сифатида ҳаққоний баҳоланган.

Китобда Л.Кереннинг темуршунослик йўналишидаги мақолалари Францияда ва кўплаб мамлакатларда ҳамда юртимиздаги нашрларда босилиб чиққанлиги ҳам теран таҳлил этилган. Шунингдек, нафақат Л.Керен ҳаёти ва илмий мероси, балки XIV – XVI асрлардаги француз, қолаверса, жаҳон темуршунослигига оид маълумотлар ҳам келтирилганлиги диққатга сазовордир.

Ушбу китобда Л.Керен илмий фаолиятини жамоат ишлари билан бирга уйғун тарзда қўшиб олиб боргани, бевосита унинг ташаббуси билан Парижда **«Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари»** уюшмаси (1987 йил 27 март) ҳамда **«Темурийлар»** («La Temuridi») илмий бюллетени (1989) ташкил этилганлиги, умрининг охиригача уларга раҳбарлик қилганлиги ҳам батафсил баён этилган. Мазкур уюшма ва бюллетенни ташкил этишдан асосий мақсад Марказий Осиё ва Ҳиндистонда темурийлар тарихи ва санъатини кенг тарғиб-ташвиқ қилишдан иборатдир.

Демак, халқимизга Л.Кереннинг чексиз муҳаббати, унинг асарлари ва эзгу фаолияти ноёб мерос бўлиб қолганлиги айни ҳақиқат.

Айни вақтда, уюшма ва бюллетенга Л.Кереннинг содиқ шоғирди, таниқли темуршунос олима



Фредерико Бепортию Брессанд хоним муваффақиятли раҳбарлик қилиб, ўзбек темуршунослари билан ҳам яқин алоқа қилиб келмоқда. Масалан, темуршунос олима Халқаро Амир Темур жамоат фонди Қашқадарё вилоят бўлими билан ҳамкорлик қилишга киришди. Унинг «Соҳибқирон юлдузи» журналида «Темурийлар яратган боғлар» (2018. №1. – Б.59 – 62) қизиқарли мақоласи босилиб чиқиб, муштарийларда катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, Брессанд хоним темуршунослик йўналишидаги «Самарқанднинг мовий тилласи» (1998) безакли альбом ва «Фусункор Самарқанд» (2003) каби салмоқли китоблар, кўплаб мақолалар муаллифи ҳамдир. Олиманинг ташаббуси билан темуршуносликка бағишланган кўплаб илмий-маърифий анжуманлар ҳам ўтказилмоқда.

Академик А.Саидов мазкур китобининг охирида Л.Кереннинг Амир Темур ҳақидаги пурҳикмат иборалари, олим ҳаёти ва илмий фаолиятининг муҳим саналари, унинг темуршуносликка оид асосий асарлари рўйхатининг келтирилганлиги ҳамда мазкур китоб аннотацияси, эпитафи ва мундарижасининг француз тилида ҳам берилганлиги унинг янада мукамал бўлишига хизмат қилади, албатта.

Хуллас, таниқли давлат ва жамоат арбоби, етук ҳуқуқшунос ва темуршунос олим А.Х.Саидовнинг кенг китобхонларга мўлжалланган мазкур китобида ярим асрдан зиёд умрини темурийлар даври тарихига бағишлаган, Соҳибқирон ҳақида икки йирик китоб, кўплаб қизиқарли мақолалар ижодкори, муаллифнинг яқин қадрдон дўсти Л.Керен ҳаёти ва меросига доир ҳамда алломанинг илмий ижодий фаолиятдан намуналар келтирилган «Люсьен Керен – темуршунос олим» номли салмоқли китоби замонавий темуршуносликка қўшилган мумтоз асарлардан бири саналади.

Париждаги «Темурийлар тарихи ва санъатини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари» уюшмаси ташкил топганлигининг 30 йиллигига, ушбу уюшманинг ташаббускори, атоқли темуршунос француз олими Л.Кереннинг порлоқ хотирасига бағишланган ушбу китобга тақриз ёзиш жараёнида фидойи олим Л.Керенни ҳаттоки ўз касб-корини ўзгартириб, жасорат билан аждодларимиз, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даври тарихи билан XX асрнинг 70-йилларидан то умрининг охиригача (2013), яъни ярим асрдан кўпроқ самарали шугулланганлиги, халқимиз-

га бой мерос қолдирганлиги ҳар қандай кишини ҳайратга солишига амин бўлдик. Жаҳонда бундай фидойи олимлар камдан-кам учрайди (Н.Н.Миклухо-Маклай, Л.Г.Морган ва бошқалар). Бу атоқли француз темуршуносининг илмий жасорати том маънода барча зиёлиларга ибрат намунасидир.

Францияда Л.Керен темурийлар даври тарихи билан жиддий шугулланилаётган даврда бизда Шўролар даврида Амир Темур ва ворислари даври тарихи тинимсиз қораланаётган, буюк бобокалонимиз ёмонотликка чиқарилиб, у зотнинг номига «золим», «босқинчи», «саводсиз» каби ноҳолис ёрликлар ёпиштирилаётган, академик И.Мўминов каби миллат фидойиларига тўхмат тошлари отилаётган, бу йўналиш жонкуярлари қатагонга учраётган эди.

Шу боисдан ҳам жаҳонга машҳур фидойи темуршунос олим Л.Кереннинг охиратлари обод бўлсин, қабрлари нурга тўлсин деймиз ва Темурбек бобокалонимизнинг руҳлари бу соҳанинг барча фидойиларига доимо мададкор бўлсин деб қоламиз.

Тақриз қилинаётган ушбу китоб ниҳоятда ўқимишли, далилларга бой, равон тарзда ёзилган бўлиб, иқтибослар орқали хорижий атамаларга зарур изоҳлар ҳам берилган. Шунингдек, китоб бобларидаги маълумотлар кўплаб илмий тўплам ва марказий журналларда мақолалар тарзида дастлаб босилиб чиқарилиб, аллақачон китобхонларнинг қизиқиши ва эътирофига сазовор бўлган.

Шу ўринда мазкур китобнинг муаллифи таниқли давлат ва жамоат арбоби, етук ҳуқуқшунос ва темуршунос олим, фидойи инсон Акмал Холматович Саидовнинг ушбу мукамал битикни тайёрлашдаги машаққатли, аммо эзгу меҳнатларини алоҳида таъкидлаш жоиздир.


Фурсатдан фойдаланиб жаҳон миқёсидаги таниқли олим, халқимизнинг комил фарзанди, муҳтарам Акмал Холматович Саидовни яқинлашиб келаётган 60 йиллик таваллуди билан самимий табриклаймиз, Тангри таолодан доимо тансиҳатлик, узоқ умр, оилавий бахт ҳамда эзгуликка йўғрилган кенг қамровли илмий-маърифий, жамоат ишларида улкан ютуқлар ва ижодий парвозлар тилаб, у кишидан кўплаб янги асарлар кутиб қоламиз. Миллатпарвар фидойи ва ардоқли академик олимимизни илҳом париси ҳеч қачон тарк этмасин деймиз.



# ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

## ДАВРИДАГИ ЎЗБЕК ҲАРБИЙ МАТБУОТИ

Поён Равшанов



### 1

Ўтган асрда бутун инсониятни ларзага солган Иккинчи жаҳон уруши хотима топганига 73 йил тўлди. Орадан шунча йиллар ўтган, шаҳидлар руҳи мангу ором топган бўлса-да, тириклар хотирасида у қора кунлар ҳамон соя солиб туради. Аслини олганда, қуёшда юз берган даҳшатли портлашдек бутун оламга оташ сочган, ҳўлу қуруқни беаёв куйдирган, кўп қатори ўзбек халқини ҳам гирдобига тортган жаҳон уруши ва у қолдирган доғларни унутиб бўладими? Йўқ, асло.

Ўзбекистонда хотира ва қадрлаш маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айланди. Бу борада 2017 йил 4 апрелдаги Президентимиз қарори ижтимоий, маданий ҳаётимизда муҳим аҳамият касб этди. Ҳарбий даврнинг жангчиларига, унга дахлдор юртдошларимизга бемисл

рағбат кўрсатилди, кадрлари сарбаланд этилди. Давлат аҳамияти даражасидаги бу сиёсатнинг мазмун-моҳияти гоёяк юксақдир. Муҳими, халқимизда, навқирон авлодда шонли тарихимиздан, боболаримиз жасоратидан ифтихор туйғуси ортди. Ватан ҳимояси, озодликнинг устувор руҳи қалблардан жой олди.

Донишманд тарих Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида фашистлар Германияси ва унинг ҳамкори Япон милитаризмига қарши олиб борилган курашда ва буюк галабани қўлга киритишда Ўзбекистон халқининг ҳиссаси жуда катта эканлигини ҳеч қачон унутмайди. 40-йилларнинг оғир шароитида Ўзбекистон фронтни узлуксиз таъминловчи қўргонга айланган эди. Ўзбекистонда бирор-бир хонадон йўқки, ундан кимдир урушга олинмаган бўлсин. Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон аҳо-



лиснинг 1,5 миллион нафари бевосита қон кечган, жон бериб, жон олган, уларнинг кўпи жанглarda ҳалок бўлган, бир қисми ногирон бўлиб умр бўйи азоб тортган.

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳассос ватанпарвар, буюк аллома, қомусий билим соҳиби Рустамбек Шамсутдинов: «Тарихимизнинг бу даврини турли манбаларни чуқур мушоҳада қилиб, қиёслаб ўрганишимиз лозим. Тарихий манбалар сифатида вақтли матбуот материалларидан ҳам кенг ва унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Уларни синчковлик билан ўрганиш, таҳлил қилиш асносида тарихий ҳақиқатни маълум даражада рўёбга чиқариш мумкин бўлади», – деб теран илмий хулосага келади. Гап тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш тўғрисида бораркан, бир фикрни ўртоқлашишни зарур деб топдим.

Рустамбек Шамсутдинов – кенг қамровли тарихшунос ва тарихнавис. Мустақиллик қарор топгач, ҳаққоний тарихимизни яратиш яловбардорларидан бўлди. Ўзбекистон янги тарихи маркази тузилиб, уч жилдлик холис, мафкурадан холи, манбаларга оғишмай амал қилинган мажмуанинг биринчи – «Туркистон Чор Россияси мустамлакачилиги даврида» деган салмоқли асарни яратишда профессор Рустамбек Шамсутдинов улкан масъулиятни зиммасига олган эди. Мустабид тузум даврида тилкаланган, шўролар андозасига мослаб тўқилган тарихимиз ўз бўй-бастини ростлади. Фикримни тасдиқлаш ниятида бу ўринда «Ватан тарихи» (1998), «Қишлоқ фожиаси» (2003), «Шимолий Кавказ сургунидаги юртдошлар қисмати» (2005), «Қатагон қурбонлари» (2007) китобларини тилга олиш билан кифояланмоқчиман. Зеро, бу илмий журъат, бу асарларнинг аҳамияти ва қиммати тўғрисида яхши фикрлар айтилди. Инсоф юзасидан эътироф этиш жоизки, бу мавзунини ёритишда, шахсий фидойилик кўрсатишда профессор Рустамбек Шамсутдиновга тенглашадиган тарихнавис кам бўлди.

Яқинда Тошкентда «Akademnashr» нашриётида чоп этилган уч жилдлик «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари»<sup>1</sup> номли илмий

трилогия муаллифи ҳам Рустамбек Шамсутдиновдир. Табиийки, бундай мажмуага маънавий эҳтиёж жуда катта эди. Мустабид тузум ҳукмронлиги йилларида фронт ва ҳаракатдаги армиялар таркибида чиқиб турган ўзбек тилидаги газеталар, тезкор хабарлар, мақолалар, очерклар, бир сўз билан айтганда, ўзбекистонлик жангчиларнинг мардлиги, жасорати, душманни қийратиши талқин этилган илмий тадқиқотлар, қиссалар яратила бошланганди. Бошқа иттифоқчи республикаларда ҳам, афтидан, халқнинг қаҳрамонлигини ифода этадиган асарлар вужудга кела бошлаганки, бу Сталиннинг «даҳо»сига соя ташламаслиги мумкин эмасди. 1946 йили «Звезда» ва «Ленинград» журналлари атай танқидга дучор этилди. Кўп ўтмай Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронт газеталарида хизмат қилган ўзбек журналистларидан Шухрат, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Ёнгин Мирзо ва бошқа мухбирлар, ёзувчилар қамоққа олинади. Бу эса ҳарбий давр фронт газеталарида довруги ёйилган фаол жангчиларнинг жасорати, қаҳрамонлиги сояда қолиб кетишига, кенг ўрганилмаслигига сабаб бўлади. Тарихшуносликда бу катта кемтик ҳосил қилган эди. «Муқаддима»да уқтирилгани каби, «бу газеталар (фронт ўзбек газеталари – П.Р.) чиқиб турган вақтдан бери орадан 75 йил ўтганига қарамай, тадқиқотчиларимизнинг ана шу манбаларни илмий истеъмолга киритмаганлиги тарихшунослигимиздаги камчиликлардан биридир».

Тарихшуносликдаги бу етишмовчиликни бартараф қилиш учун илмий салоҳият ва катта куч, моддий имконият талаб этилиши тайин эди. Андижонда бу хайрли саъй-ҳаракатни, ташаббусни қўллайдиган ориф зотлар, раҳбарлар, жонқуяр юртпарварлар борлиги таҳсинга лойиқдир. Бутун бошли илмий жамоа урдасидан чиқиши қийин бўлган фронт газеталарини қўлга киритиш, жамлаш ва уйғунлаштириш, таҳлил ва нашрга тайёрлаш изланишлари, тадқиқи кутилган самарани берди. Қўлимизда бир-бирдан салмоқли уч асар – илмий трилогия турибди. Муаллифнинг зукколиги ва заковатига, маҳорат ва қобилиятига, хориж кутубхоналарида ишлаш тажрибасига, юртига,

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р. Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари. 3 жилд. – Тошкент: Akademnashr, 2017.



элига бўлган меҳр-муҳаббатига қойил қолмаслик мумкин эмас. Уч жилд, уч китоб, 1800 саҳифалик, 102 босма табоқлик иш – илмий хазина жамулжам этилганки, бунинг замирида қанчалик машаққатли изланишлар, сарфу харажатлар, буюк ирода ва билим турганлигини тасаввурга сигдириш қийин.

Биринчи жилдни варақлайман. Асарга Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Наим Каримов илмий маслаҳатчилик қилган. «Муқаддима»ни иштиёқ билан мутолаа қилиб профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг Иккинчи жаҳон уруши, унинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида кейинги пайтда, собиқ СССР парчаланиши юз бергандан сўнг вужудга келган турфа, зиддиятли қарашлардан мукамал огоҳ эканлигига амин бўласан киши. Унда жаҳон уруши бошланишининг асл сабаблари очиб берилади. Германия ва собиқ СССР ўртасида дунё ҳукмронлиги масаласи турганлиги, бу борада пинҳоний иттифоқ тузилганлиги, бири иккинчисидан устун бўлишга, ўз ҳудудини кенгайтиришга интилганлиги фош этилади. «Муқаддима» мавзуга доир кейинги қарашлар ва нуқтаи назарлардан келиб чиққан ҳолда янги маълумотлар келтирилади, ўқувчини қийнаётган саволларга жавоб берилади.

«Уруш Ўзбекистон сарҳадларида бўлгани йўқ, – деб ёзади муаллиф, – у биздан бир неча минг километр нарида – Украинада, Белоруссия, Болтиқбўйи ва Россия ерларида бўлди, бу уруш ўзбек халқининг миллий манфаатига зид эди. Аммо нега республиканинг барча меҳнаткашлари СССРдаги бошқа халқлар қаторида фашистлар агрессиясини Ўзбекистонга қарши қилинган агрессия деб билди ва оммавий суратда урушга отланди?». Бу сиёсий маънодаги савол бўлиб қолмасдан, айтилиши вақтда, ҳаётини аҳамиятини макон ва муҳитда мутлақо йўқотмайдиган абадий сўров ҳамдир, «Чунки фашизм қаерда, қайси мамлакатда пайдо бўлишидан қатъи назар, – деб жавоб келтиради трилогия соҳиби, – у жаҳондаги барча эркесвар халқларнинг, жумладан, Ўзбекистоннинг ҳам душманидир. Фашизмнинг миллати ва ватани йўқ. Шу боисдан унга қарши кураш жаҳондаги барча халқларнинг бурчи эди. Чунки буюк

тарихига, бой ўтмишига, ўзининг миллий ва умуминсоний қадриятларига эга бўлган ўзбек халқи фашизм балосига қарши кураш олиб боришни ўзининг бурчи деб билган, уни йўқ қилишдек муқаддас ишга бутун борлигини, куч-қудратини сафарбар этган эди».

«Муқаддима»да жуда ўринли хулоса қилинганидек, «Ўзбекистон меҳнаткашлари большевиклар партияси ва Совет давлатининг ёлгондан иборат ватанпарварлиги, халқлар дўстлиги тўғрисидаги ташвиқот ва тарғиботларига ишонган эдилар». Тўғри айтилганидек, «Иккинчи жаҳон урушига қандай қаралмасин, бу уруш қайси гоё остида ва кимнинг изми билан олиб борилган бўлмасин, ўз ватани, эл-юртининг ёруғ келажаги, бегубор осмони учун жанг майдонларида ҳалок бўлганларни, ўз умрини бевақт хазон қилган инсонларни доимо ёдда сақлаймиз. Уруш йиллари – Ўзбекистон тарихининг узвий бир қисми. Бу тарих бизники, уни унутишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Ўша қийин кезларда халқимиз бошқа халқлар билан бир қаторда туриб фашизм балосини даф этишга муносиб ва салмоқли ҳисса қўшганини ҳар доим катта фахр ва гурур билан айтаемиз, намоён қилаемиз».

Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг аниқлашига кўра, уруш йилларида ўзбек тилида 20 га яқин газета чиқиб турган. Бу газеталар Украина, Белоруссия ва Болтиқбўйида давом этаётган уруш марраларига, ўзбек аскарларига мунтазам етказиб турилган. Мақолалар, хабарлар, шеърлар, очерклар ўзбек жангчиларининг руҳини кўтаришга, жанговар шижоатини оширишга, қуролдош ҳамюртларидан ўрناق олиш ва ифтихор туйишга хизмат қилган. Тарихшунослигимизда жангнома бўлган газеталарни манба сифатида ўрганиш доирасига киритмай илмий бўшлиққа йўл қўйилган эди. Сабаби, уруш қандай кечганлиги, жанг усуллари, ҳужум ва мудофаа сирлари, жасорат ва жангчилар руҳияти халқлар ва ҳарбий фан тарихи учун бениҳоя муҳимдир. Турган гапки, фронт газеталари мақолалари жам этилиши, таҳлили, ҳарбий давр манзарасини тиклаб қолмасдан, келажакка ҳушёр боқиш сабоги ҳам бўлади.



«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» трилогиясининг биринчи жилдида учинчи Болтиқбўйи фронтга сафарбар этилган жангчилар учун ўзбек тилида чиқарилган «Ватан учун» газетаси материаллари жамланган. Газетанинг 1942 йил 29 октябрдаги 1-сониди босилган «Ҳар ким ўзига ҳисоб очди» мақоласи билан китоб бошланади. Бу кичик хабар вақтида ўзбек жангчисини руҳлантирган, орадан шунча йил ўтгач биз ўқувчиларни тўлқинлантиради, ўйлар, огир уруш изтироблари сари етаклайди.

«Жангчи Худойберган Солиҳовнинг лейтенант Потрясов ротасига келганига бир ярим ой бўлди, – дейилади газета мақоласида, – у келган вақтида рус тилини билмас ва қуролни яхши эгаллаган эмасди... Кўп ўтмай Солиҳов 2 та немис ўлдирди ва ўзига ҳисоб очди. У 7 ноябрғача 10 та немисни ўлдириш мажбуриятини олди». «Душманни қириш мусобақаси» сарлавҳали хабарда: «Ҳозир немисни ўлдиришни ҳар бир жангчи ўзининг муқаддас вазифаси деб билади», – дейилади.

Таниқли ёзувчи, ўша вақтда ҳарбий мухбир Илья Эренбургнинг шу сонда берилган «Ўзбеклар» мақоласи катта аҳамиятга эга. «Мен Волга яқинида ўзбек жангчилари озод этган рус қишлоғини кўрдим, – деб ёзади Илья Эренбург, – бу кишилар Фаргона водийсида яшар эдилар. Улар меҳнатни, дўстона суҳбатни, ойдин кечаларни севар эдилар. Улар кимсага қурол билан ўқталмас эдилар. Лекин хавфли соат келгач, ўзбеклар мардоналик билан урушга кўтарилдилар».

3-Болтиқбўйи фронтида ўзбек тилида чиқиб турган «Ватан учун» газетасининг ҳеч бир сонини ҳаяжонланмасдан ўқиб бўлмайди. Фронтида кечаётган воқеа-ҳодисалар, жон бериб, жон олишлар ўша пайтда ҳарбийларга тезкор етказилган бўлса-да, фронт орти – Ўзбекистон ундан воқиф эмасди. Қайноқ жанг бўлиб ўтган минтақалардан ёзилган хабарлар, мақолалар бирламчи манба сифатида бугун ҳам қимматини йўқотган эмас. Иккинчи жаҳон уруши ва Совет армиясининг ботирлиги тўғрисида умумий гаплар кўп айтилган. Аммо жанговар ўзбек ҳарбийларининг жасорати, шахсий намунаси

фронт газеталарида ўз аксини топганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз бўлади.

«Ватан учун»нинг 1942 йил 5 ноябрь сонидида «Ўзбек ҳалқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан мактуб» чоп этилган. «Нуридийдаларимиз, жигарпораларимиз! Бу хатни сизларга ватан ёзади. Бу хат Волганинг шаҳри азими ва мустаҳкам қалъаси бўлган Сталинградга, ҳозир ватанимизнинг тақдири ҳал бўлаётган ҳамма фронтларга қарата ёзилган. Бу хатнинг тагига бутун Ўзбекистон халқи кўл қўйгандир!» деган оташин сўзлар билан бошланади мактуб.

Она юртнинг нафасини сезиб туришда, ортда тоғдай юксалиб, таянч борлигини ҳис этишда фронт газеталарининг, хусусан, «Ватан учун» рўзномасининг ўрнини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмаган, албатта.

«Совет жангчиси» ва «Қизил аскар ҳақиқати» фронт ўзбек газеталари саҳифаларида босилган, мажмуанинг биринчи жилди мундарижасидан ўрин олган мақолалар, лавҳалар, шеърлар даҳшатли урушнинг жанговар солномасини ташкил этади. Машҳур шоир Ғафур Ғуломнинг «Бизнинг кўчада ҳам байрам бўлажак» шеъри «Ватан учун»нинг 1942 йил 6 декабрь сонидида босилган. Манбанинг қимматли жойи шундаки, шеърнинг ёзилган аниқ санаси 23 ноябрь деб кўрсатилган. Маннон Ғани, Сайдахмад (Саид Аҳмад), Собир Абдулла, Уйгун, Зулфия, Темур Фаттоҳ, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Ёнгин Мирзо, Мумтоз (Муҳаммедов) шеърлари фронт газеталари саҳифаларида мунтазам чиқиб турган.

Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашаётган Совет жангчиларининг қўли баланд кела бошлаган, галаба насими эса бошлаган 1944 – 1945 йилларда мазкур газета саҳифаларида фронторти хабарлари ҳам сезиларли жой ола бошлайди. Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети раиси бўлиб ишлаган А.Абдураҳмоновнинг Иттифоқ Олий Совети сессиясида сўзлаган нутқи «Ватан учун» газетасининг 1944 йил 12 февраль 10 (93)-сонидида босилган. А.Абдураҳмонов: «Эндиликда Ўзбекистон колхозлари давлатга урушгача бўлган вақтга қараганда анча кўп

озик-овқат маҳсулоти топшироқдалар. 1943 йилда 1940 йилга қараганда давлатга 9 миллион 300 минг пуд ортиқ галла, 475 минг пуд ортиқ гўшт ва 1 миллион 128 минг пуд ортиқ сабзавот топширдилар. Колхозлар галла топшириш бўйича давлат олдидаги мажбуриятни тўла бажардилар. Бундан ташқари, колхоз ва колхозчилар ортиқча бўлган галлаларидан давлатга 2 миллион пуд сотдилар», – дейди.

Бу нутқ билан ўша даврдаги халқ аҳволини солиштириб бўладими? Уруш йилларида юз берган очарчилик, муҳтожлик кишиларни ўлим ёқасига келтириб қўйганлигини инкор этиш ҳожатсиз-ку! Шундай бўлса ҳам, бир мулоҳазани тилга олмоқчиман. Менинг отам 1944 йилда Қамаша тумани ижроия қўмитасида раис ўринбосари – фронтга кетганлар оилаларига қўмаклашиш ҳайъати бошлиги бўлиб ишлаган. Файзи Бекмуродов туман партия қўмитасининг биринчи котиби бўлган. 1944 йилда Қаршида, вилоят ижроия қўмитаси сессиясида А.Абдурахмонов ҳам иштирок этган. Сўзга чиққан туманларнинг раҳбарлари «бизда аҳвол яхши» деганлар. Файзи Бекмуродов минбарга чиқиб, дастурмолига тугилган чақир тикан, бўтдоёқни кўрсатган, улар могорлаб кетган. «Бошқаларни билмадим-ку, Қамашада оғир, одамлар кунжара ва мана бу қоракуя ўсимликларни еб, шишиб ўлмоқда, айб бизда», – деб кўзларига ёш олиб сўзлайди. Отам раҳматли шу йигинда қатнашган, котибининг бу чиқишидан кейин кўплар уни қамоққа олишса керак деб ўтирганида А.Абдурахмонов сўзга чиқиб: «Ўртоқ Файзи Бекмуродов тўғри гапни айтди, мен сизлардан шунини кутган эдим. Ҳукуматимиз халқини оч қолдирмайди, уни боқиш қўлимиздан келади», – дейди. Орадан ўн беш-йигирма кун ўтиб Қашқадарёга эшелон тўлиб галла кела бошлайди. Шу боисдан «Ватан учун» фронт газетасида босилган маърузани эътибордан соқит қилиб бўлмайди деган фикрдаман.

Бу мулоҳазани, профессор Рустамбек Шамсутдинов ўринли таъкидлаганидек, фронт ўзбек матбуоти тарихимизнинг бир қисми, ноёб манбаи эканлигини яна бир карра эсда тутмоқ учун келтиришни жоиз билдим.

## 2

«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» уч китоблик мажмуасининг анча салмоқли бўлган иккинчи жилдининг илмий, тарихий ва маърифий аҳамияти беқиёс. Бу асарни мутолаа қилароқ ўқувчининг инсоният тарихида кечган энг даҳшатли қиргинбарот уруш ҳақидаги билими бойийди, тасаввур доираси кенгайди. Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг жуда ибратли гайрати, юртпарварлиги ва элсеварлиги туфайли эндиликда фронт матбуоти, ўзбек тилида нашр этилган газеталар тарих сифатида ҳам, манба тариқасида ҳам кўз ўнгимизда. Урушдан кейин ўтган шунча йиллар давомида бундай манба ҳақида ақалли ўйлаб ҳам кўрилмаган эди.

Уруш даврида собиқ СССР таркибидаги бошқа республикаларда яшовчи халқлар тилларида ҳам фронт газеталари чиқарилган. Бу даврда миллий тилларда 10 та фронт, 22 та дивизия газеталарининг умумий сони юздан ортиқ бўлган. Иккинчи китоб «Муқаддима»сининг илмий инкишофларидан бири «қуролсиз аскар»лар истилоҳи ва унинг илмий шарҳи билан бевосита боғлиқ. Муаллиф келтирган маълумотлар кенг ўқувчилар оммаси учун ҳозиргача синоат бўлиб келган эди. «1941 – 1945 йилларда Ўзбекистондан мажбурий меҳнат армиясига олинган, ўша давр ибораси билан номланган «қуролсиз аскар» ва уларнинг қаҳрамонона, лекин фожиали ҳаёти, тақдири, буюк галабага қўшган ҳиссаси тарихидир. Ўтмишимизнинг бу саҳифаси Ўзбекистон тарихи китобларида, монографик тадқиқот ва диссертацияларда ўз аксини топмаган... бу «қуролсиз аскар» тарихи номаълум ҳолатда эди. Ўзбек бадиий адабиётида ҳам бу мавзу ўз ифодасини топмаган». Бу хулосавий фикрларга тўлиқ қўшилишга тўғри келади.

Урушнинг дастлабки йилларида Ўзбекистондан 155 минг киши меҳнат армиясига олинган. Мудофаа саноати манзилларига – Бошқирдистон АССР ва Уралдаги завод-фабрикаларга 34320 киши жўнатилган. «Меҳнат армияси» сафига ёши каттароқ, қарилликка яқинлашиб қолган юртдошларимиз олинган.

Урушдан анча бурун, мамлакатимиз ичидаги қатагонлар даврида Украина, Шимолий



Кавказ ва Шимолий Қозоғистонга 30-йилларда сургун қилинган ўзбеклар – ҳамюртларимиз тақдири ҳам мазкур тадқиқотда ўз аксини топган. Улар ҳам фронтга жўнатилган, мудофаа ишларига сафарбар этилган. Муҳими, 2-жилдга «қуролсиз аскар» ҳамюртларимизнинг бу меҳнат frontiдаги фидокорликлари кенг ёритилган. Тармоқ газеталарида («За тяжелое машиностроение», «Вперёд к победе») ўзбек илгорлари ҳақида мақолалар босилган.

«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» мажмуасининг 2-китоби уч салмоқли бобдан иборат. Биринчи бобда «Ватан шарафи учун» газетасининг 1944 йил 13 январдаги 2 (192)-сонидан 1945 йил 21 декабрдаги 70 (355)-сонигача босилган мақолалар, хабарлар тўлиқ қамраб олинган. Газета таҳририятида С.И.Жуков, Тўлаган Соатов, Зиё Аминов, Зиннат Фатхуллин ва Фотиҳ Ёкубов ишлаганлар. Китобда «Ватан шарафи учун»нинг 1944 йил 13 январь пайшанба куни босилган нусхаси сурати берилган. Сарлавҳа устида «Немисларнинг қаршилигини синдиригиниз, ҳужум муваффақиятларини кенгайтиригиниз!» деган чақириқ кўзга ташланиб туради.

«Ватан шарафи учун»нинг 1944 йил 16 январь сонидан «Ўзбек қизининг ботирлиги» деган мақола босилган. Муаллиф Н-чи полк командири подполковник Саввин бўлган. Украина учун бўлаётган жангларда Раҳима Алимова пулемёт ҳам миномёт ўти остида 97 ярадор жангчи ва офицерга шошилишчи медицина ёрдами кўрсатади ва уларнинг кўпини жанг майдонларидан хавфсиз ерга олиб чиқади. Шу сонда оддий аскар Султон Жўранинг «Пулемётчи овози» деган шеъри ҳам босилган.

Газетанинг 1944 йил 19 январь 4-сонидан гвардиячи оддий аскар Ҳайдар Мирзаевнинг «Икки Юнкерс»ни уриб туширдик» сарлавҳали хабари ҳам берилган. «Гвардия оддий аскарлари наводчик Бобоқулов мерганлик билан отиб, икки снаряд биланоқ бир «Юнкерс-87»ни қулатди...» Ўзбек жангчисининг бу шижоатидан ифтихор туясан киши.

Газетада кўтаринки руҳ, галабага бўлган буюк ишонч, фронт ва фронт ортининг узвий алоқаси, бир-бирига таянч эканлигини таран-

нум этувчи мақолалар босилган. Ҳарбий даврда юртдошларимизнинг матонатига, ботирлигига, меҳнаткашлигига қойил қолмай бўлмади. Газетанинг 1944 йил 16 февраль 13-сонидан шоир Ҳамид Олимжоннинг «Гвардиячиларимизга» деган шеъри босилган. Бу шеър, чамамда, шоирнинг сўнгги асарларидан бўлса ажаб эмас:

*Қани, шерлар, олға ҳамон, галаба томон,  
Душманларни даҳшат билан қувинг беаёв.  
Бу дунёга келганига бўлсин пушаймон,  
Ўзбекистон мардини ҳам билиб қўйсин ёв.*

Газета саҳифаларида лейтенант Ниёз Акрамнинг «Кунлар яқин», Мақсуд Гуломнинг «Номанг етиб келди», Туроб Тўланнинг «Вафо», «Зафар соати», Зулфиянинг «Кўлимда қуролу устимда шинель», Мирмуҳсиннинг «Голиблар келганда», Ёнгин Мирзонинг «Она», «Замира», Чустийнинг «Хуш келдинг, ўғлим», Мақсуд Шайхзоданинг «Акс садо», Ўткир Рашиднинг «Галаба баҳори» сингари шеърлари босилган. Газетанинг 1945 йил 20 май якшанба (33-сон) нусхасида машҳур адиб Ойбекнинг «Фашист Германиясининг ўлим соати» деган мақоласи эълон қилинган. «Ҳозир энди тўрт йилдан бери қилган умидимиз амалга ошди, – деб ёзади Ойбек. – Инсоният тарихида энг улуғ бўлган галаба тўғрисидаги хушхабар бутун оламга ёйилди. Голиб аскарларимиз томонидан кули кўкка совурилган Гитлер Германияси таслим бўлди. Бизлар, тарихий воқеанинг замондошлари, улуғ кунларни, маслагимиз, иродаимизнинг, совет халқимизнинг тантанасини кечирмоқдамиз». Мақола тагига «Ёзувчи-академик М.Ойбек» деб имзо қўйилган.

Ўзбек аскарларининг руҳини кўтарган, шиддатли жангларда устунликка ундаган яна бир фронт рўзномаси «Олга» деб аталган. Профессор Рустамбек Шамсутдинов айтганидек, «газетанинг 1944 йил 6 январгача 162 та сони чиққанлиги маълум». Бироқ дастлабки тадқиқот жараёнида газетанинг барча сонларини қўлга киритишнинг иложи бўлмаган. Келгусида бу ноёб хазинага тўла эга бўлиш учун тадқиқотқидирув ишлари олиб борилишига умид билдирилади.



«Олга» газетаси саҳифаларида довурак ўзбек жангчиларининг мардларча олиб бораётган курашини ёрқин ёритувчи хабарлар, мақолалар, очерклар бериб борилган. «Сержант Исмоил Каримовнинг қаҳрамонлиги», «Бир киши 21 самолётга қарши», «Душманнинг икки танки емирилди», «Ўзбек халқининг қаҳрамонона ўтмишидан» (капитан Х.Турсунов), «Ўзбекдан чиққан қаҳрамон» сингари мақолалар юксак савияда ёзилган. Фронт газеталари учун хос бўлган тезкорлик, ихчамлик, ишонч, садоқат руҳи оддий, равон, тушунарли жумлаларда талқин этилади. Кўпгина хабарларда уруш алангаси, қиргин шарпаси рўйирост сезилиб туради. Бу манзарани иккинчи жилднинг 3-боби – «Фронт ҳақиқати» газетасида ҳам кўриш мумкин.

«Фронт ҳақиқати» иккинчи Белоруссия fronti газетаси эди. Муаллифнинг мунтазам изланишлари самараси ўлароқ «Фронт ҳақиқати»нинг 1944 ва 1945 йилларга оид бир неча сонлари мундарижасидан ўрин олган. Газета 1945 йил 5 июлдан «Галаба байроги» номи билан чиқа бошлаган. Турли фронт марраларидан тиш-тирногигача қуролланган фашистларга қарши курашаётган улугвор армия жангчилари сафида ўзбек аскарлари тутган ўринни далиллашда ўзбек тилида нашр этилаётган газеталар муҳим аҳамият касб этиши табиий. Шу жиҳатдан, «Нурмуродов расчёти душман батареясини яксон қилди», «Ботир майдонда синалади», «Фронт! Ўзбекистонни эшит!», «Армиядан бўшовчи билан суҳбат» сингари мақолаларни зикр этмай бўлмайди. «Сержант Каримжон Пардаев Улуг Ватан урушида миномётчи бўлиб жанг қилди, – деб ёзади кичик сержант Ш.Мамажонов, – жангларда намуна кўрсатиб уч марта ҳукумат мукофоти билан тақдирланди. Пардаев 1939 йилдан буён Қизил Армия сафида хизмат қилиб келди. У ҳозир уч марта яралангани учун армия сафидан бўшаб жонажон Ўзбекистонга, Сурхондарё областига кетмоқда».

«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» трилогияси сабабли менда шундай фикр тугилдики, мамлакатимизда оммавий тадқиқот – оилавий изланиш энди амалга ошиши мумкин.

Дейлик, сурхондарёлик Карим Пардаевнинг авлодлари мазкур китобни ўқишлари, боболари ҳақидаги ҳақиқатни фронт газеталари мақолалари эътирофи туфайли билишлари, бу ҳақда ёзишлари, мавзуни давом эттиришлари имконияти бор. Кўплаб ворислар Рустамбек Шамсутдинов уч жилдлиги саҳифалари орқали ўз сулавий тарихини ойдинлаштиришлари мумкин.

### 3

Трилогиянинг учинчи китоби илмий, тарихий ва бадиий аҳамияти янада залворлироқ. Гап фақатгина ўзбек тилидаги ҳарбий газеталарнинг 1-Белоруссия frontiда («Қизил Армия»), Хабаровскда («Бонг», «Сталин байроги») мунтазам чиқиб турганлигида ҳам эмас. Муҳими, муаллифнинг тадқиқотчиликда муқояса усулига мурожаат қилганлигида, аниқланмаган ўзбек қаҳрамонлари исми-шарифларини жамоатчиликка тақдим этганлигидадир. Бунга қадар нашр этилган «Хотира» китобларига кирмай қолган уруш қатнашчиларининг маълум қисми, муаллиф таъкидлаганидек, «Фронт ҳужжатлари» мисолида аниқланади. «Совет Иттифоқи Қаҳрамони Одилбек Раҳмонов Ўзбекистон тарихидан жой олган, «Хотира» китобларида келтирилган ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари рўяхатига киритилмай қолганлиги ва жамоатчилик бундан беҳабарлиги маълум бўлди. Шунингдек, «Қизил Армия» газетасида ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига эга Ш.Сулаймонов, Ҳасан Эркаевлар ҳақида Ўзбекистондаги «Хотира» китобида ҳам, бошқа манбаларда ҳам индалмаган. Демак, Ўзбекистон бўйича Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига мушарраф бўлган юртдошларимиз сафи яна 3 нафар (Ш.Сулаймонов, Ҳасан Эркаев, Одилбек Раҳмонов) Совет Иттифоқи Қаҳрамонига кўпайди».

Бу ҳазилакам топилма эмас. Урушда қон кечган, ҳаётини хавфга қўйиб, ўта муҳим вазифани адо этиб, юксак унвонга эга бўлган уч қаҳрамон ҳаётда бўлган бўлса-ю, унинг юртдошлари то ҳозирга қадар бундан беҳабар бўлса! Буни илм ёғдуси, тадқиқотчилик толеи, қаҳрамонликнинг мангулиги дейиш ўринли.



«Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» мажмуасининг 3-китоби икки салмоқли бобдан иборат. Биринчи – «Қизил армия» газетаси» бобида газетанинг 1944 йилги сонлари босилган мақолалар, хабарлар, очерклар, шеърлар жамланган. Газетанинг 81 сони топилиб, илмий муомалага киритилган. 1944 йилга қадар чиққан 26 сон эса келгувчи изланишларни кутиб турибди. Газетага Н.С.Потанов масъул муҳаррир бўлган. Кейинчалик бадииятда танилган Мирзакалон Исмоилий, Ж.Азиззонов, М.Холбеков, олимлик даражасига кўтарилган Ҳабиб Турсуновлар ҳам тахририятда хизмат қилганлар.

«Қизил Армия» фронт газетасида Совет кўшинларининг душманга қарши олиб борган жанговар ҳаракати изчил ёритиб борилган. Асосан, эришилаётган ютуқлар аскарларга тезкор етказилиши мақсад қилинган. Саҳифаларда ёзишмалар, фронтдан юртга, Ўзбекистондан фронтга, азиз фарзандларга йўлланган хат-хабарлар ҳам мунтазам босилиб турган. Бу пайтга келиб фронторти ҳаёти ҳам кенг талқин этила бошланган. Уруш ва уруш орқасидаги қайноқ меҳнат жабҳаларини ҳикоя қилувчи мақолалар кўпая бошлаган, суратлар берилган. Газета таъсирчанлиги бир қадар ошган. Бир сўз билан айтганда, «Қизил Армия» газетаси 1944 йилнинг руҳи ва манзараси, барометри ва ойнаси эди.

Газетанинг 1944 йил 11 февраль 12 (117)-сонида «Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари» рукнида «Тўхтасин Бобоев» мақоласи босилган.

«Днепрдан ўтилиши мўлжалланган жойни шу кеча разведка қилиш керак эди, – дейилади мақолада, – командир бу масъул вазифани младший сержант Тўхтасин Бобоевнинг бўлимига топширади. Разведкачилар кенг дарёдан шарпасиз сузиб ўтиб, ўнг қирғоққа чиқдилар.

– Окоп қазиб беркининглар! – дея Бобоев жангчиларга буюрди.

Қаҳрамон Тўхтасин душманнинг мудофаа системасини синчиклаб разведка қилгач уч жангчи билан душман траншеясига бостириб кирди ва автомат ўқлари ҳамда гранаталар билан ўнта гитлерчини ўлдирди».

Газетанинг 1944 йил 29 февралдаги 18 (123)-сонида халқ шоири Фозил Йўлдошнинг

«Жангга, ботирлар» деган шеъри босилган. Шеърда шундай сатрлар бор:

*Қўрқув нима билмас дадил юрагинг,  
Йўлбарс каби кучли сенинг билагинг.  
Қўлларингда мажақланар врагинг,  
Ватанимни сақлаш эрур тилагинг.  
Мақсадимиз элни асраш, армия!*

«Марду майдон қизлар» (1944 йил 7 март) номли мақолада хизмат бурчини шараф билан бажараётган ўзбек қизлари – капитан Собира Мажидова ва старший лейтенант Марям Юсупова жасорати зикр этилади. Бу иккала тиббий хизмат зобитлари ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, ўқ ёмгири ёғиб туришига қарамай, қанчалаб ярадор жангчиларни, офицерларни елкалаб муҳораба майдонидан олиб чиққанлар. Мақола таниқли журналист Мели Жўра томонидан ёзилган.

«Қизил Армия»нинг 1944 йил 21 мартда чиққан 24 (129)-сонида жуда қизиқарли, ўқишли ва муҳим тарихий аҳамиятга эга. Унда Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуровнинг «Она юртимда» деган мақоласи ва шоир Ҳамид Гуломнинг Аҳмаджон Шукуровга бағишланган «Арслоним келди» деган шеъри босилган.

Иккинчи жаҳон уруши охирига, советларнинг қўли баланд келаётган, тинкаси қуриган ўлкалар, шаҳарлар, қишлоқлар бирин-кетин озод қилина бошлаган эди. «Қизил Армия» саҳифаларида бу ўзгаришлар изчиллик билан ёритилган. Газетанинг 1944 йил 4 апрель 28 (133)-сонида «Қардошлик ёрдами (Ўзбекистон колхозчиларининг Украина колхозларига инъомлари)» сарлавҳали хабар босилган. «Ўзбекистон колхозлари Украинанинг озод қилинган районларига қардошлик ёрдами тариқасида бир эшелон от юбордилар. Яқин кунларда Андижон ва Тошкент областларидан 2000 бош қўй ва 300 бош иш ҳайвони жўнатилади. Озод қилинган районларда чорвачиликни тиклаш учун Ўзбекистон колхозлари 9 минг бош иш ҳайвонлари инъом қилдилар».

Қиргинбарот уруш галаба билан тугашига бир йилча вақт қолганида газетанинг 1944 йил 31 май сонида «Навоий ижодиётига бағишланган илмий сессия» деган хабар босилган. «Ўрта

Осиё давлат университетининг филология факультети ва тарих-филология илмий-текшириш институти 8 – 9 майда Алишер Навоий ижодиётига бағишланган илмий сессия ўтказди. Сессияни САГУ ректори, академик Т.А.Саримсоқов очди», – дейилади хабарда. Сессияда СССР ФА мухбир аъзоси В.М.Жирмунский «Навоий ижодиётининг дунё аҳамияти» деган мавзуда маъруза қилади. Профессор А.А.Семенов, шоир Шайхзода ҳам анжуманда маърузалари билан иштирок этадилар.

«Қизил Армия» саҳифаларида босилган бу каби хабарларнинг илмий қиммати жуда катта. Навоийшунослик тарихини ўрганишда ҳозир ҳам муҳим манба саналади.

Уч жилдликнинг 3-китоби иккинчи боби Узоқ Шарқ фронтининг «Бонг» номли газетаси материалларига ажратилган. Профессор Рустамбек Шамсутдинов эътирофича, 1944 йилнинг 4 апрелидан 14 майга қадар «Бонг»нинг 32 та сони нашр этилган. Узоқ Шарқда ҳарбий хизмат бурчини ўтаётган ўзбек аскарлари фронт ва фронт ортидаги фидокорона меҳнатни тезкор ёритувчи хабарлар билан таништириб борилган. Мақолаларнинг умумий мундарижасига назар ташланса, мақолалар кўлами манзараси ойдинлашади. Масалан, саҳифаларда берилган «Фаргона шаҳри обод бўлмоқда», «Москвада ўзбек адабиёти, санъати ўнқунлиги», «Узоқ Шарқ чиниқиши кўп фойда беради», «Ўзбекистон пўлати», «Аравакш Баҳромов жангга тайёрланмоқда», «Мангу яшайди», «100 миллион сўм ютуқ пули» каби мақола ва хабарлар диққатга сазовор. Шу билан бирга, жангу жадаллар ҳақидаги хабарлар ҳам босилиб турган. «Ўзбек қизининг ботирлиги. Раҳима Алимова Совет Украинаси учун бўлаётган жангларда ботирлик кўрсатмоқда», «Мангу яшайди. Совет Иттифоқи Қаҳрамони Тўйчи Эрайигитов жанги», «Қизил конверт» (Совет Иттифоқи Қаҳрамони Аҳмаджон Шукуровнинг блокнотидан) сингари жанговар ҳарбий мавзудаги мақолалар катта аҳамиятга эга.

«Бонг»да ҳам ватанпарварлик, мардлик ҳайқириқларининг, чинакамига бонг бўлиб

янграган шеърларнинг мафкуравий, маънавий қиммати бўлакча. Газетанинг 1944 йил 9 май (38-сон) сонидан Абдулҳай Ризонинг «Ёринг келур» газали чоп этилган. Рустам Абдурахмоновнинг «Бораман», Уйғуннинг «Онт» манзумалари ҳам босилган.

Учинчи жилдда жамланган материаллар кўлами, долзарблиги, аҳамияти билан олдинги икки китобни тўлдиради. Мақола ва хабарлар, очерклар 1943 – 1945 йилларда ҳарбий давр ўзбек матбуоти бениҳоя улуғвор масъулиятни шараф билан адо этганлигини намоён қилган, отишмалардан-да қийинроқ ишни уддалаганлигини кўрсата олган.

\*\*\*

Тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, давримизнинг сермахсул алломаси Рустамбек Шамсутдинов «Иккинчи жаҳон уруши ва фронт газеталари» уч жилдлигини жамоатчиликка, илм-фан аҳлига, тадқиқотчиларга, тарихимизнинг ёш мухлисларига тақдим этганлиги маданий, илмий ҳаётимизда улкан воқеа бўлди. 9 май – Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Тошкентда, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида асарнинг тақдими бўлиб ўтди. ЎЗА муҳбири Б.Мелиқулованинг «Тарихдан сўзловчи асар» деган хабарида айтилганидек, «китобни тайёрлашда даврий матбуот материаллари, архив ҳужжатларидан фойдаланилган. Уч жилддан иборат асарда ҳали оммага айтилмаган маълумотлар ҳам келтирилган».

Уч жилдликнинг маънавий-маърифий қиммати, илм-фан ва маданиятимизда тутган ўрни беқиёс. Уч китоблик мажмуа фақатгина тарихий манба бўлиб қолмасдан, ўтмишдан сабоқ, келажакдан огоҳ қилиб турадиган маёқ вазифасини ҳам ўташига ишончим комил. Мажмуада жам этилган хазина ҳали тўлдириб, мукаммаллаштириб борилади. Муаллифга, ваъда қилганидек, навбатдаги 4-жилдни ҳам яратишда зўр муваффақият, бардамлик тилаб қоламан.



# БУЮК АЖДОДИМИЗГА МУНОСИБ ЭҲТИРОМ

*Буюк шоир, носир, драматург ва таржимон, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Абдулҳамид Чўлпон таваллудининг 120 йиллиги олдидан.*

Б.В.Ҳасанов

XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда вужудга келган жадидчилик ҳаракати намояндалари М.Беҳбудий, М.Абдурашидхонов, Фитрат, Чўлпон, Элбек ва бошқалар Чор Россияси мустамлакачилиги зулмидан қутулишнинг истиқболли йўли сифатида маҳаллий халқни илм-фан асосларини эгаллашга чақирдилар. Улар қолоқ ижтимоий, иқтисодий, маърифий ва маданий аҳволдан чиқиш, миллий мустақилликка эришиш учун мактаб ва маориф тизимини ислоҳ қилиш, янги усул мактабларини очиш, миллий матбуот, миллий замонавий адабиёт ва миллий театр санъатини бунёд этиш сингари масалаларни ўртага ташладилар. Ўзлари биринчи бўлиб 1906 йилдан миллий газеталарни нашр

этдилар, «Турон», «Имдодия» каби маърифий жамиятларни туздилар. Мазкур жараёнда буюк шоир, носир, драматург ва таржимон Абдулҳамид Чўлпоннинг ижодий фаолияти алоҳида ажралиб туради.

XX аср ўзбек шеъриятининг энг забардаст вакили Абдулҳамид Сулаймон ўгли Чўлпон ўткир шеърияти, юксак таржималари, кучли драмалари, мумтоз романи ва халқ дардини ўзида акс эттирган публицистик мақолалари ҳамда кучли ижтимоий руҳга йўгрилган фаолияти билан ўзбек адабиёти ва миллий маданияти ривожига улкан ҳисса қўшди.

Чўлпоннинг ижоди 1913 – 1914 йиллардан бошланган бўлиб, у аввал «Қаландар», «Мир-





зақаландар», «Андижонлик», ниҳоят, Чўлпон (Тонг юлдузи) таҳаллуси билан ижод қила бошлади. У ҳам шоир, ҳам носир, ҳам драматург сифатида ўз халқи адабиёти равнақига салмоқли ҳисса қўшди. Чўлпон очеркнавис ва публицист сифатида ҳам баракали ижод қилди. 1914 – 1917 йилларда «Баҳор овуллари», «Ўш», «Ватанимиз Туркистонда темир йўллар» ҳамда «Дўхтир Муҳаммадиёр» каби асарлари билан маданият ва маърифат тарғиботчиси сифатида майдонга чиқди. Октябрь тўнтаришидан кейинги 1920 – 1924 йилларда ҳаётда содир бўлаётган хуш ва нохуш ўзгаришларни қаламга олди. Унинг «Йўлда бир кундуз», «Йўлда бир кеча», «Шарқ поезди келди», «Шарқ уйғонган», «Чимкент», «Қутурган мустамлакачилар», «Йўл эсдалиги» сингари ўнлаб саёҳат очерклари ва публицистик мақолалари яратилди. Мазкур асарларда чоризм мустамлакачилари ва маҳаллий ҳоким синф етказган жабру жафо, фуқаролар уруши даври офатлари, фожиалари, меҳнаткаш халқнинг азиятлари ёритилади.

Чўлпон 1922 – 1926 йилларда ўзининг «Тонг сирлари», «Уйғониш» ва «Булоқлар» каби учта шеърий тўпламини нашр эттирди. 30-йилларга келиб «Соз» ва «Жўр» каби шеърий тўпламлари тайёрланди. Аммо «Соз»и чоп этилади-ю, «Жўр» тўплами қатағон шамоли тузоғига илиниб қолиб кетади. Шоир тўпламлари орасида «Булоқлар» (1922) ажралиб туради. Унда шоир яхлит ҳолда мазлум Шарқ тақдири фожиаси ҳақида ўз қарашларини тўкиб солади. Тўплам беш бўлимдан иборат бўлиб, «Шарқ учун», «Сезгилар», «Севги», «Қора йўллар» ва «Қор қўйнида» деб номланади. Шоирнинг ўзи қайд этишича, мазкур шеърий гулдаста «Жаҳон фотиҳлари чанғалида

эзилиб ётқон Шарқ ўлкаларига бағишланадир».

1925 йилларга келиб унинг «Менинг товушим», «Куз», «Бузилган ўлкага», «Юпатмоқ истаги» каби дардчил шеърлари ёнига «Қизил байроқ», «Халқ», «Қўзғолиш», «Қор», «Бир тилла кўнғиз», «Япроқ учун» каби файзли шеърлари қўшилди. Шоир яратган икки юздан ортиқ шеърий асарлар ўз халқи, юрти бахти, келажаги, мустақиллиги, озодлиги ҳақидаги курашнинг адабий солномаларидир.

Чўлпон йирик носир сифатида ўнлаб публицистик мақолалар, очерк ва ҳикоялар, «Қор қўйнида лола», «Ёв» қиссалари ва «Кеча ва кундуз» (1938) каби ажойиб романнинг биринчи («Кеча») қисмини нашр эттирган.

У драматург сифатида ҳам салмоқли ижод қилган. «Халил фаранг», «Чўрининг исёни» каби кичик пьесалари, «Ўртоқ Қаршибоев», «Муштумзўр» каби етук драмалари ҳамда кўп вақт саҳнадан тушмаган «Ёрқиной» пьесаси машҳур бўлган. Шунингдек, рус ёзувчиси В.Ян билан ҳамкорликда «Хужум» драмасини яратган.

Чўлпон адабий танқид соҳасида «Шўро ҳукумати ва садойи нафиса», «Адабиёт надур?» каби мазмунли мақолалар ҳам ёзган. Серқирра ижодкор моҳир таржимон сифатида М.Горькийнинг «Она», А.С.Пушкиннинг «Дубровский» қиссаси ва «Борис Годунов» каби пьесаларини ҳамда В.Шекспирнинг машҳур «Ҳамлет»ини ўзбекчага ўтирган.

Чўлпон ўз даврининг қайноқ сиёсий жараёнларида фаол иштирок этди. Мустамлака шароитида миллатнинг маънавий қиёфасини сақлаб қолиш, миллий калорит белгилари ҳисобланган тил, маданият, миллий санъатни асраш, йўқ бўлиб кетиш хавфидан ҳамиша огоҳ қилиб келди.



Маърифатпарварлик ҳаракатининг гоъвий раҳнамози саналмиш Исмоилбек Ғаспирали билан ёзишмалар олиб борганлиги, Туркистон Мухторияти миллий мадҳиясининг айнан 20 ёшда бўлган Чўлпонга ишониб топширилиши ҳам шоирнинг ўз даврининг энг долзарб жабҳаларида фаол эканлиги, замондошларининг муҳаббати, ишончини қозона олганлигидан десак янглишмаган бўламиз.

Шуниси аҳамиятлики, Чўлпон кенг географик ҳудудда фаолият олиб борди. Андижонда тугилиб ўсган шоир Туркистон Мухторияти сабаб Қўқон шаҳрида, кейинчалик «Бухоро ахбори» газетасида ишлаганлиги боис Бухорода, сўнгра Тошкент ва бир қатор шаҳарларда илмий, адабий фаолият юритди.

Адабиётга маърифатпарвар сифатида кириб келган Чўлпон қаерда ва қандай лавозимда фаолият кўрсатганига қарамай, озодлик, тенглик, адолат, мустақилликнинг кўркмас куйчиси ва зулм, ёвузлик, босқинчилик, талончиликнинг ашаддий душмани сифатида шуҳрат қозонди.

Афсуски, ўзбек халқининг оташин шоири, эл фарзанди Чўлпон ҳам Фитрат ва Абдулла Қодирӣ каби қатагонлик сиёсати қурбони бўлган. У 1937 йилнинг 14 июлида қамоққа олиниб, 1938 йилнинг 4 октябрида отиб ташланади.

Чўлпоннинг авлодлар учун қолдирган илмий, адабий мероси ёш авлодда ватанпарварлик ва миллий руҳни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи томонидан 2018 йил 24 майда Абдулҳамид Чўлпон та-

валлудининг 120 йиллигига бағишлаб «**Чўлпон адабий меросининг ёш авлодни ватанпарварлик, миллий тараққиёт ва фидойилик руҳида тарбиялашдаги аҳамияти**» мавзуида ўтказилган республика илмий-амалий анжумани буюк аждодимиз хотирасига муносиб эҳтиром бўлди.

Илмий анжуманда Чўлпоннинг адабий мероси, адабий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари, театрчилик ва таржимонлик фаолияти мустақиллик даври талаблари асосида ўрганилди.

Анжуманда қуйидаги мақсад ва вазифаларни ҳал қилишга алоҳида эътибор қаратилди:

1. Чўлпоннинг жадидчилик, миллатпарварлик, тараққийпарварлик, эрксеварлик гоъялари билан сугорилган шеърий ижодини тадқиқ этиш.

2. Чўлпоннинг Туркистон Мухториятининг барпо этилишидаги иштироки ва мухторият гоъяларини тарғиб этишдаги ролини ўрганиш.

3. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романи ва ҳикояларида ўзбек хотин-қизлари тақдирини ўзгартиришга қаратилган гуманизм гоъяларининг ифодаланганини тадқиқ этиш.

4. Чўлпоннинг ўзбек миллий театри ва миллий драматургиясининг майдонга келишидаги хизматларини ўрганиш, ўзбек театрининг шаклланиши ва ривожланишидаги ролини белгилаш.

5. Чўлпоннинг рус ва жаҳон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилишдаги ва ўзбек таржима адабиётининг майдонга келишидаги хизматларини ўрганиш.

6. Чўлпоннинг янги ўзбек адабиёти ва янги ўзбек адабий тилининг яратилишидаги роли ва аҳамиятини белгилаш.

Анъанага кўра, республика илмий анжумани «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасидаги мустабид тузумнинг сиёсий қатағони қурбони бўлган эркпарвар, миллатпарвар, тараққийпарвар, мард ва жасур аجدодларимизнинг хотирасига ўрнатилган рамзий қабр олдида уларнинг руҳига ҳурмат бажо келтириш билан бошланди. Музей директори ёшларга ушбу мажмуанинг бунёд этилиш тарихига оид маълумотларни сўзлаб берди.

Анжуманда республикамизнинг таниқли олимлари, бир қатор давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳамда профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар иштирок этдилар.

Республикамизнинг етук тарихшунос, адабиётшунос олимлари Чўлпоннинг ҳаёти ва ижодига оид турли мавзуларда илмий маърузалар қилдилар. Хусусан, академик, филология фанлари доктори Н.Каримов «Назир Тўрақулов ва Чўлпон», филология фанлари доктори Ҳ.Болтабоев «Чўлпон «Бухоро ахбори» газетаси муҳаррири сифатида», филология фанлари доктори Н.Жабборов «Чўлпон шеърлятида тимсоллар олами», Андижон давлат университети тузилмасидаги Қатагон қурбонлари хотираси музейи директори, тарих фанлари доктори, профессор Р.Шамсутдинов «Чўлпон Мустафо Чўқай нигоҳида», филология фанлари доктори У.Ҳамдам «Чўлпон: роман ва муаммо», санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмад «Чўлпоннинг бир шеъри», филология фанлари доктори Д.Қуронон «Қор кўйнида лола» ҳикоясида композицион тафаккур», филология фанлари номзоди С.Тўлаганова «Кеча ва кундуз» романида «ичкари»даги ҳаёт талқини», ёзувчи Наби Жалолиддин «Чўлпон насрида истиқлол тараннуми ёхуд сўз жозибаси», филология фанлари номзоди, доцент О.Жўрабоев «Чўлпоннинг икки қўлёмаси» каби мавзуларда маърузалар қилдилар.

Республика илмий-амалий анжумани маърузачиларининг асосий қисмини адабиёт намояндалари ташкил этса-да, маданиятимиз ва тарихимизга қизиққан кенг жамоатчилик учун Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон яшаган давр, ундаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий жараёнлар, қолаверса, Чўлпон фао-

лияти, унинг насрий ва назмий асарлари мазмун-моҳияти ва ўзига хос жиҳатлари алоҳида мавзу сифатида таҳлил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театри актёрлари Ўзбекистон халқ артисти М.Абдуқундузов ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ш.Исмоилова томонидан Усмон Азим асари асосида саҳналаштирилган «Кундузсиз кечалар» спектаклидан парча намойиш қилиниши, Ўзбекистон давлат консерваторияси ёш санъаткор талабалар гуруҳи томонидан мумтоз куйларнинг ижро этилиши илмий анжуман иштирокчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу анжуман Ўзбекистоннинг мустамлака даври тарихи, жаҳид адабиёти тарихига оид мавзуларда илмий изланишлар олиб бораётган республикамизнинг ёш тадқиқотчилари илмий ютуқларини кенг жамоатчиликка етказишда ўзига хос нуфузли бир минбар вазифасини ўтади. Хусусан, Қатагон қурбонлари хотираси давлат музейи катта илмий ходими Б.Ирзаевнинг «Чўлпон ижодининг номаълум саҳифалари», Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети таянч докторанти С.Исломованинг «Чўлпон шеърларининг ўрганилишидаги муаммолар», тадқиқотчи Р.Ҳакимжонованинг «Ижтимоий мотивлар: Чўлпон ва Шавкат Раҳмон», Камолиддин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти таянч докторанти У.Мамаатовнинг «Тасвирий санъат усталари ижодида Чўлпон образи» мавзуидаги маърузалари нафақат талаба ёшлар, балки шу соҳанинг таниқли мутахассислари томонидан ҳам катта қизиқиш билан тингланди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур анжуман музей илмий ходимлари томонидан амалга оширилган «1937 – 1938 йиллардаги Ўзбекистондаги «Катта қиргин» (энциклопедия 1-қисм)» мавзуидаги илмий-амалий давлат дастури билан боғлиқ.

Умид қиламизки, анжуман иштирокчиларининг илмий маъруза ва ахборотлари мазкур даврни сиёсий, ижтимоий, адабий ва фалсафий жиҳатдан тадқиқ қилиш, тарихий жиҳатдан тўғри хулосалар чиқаришга замин яратади.